

ОТАЁР

**ҚУЁШНИ ҚЎРГАЛИ
КЕЛДИМ**

ЭССЕ

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1991

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қайта ишланган, тўлдирилган нашри

Отаёр.

Қуёшни кўргали келдим: Эссе.— Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991.— 208 б.

Отаёрнинг «Қуёшни кўргали келдим» номли эссеси Ўзбекистон ССР халқ шоири, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоғистон АССР Давлат мукофоти лауреати, кўп миллатли совет адабиётини ўзининг бетакрор шеър ва достонлари, пьеса ва насрий асарлари, қўйма таржималари, ўткир публицистикаси билан бойитган устоз Миртемирнинг ижоди ва фаолияти ҳақида ёзилган бадиий қиссадир.

Китобда қаламга олинган барча воқеалар: Миртемирнинг болалиги, мухитга муносабати, у яратган улкан мактаб пиллапоялари, шогирдлари билан мулоқоти, ижод машаққати ва меросга ҳурмат, адабий алоқа қудрати, устоз сабоқлари... барчаси қизиқарли далиллар билан хикоя қилинган. Айни пайтда ўқувчи толмас коммунист, самимий инсон Миртемир домланинг ижоди сирлари билан ошно бўлади, унинг ажойиб ва ибратли ички дунёсига кириб боради.

Отаёр. Я появлюсь с солнцем: Эссе.

ББК 83. ЗЎз

А 4702620201—63 25—90
М 352 (04)—91

© Отаёр, 1991 й.

ISBN 5—635—00457—1

Биз Миртемир сиймосида
Ўзбек адабиётини кадрлар
эдик.

Чингиз Айтматов

МУҚАДДИМА

Одатда, қуёш чиқаётганда ва ботаётганда катталашади, кундузи тепада нур сочиб туради. Ўзбек совет поэзиясида Миртемир ижоди ҳам қуёшнинг ана шу ҳолатларига менгзагуликдир. У сўнгги нафасигача халқ ишончини оқлади: эл-юртини жон-дилидан сева билди, куйлади. Куйлаганда ҳам дилларга етказиб, қойилмақом қилиб куйлай олди. Ўзини эл қаторида санарди, ҳар қаерда ўзини эл билан бирга биларди. Камтарлигидан бир шеърида «Умрим оддийлардан оддийроқ...» деб куйлаган эди. Нимаики ёзса, ўтмишга самимият билан боқар, бугунни ўтмиш билан солиштирар, шу кўйи айтаётган гапини исботлагувчи эди.

Ўзини ҳаминша халқидан қарздор билган Миртемир таржимаи ҳолида ёзди: «Бошимга синоғлиқ кунлар ҳам тушди. Лекин ёзишдан, таржимадан ҳеч қачон тинмаганман. Уринаман, изланаман, ўрганаман. Ҳали мен ёзув столига астойдил ўтирганим йўқ, ҳали халқимга айтишим керак бўлган гапни айтолганим йўқ. Мендан нон ва туз аямаган, ҳам шараф бағишлаган халқимга ҳали мен кўп қарздорман».

Ўзини Миртемир шогирдлари қаторида кўра олган, эндиликда ўзи ҳам устозлар сафида бўлган Зулфия деди: «Миртемир чинакам инсон эди. Мен энг маънос онларида ҳам Миртемир ўз ўқтамлигини йўқотмаганлигини кўрганман... Миртемирнинг ўзи аслан чўнгликдан — юксак Қоратоғнинг яғринидан... Унинг қоядай

қуйма шеърлари яхлит мазмун, чарақлаган ғоя, пок аланга билан ёнган ҳислар, халқнинг бой тилидан таркиб тошган».

Миртемир вафот этди!..

Ўша йўқлов онларидаёқ Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмаси — бутун ўзбек халқи кўп қатори Чингиз Айтматовдан шундай таъзиянома олди: «Биз учун қадрдон Миртемир ака вафотини чуқур қайғу билан эшитдим. Ажойиб инсон, ёрқин истеъдод, туркий адабиётлар ва туркий тиллар билимдони Миртемир ака орамиздан кетди. Оқсоқол Миртемир хотираси олдида бош эгаман!»

Миртемир вафот этди. Аммо, унинг қуёши ботгани йўқ.

БИРИНЧИ БУЛИМ

ҚУЁШНИ КУЙЛАЙМАН



Буюк денгизда асов тўлқинлар исён наърасини тортиб ўйнаганда, биз уйқу кучоғида эдик. Тўлқинлар қирғоқларга лараа берганда кўз очдик...

МИРТЕМИР

СУЮНЧИ

Қоратоғ этакларидан шовуллаб тушгувчи сойлар Туркистоннинг Эски Иқон ҳамда унинг теварак-атрофидаги Ибота, Чаға, Тошаноқ сингари қишлоқлари бағрига сиғиб кетади. Ўркач-ўркач булутлари қаёққадир шошаётган осмон, саратонда жимирлаган ҳовур, сертупроқ йўлларга тушган турли излар, сал эпкинда ҳам от ёлидай таралиб солланган бугдойзор... Буларнинг барчаси киши қалбини орзиқтиради, хаёлни олис-олисларга етаклайди. Эски Иқон кўчаларида одам сийрак. Бировлар Қоратоғ этакларида чорва билан овора, аксарият аҳоли бугдой ўроғида.

...Минг тўққиз юз ўнинчи йили ҳосил мўл бўлди — одамларни шошириб қўйди. Кўплар тунлари далада ётиб қолар, тонг бўзарар-бўзармас яна ишга тушиб кетар эдилар. Шундайлар орасида Турсунмуҳаммад Умрбек ҳожи ўғли ҳам бўлиб, қўли ишда-ю, фикри-зикри қишлоқда — уйида эди: ёстикдоши Тўти ёлғиз. Унинг ой-куни яқин. Хотинининг асли исми Моҳирўй бўлса-да, негадир ҳамма, ҳатто ўзи ҳам Тўти деб чақиради.

Турсунмуҳаммаднинг ҳаётидан кўнгли тўқ. Туриш-турмуши бошқаларникидан кам эмас. Деҳқончилик қилади, мол-ҳоли етарли. Фақат, фақат худо уни фарзанддан қисиб қўяётганидан еган-ичгани татимас, кун сайин одамови бўлиб бормоқда эди. Тўнғичи Абдулхамидни умри билан бермаган экан — кетди-борди. Сўнг Турсунмуҳаммад Маккага ҳажга ҳам бориб қайтди. Иккинчи ўғлининг отини Ҳожимурод қўйди. У ҳам турмади... Мана, ҳозир Моҳирўй яна ҳомилали. Туғилди-ўлди, келди-кетдидан юрак олдириб қўйган Турсунмуҳаммаднинг безовталиги шундан.

У чошгоҳ бўлиб қолганини одамлар нонуштага отланаётганида ҳам сезмади. Манглайдан тер сизиб, ўроқ тортаверди. Бир замон қулоғига синглиси Биби Саҳронинг чинқириви эшитилдию ҳаракатсиз қотди-қолди. Синглиси олисдан қулочини ёзиб, нималардир деб чопиб келар, унинг нима деб қичқираётганини Турсунмуҳаммад эшитмас, эшитгулик аҳволда ҳам эмас эди. Синглиси жуда яқин келгандагина ўзини тутиб олди.

— Суюнчи, акажон, суюнчи! Ўғил!.. Эшитяпсизми? Нима бўлди сизга, ўғил деяман!

Турсунмуҳаммад бугдойи ўриб олинган ангорда ўтлаётган саманига қандай минганини билмайди. Ҳовлисига елдай учиб бордию отдан сакраб, доя момонинг ҳай-ҳайлашига қарамай, хотини ётган хонага отилди.

— Раҳмат, энаси!..

Моҳирўй эрига маъюс термулиб, хўнграб юборди. Шўрлик аёлни икки фарзанднинг доғи бутунлай довдиратиб қўйган, бунисининг умри ҳам омонатдай кўриниб, кўнглини безовта қилмоқда эди.

Эртаси куни Турсунмуҳаммад хонадонида одамлар гавжум бўлиб қолди. Янги меҳмонга аталган қўй сўйилиб, қишлоқ оқсоқоллари, катта-кичик йиғилиб келди. Эл тарқалиш олдида Турсунмуҳаммад оқсоқолларга оқлик қўйиб, удумга кўра, фарзандига исм тилади. Бундай маърака элда тиловлик деб аталарди. Оқсоқоллар бир майдон ўзаро келишиб-фикрлашиб, гаплари гапларига қовушмай туришди. Ахийри, кексалардан бири сўз бошлади:

— Қариндошлар, бизнинг Туркистонимизга бурунги замонларда Амир Темур подшо келиб, Хўжа Аҳмад қабрига ўзларинг билган гаройиб мақбарани қурдирган экан. Ана шу қадамжо неча юз йиллар ўтса ҳам қад кўтариб турибди. Келинлар, Турсунмуҳаммад ҳожининг шу ўгли ҳам яшаб-туриб қолсин, оқ фотиҳа бериб, исмини Миртемиршо қўяйлик.

Бу исм ҳаммага маъқул тушди. Йигин тарқалди.

Шу-шу, Турсунмуҳаммаднинг минг тўққиз юз ўнинчи йил бугдой шишиғида туғилган ўгли Миртемиршо аталиб яшай-верди. Турган гапки, бу норасида келгусида даврининг миллий шеърдаги подшоҳи, атоқли халқ шоири, Миртемир деб ном тарафган эъзозли эл ўгли бўлиб етишиши ўшанда ҳеч кимнинг тушига кирмаган. Бироқ, шундай бўлди: ўша оила, ўша қурама қишлоқ, ўша қадим Туркистон табиати ва одамлари Миртемирнинг эзгуликка ташна покиза қалбига аста-аста қуёшдай катталаниб кирди. Бу ҳақиқат шоирнинг 1934 йили ёзган «Қуёш ҳақида» деб аталган шеърида ҳам акс этган:

Мен ерга қуёшни кўргали келдим.
Бироқ у қулмаган бўлса ўшал кун
Куйлагум, куйлагум қуёш ҳақида,
Тароналар тўқиб, солгум садо-ун...

Миртемир ёшлиқдан қуёшни, нурли борлиқни тўлдириб куйлади. Нури йўқ жойни кўрса — бор бўлсин деди! Ўша шеърда у яна: «Дарвозаларнинг пешоналарида елпираган туглардай, бир қудрат таратолсин қичқириқларим», дея ўз маслағида собитлигини таъкидлади.

У не замонлар мудроқ, ҳорғин ва чарчоқ, тоқ, шўрлик ва тарқоқ бўлган, лекин ленинчи инқилобдан қудрат ва илҳом олган, ямоғу қуроқлиги, чанқоқлиги бас бўлган юртини куйлаб, унинг фазилатларидан фахрланиб, одамларини ардоқлаб ўтди.

ЗАЙНАБ МОМО ЎГИТЛАРИ

Биби Саҳро акасига суюнчига борганда ўн уч яшар қизалоқ эди, тақдир тақозоси шу бўлдики, Миртемир туғилганда у қанчалик қувониб, вояга етказиб суюнган бўлса, Миртемирини сўнгги манзилга узатаётганда саксон ёшдан ошган Биби Саҳро шунчалик куюниб, ғариб бир аҳволга тушиб қолди. Тақдир тақозоси шу бўлдики, Миртемир ҳаётда Биби

Сахро бувига фарзандгина бўлиб қолмади, балки суюкли куёв сифатида ҳам меҳрини қозонди.

...Йигит ёшидаги Миртемир олис айриликли сафардан қайтиб келгач, Турсунмуҳаммад синглиси Биби Сахрога маслаҳат солди.

— Миртемири ўзинг катта қилдинг, синглим. Онаси шўрлик ҳузурини кўролмади... Болам бечорага онаси қабрини кўриш ҳам насиб этмаган экан... Энди, шу қизинг Ёрқиной билан Миртемирнинг бошини қовуштириб қўйсақ бўлармиди...

Биби Сахронинг кўзи ёшга тўлди. Қувончданми, ўкинчданми — буни айтолмайди. Ҳартугул, икки фарзанди ҳам ёнида бўлишидан, орзу-ҳаваси ушалаётганидан кўнгли хаприкқани рост.

Алқисса, тўю томоша, расм-русуми жойига қўйилиб, Миртемир билан Ёрқинойнинг никоҳ тўйи бўлиб ўтди.

Ушанда 1935 йил эди...

Ака-сингил Турсунмуҳаммад билан Биби Сахронинг қуандалик қилишларига оналари Биби Зайнаб ўғитлари ҳам сабаб бўлгандир, эҳтимол. Эски иқонлик Умрбек ҳожи Усмон ўғли Биби Зайнабга уйланаётганда ёр-дўстлари орасида: «Сенга бошқа қиз куриб қолувдими?» — деганлар ҳам топилган экан. У замонларда ҳам қизлар паражи-чачвонга қанчалик ўраниб, юришмасин, қишлоқ йигитлари қайси қизнинг хусни қанақаю феъл-атвори қанақалигидан бохабар эканларда! Зайнабнинг шаддод ва қақажонлиги Умрбек ҳожига биродарларининг ҳалигидай таъна қилишларига баҳона бўлган. Лекин Зайнабни ёқтирган Умрбек ўз аҳдидан қайтмаган. Кейинчалик қишлоқдаги иззат-икромли хонадонлардан бўлиб танилган бу оилада беш қиз ва бир ўғил — Турсунмуҳаммад дунёга келган.

Ўғлини еру кўкка ишонмаган Умрбек ҳожи уни ҳеч нарсадан ўкситмай ўстиради. Бўй етгач, Исомиддин домла деган маърифатли одамнинг Моҳирўй исмли ойдек қизига уйлантиради.

Биби Зайнаб фарзандларига ўрни-ўрни билан қаттиққўл ва меҳрибон бўлганидан фарзандлар ҳам оналарининг нима дейишини кўз қарашиданоқ илғаб олишарди. Одамлар Биби Зайнаб бош қўшган маъракаю давра кўнгилдагидан ҳам зиёдроқ ўтишига одатланиб қолганлар, лекин унинг ҳурматини жойига қўйганлар. У бирор жойда дидга ўтиришмаган ҳодиса устидан чиққудек бўлса, ҳаммаёқни алгов-далгов қилиб юборар, айниқса, болақайларга озор берганини жини суймасди.

Миртемир момосининг бу фазилатларини кейинчалик «Момом» деган тўртлигида таърифлашга жазм этган:

Момомнинг отини Зайнаб, дердилар,
Келади чақичин чайнаб, дердилар.
Келса ҳам келсин-да, булоқдай димиб,
Келмасин қумгондай қайнаб, дердилар.

Шоирнинг «Бувим чўпчакларидан» туркумига кирган талай шеърлари Биби Зайнаб момонинг ўғитлари, у айтган ривояту эртак, халқ ҳикматлари таъсирида туғилгани сир эмас.

Миртемирнинг Тошкентга келиб, ўз йўли ва ўрнини тошиб кетишига ҳам Биби Зайнаб сабабчи бўлган. Дастлаб бобоси Исомиддин ҳожи қўлида, олти ёшидан эса Нўғай домлада ўқиган Миртемирга эски мактаб таълими ёқмай, у ердан қочади. Шунда Биби Зайнаб момоси ҳеч кимга билдирмай уни Тошкентда ўқиётган неваралари — Ирисбек ва Бахромга қўшиб юборади.

— Тавба! — деган эди Миртемир домла. — Мендек шум-така бир «қочоқ»қа бувимнинг ўшанда нега бунчалик меҳрибонлик қилганига ҳали-ҳали ҳайрон қоламан. Бизлар шошиб турибмизу, шўрлик бувим бўлса куймана-куймана иссиқ нон ёпиб, бўғирсоқлар пишириб, йўл халтамызга жойлаб қўйгани кечагидай ёдимда... Ундан кейин десангиз, Тошкентда янги ҳаётим бошланиб кетди, анча пайтгача амакиларим, айникса, Бахром ҳолимдан тез-тез хабар олиб турди. Ўша амаким урушда ҳалок бўлди. Ундан уч қиз, икки ўғил қолди. Ўрнини билдирмадим. Болалари ҳозир уйли, оилали, тотувли... Қизларининг учови ҳам фан кандидати — дорилфунунда, устоз...

Устод сўзлаяптию мен унинг ўғил-қизлари, яқинлари, умуман ҳаммага ҳам бирдек — доимо ёрдамга шай туришини, меҳри уммонлигини дилимдан ўтказаман, фарзандлари — Дарижон, Юлдузхон, Миржалол, Мирзо, Гулнорани очилиб-сочилиб эркалаганини кўрмаганимни эслайман. Оила аъзолари даврасида ҳам, шогирдлари қуршовида ҳам у доимо сипо, талабчан, ғамхўр, бироқ бу фазилатлар ҳеч қачон зўраки бўлган эмас.

— Ҳар бир нарса, ҳар қандай хатти-ҳаракат, муомала асло одоб чегарасини, меъёр сарҳадини бузмаслиги керак. бўтам! — деб уқтиришни яхши кўрарди домла. — Ахир, ўйланг, сизнинг елкангизга қосиб: «Сиздан зўри йўқ, ажойибсиз, етилиб қосисиз!» деб мактавга ўрайверсам... Хўш, ундан кейин нима бўлади? Эртага ўтолмай, индинни кўришга сабрингиз чидамай бир замбил лой бўласиз — шу! Фарзандларимга

муносабатимни эслатдингиз. Тўғри, уларни ҳадеб ялаб-юлқайвермайман. Олган ҳар нафасимда улар нафасини туяман. Чинакам бир отачалик меҳрим, шулар тугилибдики, шулар билан бирга. Улардан кўнглим хотиржам — ҳеч бири ранжитгани йўқ мени...

Кўзларимга ёш қўйилиб келади. Домла бу гапларни менинг юзимдан ўтолмай айтаётганини сезиб тураман. Бўл-маса, домла шахсий кечинмаларини бу қадар ёйилиб айтадиганлардан эмас эди. Лекин домланинг бу гапларни айтаётганидан қандайдир мақсадни кўзлаганини ҳам сезиб тураман. Мана, ўйлаганимдай бўлди. Домла гапига яқун ясаб, дейди:

— Шундоқ гаплар, бўтам... Шоир ҳам шеърларига шундай муомалада бўлиши керак: уларни тугилгандан ҳадеб эркалатавермаслиги, ҳаммага кўз-кўз қилиб мақтайвермаслиги зарур. Аксинча, уларга ҳар гал назар солганда ҳар бирини тежаб-тергаб, у ер-бу ерини тўғрилаб, зиммасидаги бурч ва масъулиятни тагин ҳам кўтариб, шеърхон қаршисида қизариб қолмаслиги учун қайғуриб туриши лозим. Тушунгандир-сиз?..

Ким билсин, бу хислат ҳам домлага ўша кайвони Биби Зайнаб момодан юққан бўлса, ажаб эмас.

МЕН — СЕВГУВЧИ ЭДИМ

...Мунис онаизор бўғриқиб-бўртиб нон ёнади. Енгсақда дам-бадам кўли куяди-да, тандирдан тортиб, ух-ухлаб қўяди. Хивич той минган ўғилчаси тандир айланиб гижинглайди. Она унга атоқли патир узатади. Насибасини олган болакай дунё топгандай қувониб ирғишлайди.

...Йиллар ўтиб, она қишлоғи ёдига тушди дегунча танглайида ўша ҳар гал нон ёшилганда унга аталгувчи ўша патир таъмини туяди.

Бу хотиротлар аввал қоралама — наср ҳолида ифодасини топади. Кейин назм («Ҳали ҳам» шеъри) шаклини олади. Кейин сайқал топаверади, топаверади...

...Кексайган шоир армонлари ва ўйларининг ноёни йўқ. Гоҳо бедор тунлари уни ажал лақиллатади. Кўзига тобут ва бешик кўринади. Гўё кимдир эшик чертади, йўқ, чертмайди, асабий тақиллатади. Олис Туркистон, она қишлоқ ёдга тушади. Нодонликда, сарсонликда, гўлликда ва сўқирликда ўтган йиллар хаёлдан кечади. Ана, она ўчоқ бошида жилмайганча, заранг косада ҳалим гўжа сузаяпти. Гоҳо, қалами қўйлагидево оша ёниб, қўшни боғбон қизи мўралайди... Ё рамазон айтиб чопган болалар тўдасида ўзини кўради... Энди унинг

хаёлини замон кўринишлари, бугуннинг манзаралари забт этади... Яна қинғир кўчалар, мастлик суронлари, сув талашган маҳалла одамлари, совуқ сувда оқизоқ бўлган нон таъми ёдга тушади. Яна болаликда ҳар гал нон ёпилганда унга аталган ўша патир — кўнгилга қуёшдай кириб келгувчи ҳароратни ҳис этгандай бўлади. Икки юзи қуёшдай ёниб патир узаётган она сиймоси кўз ўнгидан кетмайди...

...Тун чироқлари олтин игналарини отади. Улар «лип-лип» ўтарлар. Поезд темир изларини соз каби чалиб олган тилади.

Шоир ёндафтарини олиб ёзиб қўяди: «Шу осмон остида айрилиқдай оғир ҳол йўқ-ку...»

Йиллар умр онларини юлиб олади. Хотиралар кечмиш дақиқалар ўчмас муҳрини босади. Шоир шеър битиш билан ўзини овутади. Дафтар варақалари тўлиб боради: «Кунга, тунга, тонгга бермай дам, иш кетади — шумикин бахтим?» Олис айрилиқли сафардан қайтгандан сўнг шоир «Қадах» шеърда кўнгил бўшатади:

Синов йўлни мардона кечганимга ичаман,
Ғуссаларимга кафан бичганимга ичаман,
Ҳаётда янги варақ очганимга ичаман,
Билган билсин, билмаган бўлсин оғох!

Дарё мавжларида тўлин ой жимжимаси кўзни қувонтиради — рақс тушади. Гўё бир тўп қиз хиром айлаяпти дейсиз... Ойдин туннинг ороми бузилган: зилзила бўлган каби шовқин-суронли. Паҳлавонлар кўпларга ўрнак — тупроқ тортади, гижирлатиб замбилгалтак суради, қулочкашлаб кетмон уради. Машғалалар алангаларида титроқ кўланкалар ўйнайди... Дарё таслим бўляпти, тўғон қуриляпти...

Уни яна илҳом ўз оғушига олади. Халқ жасорати ҳайрат сатрларини тизишга ундайди. Дилида мисралар пиший боради. Нимадандир қониқмайди. Лаблар яна пичирлайди. Бир пайт, кафт кафтга урилади. Ҳар галгидай ғурурли овоз учади: «Хўш!..»

ИҚОН ҲАҚИДА

Ҳа, мен туркистонлик. Туркистонданман.
Олис боболарнинг олтин тупроғи.
Мунгли ва жафокаш бир жаҳонданман,
Жафокаш жаҳоннинг қадим аймоғи.

Урта Осиёдаги муҳим ҳунармандчилик ва савдо марказларидан саналган қадим Туркистоннинг қачон барпо этилгани ҳануз аниқ эмас. Манбаларда қайд этилишича, IX—X асрларда Туркистон ўрнида Шавгар (Шоважар) шаҳри бўлиб, кейинроқ у Ясси деб ҳам аталган. Бу юрт анча давргача диний марказ сифатида шуҳрат қозониб, Ҳазрати Султон номи билан аталгани ҳам маълум.

— Булар ҳақида Биби Зайнаб бувимдан кўп эшитганман, — деган эди домла, қаддини тиклаброқ ўтириб. — Эшитганларимдан талайи бу юрт ҳақидаги ривоят ва эртақлардан, ғаройиб воқеалар тафсилотларидан иборат. Ўлмасам, уларнинг шеърий нусхасини қоралаш истагим ҳам йўқ эмас... Туркистоннинг Туркистон деб атала бошлагани тахминан XV асрга тўғри келади. Худди шу даврларда, яъни, XIV аср охири ва XV аср бошларида, Олтин Ўрдага юришлари даврида тасаввуфнинг атоқли сиймоларидан Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилган Амир Темур дахма устига улкан мақбара қурдирган. Махсус фармон билан катта маблағ сарфлаб бунёд этилган мақбара замонаси меъморчилигининг мўъжизаларидан. У ҳамон кишиларда ҳайрат уйғотиб келади. Буларни ўзингиз ҳам ўқиб билгансиз, талай манбаларда қайд этилган. Хуллас, менинг жиндак шоирлигим бор бўлса ва у элим қорига жиндак яраётган бўлса, демак, аввало халқимдан, мени чиндан ҳам шоир деб аташаётган экан, ҳали бу қутлуг номни оқларман! Шоирлигим хамиртуруши шу Туркистондан-да! Шу ер табиатидан илҳом олиб, шу ердан оламга назар солиб, шу элда бувим чўпчакларини тинглаб, катта ҳаёт йўлига учирма бўлганман-да!..

...Кумуш чашмаларнинг сирли бўйида тонг отиб келади. Чечаклар ханда отади. Шабнамлар майсалар баргида ялтирайди. Атрофга олтин «соч таратиб» қуёш чиқади. Шоир ана шундай олам оғушида кезаркан, гуссаларини бўшатиб, чарчоқ танасини енгиллатади, гамлар ўрнига умидлар экади...

Табиат қаршисида кезаётган шоир «Хўш...» деганча, алланималарни ҳавога ёзиб ўчиради, ўзича нималарнидир шивирлаб қўйди.

У Ленин замонасига етиб келган жафодийдалар бахтидан сўзлайди, ҳоришни тан олмайди...

Миртемир бирпас уёқдан-буёққа юриб, тўхтайтиди.

— Қўрқоқларга бахт қаёқда дунёда.

Ўз овозидан ўзи чўчиб тушган ёш шоир атрофга аланглай-

ди. Ҳеч ким йўқ. Яна ўйга толади. Яна ўзича нималарнидир шивирлайди. Ҳавога бармоғи ила аллақандай сатрларни ёзиб-чизади, яна ўчиради.

— Мен қайтиб бормайман!.. Айтайми, бобожон?.. Тўшпа-тўғри айтаман: мен даҳрийлар сафидаман!.. Тушунасизми? Сизнинг сўқир йўлбошчиларингиз дунёсига қарши курашувчилар сафидаман! Боролмайман, кир тилаклардан соф-мағрур бошимга салла ўролмайман!..

«Ҳа... — дейди шоир. — Буни асарнинг ўрталарига қўйиш керак. Йўқ, таъсирсиз чиқяпти...» — Сўнг негадир хаёлини тунлар ўғирлайди, сўнг тонг... Фикрлар қуюлиб келади:

«Сўнгсиз тунларнинг хаёли юракка қўрқув солган дамларда, хаёл борлигини қуршаб олган дамларда — тонг отгани ва кўланкалар ботгани қандоқ соз!»

— Қандоқ соз!

Миртемир хаёлига қўнмиш нидога жавоб қайтарди-да, яна Туркистонни, қишлоғини эслаб кетди...

Хаёл учқур пайтлар эмасми, энди фикрини меҳнат кишилари банд этди:

«Кўрганмисиз,

Қорага бўёлғон меҳнат қахрамонларин?!»

«Буни «Кўклам куйлари» номли сочмага киритиш керак. Жуда ҳам ўрнига тушади», деб ўйлайди у.

Она Туркистон ишқида орзиқди.

Кейин табиат мўъжизаларига шайдо бўлиб уйига қайтаркан, ортидан бир нидо эргашди: «Борлиққа таралсин танбурим товуши!»

Миртемир 1927 йили ёзган ўша «Кўклам куйлари»да: «Уф... Мен — севгувчи эдим...» дейди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Шоир умрининг сўнгги дақиқасигача севгисини кенг кўламдаги маънода тушуниб, ўшандоқ севги соҳиби бўлиб яшади: ёрини қанчалик севса, Ватанини шу қадар ардоқлай билди. Шеърятга муҳаббати қанчалик оловли бўлса, халқига шу қадар ҳарорат ва меҳр билан ихлос қўйди. Меҳнат кишиларини қанчалик оддий ва камтар, фидойи ва содда деб тушунса, ўзини ҳам ўшалар қаторида ҳис этди. Шоир деган юксак номни ҳеч қаерда, ҳеч қачон пеш қилмади. Шу азиз Ватанда туғилганидан доимо бир умр миннатдор ўтди. Ватан ҳақида сўз кетса, ёниб-куйиб гапга тушиб кетарди:

— Учадиган аждарларнинг эркаклари ер талашиб жуда қаттиқ уришар ва бу жанг кўпинча улардан бирининг ўлими билан тугар эмиш... Ватан тушунчаси жондор зотгаки шунчалик азиз эрса, одам боласи учун у жону тан бўлмай яна нима!

Хуллас, ўтмиш' йилларини эсласа, бир сочмасидаги сўзларни такрорлагани такрорлаган эди:

—...Биласизми? Тонгларнинг отишида қон бор, тонгларнинг отишида қизиллик устивор.

Минг тўққиз юз ўттиз еттинчи йили ёзган «Сени, болалигим...» шеърисида эса мана бу мисраларни тизди:

Шиддатга ўргатган болалик чоғим
Кўзим қорасида қолур умрбод.

Шоир ўйга толади.

...Ху анови чўққилар ўтмиш уммонига фарқоб нуруний чолларни эслатади. Қоянинг кунботар томонида эриб битмаган қорлар бор. Қоқ тун. Пастга отилаётган сой шахд билан тошга урилади-да, қуёш нурида ялт-юлт қилиб, этакдаги майсаларга марварид томчилар улашади...

Сой ёқалаб сал қуйи юрилса, турли дарахтлар билан қопланган сўлим гўша...

Шоир хаёлига ўроқ тушади-да, фикрлари олис уфқлар этагини тутати. Ана, ўзга бир олам қўйнида нафас оляпти. Орзу қанотларини йиғишга ожиз...

Тўлқинлар кўпирапти... Бир тўлқинки, турғунликни тарк этиб, қўрқинч гўрларга, маъюс чўлларга, ўнгу сўлларга қулоч отяпти. Ҳеч қандай қудрат уни қайтаролмайди: тинмай тошяпти, кўдик сочяпти. Наърасидан ҳарёқ ларзага тушади. Тўлқинлар эса илгарига интилади, илгарига интилади...

Шоир янги ҳаёт уринишларини қудратли, ғалаёнли тўлқинларга ўхшатар экан, шеърга нуқта қўяди: ҳовлиқма тўфон Олдин босажак...

Кейин кўз ўнгида Ватан сарҳадлари мезон тортади. Унинг ҳар буржида бу тошқин шовқинларини туяди. «Қоронғу кечалар ботди йўқликка!» — Кўнглидан кечади унинг. Гурурдан, янги ҳаёт нашъасидан ҳаволаниб сўлиш олади.

...Минг тўққиз юз ўттиз иккинчи йил эди чоғи. Самарқанд ҳар галгидай азимлиги билан улугворлик касб этган. Саратон ҳарорати кўнгилини лоҳас қилади.

«Капитал...» Хрестоматия ва адабиётлар. Дарсликлар... Миртемир мутолаа билан банд: ўқийди-ёзади, ёзади-ўқийди... У машқига нуқта қўйиб, қушдай енгил тортди. Уйни бир айланиб, ёзганлари тепасига энгашди. Сўнг қоғоздагиларни овоз чиқариб ўқий бошлади. Бу шеър иқрор, шеърый консект эди. Ўтмиш билан янги кун муқоясаси!

У шеърдаги «Ер билан осмон-ку» деган сатрни тузатиб, яна ўқиди: бир узоқ, қўшилмас йўл-ку, Маркс формуласи

ила — сенинг тушунчангнинг ораси... Кейин сарлавҳа қўйди: Ленинизм дарсидан. «Ёзганларим чўзилиб кетмадимикин?..» деб ўйлади у. Охиридан узундан-узоқ изоҳли мисраларни олиб ташлади-да, қайта ўқиди: қуражакмиз зарбдор фронт бўлиб, синфсиз жаҳон!..

ЯНА ИҚОН ҲАҚИДА

Туркистоннинг Миртемир туғилиб-ўсган Эски Иқон қишлоғи қурама бўлиб, у ерда қадимдан қарийб қирқ уруғ қишилари истиқомат қилиб келганлар. Устознинг ўз сўзи билан айтганда, уларнинг тили «дагалроқ», лекин жуда бой, рангдор, оҳори тўкилмаган эртақ, дoston, қўшиқлари кўп. «Менинг уруғим қоровулбобо... қишлоқ ўртасида баланд ва уруғига мансуб эди. Ҳар иккала уруғ ҳам Эски Иқонда катта, мавқеи баланд уруғлардан ҳисобланган.

Бу ҳақда шоир таржимаи ҳолида қуйидагиларни ёзади: «Менинг уруғим қоровулбобо... қишлоқ ўртасида баланд ва кўламлик култепа бор, тепасидан қадим шаҳарларнинг қолдиқлари, ҳатто олис Туркистон, Яссавий мақбараси кўринади. Култепа ўртасида Темур ё Улуғбек ўрнатган бир сандиқча келадиган кўктош бор. (Ҳали ҳам.) Еттинчи бобомгача шу тепада қоровуллик қилибди. (У кезларда қишлоқ айланаси кўрғон экан-да!) Боболарим бари цолвон, яъни аскар экан. Олисдан ёв кўринса, ноғора урилиб, ҳамма кўрғонга тикиларкан... У замонларда тез-тез жанг бўлиб турар экан-да... Шу туфайлими, иқонликлар қоровулбобо уруғини аскар уруғи деб аташади».

— Иқон асли «ийқон» сўзига эгизак-да, — дейди домла. — Ундоқ тушунтирганда, ишониллик, дегани. Ёхуд тагин аниқроқ ёндошилса, эътиқод, имон, самимият, илиқлик (ҳарорат) маъносида тушунилса ҳам бўлади... а-ҳа!.. Демак, ишонч, эътиқод, имон, самимият, ҳарорат бўлгандаям шу тушунчаларнинг энг қадимийси (ахир, қишлоғимиз номи ҳам Эски Иқон-ку!) экан-да!..

Шоир бир қиррасини доим пешонаси ўртасига тўғри қўндириб юргувчи дўпписини қўзғатиб, яна жойига қўяди-да, хаёлга берилади. Мисвок билан тишларини тозалайди (ҳеч нима емаган бўлса ҳам). Одатича, тишларини гижирлатиб, маъюс тортади...

Миртемир умрининг охиригача Туркистонни, қишлоғини ардоқлади. Ёзганда ҳам ёдида тутди. Кейинги шеърларининг бирида шундай дейди:

Эсимга тушади оқсоч Туркистон...
...Эсимга тушади гўдаклик замон,
Ўт ўриб, даладан ҳориб келганим.
Ҳали оловнаф ва сўлқилдоқ нон,
Совуқ сувга ташлаб еганим!..

Домланинг сўлгин ёноқларига йиллар беаёв муҳрини босган серажин манглайига, катта бир адабиётда ўзига хос бир мактаб яратиб улгурган устозга разм соламан: ким билсин, балки шу тобда устоз ёдига олис аждодлари тушгандир? Эҳтимол, бобоси ва жигаргўшаларини эслаётгандир... Ёки, ҳар кеча чўпчаклар айтиб эъозлаган момоси Биби Зайнаб хаёлида жонландимикини? Қайдам, устод ўзини оқ ювиб, оқ тараб улғайтирган Биби Сахро бувига ғойибона ташаккурни изҳор этаётирми?..

ЖўРА БўЗА

Тонг отиб келар, шоир ҳовлида хазонларга тикилганча ўй сурарди. Ҳозиргина қоралама шеърига сайқал берди. Руҳи тетик. Ҳали-замон болажонлари, неваралари уйғониб, ҳовли улар овозига тўлади...

«Тагин куз! Қилинадиган юмушлар бўлса бир талай...» Кейин, хаёли яна болалик йилларига огади. Ўзича кулиб кўйди. Зап урф-одатлар бор эди-да...

Қизиқ... Туркистонда ёш гўдакларни юрса ҳам, ўтирса ҳам куёв билан бирга қўшиб қўйишади. «Бу ҳам шундоқ улғайиб, куёв бўлсин, эр йигит бўлсин!» — дейишгани бўлса керак-да. Тантаналар баравж ўтарди: бир ёнда кўпқари, бир ёнда қизиқчилик авжга чиқар, бир ёнда қирққулоқ дошқозон кайнаб ётарди...

Шундай кезлари қозонда атала илителиб, сўнг тилла, ёки бирор тилла буюм ташланарди. Ким бош суқиб (қўл ишлатмай) уни топиб чиқса, ўшапга қўй, пул мукофот ё бўлмаса ҳўкиз бериларди.

Шундоқ танти йиғинлардан бири жўра бўза деб аталарди.

Жўра бўза тайёрлаш учун тўрт-беш пуд тариқ олинарди-да, сўнг сувга солиб, оғзи берк яшиқда кўкаргунча ивителиарди. Кейин шолчада ёйиб-совителиб келида туйиларди, хумда сақланарди. Ана ундан сўнг иссиқ сувга солиб, сузиб олинарди, яна хумга солинарди-да, гиламчами, бирор шолча билан хум оғзи беркитиларди. Шу кўйи бир кеча турарди. Қараб-сизки, жўра бўза тайёр!..

Жўра бўза берган киши қўй сўярди. Яна ҳар ким ба-

холи қудрат нимадир олиб келарди. Уттиз-қирқ киши бўларди жўра бўзада. Қимда-ким билмасдан бўзагар (бий) пиёлани ерга қўйиб қўйса, ўша киши зиёфат берарди...

Шу чоғ яна Биби Сахро бувининг сўзлари ёдимга тушади:

— Миртемирни жуда ёшлигидан жўра бўзага қўшиб қўйгандик. Ёшлигидан катталарга қўшилиб, одам бўлишини истардик. Ушандаёқ Миртемир ўзгаларни ўйларди. Меҳмон кутишни жуда яхши кўрарди, денг. Нуқул пиёлани ерга қўйгани қўйган эди...

«Тўй томошаси ё улоқ, ё пойга, ё кураш, ё бўза билан ўтарди,— деб эслайди домланинг ўзи.— Хатто чоллар ҳам жўра бўза ичишарди. Намозга бўзалик уйдан кириб чиқишаверарди, кўп кўрганман. Жўра бўзанинг қоидаларини қатоғон дейишарди. Жўра бўза қадим қўшиқларда ҳам қуйланарди.

Бўзани кўп ичмангиз, кайф этади,
Барчани бирдек яратсанг нетади?..

Ўша кунлар магзини чақсам, бўза ёз бўйи тиниб-типчи-маган деҳқоннинг қиш ҳордиғи — кўнглини ёзиши ва кўҳна дунё бўзагарнинг ноласи экан-да. Чунки қишлоғимизда, тўкма гап, деган йигинлар ҳам бор эди, бу йигинларда сўқим сўйилар, қази-қарталиқ, нориңу ҳасиплик баркашлар тортилар, яъни давлатмандларга хос... У йигинларда шаҳардан хонандалар келар, қийқириқ баравж ва шишалиқ шароблар гардун пиёлаларда айланарди. Бўза ҳалол саналарди чамамда...»

Домла ўрнидан туриб, дадил одимлар билан ижодхонаси томон юрди.

Тагин ўтилган донғил йўл хотирасидан жунбишга келди-ёв!..

БИБИ САХРО БУВИНИНГ БИЛГАНЛАРИ

(Ёки қўндоқда теккан фазилатлар ҳикояси)

— Миртемиргинам болалигидаям бошқа болаларга ўхшамасди,— дейди ҳаётда домлага ҳам она, ҳам қайнона сифатида азиз бўлган Биби Сахро буви.— Онам Биби Зайнаб ҳам Миртемирни кўз қарогидай кўрарди. Миртемир кўпроқ момоси билан бирга бўлар, зийрак, ҳар нарсага қизиқар, саволлар бергани берган эди... Моҳирўй келинойимизнинг дадалари Исомиддин ҳожи билимдон, ҳурматли киши эди. У Миртемиржоннинг иштиёқини кўрди-да, тарбиясига олди. Ёшлигидан ёзишга, ўқишга диққатини тортди. Ушанда болагинам

уч-тўрт ёшларда эди чоғи. Бир пайт қарасак, Миртемир қўлига тушган нарса билан эшик-деворларга, ерга ёзадиган одат чиқарди. Бирор дардга чалиниб қолмасайди, деган ташвишда қолдим. Неча бор болагинамнинг қўлига уриб, бу одатидан қайтармоқчи бўлганим ёдимда — фойдаси бўлмаган барибир. Бу ҳам етмагандай уйимизга биров кириб келди дегунча, қўлига пичоқ олиб ташқарига чопадиган одат чиқарди. Ўзи билан бирга мени ҳам чиқишга ундар: «Юрақолсангиз-чи, меҳмон келди-ку, ахир, қўй сўямиз», дер эди.

...Бирдан домла хонадониди кузатганларим ёдимга тушди: «Домладаги меҳмоннавозлик, очикқўллик ҳам кўндокда теккан экан-да», деб ўйлайман мен. Бу мўътабар хонадонга келиб кетувчилар кўп: бири домланинг қадрдони, бири қариндош-уруғи, бири редакция, телевидение ё радиодан, бошқа бирови эса шогирди ё бўлмаса домла ҳали танимаган бирор ҳаваскор қаламкаш... Уларнинг ҳеч қайсисини домла ранжитмайди. Аввало меҳмон сифатида кўриб, самимий қаршилайди — дастурхонга таклиф қилади, у-будан олиб ўтиришга ундайди.

— Манови қази Туркистондан, бўтам, — дейди у меҳмоннавозлик билан. — Кўриниши мундайроқ бўлсаям зап таомда — мағзи тўқ. Маза қиласиз...

Ёки, кўпинча, кайфияти очик кезлар, ўгиллари Миржалол ё Мирзажонга яххонадан мусалласми, хуллас, бирор ичимлик олиб чиқишни буюриб қолади. Меҳмоннинг оз-оз ичиб ўтиришидан (хасталиги бошланиб, ўзи ичмай қўйган бўлсаям) тортинмай, самимий гурунглашиб ўтиришидан завқланади. Умр йўлдоши Ёрқиншой ая эртадан-кечгача домланинг, домлани сўраб келувчиларнинг кўнглини олишдан эринмайди: ё мулойим сўзи, ё бир пиёла чойи, ё ширин таоми билан ҳамиша ҳозир у нозир. (Ижодкор зотидек нозиктаъб, таъбир жоиз бўлса, «инжиқ» ва «ичимдагини топ»ларнинг умр йўлдоши бўлиб яшай билган аёлларимизга ҳамиша таҳсинлар бўлсин!)

Келиб-кетувчиларга эса домла албатта вақт ажрата билди. Имкони даражасида ҳар бирининг ҳожатини чиқаради. Бу билан домла шоирлиги ё «катта киши»лигидан тушиб қолмайди, бошлаган шеъри чала қолишидан нолиб, кайфиятини бузмайди. Аксинча, ўз ижодий ишларидан фикрини чалгитмаган ҳолда келиб-кетувчилар суҳбатидан баҳра олади, улардан лирик қаҳрамонларига ранг-бўёқ топишга уринади — шу тариқа ёзганларига кун-бакун сайқал беришдан эринмайди...

— Биласизми, болам, домлангиз болалигида яна бир одат чиқарган, — деб сўзида давом этади Биби Сахро буви. — Исо-миддин хожи бувасидан бирмунча ёзиш-ўқишни ўрганган Миртемиршони эски мактабга, Нўғай домла кўлига бердик. Олти яшарлар бориди-ёв ўшанда, кўп ўтмай эски мактаб болажонимга унча маъқул бўлмаганини пайқай бошладик. Кўпроқ ўзи китоблар ўқир, алланималарни хиргойи қилиб юрарди. «Яна бир одат чиқарди», деганим шу. Нималарни мингирлаб юришини худоси билмаса, биз — бандалари бил-масдик. «Бир балога йўлиқиб қолмаса, гўрғайди», дердик, холос. Айтиб юргувчи байтларидан бири чала-чулпа ёдимда қолган: «Гар кимса гамгин ўлса, Мен анинг била^акуяй...» Шунини кўп айтгувчи эди. Хотирамдан чиқмагани шундан бўлса керак. Уни қаердан эшитган, қаердан ўқиган ё ўзи тўқиганми, хуллас, буни ҳам билмасдик. Мен кўпинча онам Биби Зайнабга зугум қилиб қолардим: «Ҳаммасига сиз са-баб: қаердаги кўрқинчли эртаки-ей, жумбоқнамо чистон-ларни айтиб берганингиз-берган неварангизга, бир балога йўлиқмаса гўрга эди!..» Қайда дейсиз, болам, онам парво ҳам қилмади гапимга. Қайтага Миртемиршо билан тагин кўпроқ овора бўлди. Аслида онам Биби Зайнаб тўғри қилган экан. Буни Миртемирим эл оғзига тушиб, ардоқли бўлиб қолгач, англадим.

Беихтиёр буви овозини пасайтириб, сирли оҳангда давом этди:

— Ҳаммасиям майли-я, болам, кексайганида қолганмиди-йўқми, билмайман-у, лекин домлангизнинг ёшликдан бир одати айниқса ошиб тушарди. Пинҳона кузатиб, неча бор ёқамни ушлаганман: йўл-йўлакай кетаётиб, бирдан кўрсат-кич бармоғи билан ҳавога нималарнидир ёган бўларди. Кейин лаблари пичир-пичир қилиб, сал ўтгач, яна бояғи қи-лиғини, гоҳо ҳавога ёзганларини ўчириб ташлагандек, яна кўрсаткич бармоғи билан чизик тортиб юборарди...

Биби Сахро буви гапираётину вужудим аллақандай сирли жимирашдан бир аҳволга тушиб бораётганини туяман. Дом-ладаги худди шу одатни мен ҳам кўп кузатиб ҳайратга тушган, уни қай йўсинда изоҳлашни билолмай, эшитган ё ўқиганларга эриш туюлмасмикин, деган андишада эдим.

ШЕЪР ЖОНИ ЕХУД ТҶРТ ДАРВИШ САБОҒИ

Кунларнинг бирида муҳарриримиз йўқлатиб қолди. У пайтлар «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон

адабиёти ва санъати»)ни Лазиз Қаюмов бошқарарди. Мен бўлим мудирини бўлиб ишлардим.

— Қани, мундоқ ўтиринг-чи, оқсоқол...

«А-ҳа, демак, газета билан боғлиқ юмуш...» деб хаёлимдан ўтказдим. Негаки, жиддийроқ топшириқ бўлса бош муҳаррир: «Қани, оқсоқол, мундоқ ўтиринг-чи», дер, газетанинг шунчаки кундалик юмушлари хусусида сўз очадиган бўлса: «Хўш, полвон...» деб қўяр эди. Ўйлаганимдай бўлиб чиқди: бунинг устига бу юмуш мен учун муҳим эди.

— Миртемир домлангизни бир «овора» қиласиз-да энди.— Лазиз Қаюмов сукут сақлаб, кўзойнагини оларкан, давом этди: — Газетамизда берилаётган адабий баҳслардан кўпчилик мамнун. Назаримда, устоз ва шогирд мавзуида ҳам битта баҳс бермасак бўлмас. Шуниси ҳам борки, адабиётда жуда кўп масалаларнинг бир чеккаси шу мавзуга бориб тақалади. Устозлар анъаналари ва уларни давом эттириш, шогирдлик садоқати... Ҳа, кўп гаплар хусусида тўхталиш мумкин баҳонада. Хуллас, устозингиз билан битта суҳбат қилиб беришингиз керак.

Ўйлаб қолдим. Албатта, бир жиҳатдан бу мен учун шараф эди. Иккинчи томондан пухта тайёргарлик талаб қилинарди. Шундай қилиб, бир ҳафта чамаси домла ҳаёти ва ижодини, у босиб ўтган донғил йўлни яна қайта-қайта ўқиб-ўргандим. Саволлар туздим. Сўнг минг истиҳола билан йўлга тушдим.

— Хўш... Саволларингизни ёмон деб бўлмайти. Лекин, айримларини қисқартирдим. Айримларига қалам урдим. Демак, пухта бўлсин дейман-да!..

...Минг тўққиз юз етмиш еттинчи йил кўкламининг сулув тонгларида бирида хаёлда ёд бўлиб кетган телефон рақамларини тердим. Биламан... одатдагидек кўнгилга жуда яқин, оҳангида ёрқинлик, тетиклик, беғубор самимият аён биргина сўз дил-дилга сингиб кетади:

— Лаббай!

Миртемир домла!.. Домлани билган, у билан учрашган, ҳатто атиги бир-икки бор суҳбатига бўлган киши ҳам унинг телефонда сўзлашаётгандаги ҳолатини кўз олдида келтирадиганда: ана, эғнида тўн, бошида қозоқ элида ўтган тантаналарнинг бирида ҳадя қилинган қалпоқ, чехрасида осойишталик, кўзларида теранлик балқиб турган миқти шоир — устоз Миртемир телефон столчаси ёнида. У бир тирсаги билан столчага таяниб, қўли дард кўрмагур қай бир кулол меҳр билан ишлаган кўзача шаклидаги қаламдондан қалам оляшти. Сўнг доим телефон ёнида турувчи дафтарнинг янги варағини

очади-да, телефон трубкасини чап қулоғига тутади, қайта «Лаббай!» дейди ва сўроқлаётган одам кимлигини билгач, албатта айтадиган сўзи шу бўлади:

— Э, бўтам!.. Кўринмай кетдингиз, нима гап? Тинчликми? Эшитаман...

Кейинги йилларда мунтазам даволаниб туришига қарамасдан, узлуксиз дард Миртемир домлапи толиқтириб қўйган бўлса ҳам, ҳол-аҳвол сўралганда, дарҳол дона-дона қилиб, хуш оҳангда жавоб берарди:

— Яхши бўлишга ҳаракат қиляпман...

Аслида устознинг на оиладагилари, на яқинлари, на қаламқаш сафдошларию, на шогирдлари ундан: «Фалон ишни бажардим», «Фалон шеърни ёзиб қўйдим» қабилида гапирганини эшитмаганлар. Зотан, ижоднинг турли соҳаларида улкан тажриба мактаби яратган, талайгина таниқли ижодкорларни адабиётга олиб кирган, катта ҳаёт йўлини босиб ўтган устознинг ҳамиша ўз гапини: «шундай қилишга тиришяпман», «уринаяпман» ённки «ҳаракат қиляпман», деб тугатиши қанчадан-қанча ёшларни оддийлик, одамохунлик, камтаринлик кўчасига етаклагани кўпчиликка маълум.

Ҳамма иш ўз вақтида бажарилишини домла яхши кўрарди. Ўзи бунга амал қиларди.

Фақат...

Фақат бирон нарса ёзиб беришга ваъда бермаган бўлса. Чунки ваъда қилинган шеър ё қора сўз ниҳоясига етиши анча чўзилади (домла мақола, публицистика, тўйхат, эсдаликлар, саволлар ва қайдларни «қора сўз» дейишга одатланган эди).

Аслида домла кўнглидагини айтган вақтида «қоралаб» қўйган бўлади. Лекин асосий иш ана шу «қоралаб» қўйилгандан сўнг бошланади: битган асар сатрлари қайта-қайта кўчирилади. Эртаси баъзи сўзлар шоирга ёқинқирамайди, дағалроқ кўринади, ўрнига яна ёрқинроқ сўз топиб қўйилади — образлар ярқираб, очилиб бораверади. Бу шоирга ҳузур бағишлайди. Ёзганларига сўнгги нуқта қўйиб, енгил тортади. Шундай кезларда тани жимирлатувчи бир дилбар ҳис оғушида оҳиста у ён-бу ён одимлайди. Ижод машаққати, бедорлиги ва ўзининг беморлиги хаёлидан кўтарилади — ширин бир туйғу, оний бир гурур билан. одатдагидек, хўш!.. деб қўяди.

Бироқ, эртасига редакция ходими телефонда домланинг таниш овозини эшитади:

— Бўтам, ҳали газета корректураси чиқмадими? Тайёр бўлса албатта кўнғироқ қилинг! Кўтиб тураман. Бугун тонгда тагин бир-икки сўзни ўзгартирдим — тузатмасам бўлмайди...

Бир пайт, ўзи етиб келади. Қўлидаги шеър нусхасига ки-

ритган ўзгартиришларини корректура нухасига ўтказди. Бир бошдан кунт билан ўқийди. Ўтирганларга бир-бир қараб чиқади-да, мамнун дейди:

— Хўш, ана бу бошқа гап... Яна бирон кун фурсат берганларингда тагин ишланадиган ўринлари бордек эди-да. Энди китобга қайта кўриб бераман, тирик бўлсам!..

Устоз Миртемирга хос муҳим хусусият, асосий фазилат ҳам мана шу — ўзига, ўз ишига қониқмаганлиги, шеърят масъулияти ва халқ ишончини бениҳоя эъзозлагани, сўзни авайлаб саралаб, ҳижжалаб ишлатганлиги, ёзганларида сўз қадри ва кучини кўрсата олганлигида эди-да.

...Шундай қилиб, ўша куни ҳам домладан одатдагидек жавоб олдим:

— Эсимда, бўтам, эсимда. Саволлар билан танишдим. Эрталаб барвақт келинг, бирга кўрамыз. Келишингизда албатта қўнгироқ қилинг!..

Борсам, домла ҳар галгидек ҳовлисидаги гуллар билан унсиз суҳбатлашиб юрибди: гоҳ бармоқларини гуллар баргига оҳиста тегизиб кўяди, гоҳ гул бандидаги хасни авайлаб олиб ташлайди, турфа рангларга маҳлиё бўлиб, ихлос билан термилиб қолади. Кўпинча мана шу ҳолатда гулзор кезиб, ўз асарларининг аксариятига бўй-баст бичади, хаёлида «пиши-тиб» олади.

— Аслида мавзу хаёлда пишиб етилгач, оҳанг ҳам, қофия ҳам ўзи келаверади. Акс ҳолда равон оқаётган сувнинг урилиб-урилиб кетишига ўхшаб қолади, — дейишни яхши кўради устоз.

Қанчалик эҳтиёткорлик билан кирмайин, келганимни домла сезади. Қисқагина салом-алиқдан сўнг, уйга киришимга имо қилиб, тагин гуллар суҳбатига тутинади. Деразадан меҳр билан кузатишда давом этаман. Устознинг «Шайдолик» деб номланган сочмасидаги сатрлар ёдимга тушади: «Ёноғида кулгичи бор сулувлардек ҳамиша жилмаяди гуллар... гул жинниси деманг. Эҳтимол, энг тузук шеърларим, агар бор бўлса, шу гул жинниси бўлган пайтларда тугилгандир. Ҳа, гул шайдосиман. Лекин ёш ўтгандаги шайдолик ўзгача бўлар экан: антиқароқ, теранроқ...»

Худди шу даргоҳни, анвойи гулларга бурканган ҳовлини устоз Миртемирнинг ўз ижодига таққосланса — айнан мос. Бу серфайз хонадон, бу турфа гуллар чамани — Миртемирнинг мағзи тўқ, жозибадор ижод гулшанига қиёс қилгулик.

...Бўзариб отаётган тонг... осма кўприқдан шошиб ўтаётган бола... ва жар ортида кўринган ажиб, ўзга бир оламни кўз олдингизга келтиринг: унда, оқараётган тонг оғушида гўё

сутдек кўпикдан чаноқ-чаноқ тутаётган қўллар... унда: гўза япроқларида, ниҳоллар куртагида, шўх сой қиргоқларида, чечаклар бағрида сал экингда симобдай қалтираган шудринглар... шудрингда ялтираган узунчоқроқ қирлар, суйри тепалар...

Осма кўприкдан чопиб бораётган гўдак ана шу олам ошиги. Унинг кўз ўнгида ялтираётган мусаффо шудринглар, гоҳ келинлар тақинчоғи, гоҳ узуклар, гоҳ маъсумаларнинг сузук кўзлари, гоҳ бесаноқ жимир-жимир кўзмунчоқлар жонланяшти... Бирдан буларнинг ҳаммаси кўз ўнгидан чекиниб, фақат гирён кўзларнинг ярқироқ замзамаси қотиб қолади. Кишининг кўз олдига йиғлаган она... бўзариб оқараётган тонгларнинг бутун гўзаллиги билан кўринган ўша «ўзга бир олам»нинг мазмуни, мусаффолиги — ўзининг рамзий ифодасини топади...

Бу — бирор шоиртабиат кинооператор камераси воситасида экранда жонланган лавҳа эмас. Хаёл ҳам эмас. Бу — устознинг «Шудринг» сарлавҳали шеъри: атиги ўн тўрт мисрада жонланган манзара.

Чинакам шеъриятда, чинакам шоир ижодида ҳаёт ҳақиқати, кишиларнинг руҳий олами, ўтмиши, бугуни ва келажаги чанакам кинематограф кўзи билан кўрилган бўлади. Натижада, удар яратган асарларида ифодаланаётган мавзу моҳияти, айтилмоқчи бўлган мақсад — қуруқ баён, тафсилотларда, баландпарвоз сўзларда эмас, балки жозибали кино асарлардаги каби рамзий тасвирларда, содда ва равшан бўёқларда кўринади. Бошқача қилиб айтганда, бундай асарларни тўғридан-тўғри, бадний етук шеърий сценарийлар, дейиш мумкин.

Шеърият ва кино ўртасидаги бу уйғунликни атоқли кино арбоби Сергей Герасимов ҳам кўп ўринда таъкидлаб ўтади. Жумладан, «Кино санъати ҳақида» номли асарида у шундай дейди: «Бордию Пушкиннинг «Мис чавандоз» поэмасини экранлаштириш керак бўлиб қолди, деб фараз қилайлик. Бунда кўп нарсани ичимиздан ўйлаб чиқаришимизга ҳожат бўлмас эди. Пушкиндаги ҳар бир мисра тасвирини имкони борича аниқроқ қилиб сценарийда аке эттирсак, шоир чизган манзараларнинг жонли кўриниши, ундаги жило, равон мусиқийликни сақлаб қолишга ҳаракат қилсак, шунинг ўзи кифоя...»

Миртемир ана шундай «кинематограф шоирлар» даражасига кўтарилолган санъаткор эди. У бутун умри давомида ҳар бир шеърини ўз шакли, ўз мезони, ўз мусиқасига солиб айтиб келди. Уларнинг ҳар бирида ўзига хос улугворлик, тасвирийлик бор.

Буни Миртемирга ўзини шогирд билишдан фахрланган, ҳозирда ўзи ҳам олд устозлардан саналган Асқад Мухтор жуда яхши илғайди ва айтади:

— Миртемир шахси унинг поэзиясига жуда монанд. Шеърларидаги ёрқинлик ҳам, одамга меҳрибонлик ҳам, ўйчанлик ва оғирлик ҳам, собирлик ва оқиллик ҳам — шоирнинг ўз фазилатлари. Бундай самимий уйғунлик поэзияга узоқ умр беради, уни ўқиган ҳар бир киши ўз ҳисларини янгилаб олади.

Миртемир домла бир гал борганимда ўз ҳаёти, ўтмиши ҳақида гапириб:

— Ҳеч кимга ёмонлик қилмадим, заҳматкаш жонман. Халқим қарзини узиш ниятида ҳали меҳнатдан толганим йўқ, — деган эди.

Унинг ҳикоясига кўра, умри эзгулик учун олтасир олишув йўлларида кечган. Шоирнинг «Асо» шеъридаги мана шу мисралар бежиз қуйилиб келмаган:

Йўлбарсдай йигит эдим, ҳа, бир оз чўккандайман,
Бемаҳал аёзларда бевақт барг тўккандайман.
Мен ўтган йўл чағирли, тошлоқли бўлган эди,
Азиятли, чигалли, жумбоқли бўлган эди.
...Ҳа, шундоқ. Мен ўтган йўл узунроқ бўлгани рост,
Оқибатда кенг, донғил, сутдай оқ бўлгани рост.

...Ана, домланинг ҳаракатлари ўзгарди. Гулларга озор бермай, жадал юриб йўлакка чиқди. Йўлакдаги аравачада ҳудудсиз осмонга термилиб, жавдираб ётган невараси Гулруҳни ошхонада юмуш билан андармон келини Ҳурриятга элтиб берди. Неварасининг кулгичларига бармоғини секин теккизиб, туф-туф деб қўйди.

Домла хонага хуш кайфият билан кирди-да, доимо илҳом «хуруж» қилганида ё кўп вақт кўнглига тугиб юрганлари қогозга тушмоқ ҳолатига келганида, ёхуд бирор асарини тугатган пайтларида айтадиган сўзини унутмади: хўш!..

Домла учун тузганим — саволлардан бири. шеъриятда образлилик, қофиялар жарангдорлиги, оригиналлик, деган тушунчалар хусусида эди. Домла бу савол ёнига араб алифбосида тўрт дарвиш деб ёзиб қўйган экан. Ёзган сўзи тағига икки чиқиқ тортди-да, гапни тағин одатдагидай бошлади:

— Хўш, «Чор дарвиш» эсингизда бордир?..

Олис сафарда, кечаси чашма бўйига қўнган тўрт дарвишнинг биринчиси дўстларини ухлатиб, қоровулликда ўтирганда ухлаб қолмай, деб ёғочдан ажиб бир қўғирчоқ ясайди. (Дурадгорликдан хабардор экан-да!..)

Иккинчи дарвишга навбат келганда, мен ҳам ухлаб қолмайин, деб қўғирчоқни кўйлак, нимча, рўмол билан ясантиради. (Тикувчи экан-да!..)

Учинчи дарвишга навбат келганда, у қўғирчоқни чиройли тақинчоқлар билан безайди. (Заргар экан-да!..)

Тўртинчи дарвишга навбат келганда уч йўлдошининг хунарига дол қолиб: «Энди мен нима қилдим, наҳотки шарманда бўлсам? Бу қўғирчоқ яркираб турибди, энди бунга жон керак экан, холос. Эй, яратган парвардигор, мени йўлдошларим олдида шарманда қилма, юзимни ерга қаратма. Шу қўғирчоққа жон ато эт!» — деб ихлос билан, ич-ичидан ёлвориб пешонасини ерга урган экан. Бир вақт қарасаки, ҳалиги қўғирчоққа жон кириб, эшилиб турганмиш...

—...Мана, дағалроқ ўхшатиш бўлса ҳам, мавзу — ёғоч, унинг усти бош, зеб-зийнати — қофияю вазндир. Тимсол — образ эса унинг жони. Образсиз шеър қофиялари жарангдор, туроқлари ўрнида бўлса ҳам, бадий асар эмас.

Шу важдан шеърят унсурлари — ўхшатиш, киноя, маъжоз, жонлантириш, истиора ва ҳоказолар йўқ бўлса, шеърнинг умри калта. Фақат назмий тизма бўлиб қолади.

Оригиналлик масаласига келганда, тагин дағалроқ айтмоқчиман: назирачилик — хунук иллат. У чайнаб тапшланган луқмани тагин оғизга олиш билан баробар... Шу важдан оригинал поэзиямиз учун, айниқса етакчи ғоя бўлган бу замонда жуда зарур бўлиб қолди.

Оригинал асар ёзиш — фақат меҳнат дегани. Бунинг учун манглай тери тўкиш керак бўлади. Ҳамма ишнинг негизи — ҳалол меҳнат. Умуман, бизнинг асрда ҳозир ва бундан кейин ҳам абжақ шеърлар ёзиш уят-да, ахир... Тагин бир гап. Жуда кўп бор ёзган, жуда кўп эслатган бўлсам ҳам айтай: кўчирмачилик дейсизми, тақлид дейсизми, хуллас, жуда хунук бир иллат анча авж олди-да. Бир неча тўпламлари чоп этилган, бироқ хануз ўхшатма ва кўчирмачилик ботқоғидан қутулмай қолганларнинг китоблари қўлимга тушса, бир шеърхон сифатида ичим ачийди, ранжийман. Ҳамма ҳам ранжийди-да!.. Кўчирмачилик, назирачилик уларнинг ижод усулларига айланиб қолмасайди, деган хавотирда қоламан. Ҳақиқий шоиргина меҳнатдан бўйин товламайди, турганда ҳам, ўтирганда ҳам унга ошно бўлади...

Миртемир домла ўғитларини ҳамон ўзи такрорлаётгандай:

Меҳнат — шеър, нафосат ва яратувчи...

Меҳнат — куч, меҳнат қувватдир. .

Меҳнат тангрилардан қудратлироқ қудратдир...

ИККИНЧИ БЎЛИМ
МЕН ТУҒИЛГАН ТУПРОҚ



Нечоғлик хокисор эдингиз, устоа,
Ялангтуш, меҳнаткаш, қалам деҳқон.
Қадим Туркистоннинг танти ўғлони,
Покиза эдингиз мисли оқ қоғога.

Абдулла Орипов

МАШАҚҚАТЛИ ДОВОНЛАР

Қалтис, қийин бир кунлар бирин-сирин ўтиб борар, ҳали босмачилар кимнидир талар ё ўлдириб кетар, қайсидир бир йигинда кимнидир тақдири ҳал бўлар, кимдир янги тузум билан «чиқишолмай» жони ҳалқумида, бошқа биров эса паранжи ташлаган хотинини бўғиалаб қўяр эди. Яхшилар ва тушунган кишилар меҳнатнинг, озчилик кимсалар эса туҳматнинг этагига ёпишган, аммо бу иллат қимматга тушган кезлар...

Миртемир аксарият сочмалар ёзар, уларда ўзи кўрган, билган ҳаёт акс этарди. Ёзганда ҳам юракдан, берилиб ёзарди. 1927 йилда «Ён!» номли сочмасида шундай дейди:

«Паранжилар ёнмоқда, турмушнинг аччиқ, захар кунларига чидам берган онлар паранжиларини ўтга ташлаб, юз очиб, кулган байроқларга қараб, қонмоқда...»

У бирпас тўхтаб яна ёзишда давом этди:

Майдон кўк тутун билан тўлди.

Кимларидир қалби сўнди...

Кейинроқ бир сочмасида эса: «...Ит вовилласа эътибор бермагину сергак бўл, итнинг қопмайдигани бўлмас эмиш...» дея уқтирди.

У тинмас эди. Билим юртининг «Ёш куч», «Шаналоқ» деворий газетасида кўринар, йиғинларда сочмалар ўқир, комсомол нақазларини бажарар, ўзи тенгиларга йўл-йўриқлар кўрсатар эди. Катта йиғинларда у шошилмай, дона-дона қилиб шеър ўқирди.

Сочма — анъана эди у пайтлар. Ижодкор борки — сочмага мурожаат қиларди. Кейин бу жанрда онда-сонда ёзадиган бўлди.

Академик шоир Ғафур Ғулумнинг 1930 йил, декабрь ойида ёзган «Тўхтасин тақия» номли шеърини (айниқса униинг ниҳоясиши) сочма турига киритилса хато бўлмас. «Яшасин янги шаклдаги қизил чойхоналар! Тугасин тақиячилик!» деган даъват билан тугалланувчи бу асар ўз даврининг масалаларига қаратилган шеърини шоир, шеърини мурожаат бўлган эди.

Устоз Ойбекнинг эса «Мансур шеърлар» деб аталган уч асари «Нега тўкилдингиз, япроқлар?!», «Ой, чечакларнинг ошини, гўзал капалак!», «Уфқларда шафақ қизиллиги кулар экан...» деб бошланади.

«...Оқ кийимда эдинг, шафақ қизиллигидан тўр тутган эдинг...»

Яна ўша йилда ёзган «Тилсиз тошлардан...» сочмасида оловли мисралар тўқди:

Пастда —

Текисликда кишлоқлар ёнади. Саноксиз меҳнат кишилари бир парча нонга зор, оч. Юқорида бўлса, тоғлар қучоғида гамсиз бир тўда ўғри тоғларни кўтариб қўшиқ айтади.

— Ўт очинг!

Командир товуши тошларга урилиб, акс садо берди. Жанг...

— Сўранг!

Қонга бўялган тилсиз, туйғусиз, ваҳший тошлардан...

У нукул қишлоқ билан шаҳарни, ўтмиш билан бугунни солиштирарди. Қишлоғининг, култепаларнинг, чексиз чўлларнинг эртасини ўйларди. Шунинг учун дастлабки сочмаларидан бирида деди:

— Юксалолмай қолган тўлқинларни кўрдим, шу тўлқинларга ўхшаб юксалмай қолган қумтепаларга борса-чи... Қум ўлкасининг қайғусини сўраса-чи. Не завқ бор экан бу қадар чекланиб ётишда... Тўлқинлар тўлқинларни қўлласа не бўлар?

— Чўл кулар, сахро кулар!..

Шоир бир нафас ёзишдан тўхтади. Хаёлга толди. Мирза-чўлнинг истиқболи кўз олдига келди: яшнаган далалар, Эрам боғидек масканлар, бири-биридан сўлим тураржойлар...

«Заҳмат чеккан танамни эркалатувчи қуёш бағрида, шуёла кучоғида қолдим мен — кўплар қаторида...» — деб таъкидлаган эди ўша пайтлар...

— Сочмани сарбаст шеър билан чалкаштирмаслик керак албатта, — дерди домла. — Сочма ҳам ҳаяжон тўлқини қирғокдан ошган пайтида зарур вазн. Оҳанг туроққа сигмай қолган пайтда сочма қўл келади. Шеърият учун зарур образлик сочмада ёйилиб келади. Тагор сочмалари, Тургенев сочмалари, Комил Яшиннинг йигирманчи йиллардаги сочмалари бу жанрнинг бадий, ибратли намуналаридир.

Болалик йилларини эслаб домла яна шундай дейди:

— Ота томондан бобом мулла эди. Она томондан бобом — узун бўйли, полвон жуссали, қизил юзли, ота томондан бобом ўрта бўйли, чарақлаган катта кўзли, қора ва чечан мулла одам эди. Мен бир-икки шу бобом мактабида ўқидим. Кейин қишлоғимизда очилган Нўғай домла мактабига ўтдим. Домламизнинг оти Асфандиёр эди, хотини Хуршидахоним қизлар мактабини юргузар эди, ўта чиройли ва ўта маданиятли хотин эди. Очиқ юрарди. Тўқай шеърларини ёд ўқир эди...

Қишлоғини ташлаб, Баҳром тоғасига эргашиб, шаҳарга келган ёш Миртемир аввалига гангиб қолди. Анграйганча кўчаларни кезди, шошаётган одамларга лол боқар ва ўйлар эди: «Қаёққа ошиқанти булар?..»

Дастлаб у Бешёғочдаги меҳнат мактабига жойлашди. «Аямай» дейишарди уни. Кейинчалик янги шаҳардаги «Ўзбек эрлар билим юртига» ўтиб кетди.

Атрофда янгилик ва юксалиш давом этарди. Домланинг ёшлик чоғлари. Ёзиб, курашиб ҳоримаган кезлар. Ёзарди, ўқирди, ишларди. Ўқирди, ишларди, ёзарди.

Кунлардан бир кун кузининг ўйчан ва устиворлиги фикрини тортди. Ўлаётган баргларга эътибор берди. Ҳар кун ўлаётган барглар хаёлидан чиқмай қолди. «Мана сенга сачратқи», дея одатича овоз чиқариб қўярди у. Сўнг хаёлига келган гапларни ёзиб қўядиган бўлди: «Муштумзўрнинг куз баргидай қалби сўнадир», «Куз... Табиат сўлган каби, турмуш тўла нур», «Ўлаётган синф каби барглар тўкилган», «Ёв чехраси йўлда қолган барглардай сап-сарик...», «Иродам қаршисида шундай гигант — титроқ барг...»

Кейин яна ёзди: «Қоронғи турмушимизнинг ёруғ кўк-лами!»

Сўнг тагин ёзди-да, овозини баралла қўйиб ўқиди:

— Зафарларнинг калитини электр симларидек чўза олмасак... Асрларнинг одимини минутларга мингазиб... Кенг, сўнгсиз водийларда — большевик асрнинг пахта деган али шеърини трактор бармоқларида ёзмасак бўлмас...

Кейинроқ бу мисралар «Барот», «Бонг», «Номус» дoston-ларига жон бағишлади.

Билим юртида Шерали Гинтелла, Абдулла Авлоний, Аббос Алиев, Архангельский, Больбарт, Саидолим Шарафиддинов, Абдурахмон Саъдий, Босис Қориев (Олтой), Қаюм Рамазон, Ойбек сингари атоқли маърифатпарварлар ишларди. Билим юртида бадий тўғарак ҳам бор эди. Унда музика тўғарагини Юнус Ражабий бошқарарди. Наби Ғани (кейинчалик машҳур кинорежиссёр) эса драма тўғарагини бошқарарди.

Бу ҳақда домланинг ўзи шундай эслайди:

— Вожатийимиз Жавлон Раҳмон, кейин Олим Аминий (ҳозир фан доктори) бўлди. Пионерлик энг оташии вақтимиз эди: бирга дарс тайёрлаш, шаҳардан ташқари юришлар, ўйинлар, тўғараклар, хунар эгаллаш... Ҳозирги куннинг жуда кўп олимлари, академиклари, сиёсий арбоблари, ўқитувчилари, санъаткорлари, докторлари, журналистлари, ёзувчилари ўша оташии пионерлик ва тиниб-тинчимас комсомол мактабини ўтган ўртоқлардир. Мен санаб кўрсата оламан ва фахрланаман.

Миртемир бўш пайтлари танбурни қўлига оларди, яхши чаларди, ўзини ижодга «созларди». Бу одати умрининг кўп чоғларида қўл келган...

Миртемирнинг ўзи билим юртида кечган дамларини шундай эслайди:

— Агар инқилоб бўлмасайди, меҳнаткаш эл эрк олмасайди, заводлар ишчилик ва ер экиб-тикканлик деган шиор амалга ошмасайди, агар мактаблар очилмасайди, агар мендақаларнинг кўзини очиб, бошини силаб, қўлимизга қалам тутқазмасайди, агар газета-журналлар дунёга келмасайди, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Саидғани Валиев, Сотти Хусайн, Абдулла Ғуразай, Муҳаммад Ҳасан каби қалам усталари мендақа ёшларни қўллаб-қувватламасайди, тўғри йўлга бошламасайди, қайдам, ким ва нима бўлар эдик.

Чунки бир замонлар оғир меҳнат, ғарибона ҳаёт белларни букар, юзларга қаримасдан тириш солар, аёллар ҳам қирқида кампир тусини оларди. Электр чироғи мўъжизадай, лайлатулкадрдай тансиқ эди!

Шу ўзгариш бўлмасайди,
Қайдан билай, ким бўлардик.
Ким бўлардик, не бўлардик —
яхлит қайда — ним бўлардик.
Ана миршаб, деса биров
бешиқда ҳам жим бўлардик,
Алиф эмас, бе бўлардик,
Лом бўлардик, мим бўлардик.

Биз ўтган йўл — эрта бутун Шарқ ўтадиган йўлдир. Биз қурган бу жаҳон эрта бутун Шарқда қуриладиган жаҳон! Ленин йўлидан юрганликнинг боиси бу...

— Минг тўққиз юз йигирма тўққизинчи йилда билим юртини битириб, Ўзбекистон комсомоли Марказқўми йўлланмаси билан Самарқандга бордим, — дейди домла. — Ҳам Педакадемияда (ҳозирги Самарқанд Давлат университетида) ўқидим, ҳам ўртоқ Охунбобоевда тўртинчи котиб бўлиб ишладим.

Домла ўзбек халқининг президенти Йўлдош отани биринчи марта билим юртида кўрганди. Минг тўққиз юз йигирма бешинчи йил эди, ёш Миртемир билим юртининг фаол ўқувчиси, радиоларда сочма ва шеърлари билан танилиб қолган кезлари... Бир кун Охунбобоев номида пионер уюшмаси тузилди. Шу муносабат билан Йўлдош отаниннг ўзи Самарқанддан келиб йигинга қатнашди. Нутқ сўзлади. Пионер кийими, дўмбира, байроқ ва чолғу асбоблари учун минг сўм ажратди. Ўша пайтлар бу — катта пул бўлгани учун билим

юртининг ўқитувчи ва талабалари ўзида йўқ қувонгани бир умр ёдида қолди.

Шу-шу Йўлдош отани кўп эслайдиган бўлди. Кейинроқ тақдир тақозоси билан унинг кўлида ишлади. Халқ билан суҳбатларида бирга бўлди. Очерк ва лавҳалар ёзиб келди. «Йўлдош отанинг сафардаги ҳамроҳлари йўқ деганда йигирма-йигирма беш киши бўларди», деб эслайди домла. 1930 йили ёзган «Барот» номли достонида эса «Охунбобо келиб яқин сўзга лаб очди» сингари мисралар ишлатди.

— Марғилонлик мардикор, аравакаш қарол, жабрдийда ва хор бир меҳнат ўгли — жумҳурият раиси даражасигача кўтарилиши ҳеч кимнинг тушига кирганмикин? Йўқ! Ленин замонасидаги мўъжизалардан бири сифатида ўша армон ҳам рўёбга чиқди.

У ҳар сафарда Йўлдош отанинг фазилатларига, айниқса эл орасидаги обрўи ва камтарлигига қойил қоларди. Ҳар қандай мушқулни ўз ўрнида ва қойилмақом бажарарди. Миртемир бу фазилатларига ранг, бўёқ топса ёзиб қўярди. «Алп сиймо» номли публицистик асарида шундай ёзган: «Ота ҳақида асарлар яратилмоқда. Мен ҳам анча йиллар меҳнат қилиб, бир драма ёздим. Лекин булар отанинг жуда мазмунли, жуда ҳикматли ҳаётини ва қаҳрамонликларини ёритишда қатралар, холос».

Миртемир домла бу асарида ҳам қаҳрамоннинг ўз характеридан келиб чиқди. «Бирлик» — бойлик. Ёлғиз отнинг чанги чиқибдими? Ботир топганини барча билан баҳам кўрса-ю, бахил топганини босиб еяверса, ёруғлик бўлармиди? «Бу оғир йўл, жонини тикканлар киради. Кейин, қолган кўнглини олтин билан ювиш қийин бўлади. Тайёр ошга баковул, етим қизга ясовул бўлгувчи биздан нари юрсин!» Яна: «...Менгачи, жиндак ер бўлсаю суяк-суягини синдириб, жигар-бағрини эзиб чопсам, гуллатсам, қойил қилсам бўлди», «Ёлғончига тонг отмас эмиш», «Қозончининг эрки бор, қандай қулоқ чиқарса...»га ўхшаш, ўқиганни ишонтирадиган сўзларни ишлатди.

— Суҳбатимизга бугун нукта қўйсак ҳам бўлар, — деди домла бир кун борганимда. — Саволларингиз ҳам охирлаб қолгандир. Хўш?.. Йўлдош ота ҳақидаги драма хусусидаги саволга келсак, «Биринчи президент» Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги муносабати билан «Шарқ юлдузи»да босилган. Унинг саҳна вариантини ишлаётган вақтимда узоқ ётиб қолганим маълум. Кейин негадир қизиқмай қўйдим. (Жуда ёмон одатим бор-да...) Шу кундаги ишларимдан сўрабсиз. Чўлпи ўзлаштирувчилар ҳақида кўндан бери машқ қилиб юрган

асарларим бор. Кўп вариантларини йиртиб ташладим. Нуқтасини тошолмай. Тошишга ҳаракат қилишман.

...Қиш лойгарчилигида ботқоқ йўлларда ботиб қолиш хавфидан кўрқиб белларига тахта боглаб олган сувчиларни кўз олдингизга келтиринг... Яқингинада, ҳатто ўн йиллар олдин ҳам Мирзачўлда шу каби манзараларни кўриш мумкин эди.

Кўндан буён Мирзачўл ҳақида йирик бир асар бошламоқчи бўлиб юрган Миртемир ҳаёлини яна чўлнинг ўтмиши чулғаб олди.

...Ҳа, Мирзачўл... Шимолидаги Чордаранинг ўзи бир тарих. Унда асрлар мобайнида сақланиб келаётган харобалар бор. Чордара — тўрт дара, тўрт дарвоза, тўрт йўл маъносида келади-да. Унинг қадимдан карвон йўлларининг чорраҳаси бўлгани, серқатнов, йирик қалъа бўлгани маълум. Худди шу ерда Мирзачўлнинг ғарбидан Хоразм, шимолдан Қинчоқ дашти, шарқидан Фарғона, жанубидан Сугддан келган карвонлар учрашган. Сугддан Еттисойга борган йўл эса Жиззах ва Чинознинг марказий қисмини кесиб ўтган...

Бундан беш юз йил илгари ҳам Жиззах ва Чиноз оралигида аскарлар, кўчманчилар, савдо карвонлари бу йўлларда кўп қурбонлар берган. Ана шу Чиноз — Жиззах карвон йўли Туркистон чор Россияси томонидан босиб олингунга қадар ҳам ягона, асосий ҳарбий савдо йўли бўлиб келган экан. Ўн тўққизинчи асрнинг охирларидагина Жиззах — Чиноз карвон йўлини созлаш, бекатлар, карвонсаройлар, алоқа бўлимлари қуриш, йўл созлаш ишлари, айниқса «Бухоро», «Кауфман», «Николай — 1» каналларининг қазилиши баҳонасидаги уринишлар-чи?

Э-ҳа... Бу воқеалар ҳақида бирор асар ёзиш иштиёқи билан озмунча тайёргарлик кўрдими?! «Канал» номли драматик полотно ҳам ёзмоқчи бўлди, дoston нухаларининг баъзи лавҳаларини қоралади. Лекин, нуқтасини тошолмай, кейинчалик ҳаммасини йиртиб ташлади.

У ёзганларига яна кўз югуртди. Мана, алоҳида қайд этибди: ўша даврларда амалга оширилган, эътиборга лойиқ ишлардан бири Мирзачўл орқали Тошкент — Самарқанд почта йўлининг очилиши экан. Бундай ўрганиб қараса, чўллар оша келган карвон йўлларининг барчаси Усрушога қарашли Факнон вилояти, Дизак номлари билан донг таратган Жиззахдан ўтган экан. Жиззахнинг қадимдан Мовароуннахрдаги тараққий этган шаҳарлардан бирига айланишида ҳам унинг Сибирь, Қозогистон, Шош (Тошкент), Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хуросон, Ўрта Шарқ ва Ғарбий Осиё мамлакатлари ўртасида дарвоза вазифасини ўтаганлиги бўлган.

...Миртемир оғир ўйга толди: эҳ-ҳе... Инсон мана шу йўллар умрини узайтиб, асрлар бўйи чўллар сари неча бор из солган. Қакроқ чўлларга сув чиқариш учун, чўлларни афсонавий Эрам боғларига айлантиришга бел боғлаган... Бироқ, бу йўллардан, бу чўллардан фойдаланиш барибир машаққатли бўлган. Биргина Бухородан Оренбургга минг ботмон пахта етказиш учун юз туяли тўрт карвон уч ойдан зиёдроқ укубатли йўл босган. Мирзачўл — чўлликча қолаверган, асрлар кеча ўз қўйнида оқиб ётган Сирдарёга ҳам лаб тегизолмай армонда ўтаверган...

— Шундоқ, бўтам,— дейди устоз тўлқинланиб.— Энди Мирзачўлнинг Ленин инқилобидан кейинги давринигина олсак, унинг ўзи катта тарих бўлиб қолди. Жиззахнигина мисол олсак, айтишларича йўлларнинг ўзи салкам минг чақиримгача чўзилибди ҳозир! Равон, оқибатли, манзилли йўлларни айтяпман-да!..

Бу йўллар сизни пахтакорлар, галлакорлар, чорвадорлар, қурувчилар, темирйўлчилар, ижодкорлар ҳузурига элтади. Сиз бу йўллардан бориб Ҳамид Олимжонга ўлмас илҳом бағишлаган, яшариб-яшнаётган ўлка табиатидан баҳра оласиз.

Ҳа, айтаверсам гап кўп, Шулар ҳақда бир нарса қораламоқчи бўламану ҳар гал бир-икки шеърдан нари ўтолмай қоляпман. Ўлмасам, албатта ёзмоқчиман...

ОДАМ ФАРИШТА ЭМАС

— Устозингиз ҳақида нима дейсиз? — деган саволга узок вақт хаёлга толиб қолди домла.

— Ҳамид Олимжондан ҳам, Ойбекдан ҳам, Олим Шарифиддиновдан ҳам талай ўрганганимни яширмайман. Кейинчалик Маяковский, Безименский, Уткин, Тагор, Некрасов, Пушкин, Лермонтов, Шевченко, Руставели, Абай, Бердақ руҳига сизиндим... Навоий ёбо бўлса аждод мерос... Бу ўз йўлига. Мен каби, юқоридаги рўйхатни тагин ҳам чўзгувчи тенгдошларим учрайди албатта. Лекин устозлар ичра устозлик қилган, ҳамиша ардоқли бўлиб қолган, биринчи тўпламим ёруғлик кўришида бош-қош бўлган Сотти Ҳусайн эди.

Сотти Ҳусайн тинчимас қалам эгаси эди — тақриз ҳам, таҳлил ҳам, танқид ҳам, саҳна асари ҳам, публицистика ҳам, лавҳа ҳам ёзишдан тинмас, дарс ҳам берар, зарур бўлса — жамоат қораловчиси, зарур кезде бахшиларни замон темаларига

ундовчи. Лекин шу атвори баъзи ўртоқларга ёқмас, уни пул бандаси, деб ҳам, тўй қилиб, фалончига уйланди, деб ҳам, қандай бўлмасин қоралашга, қора рўйхатларда қолдиришга уринганлар бўлди. Тўғриси айтганда, у тухмат ва чақимчиликнинг беомон шамолига учди. У синфий ёт унсур эмас, у яъни зиғирдек тескаричилик қилишига зиғирдек важ йўқ эди. Интернационализм ёпиштирилган патта эмас, балки унинг қонида бор эди. Суянгани, севгани шу замон, шу давр, шу тузум, шу она тупроқ машъали Ленин гоёлари эди. Афсуски, у юрган йўл ҳали ҳеч ким юрмаган, тиканли ва ўнқир-чўнқир эди, ҳали нотекис эди-да. Одам фаришта эмас. Ҳаммада камчилик бор. Сотти Ҳусайнда ҳам камчилик бўлгандир... Лекин қора рўйхатга тиркаш даражасида бўлишига ишонмайман, ишониш маҳол!

Унинг бош-қошлигида ташкил бўлган «Кўрмана» тўплами ҳам анчагина шов-шувга сабаб бўлганини эслайман. «Янги ҳодисалар энди бадий асар учун асос беришдан ожиз!» дегувчиларга ушбу тўплам: «Кўр, мана!» қабилида, ўз вақтида ва савияси дуруст чиққанлигидан Сотти Ҳусайн ҳар йиғинда фахрланиб юргувчи эди.

Домланинг куйинганича бор. Туппа-тузук, маданиятли кишилар бир-бирининг тагига сув қуя бошлади. Даврлардаги арзимас сўз, асарлардаги бир-икки дадил гап, эркин шахснинг дунёқарашини қолипга солиш сиёсатига қарши бориш ким нечаларнинг умрини хазон қилди.

Еш Мртемирга ҳам бўҳтон қилганлар бўлди.

Мана, бир воқеа:

...1927 йилнинг 2 октябри. Эрталаб Самарқандда Коммунистик партия мактабида бутун Ўзбекистон маданиятчиларининг съезди бўлди. Насрулло Охундийнинг сўзи билан бошланган бу анжуман беш кун давом этди. Миллатчиликда айбланган Вовуд Махмудий съезддан ҳайдаб юборилди.

Бугун ўша даврлар қанчалик шовқин-суронли фожиаларга тўла бўлгани ҳеч кимга сир эмас. «Миллатчи унсурлардан тозалаш» кампаниясида қанчадан-қанча халқпарвар кишиларнинг юзига қора чапланди, қатағон қилинди... Қосим Бобоев деганини олсак, у «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1930 йил 15 октябрь сонисидаги «Ниқобли шоирлар» ҳамда «Қурилиш» журналининг 1931 йил учинчи сонисидаги мақолаларида, Миртемир ва Ҳамид Олимжон аксилинқиловчиларга мурид бўлиб қоляпти, деб айюҳаннос солди. Лекин Сотти Ҳусайн мақола билан чиқиб, бу гаплар гирт тухмат эканлиги, Қосим Бобоевнинг ўзи миллатчилик тегирмонига сув қуяётганлигини исботлаб берди...

— Сотти Хусайн бошига тушган гурбат ўз бошимдан ўтгани учун аччиқроқ айтдим. — дейди Миртемир. Гап шундаки. ҳозир ҳам тайинсиз тухматчи ва шундан жонин роҳат топувчи жон тайинкса қаламқашлар орасида; йўқ деб бўлмайди. Гап-катта ёзувчиларни бир-бирига қора пичоқ-оқ пичоқ қилиб кўйиб завқ олишади. Гоят уста, гоят тажрибакор, гоят тўлқак. Ўйлаб, ўтилган йўлни сарҳисоб қилсам, галамислик ҳам ҳунар экан, гап шундаки, ёзувчи ишонади. Мен тўғримда ҳам салбий гап айтилмаган газета кам эди ўша пайтлар. Хатто: «Сен ёзма! Сен Пушкинни таржима қилма!» — деб кўпчилик олдида очиқ айтишар, беваж ва беўрин дашином беришарди. Бир гал эмас, ўн гал эмас, ҳаммавақт. Эринишмас, тайсаллашмас, беандиша ва ўта дағал шаклларда... Менинг кўшиқ текстларим ўрнига (яқин ўтмишда ҳам) текст ёзишар — ҳеч вазисиз, зўравонлик маъносида. Қўлингдан нима келади, маъносида. Менинг шеърларимни сўраб олишар, ойлаб бежавоб сақлашар, кейин йўқ қилишар, кейин ўз шеърларим ўзгаларники бўлиб қолганига (афсуслар!..) гувоҳ бўлардим. «Сен тескари ёздинг, ёмон ёздинг!» — деган эмас ҳеч ким. Деёлмас эди, ваз йўқ. Лекин йиллаб овозимни ўчириш, эл олдида бадном қилиш, юзқора қилиш қўлларидан келди. Хайтовур, инсофи бор коммунист дўстлар ёрдамида тагин йўлга тушиб олдим...

Балки «Асо» шеърисида ўтмишни эслаб ёзгани шундандир: «Олчоқ ва чақимчининг Дажжол дағдағасида, Неча гал аранг қолдим. Тубсиз жар ёқасида. Неча гал ноҳақ сазо, Бадномлик қутқу солди. Дилимда ранжи қолди...»

Қўмсалган даврада қаҳқаҳа авжга чиқади. Ош дамланган, жонон пиёлада гоҳ кўк чой, гоҳ май айланади. Ишдан сўнг, аҳён-аҳён тўпланишиб ҳордиқ чиқарадиган улфатлар руҳи баланд: гийбатдан нари, ташвишдан фориг дам олишади. Бундай пайтларда кўпинча олди-қочди аскиялар, Насриддин латифалари, Навоий ё Ғафур Ғулом, Юсуфжон қизиқ ё Машраб, Ойбек ё Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Пушкин ё Есенин... сингари улугларни улугловчи гаплар кўнгилларни губордан халос этади.

Қирқ етти ё қирқ саккизинчи йил эди чоги. Ўша кезларда танилиб қолган шоирлардан бирининг уйида бир маърака ўтганди. Дастурхон баҳоли қудрат безатилган, хонанданинг хониши кўнгилларга нурдай сингиб борар, елиб-югуриб хизмат қилаётганлардан бири у ёққа, бири бу ёққа чопган, хурсандчилик авж пардада. Даврада оз-оз май ҳам айланиб турибди. Бундай кезларда ўзини эркин қўйиб берадиган Миртемир хиёл ширакайф.

Давра охирлаб, ҳамма уйига тарқала бошлади. Ёмгир шивалаб турар, ҳаво илиқ, файзиёб кечалардан бири эди. Танилиб қолган кўшиқчи-шоирлардан бири ҳамқадамлик маъносида Миртемирнинг билагидан тутади.

Ўша кезлари Москванинг 800 йиллиги кенг нишонлангани, ана шу гаптанага бағишлаб ўзбек қаламкашлари ҳам бир китоб армуғон этгани, Миртемир тўпловчилардан бўлгани, аммо ҳалиги шоир ўз тақризида бу тўпلامда «нуқсонлар» ҳам кўргани Миртемирнинг ёдига тушиб кетди.

Мастлик — ростлик деганларидай Миртемир дилидагиси тилига кўчди:

— Керакмас, керакмас, ўзим... Кет, кет! Сен мен тўшлаган китобни танқид қилдинг-а? Ноҳақ бу, ноҳақ!..

Аммо ўша куни бояги шоир Миртемир домлани уйига кузатиб қўйди. Қайтишда у соябонини тутганча жадаллар, ёмгир шаррос қуяр. Миртемир домлани ранжитиб қўйганини ўйлаб келаётган шоирнинг хаёли олисларда эди. Шу пайт... бирдан у тубсиздек бир чуқурликка тушиб кетди. У жонҳолатда соябон бандидан маҳкам ушлаб қолди. Ўзига келиб қараса, канализациянинг қопқоқсиз хандагига тушиб кетибди.

«Хайрият, соябон бандидан ушлаб қолган эканман, кўп лат емадим...» — Ҳалиги шоири замон кейинчалик шундай дея кўп эслаб юради.

Аммо, Миртемир домладан олган дашномни унга бир умрга етарли эди.

— Нега доим ёмонлар ҳақида гап кетса ижирганасиз? дейман бир суҳбат чоғида.

— Ёмон кесиб ўтган йўлдан илон ҳам ўтишга ҳазар қилади, бўтам! Ёмонга ёмон тенг келмаса худоси бас келмас. Шундай. Ёмондан асрасин, деб бекор айтмаган халқ... Мабодо худо чинданам бор бўлганида бор-йўғи битта: «Эй худо... Бировларнинг йиғлаганини кўриб хандон отадиган, қувончини кўрганда уввос тортадиган нокасларингдан, асрагин!» деб тилак тилаган бўлар эдим... Ҳа, айтгандай, тухматдан кўп нолиганимнинг боисини сўрабсиз. Тухматга тез-тез дучор бўлганимдан-да. Қай куни бир китобни варақладим: битта кобранинг заҳари ўнта илонни, йигирма бешта итни, олтмишта отни, уч юз минг каптарни ўлдиради, деб ёзилган экан. Кейин мен шундай хулосага келдим: бу тухмат заҳари олдида ҳолва экан...

Аммо у ишонар эди: «Қуёш юзини булутлар қопламас, йўқ қоплай олмас!»

«Ёрти аср кўшиқлари» шеърисида эса: «Сал қолдики,

Тарихларнинг ёдидан ҳам ўчирилсам», дея таъкидлар экан, замондан, Ленин йўлидан миннатдор мисралар тизади:

— Карвон бўлдим,

Йўлга тушдим улуг Ленин шуъласида.

Минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилнинг баҳори юз очаётган кезлар. Миртемир қорақалпоқ диёрига сафарга отланган Ғайратий, Шайхзода, Темур Фаттоҳ, Ҳасан Пўлат ва яна бир неча қаламкашлар сафида йўлга тушди.

Ана шу сафар уни Қорақалпоқ билан боғлаб қўйди. Қорақалпоғистоннинг ҳамма жойида бўлди. Турли ёшдаги, турли касбдаги кишилар билан учрашди. Ва «Қорақалпоқ дафтари» номли ажойиб туркумдаги шеърларининг айримларини ана шу сафар чоғида ёзди, қолганларининг «сачратқиси»ни олиб қайтди. Ҳар доимгидай воқеабандликка таянди.

Дарё мавжланади. Осмон беғубор. Кенг дала. Боғлар мудраётгандек туюлади. Ойдин тунда чечаклар солланиб кўрилади. Шоир Аму қирғоғида бедор айланади. Кумуш тангалар сув тагига чўкиб, яна пайдо бўлиб, кўзни қамаштиради — ёруғ тун шарпаси ҳукмрон. Кўланкалар сирли... Унинг хаёлида Бердақ... Бердақни ўзбек тилида жаранглата олганидан бахтиёр. Бердақ бўлиб не илҳом оғушида қолганидан, унинг хаёлларини, туйғуларини ўз қалбидан ўтказолганидан бахтиёр... Баралла куйлаб юборгиси келади унинг... Бердақнинг «Аҳмоқ подшо» достонини ўгираётиб, ёмонларга ўлим тилаганлари, шоир қалбида яхшиларда не фазилатлар кўра билганлари бирин-кетин хаёлига қўна бошлади. Қачон Бердақни ўйласа, қўлида дўмбира билан, ёниб-ёндириб куйлаб турган нуроний чол гавдаланади. Доим халқини ўйлаган, халқини куйлаган алп оқин бўй беради. У куйлай бошлайди: «Ёш йигитга номус керак, ор керак, бўйи хипча, гўзал нозли ёр керак, узоқ йўлга кетса, қаторида нор керак, яхши йигит хизмат этар халқ учун...»

Тизгинсиз тўлқинларга қайта термилади. Қадимда не балоларга мубтало, бетайин оқиб ётган Амунинг бугунги кун дея минг бор ёш олганлари, тўлқинланганлари-чи?! Канал ёқасида шодиёна, икки севишган қалбнинг боқий висоличи!.. Ушанда Миртемир бир нарсага ҳайрон қолди: «Аҳмоқ подшо» достонидаги воқеа силсиласининг ечими, уларни тасвирлаш усули, оҳанги айнан ўзбек халқ достонларининг ўзи эди. «Қирқ қиз» достонининг тугалланмаси ҳам Мирте-

мирни ҳаяжонга солганди: озод бўлган юртга Урта Осиёнинг турли халқлари вакилларида иборат ҳақгўй ҳукмдорлар тайинланиши, уларнинг биродарона ҳамкорлиги...

Шу кез Миртемир, Гулойим ўзининг қирқ алпи кўнглини кўтариб, ёв ишидан юрак-бағри эзилиб, маслаҳат бериб турган каби не саҳролар дардига даво бўлаётгани, не манзилларда чирой очаётганлигини ўйлаб кетади. Унинг асов тўлқинларини қоқ ёриб, наҳангдек кечкиси келади.

«Ҳа,— дея ўйлайди у,— бу ерларда қанча манзиллар кечмадим. Қанчалар ўрганмадим. Неча нурунийлар суҳбатида тонг оттирмадим...» Унинг хаёлида қирқ алп қуршовида Гулойим елиб ўтгандек бўлди. Ана, Саркоп шаҳрини Чамбилдек шаҳарга айлантираётган Гулойим, Арслонбек, Гулойимнинг бедови Оқтамқир, Қирқ қиз канизаги ичра алп канизак Сарвиноз, ана, гуллаб-яшнаётган Туркистон қалмоқ хони Суртойшо, ана, қув чўпон Жўрин кал, Дарбанд тоғида айёрликдан ажал домига тушган айёр Қулимсой...

Олтиной қисматига оид мисраларни ўгираётиб ўша сулувнинг сиймоси неча бор жонланди хаёлида... Ана, у от устида ёниб сўзлаётир:

— Ҳой, дўстларим, дўстларим,
Яроқсиз ботир бўлмайди,
Ўқсиз ботир бўлмайди,
Отсиз ботир бўлмайди,
Кучсиз ботир бўлмайди,
Элсиз ботир бўлмайди,
Ўчсиз ботир бўлмайди,
Ерсиз ботир бўлмайди...

...Бирдан қурол-яроғларнинг беаёв сермалган шаҳди, отларнинг кишнаши, ўктам қизларнинг ўтли наъраси ҳаммаёқни тутиб кетгандек бўлди. Ботирларга хос сифатларнинг бундай тасвирланиши дуркун қизлар сиймосини аён қилдиқўйди.

Кейин бу ҳолат чекинди-да, Миртемир беғубор жилмайди. Ана, Дарбанд тоғи. Тухматнинг тиги парронига учган ботир Арслонбек зор бўзлаб, ов билан кўнглини чоғлаб юрибди. Бир кун қайтиб, ухлаб ётган Гулойим ва унинг қизлари устидан чиқиб қолади-да, улар билан танишиб, ошиқларча тамшаниб, Гулойим сари бор вужуди-ла талпиниб, шўхлиги тутиб, шарми ҳаёнинг баҳридан ўтиб, бир бўсага интизор турибди. Унинг бу ниятини пайқаган Гулойим аччиғи келиб, Арслонни майдонга чақириб сўзлаб турибди:

— Тоғ бошида ўсар экан чинор, тол,
Еш бошимдан менинг ақлим бўлди дол...

Оддий, халқчил сўзлар Миртемир ёшлигидан халқ ижоди-га кўнгил қўйганидан ўша таржима жараёнида ҳам «Ботирман деб оч белингни қийнайсан» каби кўп мисралар ёдида ўчмас бўлиб қолди.

Эҳ-хе... Қорақалпоқ диёрида озмунча кездими?! Қийшайган миноралар, ушалган гумбазлар... экскаваторларига филга мингандек кўниб, тепаларни нари силжитган эрлар, бугунги хаёли эртага ҳақ бўлгувчилар, буюклардан энг буюк Ленин ҳайкали қошида сажда қилаётган оддий меҳнаткаш... «Қорақалпоқ дафтари»га сачратқи бўлган турткилар оз бўлдими?!.

Ўша туркумга кирган шеърларидан бирида айтгани ёди-га тушди: «Оёғи ёмон тўр булғар, таёғи ёмон эл булғар!..» У ўтмиш ҳақида ким бўлиб хаёл сурмасин, тўр булғаган ёмонни эслагандек, эл булғаган таёғи бахилларни эслагандек ёмон иллатлардан ор қилди. Энг муҳими, қорақалпоқнинг ўз ибора ва мақолларидан ўринли фойдаланди, халқ қўшиқлари оҳангига таянди.

У, айниқса, қорақалпоқ халқ шоири Иброҳим Юсуфов билан қалби туташ эди. Қорақалпоқ адабиётидан нима иш қилса, ундан маслаҳат оларди, ҳеч кимни ўзидан кам билмасди.

Мана икки мактуб. Бундай маслаҳат ва сўровлар кўп бўлган:

«Аёвли устоз!

Хат-саломингиз учун раҳмат.

«Юз бир» асарингиз учун, қорақалпоққа деган улуғ муҳаббатингиз учун мингдан-минг қўллуқ, оқсоқолим.

...Миртемир оға! Биз томондан баъзида хатоликлар рўй берса, узр, ҳаммасини ўрнига қўйишга ҳаракат қиламиз. Сизнинг қорақалпоққа хизматингизни ёшу қари ҳам, «Қайнимов», деган женгашлар ҳам асло унутмайди.

«Қорақалпоқ дафтари»ни қайта нашр этишга киришган эдик. Лекин, ўзингизга маълум бўлганидек, теран қаламингиздан, жўшқин илҳомингиздан, гўзал қалбингиздан тўкилган бу китобингизнинг қорақалпоқ тилидаги нусхасида бир-мунча чалаликлар, сакталиклар бўлди. Буни таржимоннинг ўзи ҳам тан олган. Шуни ҳисобга олиб, уни Тўлепберген Матмуродов деган ёш таржимонга ўгиртмоқчи эдик. Хўжабек оға кўнмади. Бўлмаса икковларнинг тайёрланган десак, тил

топишолмабди. Энди Хўжабек ога, ўзим қайта кўриб чиқаман, деб юрибди.

Сизнинг 60 йиллик юбилейингизда Қорақалпоқ халқ шоири унвони билан тақдирлашни келишган эдик. Тошкентдан: «Устозга «Ўзбекистон ССР халқ шоири» деган унвон берилди, зиёни тегиб юрмасин», дейишгач, тўхтатиб турибмиз. Тўйдан олдин ногора чалсақ, номардлик бўлмасин, деган маънода Сизга билдирмадик.

Сизга чин инилик иззати билан, йигитлик сўзим билан саломатлик, узоқ умр тилайман.

Туғишганлик саломи билан

Иброҳим Юсупов».

Бердақнинг юз эллик йиллик юбилейи арафасида эса дилдош шоир шундай мактуб йўллади:

«Ардоқли Миртемир ога!

Авалло юқорида Сизга расмий хат ёзганим учун узр, оқсоқол. Иш юзасидан бу ҳам керак.

Бердақнинг «Бўлган эмас», «Излар эдим» шеърларининг бу нусхалари янгитдан топилган. «Амударё» журналида ҳам босилди. Илгари таржима қилган нусхаларингиздан унча фарқ қилмайди. Фақат айрим мисраларда ўзгариш бор, айрим бандлар ўрни алмашган. Бироқ, мана шу тартибда қайта кўриб чиққанингиз маъқул. Чунки Бердақнинг қорақалпоқ ва рус тилларида чиқай деб турган нусхаларига Сизнинг таржимангизда нашр этиладиган таржималар мутаносиблигига эришилган бўлар эди. «Излар эдим» ҳам шундай.

...Сиз қорақалпоқ тилини менман деган бир қорақалпоқдан кам билмайсиз. Шунинг учун сизга шеърнинг построчнигини юбормадик. Фақат бир илтимос, «соқит» деган сўзни «оқ тол» деб олсангиз. Хоразмда, Урганчда, Қорақалпоқда бу сўзлар шу маънода ишлатилади. «Бўлган эмас» да: «Қарағай басын торган шалды» деган ибора бор. Бу Нуҳ пайғамбар замонидаги ўзингиз билган тўфонга ишора. Халқ қайғуси шу қадар, деган маънода бўлса керак...

Сизнинг олижаноб хизматларингиз қорақалпоқ ёдидан асло унутилмасдир. Буни амалда (иш юзасидан) далилли ифодалаш кезлари ҳам яқинлик бор гап.

Сизга инилик иззат, тенгсиз ҳурмат билан

Иброҳим Юсупов.

Нукус, 14.11.77».

Миртемир бу илтимосларни Бердақ «Сайланма»сини тайёрлашда инобатга олди ва қайта ишлади.

Миртемир қардошлар элида кезишни яхши кўрарди. Қардошлар эли унинг учун Ўзбекистон қадар азиз эди. Ўзбекистон тимсолида яшнаётган бутун мамлакатни тасаввур этарди. «Бу — мен умр кўрган тупроқ, мен бобо бўлган тупроқ...» деб бежиз куйламаган эди-да!

Минг тўққиз юз етмиш бешинчи йилнинг баҳори. Ўтлоқлар тиззадан, даралар сулув, булоқларда фируза сув, жўмард соқий каби тебранган Иссиқкўл, меҳнат майдонида жавлон урган Манасдек алп йигитлар, умрзоқ дostonдек эсга тушгучи кунлар шоёни... Ана шундай фасл оғушида солланаётган Қирғизистон ўзбек ёзувчи ва шоирларини, санъаткорларини қарши олаётир. Меҳмонлар орасида Миртемир ҳам бор. У кутиб олиш тантаналари тугаб, дўсти, биродарлари билан кўришиб, «Тянь-Шань» меҳмонхонасига жойлашар экан, шоғирдларидан бири — Эркин Воҳидовнинг қўлидан тутди:

— Бўтам! Эртага бошланаётган байрамимизнинг фақат бир кунигина мени холи қўйсанглар. Фақат бир кун. Сал тобим йўқроқ, озроқ ҳордиқ чиқармоқчиман.

Миртемирнинг ўтинчини тўғри тушунган мутасадди кишилар эртасига уни уйғотиб, безовта қилишмади. Аммо, Миртемир каллаи саҳарлаб, автобусда Талас областига Манас қабрини зиёрат қилгани жўнаб кетган эди.

У автобусдан тушиб, Манас қабрини суриштириб кетди. Чорминорни эслатувчи осмонўпар рамзий қабр мақбарасини кўрди. Яна ўзга бир дунёга хаёли кўчди. Бешиқда йиғлаётган гўдакни ҳам жим қилган Алокехон ваҳшати, қирилиб йўқолаётган қирғизнинг Ойболта, Урозли, Жақип сингари сўнги ишончлари, Бахтдавлатайимнинг йўлбарс юрагига бошқоронги бўлиши. Манаснинг туғилиши, жаннатмакон кенг Оқ дала — воқеалар бирин-сирин, айқаш-уйқаш бўлиб хаёлидан ўта бошлади.

Бир пайт, йўқолиб кетаётган элини ёвдан халос қилишга бел боғлаган — «Номус учун ўлмасам — Не деб Манас бўлганим!..» деб юрагининг туб-тубидан қасам ичолган, ўн иккига тўлиб-тўлмай, кўпларга қутқу солиб қўйган алп Манас от суриб кетаётгандек туюлди:

Остидаги Аймонбўз —
Ен-верига ташлар кўз,

Қулондай қулоқ чимириб,
Куюндай тупроқ кемириб.
Босганига мол етмай,
Ўзан, булоқ йўл билан...
Қора қирда толмазор,
Толмазорга суянар...
Лаблар қалин, юз ялпоқ —
Отланар бўлса — йўл очик —
Зўрлиги аён кўринар.
Кўкраги дўнг, ёйиқ тўш
Елкаси кенг қаҳри жўш —
Фил мучаллик кўринар.
Йўлбарс бўйин, шер билак,
Бўри қулоқ, тош юрак —
Куч шунчалик кўринар!..

Манас... нақ ўшанинг ўзи совутини, қилич-қалқонини улоқтириб, Миртемирни қарши олаётгандай, «Бовурим!..» деб қулоч ёзиб келаётгандай бўлди. Миртемир аллазамон тек туриб қолди.

У Манас мақбараси олдида турарди. Аввал мақбарага, сўнг теварак-атрофга тўлиқиб назар солди. Тўлқинланди, киприқларига ёш инди. Эгилиб, Манас қабридан бир сиқим тупроқ олиб лабига босди. Манас ўтган йўлларни, жангу жадалларни яна бир бор хаёлидан кечирди. Бирпас оний гурур оғушида қолди. Ботиб бораётган қуёш гўё Манасга зиё сочиб, олис армонлардан сўйлаётганидек эди.

Бу дам гўё қирғиз Манаси билан ўзбек Манаси дийдорлашиб қўл олишиб тургандек эди.

— Хайр! — деди Миртемир ниҳоят овоз чиқариб. — Ўлмасак яна кўришармиз. Ўлмасак кераг-ов!..

«Мана бу бошқа гап бўлди...» — У Таласдан руҳи тетик қайтар, Таласдан эмас, нақ Манаснинг хузуридан қайтар, армони ушалган каби кўнгли тоғдай баланд эди. Талас ўлканинг манаман деган областлари қаторида гуллаб-яшнаётганлигидан, ўз кўрки жамоли билан қардошпарвар юрт фазилатларини кўз-кўз этиб турганлигидан боши осмонда эди. Гўё Манас элини эллар қаторига қўшиб, дўст-ёр орттириб, Хоникейдай қаламқошга уйланиб, ёвни тумтарақай ўз инига қувиб, тўй-тўйлаб, дунёга овозаси кетиб яшнаб тургандай эди. «Ҳа, шундай!» — деб кўнглидан ўтказди шоир.

У қайтиб келгач, Чингиз Айтматов гина қилган бўлди; — Бекор қилибсиз-да, қариндош, ўзимиз уловда олиб борардик. Бунинг устига бетоб бўлсангиз.

— Йўқ, бўтам! Сиздек фарзандларни дунёга танитган элнинг Манаси билан анчадан буён юзма-юз кўришмоқчи эдим. Армоним қолмади. Жиндек эркалик қилдим, узр...

Чингиз Айтматов индамади. У Миртемирнинг «Манас» таржимаси жараёнида қанчалар куйиб-куйманганини яхши биларди. Шундай улкан китобнинг биринчисини ўгирди-я! У минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йилда «Тянь-Шань» меҳмонхонасида, ўн кун деганда қирғиз ва Қирғизистон ҳақида ажойиб туркум яратганлигидан, Қирғизистон Академиясида Манас ҳақида ўрганиб, маслаҳат сўраб неча уззукунлар қолиб кетганидан хабардор эди.

Шунинг учун ҳам шоирни яхши билган Чингиз Айтматов устоз Миртемирнинг худди ана шу фидойиликка тимсол бўлгани фазилатлари хусусида домланинг вафотидан сўнг Ўзбекистон телевидениесида қилган чиқишида ҳам алоҳида таъкидлаб, шундай деган эди: «Миртемирнинг номи эсланиши биланоқ қирғиз адибларининг чеҳраси ёришиб, юзида самимий табассум пайдо бўлади. Ҳа, Миртемир бизга жонажон дўст, сирдош оға эди, камтарин, камсуқум, ажойиб инсон эди, хусусан, мен уни ҳеч қачон унутмайман, негаки, у ана шу иззат-икромга арзирли иш қилган. У катта-кичик баҳоналар билан бизнинг юртимизда тез-тез бўлиб турар эди: съездларимизда, пленумларимизда, конференцияларимизда, хуллас, унинг эътиборига лойиқ кенгашларимизда иштирок этар, ҳамма ишларимизда фаол қатнашар эди. Уни ҳамма, у ҳаммани танир эди. У ўз кишимиз эди, унинг ташрифи самимият ва ҳарорат учқунларини алангалатиб юборар эди. Биз унинг сиймосида ўзбек адабиётини қадрлар эдик. Биз уни оқсоқол деб, ўзимизнинг оқсоқол деб қадрлар эдик. У буни биларди, билар ва қадрлар, шунга яраша эзгулик билан, меҳнат билан, ўз талантининг бир бўлаги, яъни шеърятини билан жавоб беришга астойдил уринар эди».

Қирғизистонлик Асан Жақсиалиев эса шундай дейди:

— Ўша совет адабиёти кунларида бир пиёла кўк чой баҳона узоқ гурунглашдик. Ўша куни домла Республика Фанлар Академиясининг «Манас» секторида бўлди. Дзержинский хиёбонида сайр қилди. Хуллас, Фрунзеда худди Тошкентда юргандек ўзини эркин ҳис қилди.

Одатда шундай катта йиғинлардан ортиб, бирор юмуш қилиш ҳам қийин. Аммо Миртемир домла фурсат тошиб, Таласга йўл олди. Кейин билсак, беш юз чақирим йўл юриб, Манаснинг қабрини зиёрат қилгани борган экан. Мана юртга, адабиётга садоқат.

Уша кунлари бўлиб ўтган бир хангомани кўпчилик эслайди: Манас қабри зиёратидан қайтиб келган Миртемир мезонлар гинасига учраб, бегубор жилмайиб, даврадагилар ёнига тиз чўкди. Шунда унинг қирғиз таржимонларидан бири Бойзоқов унга бир заранг пиёлада қимиз узатди. Миртемир бир хўллаб қимиз тўла пиёлани қайтарди.

— Нега? Сув кўшилибдими, устоз? — деди хайрон бўлган Бойзоқов.

Миртемир бир тебраниб олди-да, деди:

— Ё қимизга сув кўшилган, ё сувга қимиз...

Гуриллаб кулги кўтарилди.

Ноқулай вазиятга барҳам берилган эди.

Яна ўша машғум йўқотишдан сўнг Чингиз Айтматовнинг Ўзбекистон телевидениеси орқали айтган сўзлари хаёлан қайта эшитилиб кетгандай бўлади:

— Миртемир ҳақида ўйлаш ва унинг муборак хотирасини ёдга олиш ҳам қувончли, ҳам қайғулидир. Шунинг учун қувончлики, Миртемир улкан шоир, жонажон дўст, тенги йўқ дилкаш инсон эди, шунинг учун қайғулики, қалбимизга жуда қаттиқ таъсир қилган бу кулфат ҳали унутилган эмас. Биз Миртемирни ҳамиша машҳур қаламкаш салафлари қаторида барҳаёт, деб биламиз. У биз учун Гафур Гулом, Ойбек, Шайхзода ва ўзбек адабиётининг катта авлодига мансуб бошқа санъаткорлар билан ёнма-ён туради. Шу билан бирга Миртемир биз учун, қирғиз адиблари, қирғиз китобхонлари учун алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган ва қалбларимиздан алоҳида жой олган ижодкордир. Гап шундаки, Миртемир ўз замонаси тўғрисида жуда катта ва ажойиб фикрлар айта олган нозиктаъб, ўта самимий шоир эди. Ҳа, худди шундай эди! Шеъриятга 20-йилларда қадам кўйган Миртемир то етмишинчи йиллар ўртаси, аниқроғи, умрининг охирига қадар ўз замонаси, Ўзбекистон ва унинг одамлари ҳақида тўлиб-тошиб, кўйиб-ёниб ёзди, катта гаплар айтди. У, айниқса, шу билан бир вақтда келиб чиқиши, тарихи, тил хусусиятлари жиҳатидан қон-қардош бўлган кўшни халқларга катта эътибор билан қаради. Бу, албатта, табиий эди. Шунинг учун ҳам у бизнинг Қирғизистонда, Қорақалпоғистонда халқ меҳрини қозонди, атоқли шоир сифатида эъзозланди. Дарвоқе, «Қорақалпоқ дафтари», «Қирғиз дафтари» деб номланган шеърини туркумлари унинг ижодида энг сара, энг бақувват асарлардир, десам янглишмасам керак, деб ўйлайман. «Қорақалпоқ дафтари» ва «Қирғиз дафтари» деб номланган ана шу ҳар иккала туркум унинг ижодий меросида, унинг шеъриятида алоҳида ўрин тутади.

Ўйлайманки, ўзбек китобхонлари Миртемир ижодини менга қараганда чуқурроқ биладилар ва бу улкан шоирнинг номи уларнинг юрагига яна ҳам яқинроқдир. Мен фурсатдан фойдаланиб, шоирнинг эҳтимол ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган ва кўпчилик илғамаган фазилатлари хусусида тўхталмоқчиман. Гап шундаки, шоир қанчалик миллий бўлишидан қатъи назар, ўзининг худди ана шу миллий табиатига, ўз халқи, ўз атроф-муҳитига қанчалик содиқ бўлганлигидан қатъи назар, агар у чинакам катта шоир бўлса, ўз миллий қобиғи доирасини албатта ёриб чиқади, ўзига янги китобхонлар, янги дўстлар, янги мухлислар орттиради. Бироқ, у бунга тасодиран ва осонликча эришмайди. У бунга бошқа республикалар, бошқа мамлакатлар китобхонлари қалбида гўзал ҳис-туйғулар, эзгу ҳис-туйғулар уйғота олиш воситаси — яна ўша сермах ҳаққат ижод ёрдамида, катта заҳматли меҳнат ёрдамида эришди.

Мен ҳали, назаримда, Миртемир шаҳару қишлоқлари ёндош, чегарадош, халқлари азалдан қуда-қудагай бўлган Туркистон ўлкасининг улкан шоири, йирик интернационал шоири эканлигини намоён этган қорақалпоқ ва қирғиз дафтарларини эслатиб ўтган эдим. Гап шундаки, тилларимиз яқинлиги — ўзбек тилининг қирғиз, қорақалпоқ, қozoқ тилларига яқинлиги бир жиҳатдан катта бойлигимиз, катта тарихий бисотимиз, улкан хазинамиздир. Миртемир ана шу бемисл тарихий бойлигимиздан маҳорат билан фойдалана олди. Унинг шеърояти айни мана шу яқинликни, халқларимизнинг этник яқинлиги ва тил яқинлигини ўз кўлам доираси ичига қамраб олди. Шунинг учун улуг қирғиз эпоси «Манас»ни Миртемир, ҳа, бошқа биров эмас, худди шу Миртемир ўзбек тилига ўғирди. Ўйлайманки, бу умуман манасшуносликда, хусусан Миртемир шеъроятида, унинг таржимонлик фаолиятида амалга оширилган жуда йирик, жуда қутлуғ ишлардан биридир. У бундай йирик ва мураккаб ишга қанчалик таъсирли, қанчалик жиддий, қанчалик теран муносабатда бўлганлигини мен ҳозир ҳаяжонсиз эслай олмайман. «Манас» эпосининг таржимасига қўл уришдан олдин у бизнинг республикамиз бўйлаб, худди шу «Манас» эпоси билан боғлиқ районлар бўйлаб жуда кўп кезди, бутун Иссиқкўлни айланиб чиқди. Чуй водийсидаги кўп жойларни бориб кўрди. Унинг Талас водийси бўйлаб қилган сафари, менинг назаримда, айниқса узоқ ва айниқса самарали бўлди. Талас — Манаснинг ватани, «Манас» эпосининг яратилиши тўғридан-тўғри шу Талас водийси, шу Талас тарихи билан боғлиқ. Агар янглишмасам, 1975 йили у бизнинг юртимизда охириги марта бўлган эди. Ўшанда ҳам у яна Талас сафарига отланди, ўшан-

да унинг тоби йўқроқ, саломатлиги унча яхши эмаслиги сезилиб турар эди. Қон босимининг ошиб кетганидан, бош оғриги азоб бераётганидан нолиган эди. Шунга қарамасдан у баланд тоғлар водийси — Таласга борди, Гумбаз мақбарани — Манаснинг қабрини зиёрат этди. Ушанда у бизга: «Мен бутун Таласни кезиб чиқдим, Манасни зиёрат қилдим», деган эди. Бу албатта Миртемир меҳнатининг улкан ютуғи, тинимсиз изланиш ва интилишларининг далили эди.

Шуни мамнуният билан айтишим керакки, Миртемир қарийб бир миллион мисрадан иборат, катта-катта тўрт жилдли «Манас»нинг ярмидан кўпрогини таржима қилишга улгурди. Ўзбек тилида «Манас»нинг иккита катта китоби чоп этилди. Биз энди Миртемир таржимасида ўзбек «Манас»ини ўқиймиз. Мен уни ўқир эканман, ҳар сафар Миртемирнинг туркий тиллар бўйича нақадар бой билимга эга эканлигини кўриб хайратга тушаман. Унга, чамаси, фақат ўзбек тилигина эмас, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, туркман тиллари ҳам яхши таниш эди, таъбир жоиз бўлса, унинг шеърий таомилига ошно ва ўнгай эди. Шунинг учун ҳам унинг ўзбек тилига қилган таржимаси «Манас»нинг буюк, гениал асл нусхасига мос, жуда колоритли чиққан. Дарвоқе, ана шулардан кейин Миртемирни хотиржам ва ҳаяжонсиз ёдга олиш мумкинми ахир! Бу мени ҳар сафар ҳаяжонга солади, ҳар сафар у билан бўлган учрашувларимизни, унинг юртимизга қилган сафарларини, унинг улуғ хайрли ишларини хотирлашга ундайди. Хусусан, мен у билан миллий тилларга оид, ҳозирги тиллар тараққиётига оид, — мен ўзбек ва қўшни халқлар тилларини назарда тутяпман, — бир неча бор суҳбат қуриш бахтига мушарраф бўлганман. Ушанда у, фақат бизнинг миллий тилларимиз тараққиёти билан боғлиқ муаммо ва истиқболларга доир катта билими ҳамда тушунчасини намойиш этибгина қолмай, нима қилса яхши бўлади, қандай йўл тутиш лозим, деган масалаларда ҳам салмоқли фикрларини баён этган эди. Мисол учун у, хусусан, ҳозирги шароитда, илмий-техник революция шарофати билан халқларимиз бир-бирларининг тил бойликларини ўзаро фаол ўзлаштиришлари учун қарийб кундалик алоқанинг кўпгина имкониятларига эга бўлган бир пайтимизда, Ўрта Осиёдаги туркий тилда сўзлашувчи халқлар орасида бирмунча яқин алоқа ўрнатиш, тилларнинг бири-биридан узилиб, ажралиб қолмаслиги, ўз-ўзича ривожланмаслиги кераклиги тўғрисидаги бирмунча кенг ғояларни қўллаб-қувватлади. Яъни, Миртемир бундан анча олдин, Ўрта Осиёнинг ёндош республикалари телевизион программаларини бир-бирига узатиш ғоясини илгари сурган эди. Айни пайтда мен ҳам буни қизгин қўллаб-қувватлаган эдим. Биз қўли-

миздан келганча, бизнинг республикамизда яшаётган ўзбек ёки қирғиз Тошкент программасидан ва аксинча, Қозоғистон, Ўзбекистон ҳамда бошқа қўшни районлар аҳолиси бизнинг эшиттиришларимиздан баҳраманд бўлишига таъсир ўтказиш учун ҳаракат қилган эдик.

Шуни айтишим керакки, Миртемирнинг жонажон дўстлари жуда кўп эди. Унинг мен билган ана шундай дўстларидан бири марҳум Мирзо Турсунзода у ҳақда жуда илиқ ва яхши гаплар айтган эди, яъни, «бу билан мен, Миртемир форс адабиётини ҳам, табиийки, тожик адабиётини ҳам яхши билганлигини таъкидламоқчиман. Бу эса унинг шеърятини, «Манас»га ўхшаш архаик текстларни ва ўрта асрга оид бошқа асарларни таржима қилишда унинг луғат фондиди бойитди.

Пировардида шуни айтмоқчиманки, Миртемирни Ўзбекистонда қандай ардоқласалар, бизда — Қирғизистонда ҳам шеърят мухлислари ва умуман, «Манас»ни миллий-тарихий бойлигимиз сифатида, ақлий эпик ижоднинг чўққиси сифатида суюб, эъзозлаб қадрлайдиган ҳар бир киши, у ким бўлишидан қатъи назар, Миртемирни ёдга олмаслиги мумкин эмас, уни миннатдорлик билан эсламаслиги мумкин эмас, бинобарин, биз зўр эътибор билан ўрганаётган ва ўрганишимиз лозим бўлган жуда қадимий анъаналарга, бой анъаналарга эга бўлган ўзбек халқи адабиётини, маданиятини эҳтиром билан ёдга олмаслиги мумкин эмас ва мен ўйлайманки, биз ҳам ўз навбатида, ўзбек адабиёти ҳамда маданияти бойликларини ўз ижодий системамизга қўшиш учун ҳаракат қилишимиз керак, албатта шундай қиламиз.

Домла архивида «Манас»нинг дастлабки таржима қўлёзма вариантини ўқиган Чингиз Айтматовнинг қуйидаги ёзма фикри ҳам бор: «Ўртоқ Миртемир томонидан ўгирилган «Манас»нинг бу бўлими, менимча, ҳар жиҳатдан яхши ишланган. Ҳеч қандай даъвом йўқ.

Чингиз Айтматов».

Домла ижодхонасидаги архив папкаларининг кўпчилигида «Огонёк», «Здоровье», «Фан ва турмуш», «Гулистон» журналларидан, газеталардан қирқиб олинган муҳим ва зарур, қизиқарли материаллар сақланади. Улар ҳам ўқилган, керакли жойлари қалам билан белгилаб қўйилган. Айниқса, СССР Фанлар Академияси ҳамда Озарбайжон Фанлар Академияси томонидан 1970 йилдан эътиборан ҳар икки ойда бир марта чиқа бошлаган «Советская туркология» журналлари алоҳида эътибор билан сақланиб, алоҳида эътибор билан ўқиб борилгани кўринади. Булардан ташқари Ўзбекистон ҳақида

сўз юритилган барча нашрлардан зарур материаллар қирқиб олинган, ўқилган, муҳим ўринлар белгилаб қўйилган. Хоразм, Самарқанд, Фарғона ҳақида тўпланган материаллар алоҳида-алоҳида панкаларда...

Миртемир домланинг Салоҳиддин Мамажонов билан қилган суҳбатига (у магнит лентасига ёзиб олинган ва кейинчалик «Ўзбекистон маданияти» да чиққан) шундай ўрин бор:

«Савол:

— Қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ халқининг турмуши, руҳини яхши билишингизнинг боиси нимада?

Жавоб:

— Мен ҳам саҳройироқ Шимол ўзбегиман-да. Шу важдан саҳройи қардошлар ҳаёти ва руҳи менга яқинроқ».

Шунинг учун ҳам унинг қардош адабиётлар вакилларида дўстлари кўп эди.

Озарбайжон халқ шоири Сулаймон Рустам шундай эслайди:

— Миртемир билан Тошкентда, Бокуда, Москвада, қардош республикаларимиз шаҳарларида бўлган кўп учрашувларимиз, шеърят ҳақидаги суҳбатларимиз жуда самимий, мароқли ўтар эди. Миртемир бизнинг озарбайжон адабий муҳитимизда яхши танилган ва ҳурмат қозонган сўз усталаридан бири ҳисобланади.

Миртемир эса Сулаймон Рустам ҳақида ёзган эди:

«Озарбайжон янги шеъриятида инқилоб ва янги ҳаёт мавзуида биринчи қалам тебратган Сулаймон Рустамни 1928 йилдан биламан. Ўша йили атоқли адабиётшунос, «Еш ленинчи» газетасининг редактори Сотти Ҳусайн етагида тўрт ёш ёзувчи мамлакат бўйлаб саёҳатга чиққан эдик. Боку, Қозон, Москва, Ленинград шаҳарларида бўлдик. Бокуга борганимизда бизни кутиб олган шу Сулаймон оға, Миржалол, Абулбоқи, Файзи каби касбдошларимиз бўлди...»

Бовурдошликни Миртемир ана шундай қадрлай олди. Шунинг учун ҳам у «Қирғиз шеърлари» туркумидаги «Бовурдошлик» шеърида дедик: «Бовурдошлик шундоқ бўлибди, кўнгли эгриларнинг кўзлари куйсин. Кўзлари ҳам гапми, ўзлари куйсин, даврдошлик бундоқ бўлибди».

Миртемир «Қирғиз шеърлари» туркумини минг тўққиз юз етмишинчи йил тўлдирди, қатор шеърлар ёзиб қўшди. Ўша йилнинг баҳори эди. Бир гуруҳ ўзбек қаламкашлари ҳафталикда иштирок этдилар. Жалолободда бўлганларида, мотамсаро она ҳайкалини зиёрат қилишди. Шаҳар хиёбонида, мангу олов ёнида йиглаб турган Она ҳайкали. Сочлари оқарган, қади дол, маъюс...

Бирдан Миртемирда ором йўқолди — хушчақчақлик, те-

тикликдан асар ҳам қолмаган эди. Маъюс тортиб, аҳён-аҳён пичирлаб қўяркан, йиглаб турган Она рамзини ўқувчига шеър ҳолида тортиқ қилишни ўйламоқда эди. «Мотамсаро онажон, Кўтар эгик бошингни...» Ниҳоят, шеър бошламаси тошилди. Сўнг пичирлаб қайтарди: «Йиглама... Йўқ, йиглагин! Кўз ёшинг денгиз бўлиб, Аждаҳоларни ютсин...». Мисралар қуйилиб келаверди: «Йиглаки, онасини йиглатмас бўлсин одам...», «Мен учун йиглагин!» бўзлади шоир. «Мен ҳам ўша ўғлингдай жўн бир жангчи бўлганман». Чунки, деди: «Мен ҳам тўрт йил ичида қирқ йўла ўлганман...» — Кейин шеър умумбашарий тус ола борди. Мисралар залвари ортаверди: «Йиглама, ҳей, йиглама! Бас қил кўз ёшингни, сени дунё онаси атай деб келдик ахир». Кейин шоир шеър қоралашга тушди. Ўзгартишлар киритди, сайқал берди. Онанинг олабий сиймоси тасвири ярқирайверди: «Бир зум жил-майишингдан айланиб кетсин жаҳон...»

Бир гал қайсиям редакциядан топшириқ олди: пахтакор ҳақида шеър. Ўлкани айланганлари, не-не пахтакорлар билан ўтказган учрашувлари ёдига тушди. Аммо меҳнаткаш халқининг олқишини олгулик бирор нарса ёздимикин?..

У яна ўзидан қоникмаслик руҳи билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Сўнг, ёзиб қўйди: «Нима тўқий олдим элга дегулик, Тил учуда хануз элга айтарим...» Бу мисралар кейинроқ «Абдулҳаққа айтганим» шеърда баралла жаранглади.

Негадир бир кезлар ёзганлари эсига қуйилиб келди: «Эй, Лениндай етакчиси бор халқим», «Кўлу тоғлик, Боғу роғлик ўзбек элим. Момо юрти чамбил белим. Зару гавҳар — ялтироқ тош, недир олмос, Сен биз учун ҳам нон, ҳам ош, мангу мерос...»

— Пахтакор ҳақида ёзиш керак-ку, пахтакор ҳақида, домла Миртемир...

У ўз овозидан ўзи сергак тортди-да, қоғозга энгашди:

Бало келди сур булутдан сим қоқиб,
Жафо келди бевафодек им қоқиб,
Таянчликман, кодирман-да, даф бўлди,
Кепчигини чала қоқиб, ним қоқиб...

«Сарлавҳасини ҳам ўйлаш керак. «Пахтакор тилидан...» деб қўйсам қандоқ бўларкан... Ҳа, бўлди! Аммо, манави сатрлар шеърнинг ўртаси бўлиши керак...»

Бирдан хаёлини бошқа мавзу олиб қочди. Яна суйган эли ва она тили ҳақида, дўстлари чўзган беғараз қўл ҳақида, доно Ленин яратолган улуг йўл ҳақида ўйлаб кетди. «Бундай меҳ-

наткаш юрт сира йўқолмас», «Ленинга зиғирдай ўхшай ол, ўғлон!», «...Ленин сени деб кетди».

Шу сатрлар ёдига тушаркан, дўст ҳақида ёзганда: «Дарддош бўлмаса, дардинг олмаса, Қайларда қолур, қайдам азиз бош. Ола тўполон, Не қора бўрон Дўстлик олдида — тилсиз, таргил тош, Тақдирдан рози ўша ўзбекман. Фахрим — ардоғим, йўқ жиндай афсус, Елкадошим Русь, я тобой горжусь!» дея ҳайқиргани, жужуқлари ёнидан ўтганда: «Булар она юртнинг эркалари-да, Булар эртанги кун эгалари-да!» деб фахрлангани, Тошкенти ҳақида ёзганида: «...мерос кентлар тожисан!» сингари мисралар тизганларини эслади...

Ана шундан сўнг мисралар қораламалари қуюлиб кела бошлади: «Дўст кўнглини ёритолсам ёғдудек, бошим кўкка етгани», «Тотувликда биздайи кам дейман-ов, бўлса ҳамки жуда кам». «Оғир кезде турмас кимнинг эсида? Тилда қолмас, фарқ ва ирқ», «Дарёларнинг тошқин пайти арслон янглиғ ариллаши, довларнинг кўк қиёси, қорли тоғлар жилосидан, чўпонларнинг қамиш байти, чилдирманинг чирманда-си, Гўрўглининг алп сиймоси, Алпомишнинг наърасидан туғилган тил — Она тилим». Яна ёзди: «Ленин фалсафасин ҳам шу тилда мағзин чакдик, юракка жойлай олдик ана шу она тилимизда...»

«Қизиқ, — деб ўйлади домла, — баъзан ҳафталаб, ойлаб, бирор мисра қоралолмайсан. Қанча зўрласанг ҳам бир пул. Наф чиқмайди. Мана бундай кезларда бўлса...»

У энгил тортди. Деразадан ҳовлига бирпас қараб турди-да: «Тотувликда биздайи йўқ чамаси, бўлса ҳамки ғоят кам!», «Оғир палла турмас кимнинг эсида. На тил фарқи ва на ирқ!», «Алпомишнинг даъвосидан» деб, боя қоралаганларига сайқал берди. Кейин яна ёзиб қўйди: «Бу юртга ўқраймоқ осонмас кўп ҳам...»

Бу мисралар кейинроқ «нуқтасини топди» ва унинг машҳур «Она тилим», «Юз бир», «Ёдгорлик» шеърларида ўз ўрнида ишлатилди.

Шоир бахт борасида сўзламоқчи, қувноқ бир қасида куйламоқчи, эрта ва бугунни ўйламоқчи, эртақ каби бир тўй тўйламоқчи... Шунда асрий бир армон бўлиб, ёвга шафқатсизу дўстга дармон бўлиб, меваю шароб, суву нон бўлиб, меҳри кўшдарёю бағри уммон бўлиб бебаҳо хирмону Ленинга фарзанди жон бўлиб... кўз ўнгида Ўзбекистон намоён бўлади.

Шу боис ҳам самимий даъват қила билди:

Шахтакор республикам —
Белинг боғлоглиқ бўлсин!

У ана шу ўлкаси замирида юрти билан фахрланади ва аввал-бошданок ёзади:

Куррада
Қуёшдай ярқираган Ватаним!

Ҳа, домла шу бекиёс юртнинг қаерида бўлмасин фахрла-
ниб мисралар тизди, Ўзбекистон мисолида поёнсиз Ленин
юртини кўра билди. Шу туфайли ҳам ёзгани доим ҳар дилга
яқин бўлди:

Ленинга ҳамиша фарзанди жонсан,
Ўзбекистонсан!..

Куз охирлаб боряпти. Хазонлар... Умрнинг ҳам кўни ке-
тиб, ози қолди. Эли балли дегулик нима ярата олди?..

Яратганларидан ҳамма рози эканлигини ҳис этсаям, унинг
кўнгли қониқмас эди. Бу сафар ҳам одатича тишларини ги-
чирлатиб, ўйга толди: редакция сўрови бир-икки кун кечи-
кадиган бўлди-да...

Кейин ўзининг «оғир карвон» лигидан оғринди... Бир оз
хаёл суриб, яна бир қоралаб қўйди: «Йўлда қолди талай гўл-
лик — гўралик. Йўлдошликман, дўсту ёрлик, жўралик. Дўст-
га тортиқ, гавҳар ортиқ али хирмон, Давлатликман, қазноқ-
ликман, кўралик».

Ушанда шеър шеърдек бўлиб газета юзини кўрди. Тўғри,
газета ходими уни кечикиброқ олди. Аммо, кейин кўнгли
жойига тушди. Негаки, шеър йигилишларда, давраларда
мақталган эди...

— Ленин ҳақидаги сюжетли шеърларим, Қирғизистон
ҳақидаги баъзи шеърларим, «Сурат» деган поэмам, муҳаббат
ҳақидаги баъзи шеърларим кўзимга чақнаб кўринади, — де-
гувчи эди домла.

— Ҳамид Олимжон ҳақидаги хотирангизда Нозим Ҳик-
матнинг «Қуёшни ичганлар кўшиғи» китобини таржима қил-
ганингизни айтгансиз.

— Ҳамид Олимжон билан Нозим Ҳикмат шеърларини
30-йилларнинг бошида тўла таржима қилган эдик. Айтиш
керакки, ўша йиллари Нозим шеърлари фақат ёш қаламқаш-
лар учунгина эмас, умуман қалам аҳли учун катта янгилик
эди. Уларни биз ёд олиб адабий кечаларда ўқир эдик. Унинг
шеърлари замонанинг етакчи мотивлари эканлиги ҳақида
шубҳа бўлиши мумкин эмас... Айниқса, туркий тилларда у
жуда ҳам оммалашган эди. Унга эргашувчилар ҳам оз эмасди.
Менимча, Ҳамид Олимжон ҳам, Ғафур Ғулом ҳам ва Шайх-
зода ҳам ундан баҳраманд бўлдилар, позимона шеърлар —
минбар шеърлар яратдилар. Мен ҳам Нозимдан талай ўрган-

дим. Менимча, Нозим шеърлари ҳали ҳам ўз ҳароратида — жозибали, салобатли, ярқироқ ва замондош!

Бир куни суҳбатимизни давом эттириш илинжида борсам, кайфияти дуруст. Ҳар галгидай у дастурхонга ундади. Ундан-бундан, янгиликлардан суриштирган бўлди. Мавриди келиб, суҳбат мавзуини муддао томон буриб:

— Домла, сиз илҳомни қандай тушунасиз? — деб сўрадим.

— Илҳомми? Хўш?.. Илҳом — илҳом-да! Тушунча бу, изоҳлаш амри маҳол.

У оғир ўйга толди. Анча жимликдан сўнг, яна тилга кирди:

— Бир пайтлар, билим юртида тарих ўқитувчимиз бўларди. У дарс давомида йўл-йўлакай турли-туман ҳикоятлар айтиб берарди. Бир гал у бангилар хусусида тўхталиб шундай деганди: «Ёшлигимизда сув бўйида ўтирган бангиларни кўрардик. Сувга тош отсак, улар: «Вой, дод! Яхшилар, ҳой! Қутқаринглар, чўкиб кетдик! Чўкяпмиз!» — деб айюҳаннос солишар, бола эдик-да, бунинг боисига тушунмас эдик. Энди билсам, англасам — бангилар наша қилгач, гўё «нариги дунёга» бориб, қайтишар экан: кўзларига ҳеч нарса кўринмай, сезгилари ҳеч нарсани сезмай қолишса керак... Мана, кўрдингизми, — дейди домла ўхшатишидан кўнгли тўлмаётганини сезиб турсам ҳам, — илҳом ҳам бамисли наша таъсиридай бир гап. Тугёнли туйғу. Унинг измига тушдингми, бас, кўзингга ҳеч нарса кўринмай қолади. Даврнинг айтмаса бўлмайдиган гапларини айтгинг келаверади, келаверади... Шунда ёзмай иложинг қолмайди. Худди шу хуруж илҳом дегани бўлса керак. Менимча, шундай...

— Баъзилар ўсиш мазмунини мансаб ўсишида кўришади.

Бунга қандай ёндашган маъқул?

— Ўсимликларнинг аксарияти ҳар дақиқада 0,005 миллиметр ўсса, қовоқ бир дақиқада (минутда-да) 0,61 миллиметр ўсар экан. Қовоқнинг ўсиш суръатидан ёқа ушлаш инсофдан эмас. Негаки, у барибир айрим мансабпарастларнинг «ўсиш» тезлигидан ибрат олса бўларкан... Хўш, улғайиш, маънавий ўсишга келсак, инсон эзгуликка интилади! Яхшилик қилиш, яхши фазилатларни ўзида мужассамлантириш — унинг кундалик эҳтиёжига айланади. Буни ўзи сезмаган ҳолда, билмаган ҳолда шу иш билан машғул бўлаверади. Ана шундоқ кишилар инсонларнинг оддийси, тамагирликдан йироғи, беғалваю асили бўлади.

— Ҳалол меҳнат ҳақида кўп гапирасиз. Бунга яна қандай қўшимча қилса бўлади?

— Бу гапга келсак, чумолилар ўзларидан 1400 маротаба оғир юкни таший олар экан! Қаранг-а, айрим нокас бандалар

ўз юкини кўтариб юришнинг ҳам уддасидан чиқишолмайди-ю!.. Ҳаётда меҳнат билан бахт топинг. Ўзгаларни ишонтира билиб яшанг. Бировни ҳеч қачон, ҳеч нарсага ишонтира олмай қолсангиз, демак: мен яшамаяпман экан, деб ўзингизни ишонтиришга ҳаракат қилинг.

Бир оз жим қолгач, аста қўшиб қўйди домла:

— Сухбатимиз шеърятдан анча йироқлашиб кетди-да!..

Минг тўққиз юз етмиш бешинчи йил эди. «Тағин домлангизни безовта қиласиз,— деди муҳаррир.— Тошкентда номаълум солдат қабри очиларкан. Унга туташтириладиган мангу олов Москвадан, номаълум солдат қабридан келтириларкан, самолётда. Шу тантанага битта шеър керак. Ўша кунга тақалиб бормаслиги учун олдинроқ айтяпмиз...»

Домла бўлса стационарда ётар, редакция топшириғини касалхонада, шифокорларнинг тақиқи остида, оғриқ исканжасида бўлса ҳам бажаришга ҳаракат қиларди.

Мен билан ҳол-аҳвол сўрашибоқ деди:

— Тинчликми ё яна бирор топшириқ биланми?

Мақсадимни тушунтирдим.

— Ҳа...— деди домла ўйланиб.— Катта савоб тантана бўларкан-да. Афсус, қатнашолмайман. Лекин, албатта шеър ёзиб бераман.

Суюниб кетдим.

— Демак, эртага келаверсам бўладими?

— Келаверинг,— деди домла ишчанлик билан.

...Йўқ. Шеър битиши бир ҳафтага чўзилди. Кейинроқ қўнғироқ қилган эдим, «Битди, келаверинг», деган жавоб олдим.

Борсам, домла араб алифбосида ёзилган шеърга сайқал бераётган экан. Мени кўриб: «Сал кутасиз-да, бўтам», деркан, яна қоғозга энгашиди.

Нихоят, нуқта қўйилгач, домла шеърни ўқиб берди. Шеър меҳр ва ҳарорат билан ёзилган, ўқиганни титратгулик эди. Номини (кўпинча шеър битгач, сарлавҳа қўярди домла) ҳозирги алифбода, катта ҳарфлар билан ёзиб қўйди: «Едгорлик».

Менинг қувончим чексиз эди. Домла шеърни қўлга оларкан, деди:

— Бўтам, «заказ»ингизни араб алифбосида қораладим. Енгил кўчади-да. Бу ёзувга мен инглизчани тушунганчалик тушунсангиз керак. Айтиб турсам, сиз кўчириб олсангиз. Малол келмайдами?

— Асло!— дедим домланинг ўнг ёнига ўтиб.

Шеърда уруш фидойилари ёд этиб ўтилган банд бор эди.

Домла деди:

— Ҳамма жабҳада ватан учун ўзини аямаганлар қолмабдими?

Унинг хаёлидан кўтарилган шекилли, минг истиҳола билан дедим:

— Самолётда фидойилик кўрсатганлар қолибди, домла...

— Яхши эслатдингиз-да! — деди домла ва шеърни олиб, ўша бандни ишлай бошлади. Анча пайт ўчириб-ёзиб бўлгач, деди: — Энди эшитинг-чи, маромига етгандир?..

Ўқчимикин асли ё танк дарғаси,
Балки радист, тўпчи ё бургутпарвоз,
Комиссар ё ўша ўқтам чавандоз,
Балки юз аскарнинг чўнг ўтағаси.

Кейин, шеърнинг яна бир-икки жойига қалам ургач, домла деди:

— Ана энди олиб кетаверинг...

Эрталаб ишга келишим биланоқ қўнғироқ жиринглади.

— Бўтам, ишнинг расвосини чиқарибсиз-ку! — деди домла ранжиброқ. — Сизга ишонсам... Ҳеч ким қўнғироқ қилмадими? Дашном эшитмадингизми?

— Нима гап, домла? — дедим юрагим орқамга тортиб.

— Ахир, наҳот фарқига бормасангиз, «барҳам» сўзи «малҳам» бўлиб кетибди-ку?!

— Узр, — дедим хижолат бўлиб. — Ўнг қулоғим болаликдан оғирроқ, ўнг ёнингда ўтириб, эшитолмай қолибман, кечирасиз.

Домланинг хахолагани қўнғироқ орқали баралла эшитилиб турарди.

— Яшанг-эй, бўтам, менинг бўлса чап қулоғим оғирроқ. Зап ишонган эканмиз-да бир-биримизга!..

Ўшанда Миртемир домла, китобга киритаётганзимда яна ишлайман, деганди шеърни. Шундай бўлди. Ҳатто китоб номини ҳам «Ёдгорлик» деб қўйди. Аммо, минг афсус, китобни ўзи кўролмади.

Энди домланинг «Ёдгорлик» китоби халқ қалбига кўчаётир!

Домла қилинажак ишлар қўламини чамалаб ўрнидан турар экан, ёдига бундан икки йил бурун ёзган мисралари келди:

Розиман шу юртда тугилганимдан,
Она тупрогим-да! Ҳа, она тупроқ.

Етти иқлим интиқ, жонона тупроқ,
Розиман шу лойда йўғрилганидан.

Унинг шеърлятида ҳамма нарсани кўриш мумкин эди: нозанинларнинг шодумон қувнашини, эрка булбулларнинг беҳадик сайрашини, узлатга чекилган қоронғу турмушнинг ёруғ кўламини, тошқинни, гулчечак мафтунни — капалакни, нафосатни, ватаннинг дилбар тонглари, олқиш ва ҳурматга лойиқ меҳнат қаҳрамонларини, ўқариқ бўйида сахар уйғонган сувчини, она тупроқ тотию тупроқ ширасини, нотўқис бу ҳаётда бахтга интилган деҳқонни...

Шунинг учун ҳам доимо айтар эди-да:

— Шу тупроқда қолсин тупрогим!

ЕДГОРЛИК

Қўқонга... домланинг сўнги сафари эди чоғи.

Бир куни редакцияга энди кириб борувдим ҳамки, телефон жиринглади.

Домла экан.

— Ҳе... Мулла Отаёр, ўзларими, зап яхши бўлди-да, сизни ҳам ўрнингизда топса бўларкан-да, а?!

Устознинг саволларига жавоб бериб, ҳол-аҳволини сўрадим. Ҳарчанд тетик гапиришга ҳаракат қилса-да, хасталиги кучайгани овозидан билиниб турарди, лекин домла:

— Отдайман, бўтам,— деди.— Қасал бўлмасликка тиришиб ётибман... Қўқондан қайтиб, бирмунча нарсалар қоралаб кўювдим. Кеча Лазиз Пўлатхон ўғлига ҳам эслатувдим. Газетада беришга рози бўлди, шуни олиб кетолмайсизми?

Кейин, сўз охирида домла ҳар галгидек кўнгилчанлик билан сўради:

— Малол келмайдими?..

Борсам, домла тайёр шеърларга қайта сайқал бераётган экан. Мени кўриб: «Сал кутасиз-да энди, узр, бўтам», деди-да, ҳовлига чиқиб кетди. Кузатиб турибман, йўлакда у ёқ-бу ёққа юряпти. Бир пайт, шаҳд ҳаракат билан ҳавога кўрсаткич бармоғи ила ўнгдан чапга қаратиб бир нималарни ёзди, кейин яна ҳавода кўрсаткич бармоғи билан кескин чизиқ тортди, яна чизди, яна ёзди...

Ана шундан сўнг, тагин бирпас кезиб юрди. Ва: «Хўш... Мана бу бошқа гап», дея уйга кириб келди.

— Энди, мулла... шеърларни бир кунга олиб қоламан шекилли. Лазизхон ранжимас — тушунтирарсиз. Ҳали нуқ-

таси топилмаган ўринлари бордекка ўхшайди, баъзи шеърларни... Ўзим қўнғироқ қиламан.

Янги тўпламни тартибга солишда ҳам домла Қўқон сафаридан кейин ёзган ўша шеърларига яна сайқал берди. Ҳитоб нашриётга топширилаётган кезлар устоз касалхонада ажал билан олишиб ётарди. Шунга қарамай, хаёли шеърлари тақдири билан банд эди: ёнида ўтирган ўгли Миржалолга нимадир дегиси келди. Ўғил энгашди. Устод синиққан овозда, лекин вазминлик билан деди:

— Болам, нашриётга топширган тўпламимизнинг номини ўзгартирсанг... «Ёдгорлик» деб қўйдиргин. Мендан сизларга, ҳаммага ёдгорлик бўлсин...

Миржалол титраб кетди. Ўтиролмади. Тиззаларидан мадор кетиб, зўрға дераза ёнига етиб борди. Ўкириб юборишдан қўрқиб, беихтиёр тувакдаги гул баргларини эзгилади. Елкалари титрамоқда эди. Ота эса уни кўрмас, бироқ оғриқ исканжага олаётганига қарамай, ўглини ночор аҳволга солиб қўйганлигини билиб ётарди. Начора? Иккови ҳам чорасиз эди!..

УЧИНЧИ БУЛИМ

«СУЛУВ ШЕЪРИЯТНИНГ ТУҒИН КЎТАРИБ...»



Сюжетлилик, манзаралилик, аниқлик Миртемир шеъриятининг етакчи хусусиятларидан. Миртемир шеъриятга халқнинг сермаъно сўзлари, иборалари ва образларини дадил олиб кирди.

(«Ўзбек совет энциклопедияси»дан)

ЮРАККА ЎТ ТУШСА...

Нима учун баҳор ойларида кўпроқ тўлқинланишини, иши самаралироқ бўлиши сирини домланинг ўзи ҳам аниқ тушунтириб беролмайди.

— Нега ўйлаб юрганларимни кўпроқ баҳорда қоралаб қўйишимни изохлаб беролмайман. Бу сир ўзимга ҳам маълум эмас. Бу, бошқа фаслларда ёзмас экан, деган гап ҳам эмас, ҳар қалай... фикрларимнинг чархланишига шу фасл кўпроқ туртки бўлишини биламан.

— Куннинг қай вақтларида кўпроқ ишлайсиз? — деб сўрайман домладан.

— Авваллари ҳамма уйкуга кетгач, тинч кечада ишлардим. Кундузи дам олардим-да. Кун чиққунча ишлаб, завқ олардим. Кексаликда кундузи ёзишга ўтдим. Эрталаб тирикчилик ишларию бошқа юмушлар билан алахсиб қоламан. Кейинроқ аста-секин тонгда икки-икки ярим соатдан ишлайдиган бўлдим. Бу осон кўчмади...

Шоир сахарлаб туришни канда қилмайди. Олдин ҳовлини бир оз айланади, ўзини ижод жараёнига «тайёрлайди». Ювиниб ишхонасига кирганида эса кўрадиган зарур китоблари стол устида олдиндан тахлаб қўйилган, хонага «Лесная вода» атири сепилган бўлади. Соат олти-олти яримлар чамаси бир пиёла қаҳвами, чойми, сут ё қатиқми ичади. Ишлаб бўлгач, соат тўққиз-ўнларда нонушта қилади-да, озгина сайрдан сўнг ором олади.

— Шеър дегани ҳар куни ёзилавермайди-да, — дея уқтиради домла. — Лекин ҳар онда, кун сайин ойдинлашиб бораверади. Мен ёзганимни тўрт-беш кўчираман. Сайқал беришдан завқланаман, ярқираб бораверишидан кўзим қувонади. Ахир, ёзганинг ҳали нуқтасини топмаганини, ҳали ярқирашга муҳтож эканини кўра-била туриб тузатмасанг, кимга зиён?.. Ўз-ўзингни алдаган бўласан. Ўта юксак дидли китобхонга, аввало ўзингга хиёнат қиласан.

Бирдан домланинг «Тингла, ҳаёт!» китобидаги: «...Ҳаманинг дилини ойнадек ёруғ кўришим керак-да. Бўлмаса менинг ёзганимга ким ишонади-ю, қарғишдан бўлак не олардим?» деган жумласи лоп этиб ёдимга тушди.

Унинг ижодидаги қудрати — меҳнаткаш инсонлигида, чинакам шеърятнинг чинакам меҳнаткаши эканлигида. Шеърсиз унга ҳеч нарса татимайди. Шеър унинг муҳаббати, ҳаёти.

Каъбамсан, шеърят, эзгу эҳромим,

Оғу ҳам бол тўла бебаҳо жомим.

Амалим ва ишқим, умиду армон,

Уйқусиз тунларим — жиндак илҳомим.

— Қайс Лайлога ё бўлмаса Гўрўғли Фиротига нечоғлик шайдо бўлгани шубҳасиз ҳаммага аён, — дейди шоир. — Ё олайлик, техникага қўл берган Турсуной оддий тупроқни саховатли қалби билан сирлаша олишга куч топмаганида, даврнинг шунча Барчинларини ортидан эргаштиролармиди?.. Шоир ҳам шеърятни ўз шеърый қиёфасида — қудратлилиги, тансиқлиги, қайсарлиги ҳолида сева олсагина элига суюкли бўлади-да! Бунинг ўзигина кифоя эмас. Ижодкор туйғуларини тиниқ, айтмоқчи бўлган фикрлари керакли, аниқ бўли-

ши — сув ва ҳаводек зарур. Бир сўз билан айтганда, юракка ўт тушса ёзмасликка чора йўқ. Энг аввало шоир магзини чақиб, чуқур тушуниб, ундан илҳом ола билиш даражасига кўтарилмас экан, унга ҳамма нарса баҳона бўлаверади... Юрак тўлқинланса, тугилган туйғу ва фикрларни кўчада ётган тош ё бир барг воситасида ҳам изҳор этиш мумкин. Магзини чаққан кишига патта сотувчи ҳам, гулчи ҳам, қоровул ҳам худди кончи ёки машинасоз, механизатор ёки мироб дарди сингари муҳим мавзу бўла олади... бунга ёш қаламкаш қанчалик барвақт эришса, шунча яхши. Бунинг учун ҳам бетиним, ҳалол меҳнатга кўникиш зарур албатта.

Шундан сўнг домла билан суҳбатимизни давом эттиришга қулай пайт етгунча анча вақт ўтиб кетди. Улуғ Октябрь революциясининг 60 йиллик тантаналари давом этмоқда эди. Қисқа вақт орасида домланинг бир неча бор даволанишига тўғри келар, сал соғайди дегунча қаттиқ ишлар, ўзини аямас, ҳеч қайси редакция илтимосини ерда қолдирмасликка ҳаракат қилар эди. Тинимсиз ёзар эди. «Гулистон», «Шарқ юлдузи» журналида, «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон маданияти» газеталарида бирин-кетин чиққан ажойиб шеърӣ туркумлари ўша кунларнинг маҳсули бўлди. Шу билан бирга, нашриётларда чиқаётган китобларини қайта-қайта кўрар, ўзгартиришлар киритар, лўнда қилиб айтганда, домланинг энг авж, тошқин ва шошқин палласи эди. Ҳар кун, ҳар дақиқа «юракка ўт тушган» кезлар эди. Ҳатто, кўпчилик шеърларини шифохонада, беморлар ором олаётган осойишта паллада — тонгда қоралаб қўярди. Ўтилган олис, «кенг ва донгил» йўл ҳақида севикли Ватан қудратининг оламшумуллиги, улуғворлиги ҳақида, она ҳақида, армонли ёшлик ҳақида — яратувчи одамлар ҳақида ёзарди. Шеърларидаги етакчи фазилат эса одатдагидек — воқеабандлик, ёрқин тимсоллар даражасига кўтарилган ҳаёт ва табиат кўринишлари, конкретлилик одатдагидан ҳам тиниқроқ намоён эди. Умрининг ўша энг шошқин ва тошқин палласида ёзган катта-кичик шеърлари ҳам, домланинг ўз таъбири билан айтганда, анов-манов шеърлар бўлмади.

Домла кўлидан қўймай олиб юришга одатлангани — жажжи транзистор товушини баландатади. Кўнглига ёққан қўшиқ ё эшиттириш берилаётган бўлса, радио овозини тагин кўтариброк, мамнун қиёфада ҳовлида андак сайр қилади. Мабодо эшиттириш ё бирор қўшиқ дилига ўтиришмаса, албатта радиони тиқ этказиб ўчиради-да, куйиниб дейди:

— Тавба, ҳеч эринишмайди-я!.. Нусхакашлик касали қў-

шиқчиликда ҳам гов. Қуруқ баёндан тингловчи жуда ҳам зада бўлишини нахот тушунишмаса!

Домла завқланганида ё ранжиганида «жуда ҳам»ни албатта кўшиб гапирарди. Сўзлаётганда эса «жуда» сўзининг охирги икки ҳарфига ва «ҳам» сўзига урғу бериб, алоҳида бир оҳангда чўзиб айтарди... Бу — айтилмаган гап моҳиятини ё баён қилинаётган воқеа тафсилотини янаям таъсирчан ифодаларди.

Шоир бирпас ўйга толади. Дераза оша қийғос гуллаган ўрик шохларидан нигоҳини узмай хаёлга толади. Балки ўтилган олис, долғали «донгил ва сутдай оқ», улугвор йўл манзаралари хаёлга кўчаётгандир. Ё Москвада яшаб қолган қизи — Юлдузи, куёви ва попукдай невараларини кўмсаётгандир. Балки, катта ўгли ё тўнғич қизи Дорожоннинг болалари билан чуғурлашиб келиб қолишини кўнглида истаётгандир.

Фарзандларидан кўнгли тўқ. Куёвларидан, келинларидан ҳам ёлчиган. Миржалоли билан Мирзожони Тошкент Давлат университети шарқ тиллари факультетини битиришди. Бири нашриётда, бири радиода ишлайди. Дорожони инженер. Суюкли, кенжа қизи Гулнора ҳам университетда таълим олади. У ҳам адабиёт йўлини танлади. Фарзандларидан ҳеч бири юзини ерга қаратгани йўқ. Тўққиз невараси бор. Балки шу даври давронга, бугунги кўкси тоғлигига шукрона айтаётгандир...

— Ижодий сафарларнинг ёзганимга таъсири масаласига келсак, — давом этади домла, — Фарғона каналида бўлганимда «Шодиёна», «Яли-яли», «Фарғона» деган, кейинроқ Йўлдош Шамшаров, Саид Аҳмадлар билан Каттақўрғонга, Ёзёвондан Олмосга борганимда «Оқсоқол» деган шеърларимни ёздим. Мирзачўл ҳақидаги, Москва сафарларидан сўнг Ленин ҳақидаги шеърларим ёзилди.

— ... Агар шеър ҳаётни кўриш, одамлар билан суҳбатлашиш давомида туғилса, бу — аксиома, — дерди домла. — Шу энг яхши шеър. Шундай бўлмаса, у китобий бўлиб қолади...

Туркистонга борганимда асосан она қишлоқ ҳақида кўпроқ ўйлайман. Ана шу мавзу ҳақида кўпроқ суҳбатлашаман. Кўпроқ шу мавзуда ёзаман.

Кейинги йилларда мени кўпроқ банд этаётган мавзу ёшлик даврим, она бағридаги даврим, қишлоғим манзаралари, Қоратоғ манзаралари, ёшликдаги дўстларим, амакиларим ва онам...

Боя айтганимдек, меҳнаткаш инсон сиймоси, чўлларни ўзлаштираётган азамат инсон сиймоси мени ўйлантиради, ўшалар ҳақида янги гап айтиш иштиёқи ҳамиша дилимда. Кўпроқ вақтим ўтроқликда ўтиб кетибди. Бундан кейин кўпроқ юриш, кўриш зарур бўлиб қолди. Ўз республикамни ҳам тўла биламан, деёлмайман. Бундан кейин, омон бўлсам, республикамизни айланаман, ёзаман. Қолаверса, чет эллар — Шарқ мамлакатларини, социалистик мамлакатларни кўрмоқчиман. Шубҳасиз, ёзаман.

Домла ҳамиша айланишга, кўришга, кишилар суҳбатига бўлган чанқоқлик билан нафас олувчи эди. Сал соғайди дегунча сафар тадорикини кўришга шайланарди. Қай бир областгами, қай бир йиғингами, ёшлар даврасигами отланарди. Умрининг охириги йилларида қилган сафарларидан бири Қўқонни айланиб келгани бўлди. Ҳар галгидек кўрганларини, таассуротларини дарҳол қоғозга туширди. Ўша Қўқон ҳақида туркум шеърларидан намуналар «Ўзбекистон маданияти»-да босилди.

У қадрдон шоирларидан бири Туроб Тўлага шундай деганди:

— Шоирни шоирлар дарёга ўхшатишади, бу ҳақ гап. Дарё бир қарасанг тўлиб оқади, бир қарасанг — тошиб. Бир қарасанг — ярим паст, тагин бир қарасанг — жилдираб оқади. Қуриб қолган вақтлари ҳам бўлади. Мен буни ўзимга қиёс қиламан. Тўлиб-тошиб оққан вақтларимни ҳам, жимиб оққан вақтларимни ҳам ўзим биламан. Тиниб қолган онларим ҳам бўлган. Ана шу онларни тўлдирай дейман-да, шошганим шундан...

Бундай кезларда домланинг қўшиққа айланиб кетган мисралари қуйилиб келади:

Юрагимда ёнар бир ўт бетутун,
Гўёки дер: қовураман, тиламан.
Дош бераман нечун хануз мен беун —
Бятта ўзим биламан...

ШУКРОНА

...Тонг шафақдан бўйинбоғ боғлаб заминга таъзим айлайди. Гўё бутун жаҳонни шафақлару оловлар ўраб олгандек... байрам тонги шундоқ устивор отиб боряпти. Шаҳар, кенг кўчалар, тумонат одам — ҳамма-ҳаммаси кўзга яшнаб кўринадди. Қуёш томонга қўл кўтариб нақ Лениннинг ўзи баланддан назар ташляпти. Болақайлардан ўқиши ҳақида суриштиряпти. Барча касб кишиларининг ҳисоботини тинглаяпти...

Бу манзара шоирга илҳом бағишлайди. Шеър йўғрилади. Ана шундай кунларнинг ҳар дақиқасида Ленин сиймосини туйди. Ҳар бир воқеа замирида Лениннинг ўзи жилмайиб тургандек, Лениннинг ўзи камсуханлик билан иш бошқараётгандек туюлади. Лаблар пичирлайди: Ленин жилмайиши, Ленин жилмайиши... «Сарлавҳабоб экан», деб ўйлайди устоз.

Кейин, ўз овозидан чўчиб, яна хаёлга берилади. Илҳоми жунбишга келади. Фикрлар қуйилаверади, шу тариқа кўклам манзараси чизилади. Сўнг яна ёзади: «Қўшининг бошида тунар пахтакор...»

— Кетиши яхши!

Домла хаёлчан жилмайиб ўйлади: «Шеърга жон топиш керак, жон!..»

У ёқдан-бу ёққа юра бошлайди. Жилмаяди... «Жон» топилади: йигирманчи йили Туркистондан Ленинга совға юборилиши воқеаси ёрдамга келади. Анов-манов совға эмас, йигирма вагон!.. Бугдой, нўхат, мош, мағиз, туршак, олмақоқи, майиз... Хуллас, озод, янги Шарқ меҳрики, бир жаҳон! Совға баҳона кечаги Шарқ билан бугунги Шарқ муқоясалана боради.

Воқеалар силсиласи бирин-бирин уланиб кетади: очарчилик йиллари Ленин Шарққа юз вагондан ортиқ озиқ-овқат юборгани ёдга тушади, Шарқ йўллаган совғани қабул қиларкан: «Ленин жилмайиб дер муддаосини: «Пётр гўдаклари учун тарқатинг, Москва гўдаклари учун тарқатинг, Янги Шарқнинг илк совғасини!» Шеър шундай ниҳоя топади:

Тарихларда қолди ўлмас иши ҳам,

Ўша кунги антиқ жилмайиши ҳам...

— Хўш... Шундай шеърлар бўладик, тез ёзилади, шундай шеърлар бўладик, узоқ ўйлаб ўхшатишлар, тимсоллар, кинолар излаб юрасан, қуруқ баён қилиш керак бўлса, унда қоғозга тез тушиши мумкин. Лекин уни ҳақиқий шеърга, юрагини, китобхон юрагини жизиллатадиган даражага, шеър даражасига кўтариш керак. Бу дегани, ўша шеърнинг бадиий ифодасини топиш, дегани бўлади, — деб сўз бошлади Миртемир домла бир шеърининг ёзилиш жараёни ҳақида сўраганимда, — «Йўлбошчининг қайтиши» шеъримни олайлик. Унда машҳур воқеа — Лениннинг паровозда келиб, вокзалга тушгани тасвирланади. Бутун прожекторларнинг ёниб тургани, барчанинг «Ленин!», «Ленин!» деб ҳайқиргани тарих китобларида кўп бор айтилган... Шеърим ҳам шу воқеага бағишланган. Лекин шеърнинг ёзилиш тарихи бундоқ: 1966 йили шоир Эсон Раҳимов билан Ленин яшаган, Ленин қа-

дами теккан жойларда, Ленин ҳақида ҳикоя қилувчи музейларда бўлди. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ уч юздан зиёд материаллар, тарихий ҳужжатларни ўргандик. Лекин Лениннинг ҳаётини шунчаки баён қилиб бўлмайди. Ленин мавзуи оламшумул мавзу. Бу ҳақда бир пайтлар «Ўзбек тили ва адабиёти» журнаlining саволларига жавобларимда ҳам айтган эдим. Қайтариқ бўлса ҳам айтай: Ленин мавзуининг нечоғлиқ жавобгарлик эканини тушуниш ҳам, менимча, бахт. Аввало, Ленинга, қолаверса халққа ҳурмат... Қўйинг-чи, хуллас, Лениннинг Петроградда бўлиши ва нутқ сўзлаши воқеасига бир шеър ёзиш ҳаёлимда тураверди. Ўша сафаримдан етти йил вақт ўтиб кетди чамаси... Бу орада бир талай шеърлар қораладим: Ленин ҳақида, Ленин партияси ҳақида, одамлар ҳақида — дилимга яқин мавзуларда... Бироқ, Лениннинг Петроградга кириб келиши ва майдонда сўзлаши ҳақида ёзмокчи бўлганим ҳадеганда қоғозга тушавермади.

...Бир куни ҳаёлимга 1926 йили ўрмон кесиш учун сафарбар қилинганлар, ўша сафарбарликда бўлган бир амакимнинг Туркистонда айтиб берганлари ёдимга тушди. Унинг: «Лениннинг Петроградга келишини оломон денгиздай чайқалиб кутди, ўша ҳаяжонли кутиш йигинига мени Дорофей деган дўстим бошлаб борди. Ленин келиши билан ҳамма «Ур-ра!», «Ленин!» дея ҳаяжонланганини кўрсайдинг... Ўша ҳаяжонли кутиш оқшомида ўзбекистонлик Мамажон деган киши, Сибирдан қайтаётган туркистонлик ишчи ҳам бор эди, улар ҳам Лениннинг оташин нутқини эшитди», деганлари ҳаёлимга келди. Шундан сўнг бу шеърга жон кирди — Туркистондан борган ишчи образи қўшилди. Шеърнинг сюжети аниқ ва уни 1973 йил апрелининг бир тонготарида қоралаб қўйдим. Ҳаётимда бундай ҳол юз бермаган эди. Чунки ҳаммаша ўйлаб юрганларимни аввало насрда қоралаб чиқардим. Бу шеър эса бирдан назм ҳолида ёзилди. Сўнг унинг уч-тўрт сўзини ўзгартирдим — эпақага келтирдим, холос. Аслида мавзу ҳаёлда пишиб етилгач, ритм ҳам, қофия ҳам келаверади. Пишиб етилмаса сув оқаётганда урилиб-урилиб кетишига ўхшаб қолади...

Домланинг ҳар бир шеъри, баллада ёки достони, сочма ё мақоласи, пьесаси, ҳатто ҳар бир таржимасининг мана шундай яратилиш тарихи, сабаблари бор. Шоир ёдга олган «Йўлбошчининг қайтиши» шеъри — Миртемир ленинномасининг сара асарларидан саналади. Домла бу мавзудаги асарларини «Тогдай таянчим» номли мажмуа ҳолида тартибга келтирган эди.

Унинг «Коммунист» шеъри беш банддан иборат. Ҳар бир банди ўн уч мисрадан иборат бу шеър ўзига хос мусиқийликда давом этади. Биринчи банддаги хислатлар ва мазмуннинг очила боришига омил бўлган барча хусусиятлар иккинчи бандга кучайиб ўтаверади. Ўқишда давом этаверамиз. Лирик қахрамон — «мен»нинг, яъни коммунистнинг коммунист бўлганлиги учун ҳам бир пайтлар...қўл-оёғига занжир солинганлиги, не қийноқларга бардош берганлиги, не довлардан омон ўтганлиги, лекин у ким ва қаерда бўлмасин қалбида шу Ватан, шу эл қайғуси... бўлганлиги, кўз олдида эса бугун, эрта ва келгуси... турганлиги — тасвирий мисраларда намоён бўлаверади. Хуллас, Ленин мавзуда ёзилган бу асарлар, домланинг ўз таъбири билан айтганда, ярқираб, таъсирчанлиги билан манамен деб туради.

— Ота қуёшдай порлаб қолган дохийлар!..

Домла одатича ҳеч ким бўлмаса ҳам овоз чиқариб айтди сўзларини. Сўнг, «Бу ўхшатиш ҳам дастлабки ўша сочмадан», деб қўйди ўзича.

Меҳнаткаш номидан гапирганда, ўзича «билармонлик» қилмади, балки уни ўз тилида сўзлатди. Шу туфайли Ражаб бобо айта олади:

— Уртоқ Ленин, бориб етсин ёзганим, Сен ишончим, сен суянчим, қўллагин...

Устоз ленинномасини ташкил қилган барча шеърларда ва дostonда ҳам шоирнинг ҳаётга, гўзалликка бўлган улкан ташналиги, улкан бир қалбнинг элу юртига қилган хизматидан қониқмаслиги, тагин ёзиб, тагин ёниб, тўлқинланиб яшашга бўлган чанқоқлиги ифодаси билан тугаган. Уларда: «Эл оқни ажратар тун қоронғусида», «Бой иши — фармон эди, камбағал иши — армон», «Қовуннинг энг тотлисини ит булғаб кетганлиги рост...», «Қўралаб қўй боққан, сўёлмас кўзи» сингари жуда кўп мисралар борки, бевосита халқнинг ўзидан олиниб, яна ўзига жиндай сайқал билан тортиқ қилинган. Домла бу шеърларининг (айримларини ҳисобга олмаганда) деярли барчаси матбуотда, китобларда қайта-қайта чиққан, шеърхонларга жуда яхши таниш ва машҳур бўлишига қарамай, уларни қайта тўпламга киритаётганда одатдагидек тагин баъзи ўринларига қалам урган, ўзига «сал дағалроқ» туюлган мисраларга сайқал берган, уларнинг қимматини тагин оширган эди.

«Ленин ва Ражаб бобо» образининг прототипи эса Бухоронинг Шофирконида яшаб ўтган, фидойи ва машҳур пахтакор Шариф бобо бўлганлиги ҳақида, Ленин ва Ленин гоёларига садоқат, бу қутлуғ мавзуда бадиий пухта, умрбоқий асар ёзиш учун «Ҳар увокда ва ҳар заррада Ленинни кўра билиш, пай-

кай олиш, идрок эта билиш — яралажак асарлар мағзи ва негизи...» деб билгани тўғрисида ниҳоясиз гаплар айтса арзигулик.

Домла Мирзачўл ҳақида ёзганда ҳам шундай бўлган:

— Бу ахир Ленин назари тушган кенг қулоч ўлка-да! Ўлка бу! Хориждаги анов-манов мамлакатдан қаттароқ, бағри кенг, йилма-йил яшилга бурканаётган ўлка. Мамлакат бошидан оғир кунлар ҳали кетмаган маҳаллардаёқ Ленин тарихий Декретга қўл қўйгани ҳамманинг ёдида. Мирзачўл бахтини очган, келажagini белгилаб берган ўша Декрет бўлди.

Домла ижодхонасида эътибор билан йиғилган папкаларнинг аксарияти Ленин мавзуига оид ҳужжатлар билан тўлиқ: Ленин ҳақида маълумотлар, Ленин ҳақида бадий асарлар, Ленин ҳақида хотиралар, Ленин ҳақида факт-рақамлар, Ленин ҳақида ҳикоя қилувчи суратлар... У бежиз куйламаган эди-да: «Ҷами гўдакларнинг улуг бобоси, Эй, ақл дарёси, эй расо одам, Эй даврон келтирган дов елкасида! Эй, шубҳа устидан чеккан сўнг рақам — Қора туманларнинг зид кўркасида», деб.

«Ҳамма нарсада Ленинни ёрқин кўра билиш даражасига етсайди ёзувчи, бу бахт!» — деб ёзади Миртемир домла «Ленин шунчалар буюкки...» деган публицистик мақоласида ва давом этади: «Қисқа, тарихий муддатда ўтилган узун йўлни — оғир ва ёруғ йўлни Ленин сиймоси призмасида кўрсатиш қаламкаш учун ҳам қарз, ҳам фарз, ҳам эзгу эмгак, албатта...»

Миртемир домла бу ақидасига энг аввало ўзи тўла амал қилди.

Домла кўздан ўтказган кундалик газеталарни назардан ўтказилмаганлари билан чалкаштирмаслик учун бир четдан йиртиб ташлар, керакли мақола ё бадий асар бўлса қирқиб оларди. Айниқса, бир одати ҳайратланарли эди: Ленин, Павлоий, Пушкин ва умуман ҳамма улугларнинг суратига назари тушса, дарҳол олиб бир чеккага қўярди.

Кунлардан бир кун юрак ютиб сўрадим:

— Буюкларнинг суратини олиб қўйишигизнинг боиси нима, домла?

У ўйга толиб жавоб қайтарди:

— Одатланиб қолганман. Ким биледи, ўқиб бўлишгач, нарса ўрашади... Улугларнинг сурати хор бўлиб юрмасин дейман-да!..

Бу одатини сўнгги нафасигача тарк этмади.

«Мана эътиқод... Эзгу иш қилишдан бир умр эринмади.

Энди ўзи ҳам эзгуликка дохил бўлиб кетди», дея ўйлайман маъюс.

Ҳа, айтгандай, соғлиқ... Оғриқ тагин исканжага олаётир. Манави хат учинчи июлда жўнатилган экан. Тез етиб келибди-да. Кунлар бунча югурмаса! Ё менга шундай туюляптими? Илгарилари нега сезмадим экан?

Ленин ҳақида озроқ бўлса ҳам ёзиб турганимдан эл-юрт рози. Демак, мен яна ва яна ёзajakман. Улуг доҳийнинг икки асрлик тўйига зора менинг ҳам шеърим етиб борса!..

ОЎТИН БЕЛБОҒ

— Шубҳасиз, ижодий довлардан ўтишимда таржиманинг турткиси кам бўлмади, — дейди домла. — Таржима бора-сидаги тинимсиз меҳнат қайта-қайта ижод чорбоғига бошлаб кирaverди мени...

Сухбат давомида домладан таржима хусусида сўрадим. Таржима баҳонасида устозлари сафи кенгайганлигини алоҳида уқтирди. Мен эса бу пайтда домланинг «Рус тили ҳақида» деган мақоласини, ундаги: «Бир шоир сифатида менинг ёзганларимда ҳам бир қадар маъно, бўёқ, жаранг бўлса, бунинг учун мен Навоий бобом билан бир сафда улуг Пушкиндан ва унинг тилидан миннатдорман», деган сўзларини эсладим.

Домла давом этди:

— Йигирманчи йилларда Маяковскийни хижжалар эдим. Ундан кейин Пушкин ва Некрасовга кўнгил қўйдим. Навоий ва бошқа классикларимиз ҳам мени ортидан эргаштириб юрди. Нозим ҳам. Бора-бора Шота Руставели ва Гейне билан тиллашдим. Тагорни севиб ўқидим. Мана шулар устозларим. Улар кўпчилик...

Домла камтарликдан шунчаки «Кўпчилик», деб қўя қолди. Бироқ, таржимон Миртемир қардош халқлар адабиётининг энг яхши намуналарини (жумладан, «Манас», «Қирқ қиз», «Русияда ким яхши яшайди?», «Букри тойчоқ», «Балиқ ва балиқчи ҳақида эртак», «Йўлбарс терисини ёпинган наҳлавон») жаранглатган заҳматканш ўзбек ижодкоридир. Биргина «Манас» эпосининг биринчи китоби таржимаси қарийб 14000 мисра! Жами таржималари-чи?! Улар ҳисобланса ҳам бу мисралар узунасига тизиб чиқилса, заминга шеъринг белбоғ бўлгулик. Ўшанда бу белбоғ — халқлар дўстлигининг, халқлар маънавиятининг, халқлар маданий ва адабий ҳамкорлигининг камалакдек товланаётган алпона тимсоли бўлиб кўзни қувонтирар эди.

Мен унинг ижодини ўрганиб келаётган бир шогирд сифатида таржималари хусусида қуйидагиларни айтгим келади:

Миртемир домла таржимага жуда ёшлигидан қўл уриб, уни сидқидилдан мунтазам давом эттирган, шоир то умрининг сўнггигача таржимани ҳам ўзининг оригинал ижоди деб тушунди. Таржима қилаётган шоирни етиштирган халққа, унинг урф-одатларига, у яшаган муҳитга, ўша шоир услубига ўта улкан муҳаббат билан ёндошган ҳолда ўгирди, шу боис таржималари ҳам оригинал асарлари каби бири-биридан улугворлик, қўймалик касб этиб бораверди, шеър ва дostonлари, сочма ва қораламалари унинг таржималари билан параллел равишда қуюқлашиб, бадий салобат кашф эта борди ва шунинг учун ҳам унинг оригинал асарлари билан таржималарини солиштириб ўрганиш мароқлидир, у ўзи севган ижодкорларни таржима қилибгина қолмади, балки уларни меҳр билан ўрганиб, меҳр билан таржима қилганлигидан уларнинг юбилейлари баҳонасида «Шота», «Сайид Имомиддин Насимий», «Даҳо» (А. С. Пушкин ҳақида), «Пушкин эртаклари ҳақида», «Халқ шоири» (Н. А. Некрасов ҳақида), Т. П. Шевченко ҳақидаги «Буюк ва ўлмас», Бердақ ҳақидаги «Қардош халқнинг номи ўчмас шоири», «Абай ҳақида», Жамбул ҳақидаги «Улуғ оқин», Самад Вургун ҳақидаги «Улкан шоир» каби пухта, ҳавас қилгулик, ўрганулик адабий мақолалар ҳам яратиб қолдирди. Уша сиймоларнинг очилмаган қирраларини очиб берди.

Унинг «Даҳо» мақоласидан бир мисол: «Пушкин поэзияси билан танишлимиз Тошкент ўзбек эрлар билим юртида ўқиб юрган кезларимда бошланган.

...Кейин Пушкин таржимасига мен ҳам аралашдим... Шундай қилиб, Пушкин шеърлари менинг таржимамда алоҳида китоб ҳолида Пушкин вафотининг 100 йиллигида нашр этилди ҳам. Йиллар ўтган сари мен тўлдира бошладим, шеърлар ёнига бора-бора эртаклар ва дostonлар ҳам қўшилганлиги ва бу асарларнинг қайта-қайта нашр этилиб турганлиги азиз китобхонга маълум, Пушкин асарлари мен учун сабоқ бўлганлиги ҳам, шу меҳнат жараёнида менинг ёзганларимга ранг ва барқ инганлиги ҳам китобхонга маълум».

Шу кўйи ҳар бир мақола, арвало ўзи таржима қилаётган шоир яқинлигини очиб берса, иккинчидан, ўша шоирнинг ҳаётда тутган ўрнини очди. Учинчидан, ўша шоирнинг ўзи таржима қилган асар моҳиятини вазифасини акс эттирди. «Шота» мақоласидан бир мисол:

«...Малика Тамара ҳукмдорлик қилган давр — Грузия тарихида маърифат ва маданият анча юксак, тараққийпарварлик ҳаракати анча устун саналади. Шота Руставели поэма-сининг замирида ҳам замон идеали, яъни мамлакатни тарқоқ ҳолда эмас, балки ягона ва одил ҳукмдор қўлида кўрган идеал

ли ётибди. Руставели мамлакатнинг бўлак-бўлак, чакана ҳокимлар қўлида қолишига жон-жаҳди билан норози».

Бир сўз билан айтганда, Миртемир улкан шоирлардан улкан таржималар қилиб қолмади, балки ҳар бир таржима унинг ўз ижодига ҳам катта масъулият билан қарашга, ранг-баранг бўёқ ва формалар ахтаришга ундади. Натижада, Миртемир ўзбек совет адабиётида ҳам шоир, ҳам таржимон сифатида бетакрор сўз санъаткори, атоқли устоз ва атоқли сиймолардан бири бўлиб қолишига омил бўлди.

Миртемир 40-йилларнинг ўрталарида Гоголнинг «Коляска» номли қиссасини таржима қилган ва кейинроқ одатича тагин қайта ишлаб китобларга киритмоқчи эди. Бугун шу таржима ҳам унинг ижод столида сўнги сайқал беришини кутиб ётибди.

Минг афсус!..

...Бир гал домладан бугунги таржимачилик хусусида, айниқса ёшлар таржималари тўғрисида сўрадим.

— Ёшларнинг таржимаси масаласига келсак, таржима меҳнатининг ҳар бир ижодкор учун бир мактаб эканлиги ҳақиқат. Шубҳасиз, ҳозир Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али таржималарини, кенжа авлодга келсак, Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўшмоқов, Абдулла Шер, Машраб Бобоев, Омон Матжон, Маъруф Ҳалил, Сулаймон Раҳмон ўгли таржималарини мен уларнинг ўз ижоди деб биламан. Зеро, таржима ҳам ижод. Улар қаламларининг чархланишида таржиманинг аҳамияти улкан... Мен, — дейди шоир, — таржима соҳасида жиндак тажрибам борлиги жиҳатидан ёш таржимонларга шундай маслаҳатлар берар эдим: юрагингизга мавж сола олган, яъни, сизга маъқул асарларнигина ўгиришга қўл уринг, қурбингиз етган асарга қўл уринг. Баланд дорга осилиб, ҳам ўзингизни овора, ҳам ўша асарни оёқ ости қилиб қўйманг, таржима учун танланган асар яратилган тилга теран ҳурмат жуда зарур, таржима қилинган шеър ўқилганда худди Ойбек, Ғафур Ғулом ё Ҳамид Олимжон шеърларини ўқигандагидек равшанликка ва табиийликка эришинг, китобхондан албатта олқиш оласиз.

— Некрасов ҳақида сўрабсиз, — деди домла бир кун. — Бу устозга келсак, унинг тилини, образларини ўзимникидай севиб қолдим. Унинг қаҳрамонлари ёнимда, бирга кезадиган бўлди... Мен аввало Некрасовнинг «Дехқон болалари» хрестоматик шеърини таржима қилдим. Кейин «Русияда ким яхши яшайди?» эпопеясига қўл урдим. Узоқ ишладим. Бу дoston

шу қадар тўқис, ҳаяжонли, жонга титроқ солувчи ҳаёт манзараларига бойки, у ҳамон мени чексиз ҳайратга солади.

...Мен узун кечаларда етти сайёҳ деҳқон билан чексиз Россияни кезар эдим.

...Унинг кўз ўнгида Некрасов сиймоси қоядек бўй берарди. Шу али сиймо яратган образлар ўз ёдидай ҳаёлни етаклайди. Некрасовга қўшилиб, Матрёнушка ҳолига кўзёши тўкканлари, букилмаё бошини Дёмушка тобути узра жимгина букканлари, Савелий бобо билан не кечалар не фарёд чекканлари... кўз ўнгидадан ўтади.

Унинг «Русияда ким яхши яшайди?» ни таржима қилиб, қалбида Некрасовчалик ғам-андуҳларни, она юрт ташвишларини туюб бўлган кезлари эди. У шу жараён ҳақида бир шеър қоралади. «Қоғозда қолсин майли...» деб сарлавҳа қўяркан, унинг тагидан илова қилди: Некрасовни таржима қиларкан... Шеърга шундай нуқта қўйди:

У шўрлик жон Россиянг —

Қандоқ фаровон ҳозир:

У нотаваон Россиянг —

Қандоқ паҳлавон ҳозир.

Ҳақиқатан ёш Миртемир ўша йиллар тиним билмас, бир қарасанг Уткин ё Безименскийни таржима қилган, бир қарасанг нимадир қоралаган, бирда Маяковскийга мурожат қилган, бирда Пушкинга сизгинган...

— Миртемир таржимон шоир сифатида ҳам, — деб эслайди Сулаймон Рустам, — адабиёт учун шарафли ва муҳим хизмат қилган эди. Унинг бу фаолияти юксак тақдирланадиган ижодий меҳнатдир. У таржималарига жуда масъулият билан қарарди. Бир мисол келтирай, Миртемир халқ шоири Расул Ризонинг «Ленин» поэмасийин таржима қилаётганида асл нусхадаги хусусиятларни, фазилатларни сақлашга эътибор берган ва бу ишни маҳорат билан амалга оширган эди.

Ижодкор айниқса Расул Ризони ҳурмат билан таржима қилишга лойиқ шоирлар сафида кўрарди. Шунинг учун ҳам Расул Ризо ёзди: «Бир неча йил аввал Миртемир менинг «Ленин» дostonимни таржима этаётган чоғида, у билан яқиндан танишдим. У дўстлик, қардошлик, шоирлик бурчини «Ленин» дostonини таржима этишда сарф айлаган юрак ҳарорати, кўнгил навоси, санъаткорлик маҳорати билан ифодалади. Мен Миртемирга бурчлиман. Бу бурчимни буюк Навойнинг гўзал ғазалларини, ўзбек совет шоирларининг ва албатта, Миртемирнинг шеърларини ҳам ўлмас

Фузулий ва Собир тилига таржима этмак билан адо қилмоққа сўз бераман».

Миртемир айтар эдики: «Мен бошқа тилдан таржима қилаётганимда, аввало, шоирнинг барча ҳолати, характери ва бутун ижоди билан, халқининг тарихи ва ҳаёти билан яхши таниш бўлишни гоят зарур деб биламан. Асарни таржима қилаётганда муаллифнинг, шоирнинг кечирган ҳаяжонларини, шеър яратишдаги азобларини мен ҳам ўз бошимдан кечиришим керак. Таржима вақтида мен ўзимни муаллифдек ҳис қилишим, муаллиф деб санашим керак, асарни ўз жонажон асаримдек ҳис этишим, ҳисоблашим керак...»

...Бир куни таржимага оид мажлис бўлаётувди. Таржимонларга алоқадор эди-да. Таниқли таржимонлар қаторида Рувим Моран ҳам қатнашяпти. Олтмишинчи йилларнинг иккинчи ярми бўлса керак.

Президиумда ўтирган Миртемир Асқад Мухторга қоғоз оширди. Унда лўндагина ёзув бор эди: «Асқаджон, Мораннинг номи аъмоли нима?»

Асқад Мухтор домланинг ҳамишаги соддадиллигидан салимий кулган бўлди-да, у ҳам парча қоғозда хат жавобини узатди... Сўнг кўнглидан ўтди: «Энди ўз таржимонини топаётибди, керак бўлгандир-да ё нутқида келтириб ўтмоқчидир-да».

Минг тўққиз юз олтмиш тўртинчи йили Миртемирнинг Шевченко ҳақида ёзган мақоласида эслайди:

«Мен унинг «Чўри» («Наймычка») поэмасини таржима этган эдим. 39-йили менга Шевченко таржимони сифатида Украинадан юборилган медаль — Шевченко сиймоси қўйилган медаль ҳамиша ёзув столимда».

Уша медалнинг шаҳодатномасида эса А. Корнейчук имзоси бор эди.

— Айни кунда, — давом этади домла, — баъзилар учун таржимонлик — санъат эмас, тирикчилик ва тирриқчиликнинг омилига айланиб қолди. Аксарият таржималар «яшин тезлигида» юзага чиқиб қолаётир ва улар оригиналидан анча йироқ. (Мен таржима асари яратиш — оригинал асар яратишдан юз фоиз машаққатлироқ, деб биламан. Буни ўз фаолиятимда синаб келаётирман.) Буни билмаган таржимон таржимон эмас, балки пул топиш йўлида муккасидан кетган таржимонча бўлиб қолади, холос. Улар келажакнинг қарғишидан бўлак ҳеч вақога арзимайдир!

...Яна бир гап: таржима қилиш учун ёки яхши таржимон бўлиш учун у ёки бу тилда тўтидай сайрай билишнинг ўзи

мутлақо ва мутлақо кифоя эмас. Негаки, тилни жуда яхши билган айрим таржимонлардан у ё бу тилда анча нўноқ гаплашадиган таржимонлардан айримлари, аксарият пайти, яхшироқ таржима қилади. Бу тажрибада кўп бор синалган. Бунинг сири: авваламбор, таржима санъатига, қолаверса, таржима қилинаётган ҳар қандай асар ёзилган у ёки бу тилга ўта юксак, теран муҳаббат, иннайкейин виждон олдида, халқ олдида, келажак олдида жавобгарлик ҳиссини қадрлай билиш самарасидир. Булардан ҳам энг аввал таржимон ўз она тилининг барча имкониятлари, барча хусусиятлари, барча «сир-асрор»ларини мукамал эгаллаган бўлиши шарт!

Таржима ҳақида гап кетса, бир ҳангома ёдимга тушади. Бир куни сўраб, касалхонага борсам домланинг кўнгли хит бўлиб турган экан. Сабабини сўраган эдим, нолиб қолди домла:

— Хабарингиз бор, «Муқимий»да (театрда демоқчи) «Осмондаги парвоз» қўйилмоқчи. Гуржи ёзувчиси Гацадзеники. Ҳозиргина Маргарита хоним (Маргарита Александровна демоқчи) келиб кетди. Музикасини шу аёл ёзаяпти. «Эртага театрга борсангиз, эшитиб кўрардингиз», дейди. Буни қаранг, мен қай аҳволда-ю, у нима дейди. Уйга кела қолинг десам, «Сизда пианино йўқ-ку, нима қилдим бориб...» эмиш. Буни қаранг, пианино йўқ, дейди-я!.. «Бор, нега йўқ бўлсин, бор-да!.. Халқ шоири бўла туриб менда бўлмай кимда бўлсин!..» дедим. Эрта кечга яқин уйга келади.

Мен ҳам ҳайрон бўлдим. «Ҳақиқатан ҳам пианино йўқ эди-ку!..»

Гап бошқа ёқда экан. Домла ўғли Миржалолни ҳамда шогирдларидан бирини чақиртирибди. Кейин мендан сўради:

— Қайси дўконда яхшиси бўлади-а? Ҳозир мавриди эмас эди-я!.. Ҳай, майли, айтиб қўйганман-да...

Шу-шу, Маргарита хоним иши чиқиб келмаган бўлсаям, ҳануз ҳеч ким чалмасаям, уйда яп-янги, каттакон пианино савлат тўкиб турибди.

— Каттароқлари қизиқмаса, невараларимдан бирортаси чалар-ку, бир кун яраб қолар ахир...

Унинг шогирдларидан бири, бугунги кунда ўзи ҳам ёшларга устозлик қилаётган шоир Эркин Воҳидов видолашув йиғинида барчанинг кўнглидаги гапни топиб айтди: «Пушкиннинг «Прощай, свободная стихия» сатрини устоз «Алвидо, қудратли, асов ғалаён», деб таржима қилган эди. Ҳаётда сокин ва майин Миртемирнинг шоир юрагида шеъ-


риятнинг қудратли асов ғалаёни яшар эди. Бугун устоз билан видолашиб «Алвидо, қудратли, асов ғалаён», деймиз ва бу қудратли шеъриятнинг бизга умрбод ҳамроҳ бўлишига ишонамиз».

Ҳа, ҳали унинг сафдошлари, азиз шогирдлари бу теран шеърият соҳиби сабоқлари ҳақида жуда кўп ва хўп гапирдилар, ёзадилар. Ундан авлодлар баҳраманд бўлаверади. Зотан, Гафур Гуломнинг Миртемир домлага 1961 йили ёзган ўртоқлик ҳазилида айтилганидек:

Пинагини бузмай, ларзакор ва жарангдор полапон қушдай оҳиста,
Ясси бўйлаб чўнг алп сингари зайтунзор аро девкор ва ёвқур
Шеър ёбонларида ёвшан чечакларин терган ёзуқли қайсар,
Сулув шеъриятнинг тугин кўтариб
Жиндай ғазалхон, танти шоир Миртемир келаётир!..

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

КИРИКЛАР



Ҳозирги ўрганувчи қалам эгаларида кўринаётган ўринсиз кеккайиш ва доврўққа ўчлик бизда йўқ даражада эди. Шундай тарбияланган эдик-да. Мен ёш қаламкаш дўстларимни ҳам ўша йиллардаги комсомолга ҳос одамий камтарлик, одоб ва ёшликка ҳос ҳаётга ундар эдим. Ўринсиз ва асоссиз талтайиш — бу иллат!

МИРТЕМИР

ФИДОЙИ

Баҳор фасли эди, бир куни у уйга ҳориб қайтди. Шунга қарамасдан почтани кўриб чиққач, ҳаёлга толди. Яна онасини эслади. Узўқ-юлуқ хотиралар огушида анча пайт ўтирди. Ҳамид Олимжон кўз олдига келди. Мисралари тилга кўчди: «Куй керак, мардона, жувон ҳаётга...»

Кейин негадир етти пуштини эслаб кетди: аҳа!.. Бобосининг бобосини бобоси Гойиб бобо бўлган. Ундан Султонмурод деган фарзанд қолди. Унинг ўгли Усмон бўлиб, ундан Миртемирнинг бобоси Умрбекнинг отаси тугилган. Отаси Турсунмуҳаммаддан мана Миртемир қолди. Унинг боласи Миржалолдан невараси Сарваржон дунёга келди. Яна қанча неваралари бор. Невараларининг неваралари ҳам бўлади...

Бирдан ўша келажак асрлардаги ижодкорлар фикрини банд этди. Бугунги ёшларни, маслаҳат сўраб тургувчи адабиёт жонкуярларини бирма-бир эслади. Усмирлик чоғи ёзган бир сочмасидаги мисраларни хаёлдан ўтказди: «Уриб, қуриб, от суриб ўтаётган ким? Бу — қир, бу — жар демай, Бу — кенг, бу — тор демай, Бу — йўқ, бу — бор демай, Ерга сурон солаётган Биз бўлмасак, ким? Табиатни олаётган Биз бўлмасак, ким?»

Ўша йиллари, минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йилмиди, дostonларининг бирида ёзганди: «Ҳайрат бармоғин тишлаб Қолсин қариган аср...»

...Ёш шоирлар ўртасида пишиқ, уяти бор, заҳматга иноқ, умид боғласа хижолат чектирмайдиганлари оз эмас! Ҳозир кўпчиликка аён бўлиб қолдики, шеър дегани — юрак дегани, тўлқин дегани, ҳаяжон дегани!

«Саодат» журналининг яқин-орада ёруғлик кўрган бир сониди Қутлибека ва Фароғатой шеърларига кўзим тушди. Ардоқли Зулфияхоним ўта ўринли ва одилона сўзбоши ёзибди. Бу иккала ёш шоира қаламига мансуб шеърларини ўқий бошлаган ҳар қандай ўқувчи уни охирига етказмаслиги мумкин эмас. Шу даражада завқбахш, бўёқдор, тили бийрон, мавзу — янги ва ҳаётий. Ғоят умидбахш қалам эгалари — бунга жиндак шубҳам йўқ.

У нафақат ёшларга, ҳатто ҳимоясиз ёшлик рамзи бўлган қушларга ҳам куйинчак эди. Минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йил эди чоғи, ёзганди:

Пинда унинг бутун, қўл чўздирмадим,
Қўналганга қўну, ўқи валфажри...
Ҳатто бир гиштни сал буздирмадим,
Зигирдек қалбингда бир тилнинг ҳажри...

Миртемирнинг укаси Тўра амаки ҳар гал келганида Миржалолга уқтиришдан эринмасди: «Даштда сўфитўрғай деган қуш бўлади. У ҳар баҳорда тўртта тухум қўйиб, бола очади. Полапонларидан бири булбул, қолганлари оддий тўрғай бўлади. Ўша булбул — отанг!»

Тўра амаки ҳақ эди. Уша булбул адабиёт булбули бўлиб етишди. Абдулла Орипов эслаганидек:

— Узбек совет адабиётида Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Мақсуд Шайхзода шеърляти каби Миртемир шеърляти деб аталган қуйма ибора ҳам бор. Ижод машаққатидан озми-кўпми хабардор бўлган ҳар бир одам Миртемир шеърлярини ўқиётиб, унинг ҳар бир сатр устида қанчалик тер тўкканини тасаввур қилиши қийин эмас...

Устозини қўмсаган Абдулла Орипов яна дейди: «Жиндаккина нозик феълингиз билан сокин бир қўнғироқ чалиб ўтдингиз...»

— Шогирд сифатида айтишим мумкинми, салмоқли юки бўлмаган ижодкорнинг қайиғини енгил шабада ва майда тўлқин ҳам ағдариб ташлаши мумкин, — дейди Ҳусниддин Шарипов, — олис манзил тўғрисида гапириб ўлтириш ҳам ортиқча...

Кўнгли очик кишининг атрофида ёшлар кўпроқ айланади.

Домла асло эрмак учун ишламасди. Бу талабчан шоирнинг шеърхонга, халққа ҳурмати эди. Халқ нафасини сезувчи шоир ҳаёт тасвирида кам янглишади. Киши қанча кам янглишса, ҳақиқатга шунча яқин туради.

Ҳа, у тошқин, аммо тошқинлиги пинҳон сокин дарё эди. Унинг ўзи айтганидай: «Шоир газалини кифтда кўтариб, Зилол-сув ўтади боғдан-боғларга».

ИШОНЧ

— Бирор лаҳзанинг сачратқиси бўлади, — деб уқтирарди Миртемир домла. — Ана ўша сачратқидан жойида фойдалана билиш керак...

Бу ақидага энг аввал домланинг ўзи сиғинди, иннайкейин, ёшларни ундади. Ёшларнинг ҳар бир қадамини кузатиб борди.

Устоз ўзи маъқул кўрган ёшлардан Муҳаммадали Қўшмоқовга шундай «Оқ йўл» тилаган эди.

«Муҳаммадали Қўшмоқов поэзия деган дарёнинг оқ шеър ирмоғида машқ қилаётган, шу дарё ирмоғида мавж яратишга уринаётган умидбахш ёшлардан. Унинг уринишларида Пабло Неруда ва Нозим Ҳикмат ҳайқириқларининг олис янғироқларини тингласа бўлади. Ҳатто у ўша Уитмен, Хлебниковлар ирмоғига ҳам шўнгиб юрганига шубҳам йўқ. Маяковскийни ташна йўлчидай симираётганига ҳам шубҳам йўқ.

Мен аминманки, бизнинг бақувват поэзия даргоҳида оқ шеър тури учун ҳам бошқа турлардек ардоқли ўрин бор. Хамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби буюк қалам эгалари бежиз бу турда қалам тебратган эмас ахир. Тўғри, бу гоят оғир, жавобгарлиги зўрроқ шеър тури. Баъзан бир шеърда, ҳатто бир сатрда жаҳон завқ ва маъни пайдо бўлади. Лекин инсоф билан ёндашганда, шеъриятнинг осон тури борми?

Ёшлик — йўл танлаш ва тер тўкиб меҳнат қилиш палласидир. Мен санаган устозлар — анов-мановлардан эмас. Ўшалардек оқиш ва оқа олиш — буюк бахт. Ўшалардек оқа олиш учун ўшалардай меҳнат зарур! Устозлар — бу зарурий мактаб. Ўзга мактаб — бу ҳаёт, бугунги воқелиқдир. Мен Муҳаммадалидек меҳнатга шай, уринчоқ ёш истеъдоднинг китобий ҳам воқелиқнинг бирлигини тона олишига, ҳалиги устозларга муносиб бўла олишига, халқ олқишига сазовор мавж яратишига тилакдошман».

Бу «Оқ йўл», «Шарқ юлдузи» журналида Муҳаммадали Қўшмоқов шеърлари бошида босилиб чиққан эди.

У қанча ёшларга йўл-йўриқ кўрсатмади: «Бошсиз чавандоз»ни ёзган Сайёрга, «Митти юлдуз»ни яратган Абдулла Ориповга, Барот Бойқобиловнинг илк тўпламига, хуллас, танилиб қолган талай, ўнлаб шоирларга...

Эркин Воҳидов ёзади: «Мен унинг ўқувчилари — шогирдларисиз ўтирганини эслолмайман. Шу ўринда домла билан бир ўтириш — шогирдлар даврасидаги воқеани эсла-тиб ўтмоқчиман. Биз бир гуруҳ ёшлар домланинг уйида ўтирардик. Дўстларимдан бири ногаҳон устозга шундай савол бериб қолди:

— Домла, нега Некрасов, Шевченко, Махтумқули сувратлари иш столингиз устида туради-ю, нега Навоий билан Пушкин сувратини кўздан четроққа, китоб жавонининг бир чеккасига қўйгансиз?

Шунда домла ўзига хос назокат билан деди:

— Мен бу икки буюк даҳога тик қарашга ботинолмайман. Улар олдида хижолатдаман. Негаки, Пушкинни унинг поэзиясидаги сарбаландлиги даражасида таржима қилолмадим, Навоийнинг теран ва мураккаб оламини ҳали сўнги-гача англаб етолмадим...

...Домла ёшларга ўргатибгина қолмай, ўзи ҳам ўрганарди. «Мен — бугун бахтсиз одамга айланиб қолдим, — деб ҳазиллашарди у. — Кеча кун бўйи мажлисда ўтиришга тўғри келди, ҳеч нарса ўқий олмадим». У ижодга, адабиётга бахшида бўлмаган, шогирдлари билан суҳбатда ўтмаган фурсатини бекор ўтган, йўқотилган вақт деб ҳисобларди.

Шоир Тўра Сулаймон дейди:

— Олтмишинчи йилнинг сентябрь ойлари эди. Ёзувчилар союзига машқларимни кўрсатгани боргандим. У кезлари домла бош консультант эдилар. Ёш ёзувчиларнинг семинарларини ҳам домла бошқариб борардилар. Мен сингари шаҳар атрофидан ё узоқ қишлоқлардан борувчи ҳаваскорлар қандай борган бўлсак шундай қайтардик. Нима қилиб юрибсан, дейдиган одамнинг ўзи йўқ. Бу энди, албатта, ўзимизнинг тортинчоқлигимиздан эди. Ниҳоят, мен шу масалада домлага, бизнинг айбимиз нима, ё Тошкентда турмаганимиздами, деган маънода эътироз билдирдим. Домла аввалига хафа бўлдилар. Одатдагидай елкаларини учириб, қош-қовоқларини осиб олдилар. Шу йўсинда Ёзувчилар союзидан таъби табиатим хира бўлиб чиқиб кетмоқда эдим. Ортимдан Юсуф Шомансур чиқиб, сизни Миртемир ака чақиряптилар, деб қолди. Мен, ҳозиргина домланинг олдидан чикдим, деганимга қарамай, у мени домланинг олдига бошлаб кирди. Киришим билан домла:

— Кечирасиз, ўғлим,— деди ва ҳазил аралаш кесатди,— сиз Сулаймон пайгамбарнинг авлодларидан экансиз. Танимабман. Кўпдан бери сўроқлаб юрардим. Машқларингизни кузатиб бораман. Бир қадар маъқул. Айниқса сизнинг халқ оғзаки ижодини тўнлаб юрганингиз, ўзингизнинг ҳам халқ оғзаки ижоди йўлида ёзишингиз мени қизиқтириб келади. Шу йилнинг октябрь ойида Ўрта Осиё ёш ёзувчиларининг семинар-конференцияси бўлади. Биз сизни шу йиғилишга расмий равишда таклиф қиламиз. Борлиқ машқларингизни ола келинг,— деб қолдилар.

Қувонганимдан қалтираб кетдим. Гўё армонларим ушалгандай бўлди, ўзимни ёзувчи бўлиб қолгандай ҳис қилдим...

Бир куни домла сафарга отланадиган бўлди. Ётмишинчи йилларнинг бошлари эди чоғи, РСФСР адабиёт пленуми эди-ёв... Хайрлашаётиб Ерқиной ая тайинлади: мана бунга Миржалолнингиз учун фалон нарса оласиз, мана бунисига Гулнорангизга жемпер, бу Мирзатой учун... Ҳавога совурманг тағин?..

Хуллас, бир дунё «заказ» билан йўлга тушилди.

Москвага боргач, устозни ўзбекистонлик шоирлар ўраб олишди. Улар ўшанда Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтида ўқишарди.

— Менга қара,— деди устоз ёшларнинг бирига,— мана бу ортиқча пуллар омонат. Кеннойнинг болаларга у-бу айтиб юборди. Олиб қўйсанг, кетиб қолса, уятли бўламан...

Бошловчи ижодкор бу қалтис масъулиятдан қочиб:

— Биласиз, домла, дўстлар кўп, — деди. — Студентчилик... Тагин ишлатиб қўйсам. Ўзингизда тура қолсин. Бир-икки кун олдин кеннойим айтганларини олиб қўярмиз...

Дўстлар билан дийдорлашув, йигинлар, Москва билан қайта кўришув, илҳомли кезлар... Бир кун ўтмай, домланинг хаёлидан «заказ»лар кўтарилди. Бир оқшом ёшлар билан ресторанга киришди. Қайфият аъло, куй авжида, кимдир баралла хахолайди, кимдир рақс тушган...

Домла одатича, хўш деди-да, официант қизни чақирди.

— Салом, оппоқ қиз. Қисқаси, яхши таомлардан бўлсин. Мана бу, хамир учидан патир. Яхши хизмат ва табасуминг учун!.. Стол учун кейин...

Сўнг ёш шогирдига деди домла:

— Бўладими?.. Иддао билан хизмат қилса татирмиди, дейсан!..

Шундай қилиб, домла одатий ҳотамтойлигини бошлади.

Миржалол сафардалиқ чогида домла Мирзатойга деди:

— Мана бу тўнкаларни бирор кишига илтимос қилиб ёрдирсакмикан?..

Ҳали домланинг уйи газлаштирилмаган кезлар эди.

Мирзатой илтимос қилган киши Миртемир домлага орқаворатдан меҳр қўйган, лекин домла эса уни танимасди. Ўтин ёрилиши болта товушиданоқ суёт эканлигини сезиб турган домла ишини қўйиб, деразадан назар ташлади. Қараса ўзи тенги одам. Зўрға болта уряпти. Домла жуда ўсал бўлди. Чиқиб, ҳалиги киши билан танишаркан, минг бора кечирим сўради:

— Кечирасиз-да энди, болалик қилибди-да Мирзатой.

Сўнг қўярда-қўймай уйга етаклади. Дастурхон тузалди. У одам қайтаётганида, йўқ деганига ҳам қарамай, домла бир даста пул қистирди. Яна кечирим сўраб, эшиккача кузатиб чиқди.

Қайтаркан, бош тебратиб, ўзича дер эди:

— Бола-да, бола!.. Ўзи қай ахволда-ю, бечора. Бу тўнкаларни бир ҳафтадаям эпполмайди. Ранжимаган бўлсин-да, ишқилиб...

Эллик йиллиги арафасидамиди, домла редакцияларни айланиб кеч қолди. «Олтидан ўтар-ўтмас қоронгу тушадия!..» деб ўйлади домла. Негадир пиёда кетгиси келди. Хазон кечиб, хаёлга ғарқ бўлган домла Ўрдада уч-тўрт ёш йўлини тўсганини билмай қолди.

— Борингни чиқар.

— Ўзидан каттага аввал салом беради, — деди домла ўзини йўқотмай. Сўнг, вазият қалтис эканлигини ҳисобга олиб,

умрида биринчи бор мавқеини эслатди.— Озгина уялсанглар бўларди. Ахир, мен шоир Миртемир бўламан. Сиздекларни тўғри йўлга ундайман деб, неча тонгни бўзартганман. Отангиз тенги бўлсам, кейин..

Болалар яхши гапга кўнишмади. «Миртемир ҳам пиёда юрармишми?» — деди бири. Аҳвол жиддий эди.

— Майли,— деди домла,— гапимга ишонмадинглар. Барибир ҳеч вақом йўқ. Уйга борайлик, борини чиқариб бераман. Шундай Уста Ширин кўчасидан озгина кирамиз, вассалом. Уйимни ҳам кўрсатаман.

Улар бир-бирига қарашди. «Борсак борайлик-чи... ё тугиб берармикин?» — деган ҳадикда чўчиб-чўчиб қадам ташлашарди. Болалар катта кўчада қолишди. Домла уйга кириб кетди. Неон чироқлар ёғдусида ҳар бир дарахт орқаси ҳам ваҳимали кўринар эди. Болалар ишониб-ишонмай, панада мўралаш туришарди.

Бир пайт, домла қайтиб чиқди. Болаларга яқинлашиб:

— Кўда ёш экансизлар,— деди.— Ҳойнаҳой ўқийман деб келган кўринасизлар. Ота-оналарингга иснод келтириш уят. Вақтид бу жирканч йўлдан қайтсаларинг қандоқ яхши!..

Сўнг домла чўнтагидан пул чиқарди:

— Мана, шу етиб турар? Аммо кўрққанидан қияпти, деманглар. Милицияга хабар қилишим ҳам, сизларга ёмонлик раво кўришим ҳам мумкин эди. Раҳмим келди...

Орадан йиллар ўтиб кетди. Бир куни эшикдан тўрт йигит кириб келишди. Саломлашишди. Боадаб, бамаъни, сариштали йигитлар. «Ёш шоирлардан бўлишса керак», деб ўйлади домла.

— Анжанданмиз. Ўқишни тугатдик. Сизнинг олдингизда уятлимиз. Ҳо, бирда йўл тўсган болалар бизлар эдик. Гуноҳимиздан ўтсангиз бас. Мана ўша берган пулингиз...

Кўп фурсат ўтгани учун домла аранг элади:

— Ҳа...— деркан, ўз сўзининг ўзгаларга таъсир қилганидан, ёмон йўлга тушиб қолаёзган манави ёшлар шу даражада одамхон бўлиб қолганидан қувонди.— Манови асло керак эмас эди,— деди домла.— Аммо, ҳақ йўлни топиб олганларинг яхши бўлибди. Келиб туринглар, бирор ёрдам керак бўлса, тортинманглар...

Қай бир ресторанда ўтиришувди. Бирдан официант ғавго кўтариб қолди.

— Чўнтакка қараб ресторанга кириш керак. Тагин ичкилик ҳам айтмадингиз. Бу — ресторан, чойхона эмас.

Воқеанинг тагига етишса, аллақанчаям тийин етмас экан. Бола бечора ўсал бўлганидан ер ёрилса кириб кетгундек аҳволда эди.

Домла шартта бир сўм ажратди-да, официантга узатди.
— Бу бола учун!.. Мана бу сенга,— деди сўнг домла, йигитга йигирма бешталик узатар экан.— Олмасанг жуда хафа бўламан...

Йигит ноилож пулни олиб чиқиб кетди.

Миртемир бу ўткинчи воқеани унутиб юборган эди. Қунлардан бирида ҳалигидай эшик очилиб, бир йигит кириб келди. У салом-алиқдан сўнг:

— Домла, ху бирда мени ноқулай аҳволдан қутқарган эдингиз,— деди.— Ресторанда-чи?.. Раҳмат айтгани келдим. Сўраб-суриштириб топиб келдим. Мана ўша пулингиз...

Домла ҳалиги тўрт йигитни кузатиб қўяркан, ўша воқеани эслади. Кейин ёруғ бир кайфият билан ижодхонаси томон жилди.

ЙЎҚЛОВ

Бир куни домла юмушлардан бўшаб қайтса, келган хатлардан бирида шундай дейлибди: «Хурматли Миртемир! «Байкал» журнали редакцияси БАМнинг Бурятиястон тупроғида жасорат кўрсатаётган қурувчилар учун махсус кутубхона ташкил этаётир.

Имкони бўлса, китобларингиздан бир нусхадан (магистраль қурувчилари шаънига ёзилган қимматли дастхатингиз билан) юборишингизни сўрардик.

Ҳурмат билан бош муҳаррир:

С. Цирендоржиев».

Домла, ҳа, дея бир сўлиш олди-да, дераза оша гуллаётган ўрик новдаларига термилди. «Биз, мана, жаннатда ўтир-и-и-и-б хаёл суряпмиз,— дея кўнглидан кечирди.— Улар-чи, қурувчилар-чи?! Ўрмон кесиб, ботқоқ кечиб; туғилган масканидан, туғишганларидан, балки севганларидан олисда юрт учун... Балки ораларида неча-неча ўзбек Алпомишлари ҳам бордир...»

Домланинг салқиган қовоқлари янаям осилиб тушди. Тишлари ғижирлаб, кўзлари хиёл қисилганча, аввал-бош муҳаррир илтимосига жавоб ёзмоқчи бўлди. Дилида пишитиб олди: «Кўп хурматли ўртоқ Цирендоржиев...» Айтар гапини тугатиб, жавондаги ўз китобларидан нусхалар таялади. Дастхат битди: «Ардоқли қурувчиларга — йўқ йўлни йўндираётган, жаҳаннамга тимсол ботқоқликларда, тўқайзорларда, қора ўрмонларда жаннат гуллари ундираётган юртдошларимга!..»

Шоир бармоқлари титради — ёзолмади. Ичи ёниб, ўзини лоҳас сезди. Инграб юборди. Бу энди хасталик оғриғи

эмасди. Шу алфозда ўзининг ўрмон оралаган йиллари, олис Пушкино шахри атрофида қурувчилар билан ўтказилган дамлар, ер қазгани, деворий газеталар чиқариб, адабий келчалар уюштириб, қурувчиларга мадад бўлганлари — ёшлик дамлари ёдига тушди...

Бу воқеаларга ҳам қирқ йилдан ошибди. Ўшанда ҳам хат ёзган, ўшанда ҳам бармоқлари титраган, ҳозиргидай ўзини лоҳас сезиб, кўзларида ёш гилтиллаган эди... Бироқ, у хат ҳозиргидай бирор газета ёки журнал муҳарририга ҳам, тугишганларга ҳам, дўсти ё ёрга ҳам эмас, балки буюк Горькийга ёзилган эди. Хатни кейинчалик йиртиб ташлади...

Тақдир тақозосини қарангки, бир куни Горький бошлиқ ёзувчилар ўрмон кесувчилар билан учрашгани келиб қолди. Мавриди келгани учун «юрагини ёрди» ўшанда Горькийга: «Қошки билсайдим, ўзим ҳам билмайман...» Горький дарҳол сўраб-суриштирган ва оқибат олатасир йилларнинг суронидан домла ҳам омон қолган эди.

Ўшанда кўпчилик қатори Миртемир ҳам улуг Горький билан суратга тушган, уни хануз кўз қорачигидек асраб келарди. Кейин йўқолди-қолди. Домла сўнгги нафасигача шу суратни тополмаганидан афсусда ўтиб кетди... Зора бирор شوғирдининг қўлига тушиб қолса!..

Бешафқат ажал Горькийга чанг солганда у қайгуриб ёзди: «Ерга боқдим, ерда ўйилган сукут... Қалъалар фатҳ этдик ер, кўк ва сувда, ўлимни ҳам енгиб олсайдик омон...»

У нотанти ўлим билан келишмасди асло. Шунинг учун ҳам шеърларида: «Тобути енгил эди, лекин мотами оғир», «Ўлим енгилган кун ҳам келади кейин...», «Хазоним олис ҳали...» сингари мисралардан аён.

«Тогдан қанча узоқлашганинг сайин,— деганди домланинг қабри тепасида профессор Худойберди Дониёров,— унинг салобати янаям тиниқ кўринади. Миртемир аканинг халқ учун қилган хизматлари энди янаям ёрқинроқ юзага чиқаверади».

— Бир куни отам,— дейди Миржалол,— Москвадаги дўстларидан бирига хат ёзмоқчи бўлдилар. Кел, сен русчага чечанроқсан, деб ўз мақсадларини қисқача баён қилдилар-да, хатни менга ёздирдилар. Хатнинг ярмига келганда, ручка қоғоз тагида ётган аллақандай қаттиқ нарсага тақалди ва чирт этиб қоғозни тешиб юборди. Менинг, отамнинг ҳам диққатимиз бўлиниб, фикримиз чувалди. Хатимни кўзойнак тақиб, кузатиб ўтирган отам, нима экан у, дея қоғозни кўтариб қарадилар. Қарасак, қум зарраси. Отам хаёлга чўмиб, узоқ тикилиб қолдилар. Балки ўшанда арзимас

бир одам кўпгина фозилларнинг бошига оғир кулфатлар солган йилларни эслагандирлар... Кейин шундай дедилар: «Тавба, бутун бир оламни шу биргина қум зарраси ағдар-тўнтар қилиб ташласа-я!..»

Домла бир куни умри ёшлар тақдирига бахшида бўлганини эслар экан, қизи Юлдуз Москвадан юборган кўзойнакни тақди. Одатича газета-журналлардан қирқиб олинган материалларни кўздан кечира бошлади. Уларнинг орасидан кенжатоёи Мирзанинг ёзуви чиқиб қолди: «Ота! Келган эдим, дам олаётган экансиз. Безовта қилмадим, эртага яна келаман. Мирза».

Ушанда хаста эди. Беморхонада ётарди. Мирзатой шундай беозор ўсди-да ўзи, деб ўйлади домла.

... Ҳа, нега хасталиги ёдига тушди энди. Ундан кўра ёрқин дамларини эсласа-чи?

Ногоҳ, яқинда Қўқонга бориб келгани ёдига тушди.

Кечқурун Андреев номли клубда шеърят кечаси ўтадиган бўлди. Сотти Хусайн юбилеи эмасми, Миртемир устози таваллудининг тантанасидан баҳри дили очилган эди. У Чархий, Назир Сафаров, Лазиз Қаюмов, Абдулла Оришовлар даврасида кечага етиб борди. Аввал Сотти Хусайн ҳақида тўхталиб, ҳаяжонланди. Сўнг янги шеърларидан ўқиди. Кейин «Ниҳол» адабий тўғараги иштирокчилари саволлар ёғдиришди...

Яна узлуксиз оғриқ безовта қилган дамларни, 1977 йилнинг ёзида шогирдлари Муҳаммад Али, Тўра Сулаймон билан бирга Андижонга борганларини, 1962 йилмиди, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг Андижонда кўчма пленуми бўлган, Олимжон Холдор баҳона барча ёшларга қилган ўғитларини эслади, ёшларга йўллаган хатларини кўз олдидан ўтказди.

«Нега архивларни ағдариб қолдим ўзи... Нега керак? — Домла папкаларни титкилай бошлади. — Ҳа, Нормурод Парзуллага ёзган экан мана бу хатни. Кўмаклашдимикин?..»

Домла архивини кўздан кечираётди, биз ҳам ўша хатни ўқиймиз:

«Ардоқли Нормурод Парзулла!

1974 йилими ё ундан олдинроқми, аниқ эслолмадим. Асқар Мусоқулов қаламига тегишли шу тўнламини («Тонг умидлари») адабиётшунос Гаффор Мўмин менга келтириб, кўриб чиқишимни ўтишиб кетган эди. Бу тўнлам эгасининг ўтинчи экан-да. Мен сипчиклаб ўқиб чиқдим ва билганимча ҳар шеър ёнига нима камчилиги борлигини белгилаб, қайтарган эдим. Ёш шоир қайта ишлаб, тагин менга юборибди

(1976). Мен тагин кўриб чиқдим. Ҳар қалай, баъзи маслаҳатларимга амал қилгани кўришиб турибди. Шунини айтиш керакки, ёш қаламкаш анчайин ҳаваскор эмас, балки жиддийроқлардан. Яъни ёзувчиликнинг барча оғирликларини елкага олишга тайёр, қунтлик, умид қилса бўладиганларданга ўхшайди. Бу йигитда бугунги ёш қаламкашга гоёта зарур сабот (кенг маънода), адабиёт назариясидан бохабарлик, етакчи рус адабиёти ва қардош халқлар адабиётидан бохабарлик, ўз адабиётимиздан бохабарлик аниқ. (Навой бобони кўп тилга олади, ҳозирги замон адабиётидан беҳабар деб бўлмас.) Мен қайта ўқиганимда шу айтганларимга ишонч ҳосил қилдим. Ёш шоир бахшилар ҳаётидан ҳам яхши хабардор.

Ўйлайманки, Сиз томондан қўллаш-қўлтиқлаш муддаонинг ўзгинаси. Яъни Ёзувчилар уюшмаси ёнидаги семинар-муҳокамасига қўйилса, арзигулик.

Дўстлар муҳокамасидан кейин, тагин бир ишлатиб, нашрга тавсия этишга арзигулик.

Миртемир.

1976, ноябрь».

«Ҳа... Озмунча жон куйдирмадим-ов ёшларга.— Мамнуният билан эслади домла.— Кўпчилиги ўғитларимни оқлаб кетди, баъзи бировлари алифни ҳам билолмай орқасига қайрилди...»

Бир куни домла билан суҳбатлашиб ўтирган эдик, ҳаваскор шоирлардан бири келиб, талай машқларини ўқиди. Мана, бири:

- Шеър келтирдим, бобогинам,— дедим.
- Кел, бўтам! — деди.
- Андак вақтингизни олсам,— дедим.
- Жиндак тўхта,— деди.
- Шоир булдингми сенам-ов,— деди.

Кўнгил бедор эди,

Толеим бор эди...

У кетгач, домла ранжиб деди:

— Нусха кўчиришни жуда ёмон кўраман-да. Вақтларини шунга сарфлашади-я. Эсиз!.. Яхши очеркдан ёмон шеър тўқувчи ёки шеърдан — ёмон очерк яратувчилар кичик қаламкашлар ўртасида ҳам анча-мунча! Лекин мен ёш ижодкорларга ёруғ бу кунда ҳаминша яхшилик тилайман.

Домла вафотидан кейин Миртемир куйлаб ўтган Туркистондан баҳра олган, Сайрам тупроғида улғайган қаламкаш Миршўлат Мирзаев бўзтўрғайдай бўзлади:

Қай кўнгилда илк ҳавас бўлолдинг илк мураббий,

Ох урмагин ортигда назми навқирон қолди...

Яна бир неча кундан кейин борганимда сўзини шундай бошлади:

— Ёш қаламкашлар орасида ҳамиша оригиналликка интилувчиларни улуг даражасида яхши кўраман... Чунки, бу фазилатни ёш қаламкашларнинг келажаги учун тамал тоши деб биламан. Шу жиҳатдан Ойдин Ҳожи қизи, Ҳалима Худойберди қизи, Эркин Воҳид, Абдулла Ориф, Барот Бойқобил, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Абдулла Шер қабиларнинг машқлари менга маъқул. Мен уларнинг шеърларини ҳар гал қониқиш билан қаршилайман. Буларни ёш деб бўлмайди ҳозир. Булар адабиётнинг катта йўлига чиқиб олган. Меҳнатлари ҳам оз эмас. Ҳозиржавоблик масаласига келсак... бу фақат ёшлар учун эмас, сочига оқ тушган шоирларимиз учун ҳам бирдай фарз-ку!.. — давом этади домла. — Ёшларнинг замонавийликни ҳаёт симфониясига жўр овоз тарзида куйлашларини Маяковскийдан, Ойбек ва Ҳамид Олимжондан, Ғафур Ғулом ва Шайхзодадан ўрганган бўлишларини, ўшалар савиясида, яъни: «Раиса», «Нима бизга Америка?», «Турксиб йўлларида», «Тошкентнома» сингари асарлар даражасига етказиб ва улардан ўтказиб асарлар яратишларини жуда-жуда раво кўрардим... Ҳар бир корхонада, ҳар бир колхозда мураббийлик анъана тусини олгани каби шеърят цехида ҳам тажрибали шоирларнинг севган шогирдлари бўлгани дуруст деб биламан. Фақат шогирдларни тўғри йўллай билиш шарт. Бу — энг муҳим масала. Бу — катта фидойиликни, ўтилган йўл ва келажакни ёрқин кўра билишликни талаб қилади.

Яна домланинг йигирма йилдан ортиқроқ давр мобайнида ёшлар семинарини бошқаргани хаёлимни тортди. Унинг шунча йил давомида қанчадан-қанча машғулотларни бошқаргани, уларда не-не қимматли фикрлар айтганлигини ўйладим. Семинар машғулотлардан бошқа йиғинларда-чи? Ёшларга ёзган хатларида-чи? Домланинг шоир Олимжон Холдорга жавоб баҳонасида ёзган «Хат» номли қимматли мақоласидаги юракдан айтилган ушбу мисралар кўз олдимга келди: «Йигирма йилдан ошиқроқ вақт ичида мен сизга ва сиздек шеър шайдоларига, меҳнатсевар ёшларга бир фил кўтаргулик хат ёзгандирман. Сиз адабиётимизнинг эртанги кунисиз. Сиз тўғрингизда ўйламаслик — адабиётимизни эртасини ўйламаслик бўлади...»

— Сонетчилик масаласига келсак, Барот Бойқобилов машқларида пухта, ярқироқ, тугал ва умри узоқ сонетлар йўқ, деб бўлмайди. Поэзиянинг бу тури ҳам шеърятти-

мизга буюк Навоий қитъалари ёки Умар Хайём рубоийлари қадар зарур, деб биламан. Сарбаст шеър ҳам зарур. Жуда ҳам ҳаяжонга соладиган воқеалар сарбаст вазнида тезроқ ўз ифодасини топиши турган гап. Сарбастда машқ қилаётган Рауф Парфи, Муҳаммадали Қўшмоқов, Сулаймон Раҳмон, Миразиз Аъзам шеърларида эса қолгулик машқлар йўқ эмас.

Бармоқ, сарбаст... Беихтиёр яна бир воқеа ёдга тушади.

Янгийўлда ўтган қайси бир учрашувдан Собир Абдулла иккиси қайтишарди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, машина Тошкентга кириб келгач, Собир Абдулла деди:

— Аввал мени ташлаб ўтса бўлармиди...

Сухбат бўлинганидан ранжиган, ширакайфроқ домла бўш келмади:

— Йўқ, аввал мени!..

Икки биродар тортишиб бораркан: «Қаёққа ҳайдай?» дегандек шофёр елка қисади.

Миртемир домла ҳайдовчига уқтиради:

— Тушунсанг-чи, бўтам, Собир Абдулла арузда ёзади, мен бармоқда. Демак, замонавийроқман. Шунинг учун олдин мени элтиб қўйишинг керак.

Шоирларнинг бу «эркалигини» тушунолмаган шофёр тўнғиллайди:

— Арузми, бармоқми, менга барибир. Уй-уйларингга омон-эсон етказсам бўлди.

Бу пайтда Собир Абдулла уйдан ўтиб кетган машина Уста Ширин кўчасига яқинлашиб қолган эди. Шофёр машинани оҳиста «Кисловодск» муқолишига буради. Миртемир домла хайрлашиб тушиб қолади.

Тошкентдаги бешинчи таксопаркда Омон Ниёз исмли шоиртабиат киши такси ҳайдарди. Шоиртабиатлигидан ташқари шеърлар машқ қиладиган бу йигит «Тошкент ҳақиқати» газетаси қошидаги ишчи-мухбирлар университетини тугатган, мақола ва машқлари билан кўриниб туришга иштиёқманд.

Миртемир домла ана шу Омон Ниёзни оддийлиги учун ёқтириб қолган эди. У ҳам бўшроқ қолдими бас, домла хузурига ошиқарди. Ҳатто биргалашиб суратга ҳам тушишган. Бу ноёб суратни у уй тўрида ардоқлаб келади.

Анча яқинлигимиз учун бир кун Омон Ниёз менга ҳасрат қилиб қолди:

— Энди домламизнинг олдиларига бормайман...

— Нега? — дедим хайратланиб.

У, жиддий ранжиган шекилли, деди:

— Касса неча пул ишласа, қайтимсиз берганлари бир ҳисса, устига-устак, қайси магазиндан нима олсалар, менгайм қўшиб олдилар кеча. Олмайман, десам кўнгиллари қоладиган...

Миртемир домлага бу арзу ҳангомани айтган эдим, жилмайиб қўя қолди:

— Нима қилай, шунча овора бўлиб келади доим. Олгим келди — олдим-да. Ахир, кўнгил буюрган ишга қарши бориб бўлмайди-ку!..

Домла булутли, айниқса ёмғирли кунда ишлашни унча хуш кўрмайди. Кўпинча мана шундай кунларда касали оғирлашиб, кўпроқ вақти даволаниш билан ўтишини билганим учун, кўнгил кўмсаб, гурунглашигани бордим.

Сухбат асносида ўзбек совет поэзиямиздаги жорий вазнлар ҳақида гапириб беришларини илтимос қилдим.

— Бармоқ вазнининг ҳам имкониятлари жуда кенг, — деди домла. — Хўш... 11 ҳижоли вази ҳам турлича. Бармоқда кўпроқ масалани туроқ ҳал этади. Туроқларнинг товланиши вазнга руҳ беришга қодир: ё ўйноқи, ё босиқ оҳанг. Шунингдек, 3—3 ё бўлмаса 5,10,12,13,14 ҳижоларда ҳам ажойиб шеърлар ёзиш мумкин...

Биринчи сатр 10, иккинчиси 9 ё бўлмасам биринчи сатр 14, иккинчиси 7 бўлиб келадиغان вазнлар бор. 9нинг 3:3:3 бўлиб келадиغانлари ҳам ўқишлик. Бир сўз билан айтганда, бармоқ вазнидаги товланишлардан фойдаланиш, шугулланиш машаққатидан четлаб ўтаётганимиз оқибати ҳалиги сиз айтган 6:5ни дастак қилволишга олиб келган... Агар қаламкаш, айниқса ёшлар қизгин давраларда, мунозараларда чечан бўлмаса, сафарларга, меҳнат аҳли орасига ўзини уришдан қочса, зиммасидаги масъулиятли ишини ҳар кун аъло даражада дўндиришга кўникмаса, жамоат ишларида ўрни билинмаса — ёзганлари ҳаётдан йироқ, нокерак бўлиб қолаверади. Қаламкаш узлуксиз, самарали ижод жараёнига кўникишни ларзақор уринишларда, ҳаётдаги фаоллиги орқасида эгаллайди. Қалам мана шундоқ қийналишларда чархланади. Мен буни устоз Ойбек мисолида, ўта бурро, ўта ҳозиржавоб, замонага ўта оҳангдош Гафур Гулом, Ҳамид Олимжон ва мен кўрган, билган устоз ёзувчилар мисолида, ўзим ўтган йўл мисолида айтганиман...

Азиз устознинг «Киприқларим» шеърини эслайман.

Инсон кўз қорачиғининг қўриқчилари киприқлар...

Шоир шеърга рамзий маъно сингдирган. Аввало, унинг ҳар бир асари киприклари қадар азиз, киприклари қадар аҳамиятли... Шунингдек, шоир ўз шогирдларини, ўзбек совет адабиёти истиқболнинг эгалари — ёш ижодкорларни ҳам киприкларим деб атади. Уларни адабиёт киприклари деб тушунди... Улар ҳақида қайгурди, ишонч билдирди, билганларини ўргатишдан, йўл-йўриқ кўрсатишдан асло эринмади.

... Эй, азиз киприкларим,
Сергакликдан тирикликнинг сиз-ку энг тириклари...
Киприкларимдай азизларим, нечоғлик ҳам суюксиз,
Армонимдай буюксиз!

Ардоқли устоз! Доим боқийлик, яхшилик ҳақида гапирардингиз. Мана, ўзингиз боқийликка дахлдор бўлиб кетдингиз.

Бутун туйғуларингиз қалбларда яшаётир. Эзгуликка ташна дилларни қондираётир. Яхшиликка ошно қалбларни олдга ундаётир...

Яхши ном қолдириб кетганлар ҳақида, руҳи ҳамиша ёдда қолганлар ҳақида гап кетганда ёзувчи Шароф Рашидовнинг бир шеъридаги: «Унинг номи ўлмас афсона... Қуёш каби кўрган умрлар» деган мисралари хаёлдан ўтади. Бу ҳақиқат айнан сиз сингари зиё таратиб ўтганларга дахлдордир.

Сиз асрлар ўтиб бир бор дунёга келадиганлардан эдингиз. Қадрдон сиймонгиз, ўлмас ижодингиз, лекин оддийлардан-да оддийроқ умрингиз яшайверади — кишиларни яхши фазилатлар томон етаклайверади... Қуни кеча кенжа фарзандингиз Гулноранинг никоҳ тўйида шогирдларингизнинг оловли дил сўзлари янграб турди. Унда ҳам гўё тўйбоши ўзингиз бўлдингиз. Бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Ҳақиқат устундир учар қушлардан, деган эдингиз, устоз. Ҳамид Олимжон вафотининг бир йиллигида ёзган шеърингизда эса бўзлаб: «Бу юртда жаранг шеър бўлмас ҳеч унут...» деганда ўзингизнинг мисраларингиз ҳам ана шундай умри фузун, жаранг шеърлар бўлиб қолишини хаёлингизга келтирганмидингиз?!

Улим! Бунга кўникмай йложимиз қанча?! Энди бугунимизда, айтар сўзимизда, қутловларимизда, йўқловларимизда номингиз такрор! Экран ва эфирда, минбарда мана бу мисраларингизни ҳам тинглаётирмиз:

Тагин хушвақт тўй-тўйласам жўялик,
Тўлиб-тошиб, куй куйласам жўялик.
Жўяликдай кенг жаҳонга жар солсам,
Тик минбардан сўз сўзласам жўялик.

Шундоқ! Халқингиз билан бирга тўй-тўйлаяпсиз, куй-куйлаяпсиз, жаҳонга кўз-кўзласа арзигулик шеърлар ўқияпсиз. Қувонаётганлар қалбида олов мисраларингиз бор...

Бугун элда шу эл берган жаранг сознинг боқий соҳибларидан бўлиб қолдингиз. «Халқим олдида бир умрга қарздорман!» — дейишни қанда қилмасдингиз. Бугун олдингизда халқ ўзини қарздор билиб сизни ардоқлаётир! Яшаётганингиз, ҳамиша барҳаётлигингиз шу-да! Бахт деганларини шундоқ тушунтирардингиз-ку, устоз! Дувё тургунча шу бахт қанотида парвозингиз баланд бўлсин!


Шогирдларингиздан бири, ҳурматингизга лойиқ бўлиб келган Абдулла Шер бўзлаганидай:

... Кетдингиз қаҳратон багрини тилиб,
Баҳорни бизларга васият қилиб.
... Тўлқинни соғиниб яшаркан қирғоқ,
Соғинчдан иборат экан яшамоқ.

Халқ қалбида яшаётган буюклар руҳи олдида ҳамиша бир сўзни айтар эдингиз, биз ҳам ўша калимани такрорлаймиз:

— Туiproғингиз енгил бўлсин, устоз!

БЕШИНЧИ БЎЛИМ
МУҲАББАТ!.. МЕН ЁНАМАН ШЕКИЛЛИК



Миртемир шеърятининг шуҳрати
халқи шуҳратини орттиради.

Расул Ризо

ИСБОТ НОРАВО ҲАҚИҚАТ

Миртемир ўзида йўқ хурсанд эди. Йўлдош отадан эртанги юмушлар кўламини режалаштириб олди. Эндигина йигирмага тўлаётган, ишлаб, ҳоримайдиган Миртемир кунларнинг бирида Ҳамид Олимжон билан танишди. Ўйлагандай ҳаракатчан, тасавуридагидай дилга яқин экан у.

Акмал Икромов анча кейинроқ Ҳамид Олимжон ва Миртемирни кўриб уқтирди: «Ўртоқ шоирлар, янги турмушнинг фазилатларини фақат шеърларда эмас, очеркларда ҳам кўрсатиш керак. Кезиш ва яна кезиш, яратувчи пахтакорларни, яшнаётган колхозу қишлоқларни кўрсатиш керак!..»

Шу баҳона бўлди-ю, улар Йўлдош отага ҳамроҳ бўлиб Фарғона водийсига борадиган бўлишди, азалдан танишдай дўстлашиб қолишди. Хатто комсомол шоирларни бирга таржима қилишга ахдлашишди.

Ҳаммасидан ҳам нияти — азим Самарқандни, улуг Навоий таҳсил олган қадим Самарқандни кўриш эди — кўрди: кўрдигина эмас, шу қутлуг даргоҳда ишлайдиган бўлди — Йўлдош отага котиб бўлди. Ҳар бир обида, ҳар бир хиёбон қадрдон бўлиб қолди. Ҳамид Олимжонга ўхшаган дўстлар орттирди. Кейинроқ бу шахри азим ҳақида мисралар ҳам тизди: «Сен менинг тарихимда ўразлик номсан, Сен менинг тарихимда эзгу айёмсан, Сен менинг тарихимда май тўлиқ жомсан, Сен менинг қўшигимдасан, мангу мақомсан... Ажиб ўлкам хуснида ажиб тенгсиз хол...»

Умри давомида у Самарқандда кўп бўлди. Ҳар гал борганда ёшлик йилларини эслади, ҳар борганда ўзгача бир илҳом олди.

Ёшлиги Самарқандда кечган шоир Самарқанддаги СамДУ хиёбонида кезади. Хотиралар гирдобиди қолади гоҳи... Ана, Йўлдош ота Охунбобоев минг ташвиш билан тиниб-тинчимеган. Ана, дўсти Ҳамид Олимжон яна бир ташаббус бошлаган...

... Қор ёғяпти. Боболардан ёдгор азим чинорлар, муаззам мадрасалар узра оппоқ қор тагида. Улкан бир чинор тагида тўхтаган шоир Рум бобокалони Самарқанд билан хаёлан суҳбатда: ўтмиш манзаралари, талабалик йиллари бир-бир ёдланмоқда... Суҳбат давомида шоир сўраб турибди: «Сенда қолган эди менинг ёшлигим, Ўзимга қайтиб бер, Самарқанд бобо! Сенда қолган эди қаламқошлигим, Ўзимга қайтиб бер, донишманд бобо!»

... Шу кез дорилфунундан чиқиб келган талабалар хиёбонни шовқинга тўлдириб юборади. Нуроний чол сиймосидаги Самарқанд шоир наздида тилга киради:

Ёшлигини изловчи, ҳей оқсоч йигит,
Ёшлигингни ол!

Минг тўққиз юз олтмишинчи йилларнинг бошимиди, ўшанда дорилфунундаги учрашув шоир қалбида бир умр муҳрланиб қолади. Талабалар ёғдирган саволлар уни ҳаяжонга солиб қўйди. Не-не ниятлар этагини қўлига тутқазди. Ўшанда берилган саволларни эслаб, мийиғида кулиб қўйди.

— Сиз мўъжизага ишонасизми?

— Ишонмаганимда шеър ёзмаган бўлар эдим. Ахир, шеърят ҳам турган-битгани мўъжиза-да!

— Бахт нима? Унга эришганмисиз?

— Йўқ. Одам, бахтга эришдим, деганида яшашнинг қизғи қолмас эди. Бахтга эришиш туйғуси билан яшашнинг ўзи бахт!

— Шеъроят нима? Бахтми? Ёки қувонч?

— Фақат қувонч ё бахтнинг ўзи эмас. Шеъроят — инсон қалбидаги, руҳидаги, борлиқ ва ҳаёт кўринишларидаги барча ҳолатлар, барча туйғулар, барча қувонч ва изтироблар, барча ғам-аламлар ва ташвишларнинг, боқий лаҳзаларнинг бадий таъсирли инъикоси. Инъикоси бўлганда ҳам шоир қалбининг ҳақгўй призмасидан ўтган, дилларни сархуш айлаб, нурли уфқларга ундашга қодир, таъбир жоиз бўлса, ўша Прометей келтирган олов янглиг ҳайратомуз қудратли мўъжиза, тенгсиз бир қудрат.

— Шеъроятга жуда қизиқаман, энди мен нима қилишим керак?

— Бу қизиқиш шеъроятни чинакам севиш бўлса, унда у бир умрга сирдошингиз, маслакдошингиз бўлиб қолаверади. Бироқ, бу қизиқиш шунчаки шоирликка ҳавасдан иборат бўлса, унда сизга қийин: ё бу йўлда беҳуда умр кечиршингиз, ё ҳозирдан бу иштиёқнинг баҳридан ўтишингизга тўғри келади...

— Ёзганларингизда Ойбек домлани меҳр билан тилга оласиз. Қизиқ, чиндан ҳам унинг шеърлари ҳар гал ўқилганда ҳар хил таъсир этади. Боисини изоҳлаб берсангиз?

— Ойбек шеърларини шунчаки ўқиган киши адашади. Уларни фақат ўқиш эмас, уқий билиш керак. Рус шеъротида ана шундоқ мағзи тўқ, ҳар ўқилганда янгича мазмун, янгича товланиш билан таъсир этувчи яна бир шеърят бор, у — Борис Пастернак шеъроти... Ойбек ўсмирлик — талабалик йилларида Борис Пастернакка меҳр қўйганлигини, бунга шеърларида иқрор бўлганлигининг боисини ҳам шу уйғунлик билан изоҳласа тўғри бўларди.

— Дастлабки сочмаларингизда меҳнат туйғуси ҳақида кўп ёзгансиз. Изоҳлаб берсангиз?

— Меҳнатсеварлигидан ўроқнинг ҳам қадди букик бўлиб қолган дейишади. Бу гапда жон бор. Бир иш қилмоқчи бўлсанг сўзсиз майишасан, қайишасан. Бўлмаса иложинг йўқ. Айниқса, ватанимиз, энди қаддини тиклаётган кезлари буни қалбан туйиш ҳам катта гап эди. Буни ўзгаларга ҳам юқтирмоқчи бўлгандирман-да.

— Шижоатли ва асабий бугунги даврнинг ҳамма ташвишларига, юмушларига қандай улгурса бўлади?

— Жуда оддий. Лекин гангиб қолаётганлар ҳам оз эмас. Ўзлари софдил, яхшилиқ билан келишувчи, эртага умид

билан боқувчи ёшлар. Қайси бир фильмнингниям ёш қаҳрамони шундай дейди:

— ... Мени тақдир худди қушни учиргандай учуриб кетяпти. Ҳеч нимага улгуролмай учиб кетяпман... Аммо, айтиб қўяй. Ҳаммасига улгура билиш лозим.

— Ёмон одамни қандай ажратса бўлади?

— Илон тўғри ва силлиқ бўлгани билан қинғир-қийшиқ из қолдириб ўрмалайди, бунга эътибор берсангиз, албатта. Жуда қийин, жуда ҳам!.. Бу йўлда ҳатто бир умр адашингиз мумкин.

— Уйқуни қандай тушунасиз, уйқу шоирларнинг душмани дейишади, шу тўғрими?

— Кўршапалакларнинг айрим хиллари бир йилда уч юз йигирма кун ухлар экан. Нима бўпти. Ҳар тугул, бир йилда қирқ кун уйгоқ бўларкан-ку! Йил бўйи ухлаб яшовчи одамлар ҳам бўлади — шулардан ҳазар! Шоирларга келсак, тўғри айтишибди — кам ухлашади. Қисқа уйқу чоғида ҳам шоирлар чала қолган ишни тушда давом эттиришларига кафилман.

— Кечирасиз, кўпроқ ниманинг ҳидини ёқтирасиз?

— Олимлар аниқлабдики, дунёда юз мингдан ортиқ ҳид бўларкан. Менимча, улар орасида энг хушбўйи нон ҳиди бўлса керак...

Миртемир домла хотиралар оғушида университетини, университет хиёбонини айланди. Азим чинорларга, гулзорларга сук билан бокди... Кейин, хиёбондаги чойхонада самарқандлик чоллар билан суҳбатлашди... Ўша кекса чинорга нимадир шивирлаган бўлди, уни силаб-сийпаб қўйди, битта япроқ узиб чангини артди-да, жилмайди.

Бу чинорни талабалар кейинчалик «Миртемир чинори» дейдиган бўлишди...

Булар кейинги гаплар. Ўшанда Миртемирнинг Йўлдош отадан сўраб барвақтроқ қайтганию ўзини қўярга жой тополмаганининг важи бор эди: Самарқандга онаси кўчиб келаётганди. У она деганда, ўзини ўтга, сувга ургувчилардан эди. «Барот» дostonида ҳам ёзди: «Оч ётаман онам-ла Бу қора кечаларда...» Таржимаи ҳолида эса деди: «Онам кичкина, қора, ориқ, меҳнатқаш, ўта мушфиқа, ўта мақолгўй аёл эди. Сўзи мақолсиз бўлмас эди. Бувим билан бирга турардик. Бизни гўдакликдан меҳнатга ўргатган онам бўлди».

Ўшанда азиз онасини сўнги бор кутиб олаётганини қайдан билсин!..

Минг тўққиз юз йигирма тўққизинчи йилнинг охирларида Миртемир устози Сотти Ҳусайн бошчилигида уч-тўрт ижодкорлар билан саёҳатда бўлди: Туркистон тупроғидан ўтиб, Ҳазар денгизи орқали Бокуга борди. Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасида Сулаймон Рустам ва Миржалоллар билан танишди. Жаъфар Жабборли уйида бўлди. Кейин Қозонга ўтишди. У ерда Ҳасан Тўфон, Аҳмад Исҳоқ, Маннур Ғабдирахмон Минский каби ёзувчилар билан танишди, шеърлар ўқишди. Ундан Москва, Ленинградда бўлдилар. Бу сафар Миртемир ижодининг янгидан-янги саҳифалари очилишида ўзига хос бир илҳом манбаи бўлди.

Эсида. Турли институтларда марксизм-ленинизмдан, адабиётдан ҳам дарс бериб юрди ўша йиллари. Ўзи ҳам Охунбобоев номидаги Давлат агроколхоз институтининг пахтачилик бўлимини битирган эди. «Пахтакор агроном» деган шаҳодатномаси ҳам бор. Қўйингки, тиниб-тинчимасди. «Бонг», «Коммуна» номли дostonлар ҳам ёзганди у кезлар.

— Бу дostonларда, — деди домла, — ҳали ўта гўрлигимиз билиниб турарди: қофиялар бўёксиз, образлар яланғоч, баён гаплар эди. Шунинг учун ҳам уларни кейинги туркумларимга киритмадим. Қоллективлаштириш авжига чиққан, яратиш авжига чиққан кезлар эди-да, дарҳол айтишга шошардик...

Кейин...

Кейин олис Пушкинога, олис сафарга жўнаб кетди...

«Олатасир», «Сотқинлар ҳамёни ҳамиша тўлиқ» бўлган, яхшиларининг «номи ҳам ўчишга оз қолган» ўша йилларни эсласа, домла оғир ўйга толади. Шундай кезларда унинг «Тўқтагулга» шеъридаги мисраси ёдга тушади: «Бизни отгандилар жуда ҳам арзон».

Бир шеърида эса деди:

Расо эдим,

Нодонлар майли билан ёй бўлганман.

У умр бўйи нодонлардан нолиб, «Ранжиган юракнинг мунгини, ўтган умрнинг ёниқ дostonини» куйлаб ўтди.

«Замондош замондошдай бўлсин-да», дейди у кексалик онларида ёзган «Бовурдошлик» шеърида. «Кўнгли эгрларининг кўзлари куйсин, Кўзлари ҳам гапми, ўзлари куйсин. Даврдошлик мундоқ бўлибди».

— Хўш... Нодондан нолисам — кўрганимни, замондан қувонсам — қувонганимни ёздим, — дейди у. — Ленини кўрсатган тўғри йўлда эканимдан гурурландим, доvonлардан,

синовлардан омон ўтдим. Деҳқоннинг, ишчининг, зиёлининг бугунги кунини алқадим. Қуруқ мадҳиябозлик қилмадим шекилли...

— Ҳа, исбот нораво ҳақиқат бу, бўтам...

ОНАДАЙ ОШИҚ ЙЎҚ ОНА ВАТАНГА

Онаси Моҳирўй ая тиккан белбоғда шундай сатрлар бўлгучи эди: «Назар қилсам, ичим ҳасрат билан битганга ўхшайди. Халойиқ можароси нотавон этганга ўхшайди. Нетай, замона зайли шу экан, аё биродарлар, соқолу соч оқариб, пилиги битганга ўхшайди...»

Шоирлик ҳақида гапирганда ҳам домла онани унутмайди:

— Одамзод шеърятга бешиқдан ошно бўлиши афсона эмас-ку. Она алласидан. «Йиғлаки, онасини йиғлатмас бўлсин одам».

Домла аксарият асарларида онани эслатди. Эслатганда ҳам эсдан чиқмайдиган қилиб тасвирлади. Ҳазил шеър ёзганда ҳам онани унутмади — ниҳоясини онага боғлай билди:

— Майли, баттар бўлсин тиз, Майли жувон, майли қиз, Майли хунук ё сулув, Майли афрон ёки сув, Майли юзинг буришиқ, Майли лабинг қуришиқ, Майли битта тишинг йўқ. Бор-йўғидан ишинг йўқ. Тиззамда ўлтиравер. Дилга меҳр тўлдиравер... Чунки, ахир онасан, Элимда дурдонасан...

Миртемир иккинчи онасини ҳам жуда яхши кўрарди. Ундан доим рози ўтди. Камтар, камсуқум бу аёл ҳаётдан хасталик билан кетди. Шоир уни кўп эслайдиган бўлди. Тушларида кўрди. «Қилтомоқ» деган шеър қораламасини ёзди. (Менинг онаизорим ҳам бедаво қилтомоқдан кетган. Домла архивидан бўзламай кўчиролмадим.) Ҳали бирор тўпламда ё матбуотда чиқмаган шеър ушбу турур:

... Қилтомоқдан кетди иккинчи онам,

Ўз онамдай эди — онамдан кейин.

Не охир кунларда мунис ҳамхонам,

Меҳри олов эди, ўлчамоқ қийин.

Қилтомоқдан кетди, қолди жўжалар,

Барчасига жондан оға бўлдим мен.

Йўлларда машғала — меҳнат ва хунар,

Нурга етакладим, дарга бўлдим мен.

Онда-сонда тушда кўраман аниқ

Ўз онам ёнида рўмоллари оқ.

Она қалби сўзсиз, ҳамиша ёниқ,
Жилмайиб қўяди икковлон бироқ.
Эхтимол, бу жиндак маломат бўлса...
Қошки, розилиқдан аломат бўлса.

— Болаликнинг армон бўлиб қолган томонлари ҳам оз эмас,— дейди домла ҳорғин ўйга толиб.— Эски мактабдан, эски турмуш қолдиқларидан қочиб Тошкентга келдиму ҳаётим бутунлай ўзгарди-кетди. Қадим Самарқанднинг ҳам таълим ва ўғитларидан баҳраманд бўлдим. Тошкент бўлса ўз уйим, ўлан тўшагим бўлиб қолди. Боя армон ҳақида гапираётувдим. Шундай: она меҳрига тўёлмадим, лоақал бир лаҳза кўнглидан чиқиб, фарзандлик меҳримни кўзига жойлай олмаганим бир умр армон бўлиб қолди менга... Лоақал қабрини қаердалигини билиб, эл қатори ёдгорлик тоши ўрнатиб кетолсайдим!..

Домла қўлёмалари билан танишаётиб, араб алифбосида битилган тўртликка назарим тушади:

Мен онам қабрига, тақдирнинг жабри —
Тупроқ тортолмайин ўтаётибман.
Тупроқ қайда, қаёқда қабри.
Дарак тополмайин кетаётибман...

Алвон шафақлар уфқларга илиниб қолгандек. Аста-секин кун ботяпти. Деразалардан чўкаётган тун қанотида чаманларнинг атри оқиб киради. Қўшларнинг чуғур-чуғури кўпаяди.

Шоир маъюс тортади. Ёшлигидан ҳамишалик армон бўлиб қолган онлар хаёлини тортади. Эсида, олис, айрилиқли сафарга отланаётганида онажони зор қақшаб кузатганди. Шу-шу уни кўролмади.

У сал енгил тортиб, хаёлида етилаётган қоралама мисраларни оққа кўчириш учун уйга ошиқади.

— Менинг аёл ҳақидаги тушунчамни биласизми?— деб қолди бир кун домла.— Аёл зотининг ОНА бўлишдек муқаддас ҳуқуқидан, дилбар уй БЕКАСИ бўлишдек фараҳли зийнатдан бўлак барча ҳақ-ҳуқуқлари, барча саодатли... онлари иккинчи даражали гаплардир.

ҲАРОРАТ

Боягина шафақдан қонталаш булутлар оқшом қўйнида энди сурранг, сирли кўринади. Уларни туртиб чиққан қоя-

лар ваҳмли. Бу манзара тепадан кузатилса, гўё эртақлардаги гаройиботлар аро муаллақ туриб қолгандай бўласиз. Фақат ён қанотда бир ёниб, бир ўчиб бораётган чироқ самолётда учиб бораётганингизни ёдга солиб қўяди.

Бир пайт, атроф хиёл ёришгандай бўлади. бу манзара чекинади. Пастга қараган кимсага юлдузлар ерга тутдек тўкилганга ўхшаб кетади. Самолёт Фарғона водийси устида. Булутларни салладек ўраб олган ҳалиги қоялар ана шу сулув водий теграсида қад кўтарган Тянь-Шань, Ҳисор, Олой, Помир, Чотқол тоғларининг чўққилари. Пастда порлаб ётган гўжгон юлдузлар — Фарғона юлдузлари, хонадонлардаги, заводлардаги, фабрикалардаги, театрлардаги, билим юртларидаги, дала шийпонларидаги юлдузлар...

Миртемир домла хасталигига қарамай, Қўқонга, Сотти Дусайн юбилейига боряпти. Ахён-ахёнда деразадан қарайди-да, нималарнидир ўйлаб, хаёлга берилади.

... Бу ерларда қирқ беш кун деганда Катта Фарғона каналини жаҳон харитасига киритолган халқ жасорати кунларида ҳам чироқлар мана шундай тонггача ўчмаган. Бироқ, у маҳаллар сон-саноксиз оддий фонус ва машъаллар ёнар эди. Ўшанда ҳам нонвой, ошпаз, бичиқчи, ямоқдўз, чойхоначи... қўйингки, қайси касб эгаси бўлмасин, қўли-қўлига тегмаган. Сартарошга навбат олганлар гали етгунча ишдан бош кўтаргиси келмасди. Бир жойда бошини дастрўмол билан тез-тез артаётган Усмон Юсупов оташин нутқ сўзлайди. Бошқа бир жойда атоқли халқ достончиси Ислом шоир дўмбира жўрлигида қахрамонлик термаларидан сел бўлиб айтаётир. Яна бошқа жойда тахтадан сахна қилинган. Юк машиналарига ўрнатилган прожектор нурлари шу қўлбола сахнада тўқнашиб, санъаткорларнинг истеъдод қирраларини кўз-кўзлайди: Ҳалимаҳоним ёки Қори Ёқубов хониши, Тамараҳоним ё Мукаррамаҳоним хиромлари, Аброр Ҳидоятлов ё Лутфиҳоним ижроси қурувчиларни қахрамонликка чорлайди. Сахардан шомгача, шомдан тонггача иш давом этади... Олисроқдан қаралса, машъала ёғдусида кўтарилаётган чанг-тўзонда ҳеч нарсани англаб бўлмайди. Атоқли кинорежиссёр Эйзенштейн бу халқ жасоратини тепадан — самолётдан суратга ола туриб, уни Темур юришларига қиёслаб ифодалашни хаёл қилгани бежиз эмас-да!..

«Ха, ҳали ёзиб, одамларни шийонтирадиган афсонавий ишлар биб талай» деб ўйлайди шоир.

Ўшанда қанал қазиганлар, бир куннинг ўзида йигирма куб метргача тупроқ қазиб чиқарган пахлавонлар шахсий манфаатни, ўз шон-шухратини ўйлаган эмас. Булар ўша Логон, Жанубий Фарғона сингари йирик халқ қурилишлари

билан теварак-атрофга бухуда ёйилиб кетувчи тоғ сувларини измлаб олганларнинг, жаҳон аҳлини лол қолдирганларнинг аждодлари-да! Катта Фарғонага сув очишдек катта таътанна Ҳалимахоним, Тамарахоним, Муқаррамахонимларнинг қарнай-сурнайлар садоси остида ўзандан ашула айтиб, рақс тушиб ўтиши билан бошланган эди. Сув улар изидан — куй-қўшиқ изидан, қаҳрамон халқнинг ардоқли вакиллари изидан эргашиб, кейин шитоб билан ўзига илҳақ ва ташна далаларга йўл олган...

Энди Катта Фарғона каналини олдингисига қиёслаб бўлмайди. Энди унинг имкониятлари мислсиз кенгайиб, тармоқлари водийнинг қон томирларидек таралиб кетган. Унга энди замондош каналлар қўшилган. Улар биргалашиб Фарғона далаларига ҳосилбахш ҳарорат элтади — қуёшга чўмилиб, тупроққа йўғрилиб, пахта бўлиб очилади, дов-дарахт бўлиб кўкаради, ўрик бўлиб гуллайди, гул бўлиб, нур бўлиб жилмаяди, бошоқ бўлиб тебранади...

...Самолёт оёғи ерга тегиб хиёл путрайди. Стюардесса қиз жилмайганча, Қўқонда ҳарорат қирқ даража, деб эълон қилди.

...Ўшанда, 1939 йилнинг июли охиридаёқ Катта Фарғона каналида қатнашиш учун келганларнинг сони юз минг кишидан ошиб кетганди. Ибрат кўрсатганларнинг суратларини чизиш, суратга олиш учун келганларда тишим йўқ. Ҳамид Олимжон, Ойбек, Гафур Ғулом, Миртемир, Уйғун, Насрулло Охундий, Ҳабибий, Юнус Латиф, Акмал Пўлат сингари қалам эгалари ҳам ором нималигини билишмасди.

Миртемир ўша сафарбарликдан қайтгач, халқ қаҳрамонлигини ошиб-тошиб куйлади. «Яли-яли», «Шодиёна» каби шеърлар ёзди. Ҳатто «Яли-яли» асарини энг яхши кўшиқлар сафидан жой олди. «Дашт юзига юрди элим қаҳрамон». «Тавба!.. Ҳақиқатдан халқ халпарини, халқ қаҳрамонлигини бўлганди ўшанда. Халқ ҳароратидан хайратга тушганман. Қатнашмаган деҳқон, қатнашмаган санъаткор ё зиёли кам қолувди ўзиям. Ислом Назар ўглини ҳам ўша сафарбар кишилар орасида кўрганман. Ҳамид Олимжоннинг ташаббуси, топқирлиги, билағонлигига шубҳам йўқ бу ишда ҳам!»

...Шафқатдан қондаларини қўрутларини тираганча қотиб қолди. Чўшиқлар гушунга келиб, Вассалом, пахтакор айтганини уйдалаб, «Ҳасинни ростлаб олсин!» деб турганга ўхшайди. Қуёш кўтарилган.

Миртемир домла Қўқон хотиралари билан бўлиб қайтаркан, ўйлади: «Сотти Ҳусайн юбилейида унинг руҳи қўл-

ладими, ишқилиб, анча шеърларнинг қораламаси нақд. Ўлмасам шеър даражасига етказаман...»

Қанотлар остида жонажон водий. Гоҳо жимирлаган нимадир ялт-юлт этиб, қуёш аксини кўзга уради. Улар Фарғона далаларига қон томиридек таралган каналлар, дарёлар, сунъий кўллар. Ғўза ранги тўкин фасл ранги. Кўҳна қўрғон тепаларига ўхшаш ху баландроқ саргиш ялангликлар Фарғонанинг тепалик адирлари. Улар ён томондан қаралса тоғ ўнгирларига ўхшайди. Бироқ, тепаси кенг ясси тепаликлар. Уларга ҳам насос билан сув чиқарилиб ўзлаштирилипти, Фарғона шухратини жаҳонга ёйишга ҳозирланяпти. Анови бесаноқ яшил чироқлар, яшил кенгликларга — тут плантациялари, боғ-роғларга ҳам шу ранг сингмоқда. Ҳавода живирлаган ҳовур — пахтазорларда давом этаётган матонатли меҳнат ҳовури...

...Самолёт оёғи ерга тегиб хиёл путрайди. Стюардесса сиз жилмайганча, Тошкентда ҳарорат қанчалигини эълон қилади. Эшик очилиб, пойтахт нафаси уфуради.

ЖАНГГОҲЛИ ЖАБҲАЛАР

Ўттиз саккизинчи йилнинг ўн тўққизинчи январни эди. Миртемир ишдан ортиб, туғуруқхонага борса — хотинининг кўзи ёрибди. Қиз! У ўзини қаерга қўярини билмай қолди. Ўзича умр йўлдоши Ёрқинойга, қизчасига нималарнидир тўқиган бўлди. «Исмини нима қўйсайкин? Туркистонга, Биби Саҳро аяга хабар бериши керак...»

Қизи туғилган йили таржимонлик фаолияти бошланганди. Адабий ходимлик ишлари ҳам. «Ойсанамнинг тўйида» дostonи ёзилувди ўша йили. «Ленин ва Ражаб бобо»ни ҳам бошлаб қўювди.

Бу воқеадан бир йил ўтиб-чи?

Миртемир кафтларини ишқаб қўйди. Улгайиб қолгандек сездн ўзини. Ҳеч бундай ҳол бўлмаганди унда. Еттинчи осмонда учиб юргандек эди гўё.

Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон»ни таржима қилишга ўзни бахшида қилган кезлар эди.

«Башарият тарихида яратилган шоҳ асарлардан...» — деб ўйлади у. Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон — Таризл ва ғўзал Нестон-Дарижон, алп баҳодир Автадил ва сулув Тиантин... Ҳа, ушунинг қўғириқлари хатти-ҳара-

катларини бошқа мамлакат тимсолида тасвирлаган бўлса-да, Грузия қиёфасини чизибди!

...Ана, хаёлий қалъа — Кожетидан латофат тимсоли Нестон-Дарижон озод қилинган. Шу боисдан Автандил: «Қуёш юзлик дилбарни деб жон бермоқ менга осон», деганига ишонсан-да...

Ҳа, айтгандай, Нестон-Дарижон... Нестон-Дарижон... Шоир хаёлига қўнган қарордан фикри чарақлаб кетди: Нестон-Дарижондай гўзал ва доно, Ватанига, дўстлари ва севганига садоқатли бўлсин! Қизимнинг исмини ҳам Дарижон қўйсам-чи! Бу инятини қайнонаси Биби Сахрога айтди. Шу-шу, кейинчалик Дарижон ўсиб-улғайиб, севгани билан кўпайишиб, уйли-жойли, Дарижон — Дорўжон аталиб, мурад-мақсадига етиб турибди...

«Буларни нега ўйлаяпман ўзи?..» Сўнг у ўрнидан туриб, кўм-кўк япроқларга тикилганча, хиёбонда кеза бошлади. Руҳи тетик эди ўшанда.

Шу пайт кимдир (ёдидан кўтарилган) шошиб келиб: «Сизни Ҳамид ака чақиряпти. Хабарингиз йўқдир ҳали, уруш бошланибди, уруш, Миртемир ака!» — деганча ортига қайтди.

Миртемир аввалига анчагача гапнигиб турди. Оёқ учларига музлаб кетган сизди ўзини. Кейин, шошилинич Ёзувчилар уюшмаси томон йўл олди.

Борса, Ҳамид Олимжон у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб турибди, юз-кўзларида газаб чақнар эди.

— Уруш, оғайни! — деди у асабий. — Кўргулик экан... Кўрсатиб қўямиз боқинчиларга!.. Санокли одамлар қоляпти. Сиз ҳам. Аммо, фронтдан осон бўлмайди: кетганларнинг ўрнига ҳам ишлаш керак бўлади. Кексалар ва ёшларнинг, аёлларимизнинг кўнглини кўтариш, ғалабага ишонтариш ҳам бизнинг бўйнимизда...

Миртемир қўлига қурол ололмаганлигининг қасдини ишдан, шеърлар қоралашдан олар, ором билмас эди.

Урушнинг дастлабки йилидаёқ у «Тельмангина» шеърида «фашист деган ҳайвон, шўртумшуқ... бизнинг юртда ҳам дор қурмоқчи, зиндон қурмоқчи» бўлган ғанимларга ўлим тилади. У Улуғ Ватан уруши даврида ёзган талай шеърларида «газابدан сархона сингудай чилим тортган чолларга», ўлим кўзига тик қараган ҳар бир ватандошга, барчинсифат аёлларга даъваткор, наъракор, деди: «Жарда кўрсанг — жарда ўлдир, Қирда кўрсанг — қирда от! Қўрқит — ўлдир, алда — ўлдир, Тўғри келган ерда от, Кундуз ўлдир, тунда

ўлдир, Саҳар, оқшом демай от! Қайда кўрсанг — шунда ўлдир, Асти навбат бермай от!» Акс ҳолда, деди шоир:

Сен фашистни ўлдирмасанг,
Фашист сени ўлдирар.

Тиниб-тинчимаган ўзбек — «гўдакларни етим қўймайди». «Ватан деб урилган зарб хато кетмас», деб уқтирди у.

Урушнинг совуқ нафаси, ўша машъум... 41-йил мактаб ёшига етганларни ҳам бирданига беш ёшга қаритиб қўйди... Улар еттисида эмас, ўн икки ёшга тўлганларида биринчи синфга қатнай бошладилар.

Бедорликдан қовоқлари салқиб тушган Миртемир кечалари даъваткор мисралар тизади. Кундузлар гоҳ радиода, гоҳ нашриётда, гоҳ газета редакцияларида ярим тунгача қолиб кетади. Урушга кетганлар, шаҳид бўлганлар ҳаққи учун ҳам тиниб-тинчимайди. Ёшларга мураббийликни ҳам ёдидан чиқармайди — ёнади, ёндиради — ўзгаларни изидан эргаштиради.

Қирқ иккинчи йили Сталинград қаҳрамонларига Ўзбекистон зиёлилари номидан шеърий салом хат ёзиладиган бўлди. У коллектив шоирлар номидан ёзилди. Русчага ҳам ўгирилиб, алоҳида китоб ҳолида босилди. Совга ортилган эшелонда фронтга юборилди. Ўшанда ҳам урушнинг охирларида Ғафур Ғулом айтганидек, Миртемир — «Чўвир от» бўлган: улаган, қўшган, оқлаган — эпақага келтирган эди.

Ўша хатда у шундай ҳайқирди:

Ўч олинг Толстой мозори учун,
Пушкиннинг шеърийат гулзори учун.
Улугбек даҳмаси бўлмасин ҳаром,
Улуғ Навоий ҳам кетмасин беном.

Тамарахоним Миртемирнинг Уруғ Ватан уруши давридаги фидойилиги ҳақида тўхталиб бундай дейди:

— Ҳамон эсимда. Уруш пайтлари эди. Бизнеснинг репертуаримизда Сталин ҳақида кўшиқ бўлиши жуда ҳам зарур бўлиб қолди. Вақт зиқ эди. Шунда кўпгина шоирларимизга шу хусусда мурожаат қилдик. Бироқ, ҳеч кимда бунга журъат етмади. Фақат Миртемиргина юксак ватанпарварлик руҳи билан суғорилган, бадийий жиҳатдан етук кўшиқ ёзиб берди. Иккаламизнинг ҳам ижодий орзуларимиз бор эди. Биз кўшиқли балет яратиш ҳақида орзу қилардик. Миртемир менинг материалим асосида шундай балетни ёзишни жуда-жуда истарди.

Ўша 1943 йилнинг 27 июнида СССР Гимнининг ўзбекча тексти (таржимаси) учун Ҳамид Олимжон, Ойбек, Гафур Гулом, Уйғун, Миртемир, Темур Фаттоҳ ва Жуманиёз Шариповлар СССР Халқ Комиссарлари Совети томонидан тўрт минг сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди. Миртемир оригинал ва таржима асарларни ёзишни сусайтирмади. Ҳозир қўшиқ бўлиб кетган машҳур «Боғ кўча» шеърини битди. «Ўч», «Ватан учун ашулалар тўплами», «Ватан учун» тўпламлари босилиб чиқди.

1945 йил 9 Май эрталаб Ўзбекистон радиосининг бош диктори Ҳамид Гулом Миртемирнинг галабага бағишланган «Қасида»сини ўқиганда одамлар чуқур ҳаяжонга тушди, кўзларида қувонч ёшлари пайдо бўлди. Ўша йил (9 апрель) Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг масъул котиби айни пайтда партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Комил Яшин ҳамда Эди Огнецвет имзолари билан Ўзбекистон Олий Совети Президиумига характеристика йўлланди. Унда жумладан шундай сатрлар ҳам бор эди: «Уруш даврида Миртемир ижодий фаоллик кўрсатди. Икки шеърини тўплам чиқарди. «Она» операсининг либреттосини ёзди. Ўзбек жангчилари учун кўплаб қўшиқлар яратди...»

Атоқли Ойбек ўша йиллариёқ ёзади: «...Ўзбек совет поэзиясида талантли шоир Темур Фаттоҳ ва Миртемир кўркем жой оладилар».

Галабадан бир йил ўтар-ўтмас ёзган «Қасида» номли сочмасида Миртемир таъкидлади:

— Биз ўлимларнинг омонсиз ва шаддот кўзларига тайсалламай қараганлардан...

Кўзларига чўғ босилганлар — эсда турсин!

— Эсдан чиқармиди. Асло!..

БИР ПАРЧА ҚУЕШ

Қирқ қулоч сочингни ёйдинг дорга,
Садқа бўлай Зеби отлиқ ёрга.
Садқаи отинг кетайин, Зебижон,
Сен осилма, мен осилай дорга.

— Қаранг, йиғлаб юборгулик таъсирли сатрлар, — дейди домла. — Невараларимизнинг неваралари ўрганса арзигулик терма... Халқ-да, халқники...

Кейин шу пайтгача ишқ ҳақида ёзган шеърларини, дoston ва таржималарини ўйлади. Улардан кўпчилиги қўшиқ бўлиб кетган.

«Дарвоқе қўшиқ...» деб ўйлади домла. Қўшиқчилик ривожи хусусида озмунча жой куйдирдими? Мақолаларда, минбарларда, ёшлар орасида...

Қўшиқчилик дунёсини бойитиб келаётган Пўлат Мўмин айтади:

— Домланинг ўзбек қўшиқчилигига қўшган ҳиссасини алоҳида ардоқлайман. Биридан-бири сержило, жарангдор, ёқимли, майин, тушунарли, яқуни бор қўшиқларини ардоқлайман... Қўшиқ шеърларининг муҳокама, мунозараларига вақт аямасдилар. Мен ҳам устоз ёнида кўп йиллар радиокомитет қошидаги қўшиқ шеърларини саралашга қатнашардим. Ҳар сафар сабоқ олгандай бўлардим. Муҳокамага қўйилган ҳар бир шеърни ўзлари ўқиб чиқардилар, агар шеърда илинадиган «топилма» учраб қолгудай бўлса, уни қайта ўқирдилар, йўл-йўлакай тузатиб, талай-талай тўртликлар қўшиб қўярдилар. Очигини айтганда, аксарият янграб турган қўшиқларда устознинг ҳиссаси бор. Миртемир домда билан сафарда бирга бўлиш ҳам дарс ўрнига ўтарди.

Пўлат Мўмин ҳақ. Телевидение ва радио тўлқинларида эшитилиб келинаётган жуда кўп қўшиқларда домланинг қалб қўри уфуриб турганлиги аён.

«Қўшиқ — шеър ва музиканинг бирлиги демакдир, — деб уқтиради куй ва қўшиққа, табиат ва кенгликларга ошифта устоз «Қўшиқ ҳақида»ги мақоласида. — Бир жиҳатдан, музыка қўшиқнинг қалби, иккинчи жиҳатдан, ҳар қалай, киши асосан қўшиқдан олиниши керак бўлган мазмун ва завқни шеърдан излайди...»

Шеър боши ва охири бўлган асардир, яъни, тугал поэтик ижоддир.

«...Шунинг учун кўп вақт меҳнатдан анча чақирим нари турган шоирлар музыка орқали ўзларининг тутуриқсиз шеърлари билан ўртага чиқиб қоляптилар... Қўшиқ текстларини марказлаштириш лозим, яъни ҳамма текст бир марказдан — комиссия назоратидан ўтиши керак, деб ўйлайман».

Қизиқ бир хангома ҳам бор: бир куни — 1975 йилнинг бошларимиди, қайсидир қўшиқ учун домла радиого шеър (текст) қолдириб қайтди. Орадан анча ойлар ўтиб кетди. Бир куни радиого бориб қолган домла мутасадди ходимдан тортиниб сўради:

— Бўтам, ҳалиги қолдирган шеъримни ишга тушириб юборгандирсизлар?..

Ходим папкаларни титкилай кетди — шеър йўқ эди.

Миртемир домла ўзини ноқулай сезиб деди:

— Эндиги келганимда топиб қўярсизлар, қўлёмаси ҳам қолмаган эди.

Ўсал бўлган ходим, ўзини оқлашга тушди:

— Қай куни кўрувдим, материаллар билан... Энди, жон домла, бошқатдан ёзиб берсангиз?

Домла ранжиб чиқди-да, адабий-драматик эшиттириш редакциясида ҳам иши борлиги учун анча «ўралашиб» қолди. Хануз гашлик тарк этмаган эди уни.

Қайтаётиб, кўшиқ редакциясига тагин кирди. Бирпас тишларини гижирлатиб турди-да, деди:

— Боя қайта ёзиб беришимни сўраган эдингиз. Ёзсам янгисини ёзиб кета қолай... Қани, қоғоз серобми?— Домла бирор нарса қоралагудек бўлса, олдида қалам ҳам, қоғоз ҳам кўп бўлишини ёқтирарди. Шу боис тагин такрорлади:— Қоғоздан мўлроқ олинг-чи...

Домла боядан буён хаёлида пишитиб олган мисраларини қоғозга тушириб, асабий ҳолда сайқал бера бошлади: «Қўшиғим қайда, ўша, Қўшиғим қайда қолди? Наҳотки холи гўша, Биз кезмиш жойда қолди?» Кейин бу бандни шеър бошланишига олиб чиқди-да, учинчи бандга сайқал берди:

Сада таги ҳам бўш-а?

Ё қопчиғайда қолди?

Қўшиқ тексти тайёр бўлгач, хўш... деб қўйди-да, ҳамон кўнгли гашлиги кетмаганидан:

— Буниси йўқолмас энди, — деди.

Шу-шу, «Қайда!» деган қўшиқ тилга тушиб кетди. Айни пайтда бу йўқолган ўша қўшиқ текстининг топилмаганига ҳам шоирона киноя эди.

«Бир гўзал», «Ўйнасин», «Сулув чечаклар», «Яли-яли», «Қарқаралик», «Мени ёд эт», «Она», «Ўзим биламан», «Бог кўча», «Она орзуси», «Мен сени инжитмайман» сингари ўнлаб қўшиқлар дилингизга ором бағишлаган кезлар Миртемир домла меҳнатини ҳам кўз олдингизга бир келтиринг-а: чунки, бу қўшиқлар сизга роҳат бахш этгунга қадар у неча тонглар бедорликда отганига гўвоҳ бўлган. Ана шундай қўшиқлар сони ҳозиргача элликдан ошиб кетди. Ҳали Миртемир шеърлари билан айтиладиган янги қўшиқларни эса кўп... жуда кўп эшитасиз.

Домла хаёлга толди. Ҳамма нарсани унутди. Кенжатоӣ Мирзаси чой келтириб, индамай ортга қайтади. Домла хаёл огушида... Яна ким билсин, эҳтимол дилига гашлик солган бирор қўшиқ сўзларининг бадий қашшоқлик таъвишини тортаётгандир...

— Ҳа, айтгандай, муҳаббат, дебсиз. Муҳаббат ҳақида ким ёзмаган?! Мен ҳам анча шеърлар қоралаганим ўзингизга аён.

Ҳа, домла минг тўққиз юз йиғирма еттинчи йилдаёқ ёзган сочмасида айтган эди:

— Эсингдами, тўлқин сочган, бола қалбимизга сўнгисиз суюнч бағишлаган бир кун...

«Ёр севган йигитнинг йўллари очиқ».

Ишқдан айри тушиб, тўлганган кезлари ҳам бўлган. «Икки йиллик ширин умрдан — Қолдикми шу кунга ноилож?»

Яна дедик:

— Нега кўзинг безовта, бетинч, Боқиншларинг бу қадар мунгли? Барин унут пушаймонинг кеч, Огримасин янги ёр кўнгли. Боқиншларинг бу қадар мунгли?

Домла ажойиб, ўқиганда кўчириб севгилигиз қўлига тутқазсангиз арзигулик ишқий мисралар яратган. «Қўлингизга тутдим бир гужум чилги» шеърида «ишқий можаро»нинг ниҳояси йўқлигини, бу дарднинг сўнги йўқ ва бедаволигини, ўта инжиқлигини ўтли мисраларда кўрсатиб бераркан, деди:

— Бўсага чек қўйма, бўсага йўқ чек...

— Севгини севги ҳолида кўрсатадиган кўзлар-да! — дерди домла. — Ҳамма кўргулик ана шу тенгсиз оху чароғлардан келади.

Шунинг учун ҳам шоир кўзларни ёниб қўйлади: «Оҳ, у кўзлар бир парча қуёш!..»

Ана, Миртемир домла ўзини ижодга «чоғлаяпти» — бир пайтлар белги қўйганларини варақлаяпти.

...Дунёда ёлғиз яратилганидан ҳамиша дилгир Ёзи шафтолининг тагида ўз-ўзига сўзланиб турибди. «Ёзи билан Зебо» халқ достонининг ушбу сатрларига етганда домла, ҳа, дедида, унинг тилидан айтилган: «Эй худоё, бор худоё, бошини ярат, Ёлғизни яратгунча тошини ярат. Бири ўлса, бири турар бошида, Ёлғиз ўлса кими турар қошида» мисралари ёнига бир пайт ўқиганида икки чизик тортиб қўйганини кўрсатади, сўнг қалам билан: «Достоннинг 99-бетига қаралсин...» деб ёзди. Уша саҳифада эса яна Ёзи тилидан айтилган: «Қошинини қорасига қотгин мени, Ошиқлик бозорига сотгин мени, Ошиқлик бозорида гар олмаса, Палаҳмон тоши қилиб отгин мени», мисраларни ёнига ҳам «яхши»лик белгиси қўйилган эди. Ҳаёли олисларга учган домла шу қўйи достоннинг ўзи белги қўйган жойларига қайта назар ташлаб чиқаркан: «Ўн тўрт яшар Зебомни кўрмасам, Кўксима урсам тегирмон

тошини». «Қайрағоч қаттиқ оғоч, қозиқ бўлур», «Рўмолинг соя қилиб ухласам, Абдуллахон тахтига минганча бор». «Қўлим тегмай диркиллайди кўкраги...» каби мисраларни алоҳида белгилаб кўйди.

Кўзига оловдай кўринган мисраларнинг тагига чизик тортиб кўйган Миртемир домла халқ ижодининг нақадар чексиз уммонлигини, нақадар таъсирчанлигини хаёлидан яна бир марта ўтказган эди. У нимаки ёзса ана шу беқиёс хазинага таянди. Бироқ, ундан нусха кўчирмади. Йўқ! Балки ибрат мактаби сифатида унга таянди, ундан мусиқийликни ва шаклу шамойилларни ўрганди. Шунинг учун ҳам ёзганлари таъсирчан чиқди. Ишқ ҳақидаги мана бу мисраларни қаранг: «То тирикман, ўша қайсар болангман, На тиним бор, на излашдан толаман. Кетма, жоним, айрилиқдан жон безор, барибир мен сени топиб оламан».

— Кишига, — дейди домла, — умр бир марта берилганидек, муҳаббат ҳам қайта насиб этмайди. У топталар экан, сарв қаддини тиклаши мушкул. Бундай муҳаббатнинг асл туғёнкорлиги ва мафтункор қаддини тиклаганда ҳам аввалгисидай покизалиги, фидойилигича қололмайди... Шундай, — дейди домла оғир сўлиш олиб, — дунёда ишқ дардидан оғирроқ, жароҳатлироқ, шу билан бирга оламжаҳон ҳузурбахш дарднинг ўзи ҳам йўқ.

— Илжай, деяпман!

Бола куздаги баргдай титрайди. Хўжайин эса баттар ўшқиради:

— Илжай деяпман сенга, илжай, итвачча! Залга қараб табассум қил!..

Бироқ бола қанчалик тиришмасин, барибир буни эплай олмайди. Кетмон дастаси шаклидаги бир учи хўжайиннинг пешонасида турган узун ёғочнинг юқори учидан бола йиқилиб тушади, ҳалок бўлади...

Бу лавҳа «Бесуяк бола» номли фильмда жонлангани кўпчиликка маълум.

— Кўрдингиз... Уқувингиз келмаган ишга киришишнинг охири ҳар вақт фожиали. Кўчингиз, имкониятингиз, талантингиз миқёсида иш кўламни чамалаб ўрганинг. Кейинги пайтларда фильм билан шеър мутаносиблигини чоғиштирадиган бўлиб қолдим... Қай қуни, мақташганлари учун, рангли икки серияли «19 лар комитети» фильмини кўргандим. Жудаям мавзусини топишибди. Замонавий, жаҳон тақдири ҳақида, омонлик ҳақида ўйлантирадиган гап, отасига балли! Ўша фильмда бир лавҳа бор. Машъум қуролни ишлаб чиқаришни ёқлаб сўзлаётган Кризининг совуқ сўзларини эши-

тамиз. Даставвал унинг настки, сўнгра устки лаблари бутун экранни қоплайди. Усталик билан ишлатилган ана шу рамзий маъно томошабинни ларзага келтиради, асар ғоясининг очилишида асос бўлган омиллардан бири сифатида аён бўлади... Мен ҳар бир яхши шеър ҳам ана шундоқ бўлишини ёқлайдиганлардан. Хоҳ у ижобий, хоҳ салбий таъсир бўлсин — умуминсоний фазилатлар эшигини очолса бас.

Энг муҳими, у муҳаббат маъносини кенг маънода тушунди: она ҳақида ёзганда ҳам, ватанни ардоқлаганда ҳам, Ўзини ва унинг партияси ҳақида куйлаганда ҳам, азиз Туркистон ё болалиги ҳақида ёзганда ҳам, севги ҳақида ёзганда ҳам — уларга том маънода муҳаббат бағишлади. Сидқидилдан муҳаббатини изҳор этди.

Кўзим кўзингга тушди, мен ёнаман шекилик,
Девонаман шекилик, тўлгонаман шекилик...
Енамасдан иложим йўқ, ўт тушди ширин жонга.
Ўт тушмасайди фақат ногоҳ чексиз жаҳонга...

— Ҳамманинг дилида, тили учидан турган сўзни айтгансиз, устоз. Ҳа, ўт тушмасайди!..

МУҲАББАТ

Башар дилига энг яқин, энг қадрли, барча тилларда энг кўп жарангловчи муқаддас сўз бор. Бу — МУҲАББАТ! Бу сўз авваламбор асл маъносидан: латиф ва сирли, ташвишли ва ҳаёли, исёнкор ва сокин, висолли ва ҳижронли, илтифотли ва қасосли тарзида — ошиқона маъносидан азиз...

Бироқ у қалбларга асл маъносидан-да теранроқ, сарҳадлироқ, қодир ва собитроқ, муқаддас ва қудратлироқ ҳолида ҳам кириб келади. Ана энди, бу муҳаббат бутунлай бошқа гап! Бундоқ муҳаббат замирида Ватанга, халққа, онага, ёр ва диёрга, ўтмиш ва келажакка, касб ва яратишга, каттаю кичикка, устоз ва эзгуликка, гўзаллик ва нафосатга бўлган муҳаббат туйғулари уйғунлашиб кетган бўлади. Ана шундоқ муҳаббатигина инсонни улуғлайди, фидойиликка ундайди, умрини боқий айлайди.

Домла ана шундай муҳаббатга мангу ёрлар жамиятида тугилганидан, ана шундоқ муҳаббатлилар билан ҳамқадам, ҳамнафас, тупроқдош ва замондош бўлганидан бахтиёр эди. Уларнинг ютуқларидан фахрланиб, ташвишларидан ташвишга тушиб яшаётганидан бахтиёр эди. Советлар мамлакатининг оддий қаламкашлари қатори турли касбдаги, инсоний

муҳаббатли замондошларини тасвирлашдан, улар қалбига ошно муҳаббатдан баҳра олаётганидан бахтиёр эди.

Замин ва замонни яратаётган, гуллар умрини узайтиб, юлдузларга йўл солаётган, жаҳон чехрасига эрклик шуурини, тинчликнинг мангу нафасини муҳрлашга улуш қўшаётган турли касб эгалари ҳақида ёзишдан толмас эди. Сиз бу қаҳрамонларни биласиз: улар Сизнинг орангизда, сафингизда, даврангизда. Кўпчилигини яхши танийсиз: меҳнат нишондори бўлганда ё бирор ташаббус билан чиққанда эшитгансиз, теле ё радиотўлқинлари орқали тинглагансиз, кўргансиз, газета ё журналда ўқигансиз, у ёки буниси билан шахсан танишсиз, ёки касбдошсиз. Хуллас, замондошингиз...

Миртемир ана шундай заҳматкаш кишилари ва табиати, шахтаси ва конлари, боғу роғлари, тоғу яшнаётган чўллари бўлган ўлка ҳуснига бир умр тўймай ўтди. Қачон ва қаерда бўлса жонажон ўлкаси мадҳини қилди. Айниқса, гўзал Тошкент тимсолида бутун бир мамлакат пойтахти Москва тимсолини кўра олди. У ўз ўлкаси ва пойтахти тимсолида бутун бир мамлакатни, пайинки буюк мамлакат, балки жаҳоннинг эркинпарвар эллар орзусининг рўёбини кўра олди:

Мен қардош тушроғида, петаёй, ой тўлмаёй туриб
Соғиндим, республикам —
Шавкатим, шўх санъатим,
Бобо шаҳрим — Тошкентим!
Губоринг кўзга суриб,
Тиз чўксам-да, бўлгай кам.
Тарихларга ёдгор қуламас монументим!

Миртемир вафотидан кейин «Совет Ўзбекистони» ёзди: «Миртемир «Совет Ўзбекистони» ва унинг ўқувчиларининг азалий қадрони эди. Унда ўзининг энг яхши асарларини кўришни орзу қиларди. Редакциямиз даргоҳини ўзи учун муқаддас деб билар, унинг таклиф ва топшириқларига доимо «лаббай» деб жавоб қилар, ўзини, ҳазиллашиб, «мен газетанинг штатсиз ходимиман», деб айтарди».

Ҳақиқатан шундай: у ҳамма газета-журналларнинг, нашриётлар ва телевидение-радионинг илтимосига, «наказ»ларига ҳаминша ҳозиржавоб, шай турган бегараз заҳматкаш ходим эди.

Ўзбекистон ҳақида, Ўзбекистон мисолида бутун интернационал мамлакат ҳақида ёзишни яхши кўрарди. Ўзбекистонни халқ севган буюк қаҳрамон Алпомишга менгзаб гапирарди. У умрининг сўнги нафасигача зеру забар — «оқ олтин» ундираётган, мўъжизалар яратаётган, конлар қазиб,

кўк билан ерни улаётган замондошларини алп бир қахрамон тимсолида кўра олди. Умрининг сўнгги нафасигача иш устида бўлди. Шунинг учун ҳам баралла ҳайқира олди:

Эй, дол олам. менга ишон. Кел, ишон:
Байроғида ял-ял нишон, уч нишон,
Марра томон миқти, жўмард, дов инсон,
Ўзбекистон келаяпти!


Мана шундан-да устозни соғиниб, қўмсаб, муҳаббат билан боқий шеърятига катта меҳр қўйиб яшаймиз:

Садқа бўлсин жон, дедингиз шеърятга.
Анов-манов шеърятмас — чин санъатга,
Шеър умрини боғлай-боғлай хур ҳаётга,
Боғлай-боғлай умумбашар хурриятга —
Ажин тушиб, кўнайса ҳам сочининг оқи,
Бир умрни айладингиз, умри боқий.

Шеър бўлдингиз — виқорлиги тоғлар мисол,
Замирида: оддий ҳаёт, оддий инсон.
Замирида: Ленин ва халқ тенгсиз тимсол,
Замирида: тарих, бугун, эртанги шом...
Шеър бўлдингиз — она қалби бўлиб кўчган,
Шеър бўлдингиз — ишқ матлаби бўлиб кўчган:

Шеър тингласак — қани сиз, деб бўзлагаймиз,
Шеър ўқисак — баҳсингизни қўмсагаймиз.
Давраларда ўрнингизни излагаймиз,
Сўзингиздан, ўзингиздан сўзлагаймиз,
Қатордошсиз, ҳамон боғлаб белга қамиш,
Зиммангизда ҳамон бурчу шеърий ташвиш...

ОЛТИНЧИ БЎЛИМ ҚУЁШЛИ САДО



Устоэлар кўтарилган чўққиларга ин-
тилинг. Чинакам интилсангиз — етасиз!
Миртемир

ҚАНИЙДИ, ҲАММА ҲАМИДГА УХШАСА...

Ботиб бораётган куз қуёши ҳануз Регистон гумбазларидан этагини айриб ололмай ҳалак!.. Бутоқларда илиниб қолган зарҳал япроқлар йўлаклар четига, ариқлар лабига тўкиларкан, сал эпкинда дийдирайди, ҳазин шигирлайди. Осмоншайванд тарихий обидалар секин-аста оқшом рангига уйғунлаша бориб, кўкси шафакдан қонталаш булутлар остида янада салобатлироқ кўринади. Тун рўдапо тўнини судраб атрофни чирмаб ола бошлайди. Ўтмишнинг бетакрор ёдгорликларига ёндош бўй чўзган замонавий, қадди баланд кошоналар ҳам паҳлавонлардай азим шаҳарнинг яна бир туни огушига сингиб боради. Самарқанд чироқлари бирин-кетин кўз очади.

Йўлкаларда, хиёбонларда сочилмиш хазонлар чироқлар ёғдусида тиллоланади ё қадамлар ортидан ширраб ширраб эргашадилар-да, яна ерга юзтубан чўкадилар. Шаҳар чироқларига рашки келгандай Самарқанд осмонида юлдузлар чарақлай бошлайди.

Самарқанд чироқларининг Самарқанд осмонида чарақламиш юлдузлар билан баҳси давом этар, йўлкаларда хазон шитирлар, дарахтларга тақаб ўрнатилган ўриндиқларда ошиқлар шивири қулоққа чалинар, кузнинг қадимий, ҳар галгидай дилхуш тунларидан бири эди. Миртемир ана шундай куз тунларию баҳор тонгларию яхши кўради.

У бугун ҳам Ҳамидни кутяпти. Иккови бир-бирига суяниб қолишганига ҳам мана ўн йилдан ошиб қолган. Акмал Икромов. Йўлдош Охунбобоев... Ҳа, улар шоирларга ҳам катта ғамхўрлик қилишяпти...

Бирдан хаёли бўлинди. Шаҳдам одимлаб Ҳамид Олимжон етиб келди.

— Озроқ кечикдимми. дейман, Мир... Марказқўмда йўқлатиб қолишди. Бормай илож йўқ. Ишлар зўр, оғайни. Катта Фаргона канали қуриладиган бўлди! Ажойиб, хайрли иш! Ҳаммани сафарбарликка ундашимиз, ўзимиз ижодда фидойилик кўрсатишимиз керак...

— Иккови борича,— деди Миртемир, Ҳамид Олимжондан қолишмай, илдам ҳаракат қилиб.— Қўлдан келганча ҳаракат қиламиз.

— Икковини тонамиз, қўлимиздан келади, сидқидилдан иштиёқ бўлса бас!— деди қатъият билан Ҳамид Олимжон.

Улар Текстилга етиб борганда кимдир сўзлаётган эди Навбати билан уларга ҳам гал етди.

— Партия ва ҳукуратимиз биздан кўп нарса кутади.— деди Ҳамид Олимжон.— Аввало сизларни Ёзувчилар союзи номидан ишларингизга муваффақиятлар тилаб, ана шу катта ишончни оқлашингизни истайман.

Кейин Катта Фаргона канали тўғрисида сўзлади. Бу халқ ишида ишчилар ҳам қараб турмасликларини, қўлларидан келганича ўз касбларида ёрдам беражакларига даъват этди. Сўнг шеър ўқиди. Миртемир ҳам...

Миртемир билан Ҳамид Олимжон ораларига раҳна солувчилар ҳам оз эмас эди. Яхшиликни кўролмайдиган, ёмонлар билан кўнгилларини хушлайдиган галамислар турли йўллар билан ўз кирдикорларини ошкор қилиб турардилар.

Домла адабиётшунос Тургунбой Халилов билан ўтказган суҳбатда шундай дейди:

— Қайси йилдалиги аниқ эсимда йўқ. Самарқандга бор-

дим. Ёшлигимнинг қайноқ даври кечган, ижодимга қанот берган жойни зиёрат қилиш иштиёқидами. билмадим, қандайдир иш билан Педакадемияга (ҳозирги СамДУ) кирдим. Одатда хат-хабарлар қўйиладиган хонтахтада Ҳамид Олимжоннинг номи ёзилган кўк пакет турган экан, нима борлигидан беҳабар «Дўстларининг биронтасидан хат бўлса керак. Ҳамидни суюнтирадиган бўлди-да», деган хаёл билан пакетни олиб бориб, унга бердим. Кейин маълум бўлишича. Қўқон мухториятчилари томонидан чиқарилган, ўз чиркин йўлларига оғдиролмаё аламзада бўлганлар томонидан Ҳамид Олимжонни бадном қилиш мақсадида атайлаб юборилган журнал экан. Ҳамиднинг гаши боягидай эсимда турибди: у бу журналга ёзилмаган ҳам. ўқийман деб ҳеч кимдан сўрамаган ҳам экан. Аммо бундан гирром, ўзи бирор оғизга оладиган асар ёзолмайдиган, ёзганни кўролмайдиган номард кимсалар фойдаланганлар. Кенгашда ҳам айтилган уйдирма шу бўлган эди. Э... бундай машъум воқеалар бошимиздан кўп ўтди. неча бор жар ёқасидан зўрга қайтганмиз.

Миртемир домла армонли сўлиш олади. Ўтган, қайтарилмас даврларни эслайди.

— Аввал ёзган бўлсам ҳам айтай, — дейди устоз, — кунларнинг бирида Педакадемия хиёбонида Ҳамид Олимжон билан танишдим. Ўша кезлар мен Йўлдош отанинг маориф ва маданият, матбуот ва адабиётга тегишли топишириқларини бажарардим. отанинг сафарларида ҳамроҳ бўлардим, қўлимдан келганча ёзиб қайтардим — тўртинчи котиб эдим-да!.. Ҳа, ўша кун хиёбонда, чинор тагида Ҳамид билан бодрингхўрлик қилдик... Шу-шу, биз деярли ҳар кун кўришадиган, кейинчалик шеърлар ўқиб, маслаҳатлашадиган, Безименский, Светлов, Уткин каби комсомол шоирларни бирга таржима қиладиган бўлдик, бора-бора Нозим Ҳикматнинг «Қуёшни ичганлар қўшиғи» китобини Ҳамид билан ўзбек тилига ўғирдик. Абдулла Алавий муҳаррир бўлган эди.

Устоз Миртемир халқ бахшиларига Ҳамид Олимжон ўта гамхўр эканини эслаб, шундай ёзади: «...Фозил ота ва Ислон шоир билан ҳазилкаш, сирдош ҳам яқин эди. Бола-чақаси, йиғитлик шўхликларидан ганга тутар эди. Менимча, шу суҳбатларда у бахшиларнинг сўз хазинасига қўл солгандай эди. Бир кун Ҳамид айтди:

— Фозил отани эшитдингми? Мол йиғаётган эмиш. Бу ахволда бор-йўгидан ажраб қолади-ку. Ахир, ҳар хўжаликда қанча мол бўлиши кераклиги наҳот отага ноаниқ бўлса... Увоқ моли юздан онар эмиш...

Мен айтдим:

— Ўша ўзбекилик.

— Ёш хотин оламан, деб ҳазиллашган эди тунов кун. Бу гапи ҳам рост шекилли.

— Биласиз-ку, чорвадор бойиса кўшоқ-кўшоқ хотин олармиш, шаҳарлик бойиса қават-қават уй солармиш.

— Уй солгани маъкул эди. Ҳали ҳам ертўлада яшармиш...

— Кейинчалик Фозил ота оқ уйлик бўлди. Бу борада Ҳамиднинг тушунтиришлари ҳамда ўша туман раҳбарлари билан гаплашганлари бекор кетгани йўқ,— дейди устоз.

Ҳамид Олимжон, бахши, халқ оғзаки ижоди ҳақида сўзлаганда домла бир воқеани кўп эсларди.

Ўттиз саккизинчи йилнинг охирларимида, Миртемир Ҳамид Олимжон ҳузурида ўтирар, эрта-индин қилинадиган ишлар хусусида суҳбатлашишар эди.

Шу пайт ихчам соқолли, истараси иссиқ кимса эшикдан мўралади:

— Ассалому алайкум... Ҳамиджон раиснинг хонаси шуми?

— Ҳа,— деди Ҳамид Олимжон.— Қираверинг, кутиб турибмиз.

Кейин воқеадан беҳабар Миртемирга тушунтирди у:

— Ислом шоир дегани шу киши бўлади. Энди «топилган» шоир. Яқинда «Орзигул» достони билан чиққан шоир-да!.. Ўттизга яқин дoston билармиш... Чақиртирган эдим, бўлмаса юришаверади дўмбиранинг қулогини бураб...

— Бахши-шоирларга ҳам кўп холис ишлар қилаётган экансан, умрингдан барака топ, ўғлим.

Ҳамид Олимжоннинг ўзи ҳам биринчи бор кўриб тургани учун Ислом шоир ҳаётини обдан сўраб-суриштирди. Замоनावий термалари ҳақида сўради. Сўнг ҳазиломуз деди:

— Хафа бўлмайсиз, отахон, энди Сизни «имтиҳон»дан ўтказамиз-да...

Кейин бу учрашувдан ҳайратланиб турган Миртемирга юзланди:

— Қани, Мир, бир мавзу айт-чи, ота шу ҳақда шеър тўқиб ташласин.

Бу гапни кутмаган Миртемир аввалига шошиб қолди. Сўнг жиддий ўйлаб турди-да, деди:

— Отажон, олайлик, ватанини, севганини, она тупроғини жон-дилидан суйган, эътиқодга ишонувчи бир йигит олис сафар ё айтайлик, Армия сафига жўнади. Кетаётиб севганидан сўз олди, аҳду паймон қилишди. Орадан йиллар ўтиб, уйига қайтди. Кеч уйга кириб келган йигитнинг юраги тарс ёрилай деди-да, театрга чиқиб кетди. Бир маҳал, ёр-дўстлари билан театр фойесида айланиб юрса, қай кўз билан кўрсинки,

севган қизи ўзганинг этагини ушлаб кетибди. Бир йигит билан театрга кириб келаётибди. Ана шундай кўргуликка учраган йигит не аҳволга тушар ё нима деган бўларди? Шу ҳақда бир шеър айтсангиз, малол келмаса...

Ҳамид Олимжон «Қойил!» дегандек Миртемирга қараб қўйди.

Ислом ота устидан салла ўралган дўпписини стол устига олиб қўйди, уни айлантириб ўзича нималарнидир пичирлади, гўнгиллаб хиргойи қилди. Ана ундан кейин қўйнидан мўъжазгина дўмбирасини оларкан, наъра тортди:

— Айтсак, айтибмиз-да, фақат айбга буюрмайсизлар, бу хомакиси. Энди сизларга маъқул бўлса, бундан кейин айтавериб чархлаймиз-да!..

Бахши шундай деди-да, қўлга дўмбирасини олди. Олдин дўмбирасига жўр бўлиб «Ҳе-й-й...» дея овозини йўлга солди. Сўнг дўмбира чертганча анча пайт кўзларини юмиб тебранган бўлди. Хонадагилар унинг шу қуни яна мисраларни дилида қайта пухталаб, равонлаштириб олаётганини сезиб туришарди.

Ниҳоят, бахши куйлай кетди:

Арзим айтай десам, кўнглинг хуш эмас,

Олиб кетай десам, бошинг бўш эмас.

Бу ошиқлик ҳар кимсага иш эмас,

Жоним, менда сабру тоқат қолмади.

Ишонгандим бу сийнама дош қўйиб,

Сен кетибсан юрагимга тош қўйиб.

Еш инмаган кўзгинамга ёш қўйиб,

Жоним, менда сабру тоқат қолмади.

Сени дедим, белии маҳкам боғловдим,

Ишқ йўлида сийна-бағрим доғловдим.

То қайтганча омон бўл, деб охловдим,

Жоним, менда сабру тоқат қолмади.

Эшигингда юролмадим ой бўлиб,

Ковушингга илашмадим лой бўлиб.

Етолмадик бир кўрпага жой бўлиб,

Жоним, менда сабру тоқат қолмади...

У «яна чўзаверайми?» дегандек Ҳамид Олимжон, Миртемирга бир қараб олди-да, чирт этказиб дўмбирасини ҳам сайрашдан тўхтатди.

— Енгдингиз! — деди Ҳамид Олимжон ва отани самимий қутлади. — Замонавий термаларни кўлайтиринг.

— Биз ҳам ўзимизни шоир деб юрган эканмиз-да, шеър қоралаб,— деди Миртемир ҳайратланиб.— Сиздан ўрганса бўларкан, отахон! Кам бўлманг, умрингизга барака!...

...Ҳа, у яхшини кўрганда яйраб кетарди.

Домланинг суҳбатларини хотирлар эканман, унинг ўзи ҳам умр бўйи халқ ижодига таяниб, халқ бахшиларини ардоқлаб ўтгани, уларни ўзгаларга ибрат қилиб келтиргани кўз ўнгимдан ўтди.

— Фольклорга, халқ бадий хазинасига суянган ижодкор ҳеч қачон ютқазмайди,— дерди устоз.

Унинг шеърларида: «Бахшилар бахори яйловни кўриб...», «Таърифлолмас ҳатто Жуман эртакчи», «Чўпонларнинг суҳбати, дўст бахши чўпчаклари», «Ҳайратга қўяркан тўрғай бахшини», «Бахшининг қўбизи, созанда сози», «Чол бахшига қулоқ сол, эл», «Шундоқ эртақ эшитгандим бахшидан», «Бахши ҳам бир санъаткор», «Келар Фозил ота чўққи соқоли, Қор тагида баргми ё титроқ симоб!», «Фозил бахши достонида», «Жуманбулбул бобомдай Қўлда соз билан ўлгум», «Дўмбиранинг тасвири шу коса синигида», «Норсавлат тўрт юз бахши» сингари жуда кўп мисраларни учратасиз. Ҳатто, «Бахшининг айтганлари» деган дoston ёзгани ҳам шундан...

Минг тўққиз юз етмиш бешинчи йилнинг кузи... Самарқандда кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган шеърят байрами — Фозил шоир, Ислом шоир ва Пўлкан шоирларнинг 100 йиллиги тўйлари ўтмоқда. Юбилей комиссияси раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикамизнинг ҳар жиҳатдан, айниқса маданий юксалиши жиҳатига катта хизматлари синган Бектош Раҳимов бошлиқ раҳбар ходимлар, олимлар, шоир ва ёзувчилар, бахшиларнинг шогирдлари, журналистлар областнинг шаҳар ва қишлоқларида, юбилярлар туғилиб ўсган жойларда бир умрга унутилмас учрашувлар, тантаналар гувоҳи бўлмоқда эдик.

Бу катта тантаналарда Миртемир, Иззат Султон, Воҳид Абдулла, марҳум Ҳамид Сулаймон, Қуддус Муҳаммадий, Ҳафиз Абдусаматов, Солиҳ Қосимов, Ўктам Усмонов, Нормурод Нарзуллаев, Музайяна Алавия, Тўра Сулаймон, Малик Мурод ўгли, Сиддиқ Асқаров, Нуриддин Шукуров, Саъдулла Мирзаев, Ойдин Ҳожиева, Омон Матжон, Марди Нуриддинов ва яна кўпчилик олимлар, ёзувчи ва шоирлар, фольклоршунослар қатнашмоқда эдилар.

Қўйингки, ана шу катта анжуманда ёш бир ижодкор сифатида мен ҳам бор эдим.

Бу юбилей тантаналари, жуда кўп кишилар хотиралари, газетага материаллар тайёрлашим давомида учратган тарихий ёдномалар, гувоҳлар Ислom шоир Назар ўгли ҳақида ёзмоқчи бўлиб юрган бадиий, насрий асаримга кўнгилдагидан ҳам зиёдарoқ материал тўплашимга ҳамда «Ислom шоир замондошлари хотирасида» китобини нашр қилдиришимда бениҳоя ёрдам берди.

...Шундай қилиб, юбилейнинг эртасига Самарқанд шаҳридан Норпой райони марказига — Ислom шоир Назар ўгли тугилиб ўсган масканга йўл олдик.

Бу тупроқда мен ҳам тугилиб улғайганим, Ислom шоир помидаги мактабда таълим олганим ва Ислom шоирни, гойибдан бўлса-да, устоз билиб, ундан кўп ўрганганлигимни мавриди келиб таъкидлашни лозим топдим.

...Хуллас, шоир қишлоғи Галақассоб ёнида, «Октябрь» колхози клубидаги чиқишларда мен ҳам бахши-шоирларга аталган шеъримни ўқидим.

Тантаналардан сўнг устозим Миртемир билан қўлтиқлашганча бораётган эдим. Шу пайт, олиму ёзувчилар даврасида қизгин гаплашиб келаётган Бектош Раҳимов (Бектош Раҳимов ҳам норпойлик) менинг елкамга қоқиб, ўқиган шеърим учун ташаккур айтди ва ёнидагиларга деди:

— Келажакнинг Миртемирлари мана шулар-да!..

Устоз Миртемир қаёқдаю бизлар қаёқда! Шундай бўлсаям, бирдан, дилимни ширин бир туйғу тўлқинлантириб юборди: «Қошқийди!..»

Шу воқеадан ярим йилча вақт ўтиб, домлани ҳол-жонига қўймасдан Ислom шоир ҳақида хотира ёздириб олдим. Бoиси «Ислom шоир замондошлари хотирасида» китобини тезлаштириш керак эди.

Ҳар галгидай, бир борганимда устоз гулзор оралаб юрган экан. Минг тўққиз юз етмиш олтинчи йилнинг ўнинчи апрели эди.

Домла: «Қўймадингиз-қўймадингиз-да!..» — деди-ю, «Мен ҳозир», деб ижодхонасига йўл олди.

«Тамом. Энди ёзади», деб ўйладим мен. Сўнг ҳовлида кеза бошладим.

Хийла вақтдан сўнг домла мени чақирди. Қора қаламда, ҳар доимгидай, олти-етти қоғоз сўз қоралабди...

...Уни машинкалатиб келган куним мендан сўради:

— Ўша тантаналар қачон бўлганди?

— Етмиш бешинчи йилнинг кузи эди-ёв...

Сўнг домла ёзганларининг остига: «Бу айтганларим Ислom отанинг ҳайкалини очиш кунларида, Норпойдаги тан-

таналарда эсимга тушди», — деб қайд этди-да, кейин йўл-йўлакай тузатиш киритиб, ўқишга тушди.

Бу хотирасини ҳам домла азиз Ҳамид Олимжондан бошлаган эди. Аввал қўйилмаган сарлавҳа отини топди: «Ислом ота ҳақида», кейин дона-дона ўқий бошлади:

«Ҳамид Олимжон Ёзувчилар союзига раис бўлган йилларда халқ шоирлари — бахшилар Тошкентга тез-тез келиб туришар эди. Уша вақтдаги ўтиришларда, йигинларда мен ҳам қатнашар эдим.

Ҳамид Олимжон Фозил ота билан ота-боладай яқин эди. Пўлкан, Абдулла шоир, Бола бахши, Ислом ота билан ҳам чиқишар эди.

Ислом ота узун бўйли, қорақош ва ўйчан қорақўзли, елкадор, қизилмагиз, шўх, дилкаш ва улфат шоир эди. Аскияндан ҳам бохабар эди.

Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Комил Нуъмон, Ҳоди Зариф ва қатордош бахшилар даврасида энг қувноғи ва топқир, ҳозиржавоби Ислом ота эди. Одатда, шеърлари замонга, дўмбирага жўр. «Дўмбирам», «Улфатхон», «Бор бўлсин бизнинг Ватан», «Тинчлик бўлур барқарор», «Колхоз чўпони» сингари кўп термалари, шеърларини ўқир эди.

Бахшилар ичида босиқ ва салобатли ўқийдиган, одатда паузаси кўп шоир — Фозил ота эди. Ислом ота шўх чалар, шўх ўқир эди ва ҳамиша кўзларида сузгинлик ва қувноқ уққунлар сачраб турар эди.

Термалар ўқишда Пўлкан шоир ҳам, Бола бахши ҳам Ислом отага тан бергани ва давраларда қойил қолгани эсимда».

Шу кўйи у ўқир ва тузатар эди. «Ислом шоир севги термаларини дўндириб ўқир, ҳеч кимникига ўхшамас, ўн олти, йигирма сатрли тугал шеърлар ўзга-ўзга оҳангларда даврани жуда хурсанд этгани эсимда» жумласига «даврани қизитгани ва жуда хурсанд қилгани» деб ўзгартиш киритди. «Ислом ота кичик давраларда адаб доирасидан бир қатор четроқ термаларни ҳам шу қадар шўх ва ўйноқи ижро этар эдики» жумласидаги «бир қатор» сўзини «бир қадар» деб тузатди.

Мақолада «Ўшанда бахшилар ичида жуда шўх ва баъзан ёқимсизроқ, бадбўйроқ ва беадаб термалари билан машҳур ва олғир Пўлкан ота ҳам Ислом шоирнинг усталигига тан бергани ва ўрнидан туриб қучоқлагани эсимда» деган жумла бор эди. Унга: «Ўшанда бахшилар ичида шўх, бироқ баъзан ёқимсизроқ, адабсизроқ термалар айтишда абжир, олғир Пўлкан ота ҳам», деб сайқал берди.

Ниҳоят, мақолани шу тахлит қайта кўриб, менга узатди:

— Ана энди гўшти сизники, суяги бизники. Босаверсангиз бўлаверади...

Мақола олдин «Гулистон» журналида босилди. Кейин китобда чоп этилди.

— Шундай, Ҳамид Олимжон фаолияти ва ижодида бундай мисоллар бир талай, — дейди домла суҳбатни ниҳоялаб.

Урушдан ҳеч кимнинг ҳадиги йўқ, тинч юксалиш йиллари давом этар, иш қизгин ҳам илҳомбахш эди. Ҳамид Олимжон билан Миртемир бир-бирини тез-тез йўқлайдиган бўлиб қолишди: ҳали юбилей, ҳали бирорта қўлэзма муҳокамаси, ҳали бирор командировка... Ҳамид Олимжон айниқса халқ ижодига эътиборни кучайтирган кезлар... «Алпомиш»ни Фозил ота хийла ўзгача, куйиб-ёниб айтди. Хоразмлик Қурбон ота Холиқ бахшидан қолишмасликка уриниб, ўткир қўшиқчи эканлигини кўрсатди. Бола бахши ўзининг тор чертиши билан ҳам, ёқимли овози билан ҳам йигин аҳлини мафтун этди. Усмон бахши Маматқул эса янги турмуш ҳақидаги термаларни куйлади. Бу ажойиб учрашувдан баҳри дили яшнаб кетган Миртемир союзга қайтгач, Ҳамид Олимжонга уларнинг оталик саломи билан бирга ўзи ёзиб келган термаларини ҳам топширди.

— Ўзбек шеъриятида ўша тенгсиз жанг тўғрисидаги янгроқ овоз Ҳамид Олимжоннинг машҳур ғазали билан бошлангани ёдимда, — деб эслайди домла. — Унда жангга чақирик, олға ундов, ғалабага ишонч бирдек жаранг бергани ёдимда: «Ўрмонда бўри билан шер олишар чоғ келди!» каби сатрларда совет кишисини шерга, бургутга қиёс қилгани, босқинчини бўри ва қузгунга ўхшатгани шоирнинг субути, жасоратидан дарак бериб турибди-ку! Бу — нодонга ҳам, дуваракка ҳам сир эмас... Ҳамид Олимжон бошлаган жарангдор ундовга, жанговар ғазалга ўлмас Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода ва Зулфияхоним, Уйғун жўр бўлди. Санайверсак қатордошлар оз эмас. Гап жанг йилларида ҳам шеърят жимиб қолмаганлиги устида, ўз парвозига эга бўлгани устида: «Раксананинг кўз ёшлари» ё эса Ғафур Ғулом қаламига хос «Қатта карвон йўлида етим бўтадай» деб бошлангувчи эноҳал шеър, Шайхзода қаламига тегишли «Йўк, мен ўлган эмасман» каби ўлмас шеър ва талай-талай ўзга шеърлар сўзимга далил бўла олади. Шунинг ҳам қўшиб қўяйки, мен янгилик айтаётганим йўқ. Фақат суҳбат ва бугунги мавзу мени жиндак тўлқинга солди ва кўп мудроқ эсдаликлар кўзгалиб қолди.

Домла уф тортди. Балки ардоқли дўсти, ҳамнафасининг бевақт вафоти ёдига тушгандир.

«...Мен,— деб ёзади домла Миртемир,— эрталаб радиокомитетга ўз хизматимга келдим. Радиокомитет биноси Инқилоб майдони бурчагида, ҳозирги телефон марказида эди. Кимдир: «Ойдин она айтдилар, тезда Жуковский кўчасидаги тез ёрдам касалхонасига борар экансиз!» деди. Юрагим орқамга тортиб кетди. Юз хаёлда ўша жойга етиб бордим. Дарвозага ёндош, эски черков биносида Ҳамид Олимжон ётар эди. Кўзлари юмук, оламдан беҳабар. Ёзувчилар қатор туришар эди: Ойбек, Ойдин она ва кўпчилик. Ёзувчи Шароф Рашидов печкага суянган ҳолда йиглаб турарди. Зулфияхоним кейин келди. Ҳамиднинг катта синглиси ҳам. Зулфияхоним эшикдан йиглаб, фиғон чекиб кириб келди, вожаб. Ҳамиднинг кўзлари очилиб кетди. Умримда бундай ҳайрон бўлмаганман».

Миртемир бир умр Ҳамидни эслаб, унинг қилган ишларидан ҳайратланиб, Ҳамиддай бўлишга ҳаракат қилиб, ёшларни Ҳамиддан ўрганишга даъват қилиб ўтди. У Ҳамид Олимжон вафотининг бир йиллигида қўмсаб бўзлади: «Бошгинангни кўтар, қоқиндик. Жуда соғиндик».

Ёшлар камолини кўрганда эса фахр билан башорат қилди, булар: «Эрта туғилажак Ҳамидларимдир...»

У доим суҳбатини шундай тугатарди:

— Қанийди, ҳамма Ҳамидга ўхшаса!..

Устоз ўзи ҳам, ўзгалар ҳам Ҳамиддан дарс олишни истарди. Хатто домланинг 1939 йили ёзган «Бахшининг айтганлари» достонида «Учқур қизлар, мард ўгиллар, Йигит бўлган минг-минг чоллар...» деган мисраларни учратамиз. Буни Ҳамид Олимжон 1937 йилда ёзган «Ойгул билан Бахтиёр» аса-рида шундай тасвирлаган эди:

Ўт боғлаган қанотлар,

Беқанот учган отлар.

Бахтиёр билан Ойгул,

Қиз бўлиб очилган гул.

Сўйлагувчи деволлар,

Бола бўп қолган чоллар...

Устоз Миртемир Ҳамид Олимжонни туғма талант, дўст, ибратли ташкилотчи сифатидагина ардоқлаб, у ҳақда ёзибгина қолмади, балки ана шундай инсонга умр йўлдоши бўлган тоғбардош Зулфияни ҳам бениҳоя ҳурматлаб ўтди.

«Шоирнинг ўз сўзи билан айтганда,— дея ғурурланиб ёзади домла Миртемир у ҳақидаги мақоласида,— шеър устида узлуксиз меҳнат Ҳамид мактабидан ўрганилган хислатдир. Ҳамид мактаби деганда мен Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода кабилар ўтган йўлни кўзда тутаман.

...Кўклам келганда, ўрик гуллаганда, тоғ этакларида, дарё бўйида — дўстлар гурунгида, олис-олис юртларда ҳамиша ва ҳамма жойда шоир кўз ўнгида ўша азиз, ёрқин шоир тимсоли жиндак ҳам нари кетмаган. Ҳамид Олимжонни соғиниб жананглаган шеърлар кишини лол қолдиргулик даражада ҳамидона!

...Ҳамид Олимжондан поэзиянинг талай сирларини ўрганиб олганига шоиранинг ўзи ҳам иқдор... Икки ирмоқдан бир жилга оқмоқда эди, бири гўё тиниб қолди-ю, ўзга бири ҳамон оқмоқда. Ўша жилга, ўша оқим, ўша мавж, ўша тўлқин! Зулфияхоним бу жилгада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқмоқда. Унинг йўқлигини билдириш хаёлида ҳам йўқ, тўлиб-тошиб оқмоқда».

Бир куни у Зулфияхоним ижодини қайта ўқиб чиқди, сўнг: «...Ва меҳнатда нақ ишак қуртдай тўхтамасман тинмаса қалбим...», «...Севги, шеър бор! Ерман эл шухратига, Бахтли аёл деса ҳақли халойиқ...», «Яхши раис халқнинг хизмат, меҳрида, Дарёдай тошади далада ҳосил...», «Назаримда, сенчун — океан кафтида Юртнинг кўрмоғи бор, емоқ йўқ жаннат. Оёқ, қўл, зор нигоҳ ҳароратидан Ўстиргансан унда минг хил неъмат», «Гулни кўриб ҳатто бехониш кушдан, Хар сояга жойлаб ишрат ва ором, Богларни безатиб энг ажиб тушдан, Ўзинг чиқиндидай юрасан беном». «Бахшиш... қалбинг, кўзинг — кўлингдай чўзиқ, Тақдирми, севгими, нонми илтижо? Таҳқирлаб чақа, нон қилмайман тортиқ, Қалбимни тутаман қалбим қилиб жо...» мисраларини белгилаб қўйди. Балки Зулфияхон ҳақида яна бир жананг мақола қораламоқчидир. Балки бирор минбарда Зулфияхоним ҳақида сўз айтар.

Минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йилмиди, ўзбек адабиёти ҳафталиги қатнашчиларидан бир гуруҳи Кўкчатовга боришди. Ҳар бирининг улуғлиги туришидан, юришидан, хатти-ҳаракатидан аён. Ойпакўл узра сув тўлқинланади. Майин ел тўлқинлар кифтида силкинади.

Ана, Зулфияхоним. Ёнида қозоқнинг Эркеш деган шоир йигити боряпти. Миртемир домла гоҳ-гоҳ суҳбатга қўшилиб қўяди.

Бир пайт, хотамтойлиги тутиб кетган Эркеш Зулфияхонимга деди:

— Сизга нима тақдим қиларимни билмаётган эдим. Майли, шу Ойпакўлни олақолинг! Унингдай мўл, унингдек покиза, унингдек теран бўлиб қолинг...

Миртемир домла эртаси кушгача ўйга толиб, ўзича нималарнидир шивирлаб юрди. Ўтган дақиқаларда «Гортиқ» номли шеър тугилганди.

У ҳамиша жаҳон ардоқлаган Зулфияхонимни меҳр билан тилга оларди. «Юз бир» деган қасидасини ёзганда ҳам деди:

Янги ўлан тилашайлик
Ҳам Зулфия, ҳам Асқадга.

Домланинг «Дўст ва замондош» деган мақоласи бор. Унда Ҳамид Олимжон тўғрисида: «Қонида, ўзлигида, кўз қорачи-гида, тўқсон икки томирида зукколик, шоирона савия, бил-гичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён», деб ёзган эди.

— Бу таърифлар аини ўзингизга ҳам нисбат бериб айтил-са, мутлақо тўғри бўлур, устоз!

ҲАВАСЛАРИНГИЗ КЕЛСИН...

Миртемир домла жианларидан айниқса Арзимат акани яхши кўрар эди. Мабодо автобусми, троллейбус ё трамвайга чиқиб қолгудек бўлишса, тутқичдан тутиб олган Арзимат аканинг билагидан ушлаб олар, шу кўйи хаёл суриб бораве-рарди...

Арзимат ака келганда у билан доим «Болалар дунёси» дўкони ёнидаги арман сартарошига кирар, сўнг Олой бозорига ўтиб, фикрини «тиниқлаштириб» олар, эринмай бозор қилиш-ни яхши кўрарди.

— Савдолашиб ўтирмайман,— дерди Миртемир дом-ла. — Мен ҳам деҳқон боласи, мен ҳам биламан деҳқон-чиликни...

Шундай деркан, у қовун бозорига ўтарди. Деҳқонни яна узундан-узоқ алқаб кетарди:

— Барака топинг, меҳнатингизга барака!— дер, иннай-кейин харид қиларди.

Домла ҳар кимнинг кўнглига қарар, дилини оғритиб қўй-масликка ҳаракат қиларди. Бу фазилат уни умр бўйи тарк этмади.

Устознинг кўп сафарларида, йиғинларга қатнашишида гувоҳ бўлган қозоқ оқсоқолларидан Сирбой Мавленов дўсти Миртемир ҳақида ўйлаганда қуйидаги манзаралар кўз олди-дан ўтади.

...Минг тўққиз юз қирқ саккизинчи йилнинг ёзида Тош-кентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон область гезеталари редак-торлари йиғинида Сирбой Мавленов қатнашди. Болалик вақтида кўргани — Тошкент Сирбойни эски танишидек қар-ши олди. У кенг кўчалар, сувга лиммо-лим ариқлар, кўкка

бўй чўзган теракларга термула-термула шаҳар кезар, Ўрта Осиёнинг иссиқ қуёши қизиганидан-қизиб борарди. У меҳмонхонага бормасдан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига йўл олди.

Оддий ходимлардан бошқани учратолмай чиқиб кетаётганда икки одамга дуч келди. Дўппи кийган, мулойим сўзли, ўрта бўйли бирови Сирбой излаган Миртемир бўлиб чиқди.

Домла унинг Сирбой Мавленов эканлигини билгач:

— Мен ҳам туркистонликман, сенга ҳамшаҳарман, тоғажиян бўламиз экан. Қозоқни жонимдек, томиримдаги қонимдек севаман. Туғилган жойимга тез-тез бориб тураман. Унинг кўм-кўк ўтлари менга гуллардан ортиқ. Туркистонда ҳеч қачон ўлмайдиган Ҳожааҳмад оқин бор. Оқин билан тез-тез суҳбатлашиб тураман,— деди. Сўнг:— Қаерга жойлашдинг?— деб сўради.

— Меҳмонхонага ҳали борганим йўқ. Самолётдан тушгач, тўғри шу ерга келдим.

— Мана бу ҳақиқий оқинлик,— деб кулди домла Миртемир кўзи порлаб. Сўнг Сирбой жойлашадиган меҳмонхонани сўраб билиб, Ёзувчилар союзига шошиб кириб кетди...

Тошкентнинг кундузги ҳарорати тунни билан ҳам пасаймади ҳисоб. Дераза олдида баҳайбат терак япроқлари қилт этмайди. Дам. Унинг қалин сояси ерни қошлаган. Барглар орасида қуёшнинг заррин нурлари ўйнайди.

Сирбой Мавленов эшик тақиллаганини эшитиб, очиб қараса, у жойлашган мусофирхона рўнарасида Миртемир турибди.

— Йиғилишларинг эртага бошланаркан, бугун бир жойга бориб, дастурхон атрофида давра қурайлик,— деди у саломаликдан сўнг жилмайиб.— Дўстларинг бўлса, ҳаммасини олиб, юр. Менга меҳмоннинг бири ҳам, минги ҳам бир. Мен кўноқни санаб чақирмайман.

— Ҳозир туш вақти бўлиб қолди. Улар Тошкентни томоша қилиб юришгандир,— деди Сирбой ўнгайсизланиб.

Миртемир уни «Шарқ» ресторанига олиб кетди.

— Кейин уйда бўларсан. Бу ўшанинг «йўл очари» бўлсин. Аввалги Шарқ оқинлари, ҳозирги рус шоирлари ҳам шундай майхоналарда учрашиб, суҳбатлашган. Шеърларини ўқиб, фикр алмашишган. Есенин ўз вақтида бундай жойни «Стоило Пегаса» — «Пегас бекати» деб атаган.— Шундай деб Миртемир бу меҳмондорчилик сабабини тушунтира бошлади. Сирбойни эркин ўтирсин дегандай суҳбатга тортиб, очилиб-сочилиб гаплашарди. Сирбой ҳам у билан эски кадрдондек бемалол суҳбатга тушиб кетди:

— Тоға-жиян киришганлигимиз учун шунча очик кўнгиллилик қиялпсизми?

— Йўқ, менга ҳалол одамнинг ҳаммаси тугишган. У оқин бўлса яна ҳам яхши. Менга рус ҳам, қозоқ ҳам, қорақалпоқ ҳам, туркман ҳам, қисқаси, Ватандаги ҳамма халқлар бегона эмас,— деди Миртемир. Кейин оқинларнинг шеърларидан мунгли овозда ўқиди-да, негадир Лермонтовни элади,— Лермонтовни ўқиган сайин булутга туташиб кетган Бештов кўз олдига келади. Бештов чўққиларининг ичида биттаси бош бармоқдай баландга кўтарилиб, бошқаларни кўрсатмай, кўз-ни яшнатади. Ана шу чўққи — Лермонтовнинг ўзи бўлса керак. Хаёлнинг кудратли тангриси ўша чўққидай буй кўрсатиб, булутлар устида чарх айланиб учиб юргандай.

Сўнг анчагача ўйга чўмиб қолди.

— Мен сўнгги вақтда қорақалпоқлар ҳақида шеър ёзишни ўйлаб юрибман. Бердақ жирларини яхши кўраман. У Лермонтов шеърятидек алангали эмас. У қум орасини кезган шамолга ўхшаб паст-баландни кезиб, кенгликларни ёриб чиқиб, одам боласига армон куйини чертган. Ўланлари умрнинг аччиқ зоридай мени қайта-қайта қорақалпоқ далалари сари чорлагандек бўлаётир, унинг юракка ўрнашган шеърлари хаёлда кўпгина ўйларни уйғотади...

Улар кеч тарқалишди. Шундан сўнг, иккови ҳам бир туғишгандек қадрдон бўлиб кетишди. Бир-бирининг уйида ҳам бир неча марта бўлишди.

Бир куни Сирбой Мавленов, Тўлаген Айбаргенов, Танаш Дауренбеков билан Миртемир хонадонига кириб келишди. Шоир ҳар галгидек ўзини кўярга жой тополмай қолди.

— Эҳ, менда транспорт йўқ эди. Сизларнинг машиналаринг бор экан, яхши бўлди. Ҳозир келаман, бензинини ҳам олиб бераман ўзим.

Бир пайт домла, Тошкент бозорини кўчириб келгандек, қучоғини турфа мева-чевага тўлдириб кириб келди.

Дастурхон теварагида Қорақалпоғистон тўгрисида ёзила бошлаган шеърларининг дастлабки туркумлари ўқилди. Қорақалпоқ шеърятининг пардозини билан ёзилган бу шеърлар уй ичини бамисоли Амударёнинг мавжларига тўлдириб юборди.

— Мен буларни атайлаб қорақалпоқ шеърятининг услуби билан ёздим. Чунки, ўзбек шеърятига ўша ернинг табиятини сингдириш керак бўлди,— деди домла.

Чойдан сўнг узоқ суҳбатлашишди.

— Бизнинг ҳаётимиз ўлан-ку. Шунинг учун ҳам суҳбатимиз ўлан ҳақида бўлди.

— Сизлар жуда шошилишч бўлмасаларинг, мен Гомердан

таржима қилаётган «Одиссея»сидан парчалар ўқий. — деди устоз яна жўшиб. — Айтгандай, Гомер қозоқ тилида чиққанми? — деб сўради устоз Сирбой Мавленовдан.

— Йўқ, ҳали чиқмади. Қувондиққа ўхшаган таржимонларимиз Гомернинг кўчманчи сўқмогидек узун сатрларини таржима қилишга сабри чидамайди.

Домла кулди:

— Қувондиқ — моҳир оқин, бақувват таржимон. У Шарқни ҳам, Ғарбни ҳам яхши билади, — деди. Қувондиққа ҳавасли кўнглини билдириб.

Сўнг домла «Одиссея»нинг ҳар жой-ҳар жойидан парчалар ўқиди.

— Мен бу ишга бутун кучимни сарфлаяпман. Таржима қилишдан олдин ўша даврга онд кўнгина китоблар ўқидим. Қийинчилиги ҳам, қизиғи ҳам етиб ортадиган иш!..

— Гомернинг тугилган жойи бошқа бўлгани билан ўзи ўзбек бўлса керак. Чунки ўзбекка ўхшаб турибди-ку. — деди Сирбой Мавленов ҳазиллашиб.

— А-а-а!.. Менга шундан бошқа мақтовнинг кераги йўқ, — деди домла Миртемир хаяжонланиб.

Яна бир гал домла Миртемирнинг уйида Сирбой ога қозоқ адабиёти ва санъатининг ҳафталик байрамида ўзининг оқин-ёзувчилари билан бирга бўлди. Домла ҳафталикка қатнашганларнинг биттасини ҳам қолдирмай, хонадонига таклиф қилди. Ҳовлисидан ариқ оқиб, муаттар гуллар яшнаб, қушлар сайраб турибди, гўё эртақларда таърифланган саройга ўхшайди.

Абдулла Тожибоев билан Миртемир домла бот-бот ҳазиллашиб ўтиришди.

— Миртемир, сенинг уйинг ажойиб экан. Ер қимирласа ҳам сира қийшаймасдан ўз ҳолини сақлаб, тикка турибди. — деб кулди Абдулла ога.

Миртемир домла унга жавобан:

— Ер силкинган вақтда менинг уйимдаги классикларнинг ҳаммаси тикка туриб, туну қуни кузатиб, офатдан омон олиб қолди, — деди...

Ҳафталик охирида самолётга чиқишга бирор соатча қолганда бошига лаган кўтарган Миртемир домла Сирбой Мавленов хонасида пайдо бўлди ва:

— Ҳали Абдулла бошлаган бошқа тоғаларим қаерда? Ўшаларга палов олиб келувдим. — дея лаганни столга қўйди. Дастурхон билан ёшилган таомнинг ҳиди бутун хонага таралди.

— Улар икки соат олдин кетишди.

— Энди самолётни қувиб етиб бўлмайди. Қолган қозоқ-

ларнинг ҳаммасини чақир. Бизнинг уйдаги янгасининг болаб пиширган палови таъминини бир татиб кўришин!.. Бўшлаганини уйга олиб кетиб нима қилдим. Гулжамол келинга совға бўлсин...

Бир куни, Олмаотанинг ёмғирли кунда Сирбой Мавленов Миртемир домлани кутиб олди. Ёмғир ёғиб, ер лой бўлган. Ёзувчилар союзига бормоқчи бўлишди. «Коммунист» проспектининг бурчагидаги гул сотадиган жойга етганда Миртемир домла бир даста гул сотиб олди. Гулларни Миртемир Ёзувчилар союзидаги келинчакларнинг бирортасига берар, деб ўйлаб Мавленов ҳеч нарса демади. Бекатга яқинлашганда, у ёмғирдан жунжикиб турган бир қизни кўриб, ҳалиги гулдастани узатди...

— Сиз қизни аввалдан билармидингиз?— деб сўради Сирбой Мавленов.

— Йўқ, танимайман. Умримда биринчи бор кўришим. Аммо ёмғирда қалтираб турган гулдек қизни кўргач, сира чидай олмадим. Гулни кўриб, ёзни кўргандек кузни унутсин, дедим...

Кейин, Сирбой оғага йўл-йўлакай Миртемир домла ўзича «куз», «қиз», «гул» деб шивирлаб бораётгандек туюлди...

— Устоз кейинги бир кузда Мавленовнинг эллик йиллик тўйига қатнашиб, ўз шеъри-бағишлови билан тўйга алоҳида тантанаю завқу шавқ бахш этди...

...Етмишинчи йилнинг ўрталарида Қирғизистонда совет адабиёти кунлари бўлди. Меҳмонхона эшигида бир талай киргиз ёзувчиларига дуч келишди.

— Фрунзе ҳам менга Тошкентдаги ўз уйимдек бўлиб кетган. Мен бу ерга «Манас» таржимасига доир баъзи масалаларда маслаҳатлашгани тез-тез келиб тураман,— деди Миртемир домла.— Гоҳида ойлаб шу ерда қолиб кетаман. Қирғизлар ери ўз еримдек, Иссиқкўли — ўз кўлимдек менга. Манави баланд чўққилар Манаснинг елқанот, тезчопар тулпоридек бўлиб туюлади. Хув, анови тоғ бошида ётган қор Манаснинг олмос қиличига ўхшайди...

Тушки овқатда Қуванишбек Маликов, Миртемир, Сирбой Мавленов ёнма-ён ўтиришди.

— Ҳой, Сауренбай, менга эрталаб келтирилган қимиздан куй,— деди Миртемир домла қирғиз шоири Жусуевга.

— Шоирларнинг юзи ҳеч нарсадан қайтмайди-ку. Кўпчилиги умр бўйи ўз табиатини ўзгартирмасдан кетди-ку!— деди Сирбой Мавленов.

— Энди олдингиларидан гапирмай қўя қол,— деди домла.— Мен сенга қимизга қандай ўрганганимни айтай. Бунинг ўзи бир ҳикоя. Бир куни қаттиқ касал бўлиб қолдим ва энди

нима бўлса ҳам қимизни тотиб кўрай деб Олой бозорига кирдим. Бозорда қимиз кўп, лекин тозароғини топиб ичай деб излай бошладим. Энг чеккада бир қария турган экан, унга яқинлашиб, салом бердим... — Соқолингиз қордек, чеҳрангиз тонгдек, сўзингиз болдек оқсоқол экансиз. Аввал ароқ ичардим. Энди уни кўйиб, қимиз ичай деб яхши ният билан сизга келиб турибман. Юзингиздан имоннинг нури ёғилиб турибди. Ростини айтинг, қимизингизга сув қўшилмаганими, деб сўрадим. Менинг чин кўнгилдан айтган сўзларимни эшитгандан кейин чол дарров жавоб тополмай, шошиб қолгандек бўлди.

— Чирогим, сўзинг ўтиб кетди-ку! Ростини айтай, қимизга сув қўшмайман. Таъми яхши бўлсин деб озгина чакки қўшгандим, — деди.

Мен чолнинг ростини айтганидан мамнун бўлдим.

— Оқсоқол, мен ҳар куни эрталаб келиб, сиздан қимиз олиб турай. Сиз бундан буён қимизингизга шу чакки қургурни ҳам қўшманг, — дедим.

Чол иккимиз ўша жойда қимизининг ҳаммасини ичиб кўйдик. Ўшандан кейин қария менинг қадрдоним бўлиб кетди. Гоҳида қимизни бозорга олиб бормасдан уйга олиб келарди...

Даврадагилар Миртемирнинг сўзига мириқиб кулишди.

— Қандай, бизнинг қимизимизга чакки қўшилмаганими? — деб Қуванишбек Миртемирга жилмайиб қаради.

— Сизнинг қимизингизда чаккининг эмас, эчки огузининг таъми борга ўхшайдими? — деб Миртемир домла ҳазил билан жавоб берди.

Кечаси ётиш олдидан яна Миртемир билан Сирбой Мавленов ҳар галгидек очиқ ҳавода ёлғиз айланишди. Қирғиз тоғлари баланд кўргондек атрофни қуршаб олган. Кўчанинг икки томонидаги тераклар ҳам бир сафга тизилган аскарларга ўхшайди. Улар орасидан ўтишгач, Миртемир домла Жомард Боқанбоев ҳайкали ёнида анча туриб қолди. Сўнгра у Жомард билан бир вақтда вафот қилган ўзбек халқининг улкан шоири Ҳамид Олимжонни эсга олди.

— Ҳамид ҳам Жомардга ўхшаб ҳаётдан эрта кетди. Иккови ҳам бир кунда автомобиль ҳалокатидан ҳалок бўлди. Икковининг тақдири ҳам бир-бирига ўхшаш. Аммо улардан қисқа вақт ичида кўп мерос қолди. Улар оғир меҳнат, буюк мақсад кишилари эдилар...

Миртемир домла Сирбой Мавленовдан қозоқ ёзувчиларининг ҳаёти ҳақида кўп сўради. Уларни яхши кўришини айтди. Айниқса, Собитни сахий қалби учун, очиқ кўнгиллиги учун, қозоқ даласидай кенг феъли учун эъозлашини билдирди.

— Мен Собит оқсоқолни ўзимнинг улкан устозимдек кўраман. Унга бағишлаб ҳаёт пайтида шўр ёзганман. Шу шеърнинг сўнгги сатрини «Собит ога, жуш энди! Элимнинг борин кўриб кет. Жаҳондай кенг кўнглингдан Дўстлик меҳрин бериб кет», деб тугатганман...

— Миртемир иккимиз суҳбатни тугата олмай, ярим кечада меҳмонхонага қайтдик. Ушанда у билан сўнгги марта учрашиб турганлигимга сира ақлим бовар қилмаган ахир, — дейди Сирбой Мавленов аччиқ армон билан.

Халқ шоирининг бегубор суҳбатига содда, аммо теран тасаввурлари таъсирига тўймай қолган биргина Сирбой Мавленовми? Йўқ!.. Бундай армон билан эслагувчилар Иттифоқимизнинг барча республикаларида кўп... жуда кўп.

— Меҳмонни ҳеч бўлмаганда етти қадам эргашиб кузатмоқ лозим, — деб уқтирарди Миртемир домла доим. Қалби ҳам эшигидай очиқ бўлган Миртемир фазилатлари унинг ёзганларига ҳам кўчди.

Йна ўтмиш воқеалардан эслайлик.

Ўтмиш тўртинчи йилнинг ўттизинчи июлида Ўзбекистон телевидениесида «Шоир Миртемир ҳузурида» номли эшиттириш намойиш қилиниши керак эди. Шундан бир кун аввал хунук хабар тарқалди: Миртемир, литфонд директори Ғани Жаҳонгиров машина ҳалокатига учрабди. «Алоқа» бекати муюлишида ноҳос машиналари самосвалга урилиб кетганмиш... «Ўзи соғмиқан?!» — Дилларни ўртаган савол шу бўлди. Ахволи бирмунча оғир экану, кўргилик... Шифокорлар яхши бўлиб кетади, дейишибди.

Эртаси Мамадали Юнусов ҳамда Носир Фозилов кўнгил сўрагани борадиган бўлишди-ю, уйда битта кичик қўл телевизор оливолишди.

Домла: «Тавба! Қандай кўргилик бўлса менга ёнишадия!.. Нима бўлгандаям омон қолдик-ку», дер ва шифокорлардан гоҳ Ғани Жаҳонгировнинг, гоҳ шофёрнинг ахволини сўраб, хуллас, оғриқ азобига дош бериб ётарди.

Сўраб келганларга шифокорлар руҳсат беришмас, безовта қиласизлар, деб киритишмасди.

Шундай бўлсаям, шоир Азиз Абдураззоқ бир амаллаб шифокорларни кўздириб палатага кирди-ю, домладан ҳол-аҳволи сўради:

— Тинчликми, домла? Сал яхшимисиз энди?

— Тинчлик бўлса бу ерда ётармидим, фалокат-да, мана қаранг, одамларга иш орттириб ётибман. Қовурғаларимдан

анчаси синган эмиш... Манави шишаларни танамдан олишди (машина деразасининг синиқлари). Тузатамиз, дейишяпти...

— Вой-бў!.. — деди Азиз Абдураззоқ. — Бу шиша дегани буюмлигида чиройли кўринаркан, мунча хунук...

Миртемир домланинг чеҳраси ёришиб жилмайди.

Шу пайт, телевизор кўтарган Носир Фозилов билан Мамадали Юнусов йўлини қилиб кириб келишди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Носир Фозилов домлага деди:

— Телевизор кўришга рухсат этишадими?

— Ҳа... Айтгандай, бугун эшиттириш бор эди-я! Овора қилдим-да ҳаммани.

Носир Фозилов индамай телевизор қулоғини буради. Диктор, орадан бирпас ўтиб, эълон қилди:

— Энди «Шоир Миртемир ҳузурида» номли кўрсатуви-мизни бошлаймиз...

Миртемир ёнбошлаб оларкан, ўтирганларга хайратомуз термилди.

— Менсиз қандай... Бу аҳволда ётган бўлсам...

Аммо кўрсатув гўё Миртемир қаёққадир сафарга кетгану усиз ўтаётгандай, ўта савияли даражада ниҳоясига етди...

Миртемир, гўё фалокатга учрамагандек, тетиклашиб кетди.

— Эртага мўмиё билан даволашда доврўғи оламга кетган Одил Шокиров келармиш, — деди устоз. — Ҳадемай, дўстлар қаторига тушиб кетсам ажаб эмас...

Ҳақиқатан ҳам эртаси Одил Шокиров ташриф буюрди. У домла Миртемирни жуда яхши кўрар: «Киройи шоир бўлсанг Миртемирдек бўлсанг-да!..» — дегувчилардан эди. Шокировнинг қўли енгил экан, бир ҳафтага қолмай, Миртемир домла оёққа туриб кетди.

Устоз ҳамиша транзистор олиб юришни ёқтирар, уни қулоғига яқинлаштириб куй-қўшиқ ё бирор эшиттириш тинглар (яхши бўлса!), хуллас, энг яқин ҳамроҳи эди.

Уйда икки-учта транзистор турар, доим янгиларини топтириб келарди. «Нега бундай қиласиз?» — деб сўрасак, дерди:

— Ҳар нарсанинг оҳори кетмагани яхши. Энг кейинги чиққани бўлса тагинам дуруст...

Бу бир баҳона эди, холос. Туркистондан, узоқ-яқиндан таниш-билишлари келганда, уларнинг бирортаси транзисторга ишқивозлик билдирса, кўярда-қўймай олиб кетишга ундарди:

— Сизга бўла қолсин. Менда тагин икки-учтаси бор. Эслаб юрасиз. Йўқ, деб кўнглингизга келтириб ўтиришни ўйламанг ҳам...

Меҳмон кетгач, Миржалолга тайинларди:

— Устидан чиқиб қолсанг, биттасини ола келиш ёдиндан чиқмасин!..

Миржалол:

— Шу одатингизни сира ташламадингиз-да,— деса, домла қўл силтаб, жилмайиб қўя қоларди.

— Кўнгли кетибдими, ранжитиб нима қиламан. Мендан хотира-да. Менинг ёшимга етиб юрсин дейман...

Ўзгалар кўнгли деб ўртанган домлага ҳавасимиз келади. Бошқа савол бериб ўтирмаймиз.

Домланинг тўнғич куёви, Дорожоннинг турмуш ўртоғи, камтарин Файзи ака эса шундай дейди:

— Домлангизга куёв (нафақат куёв, ўгил деяверинг!) бўлдим соат билан туфли харид қилолмай қолдим. Қайси сафардан қайтмасинлар, яп-янгисини қўлимга тутқазардилар-да, нолиб кетардилар: «Ўғлим, манави туфлини ўзимга олувдим. Кўрмайсанми, тор келиб, жуда ҳам қийнаб қўйди. Сенга тўғри келар, дейман-ов. Олмасанг хафа бўламан!...» Домла шундай самимий, рад қилиб бўлмас сабаблар топиб гапирардиларки, олмасликнинг иложи қолмас, ранжитиб қўйишдан хайиқардим. Домла менга қўл соат такдим этишни хуш кўрардилар. Тақиб юришни ёқтирмаганим (ё паришон-хотирлигим учунми) нуқул соатим ёдимдан чиқиб қолаверарди. Домла, биров олиб қўйган ё йўқотган гумон қилардилар-да, қайси куни олиб берган соатингиз уйда турибди, деб ёлворишимга қарамай, сўнги нусхасидан тақиб қўяр ва мақтаб кетардилар: «Шу фалончи десанг жуда ҳам мақтаганиди. Ростдир-да. Қара, қандай ярашди, буюрсин!..» Бир куни борсам, ҳар галгидай аввал дастурхонга ундадилар. Ёрқиной аям сўрашиб, оҳистагина чой қўйиб кетдилар. Мирзатой, ҳеч ким емаса ҳам, мураббо келтирди-да, суҳбатга шерик бўлди. Бир пайт, негадир домланинг кайфияти бирдан тушиб кетди. Индамай қолдилар. Тишларининг гижир-гижери авж олаверди. Мирзатой у ёқ-бу ёққа қараган бўлди-да, туриб, мураббо учун қошиқ келтириб қўйди. Ҳеч нарса емаган бўлсалар ҳам домла мисвок билан тишларини тозаллаган бўлдилар. Кейин: «Қаранг, бизнинг уйда чойқошиқ ҳам бор. Қани, мулла Отаёр, олиб ўтиринг», дедилар...

Кўнгли ўта нозиклигидан, уйдагилар унинг кайфиятида-ноқ нима кераклигини англаб олишар, ҳамма ишни вақтида, ўринлатиб бажаришга уринишар эди.

Миртемир домда элик йиллигида элга ош тортадиган бўлди. Биров кириб, биров чиқиб турибди. Дошқозонлар тагига ўт қаланган. Энг яқин шогирдларидан Саъдулла Сиеёв, ҳаммаслақларидан саналган Акмал Пўлат, ўгли Миржалол,

жиянлари, адабиётшунос Наим Каримов ва бошқалар домланинг кўнглини тоғдек кўтариб, меҳмонларни хушвақтлик билан кутиб олишяпти. Бир ёқда хонандалар хониши юракларга завқу шавқ бағишлайди.

Миржалол нимага қанча пул кераклигини айтади. Домла ўта сахийлик билан ён чўнтигидан санамай пул узатади.

Бир маҳал, эъозли меҳмонлардан бир гуруҳи келиб қолди.

Миржалол домла томон энгашиб:

— Фалончи акалар келишяпти, қарши олинг,— деди ва ўзи меҳмонларга пешвоз чиққани чоғланди.

Гап нима ҳақдалигини дурустроқ англаёлмаган домла шартта ёнига қўл соларкан, сўради:

— Қанча дединг?

Бирдан домланинг соддадилу беғуборлигидан атрофдагилар хушҳол кулиб юборишди. Баъзилар эса домлага ҳавас билан қарашди.

Бир куни домла соғлиғидан шифокорга нолиди.

— Кўп ўзингизни чарчатманг, кам ишланг, асабингизни асранг, кўп ухланг...— Шифокор яна анча нарсаларни уқтирди.

— Қамоқнинг ўзи-ку, бўтам,— деди домла.— Кўпроқ нафас олсам бўладими? Май-чи, май?.. Нима дейсиз?

Шифокорнинг халқ шоири билан ҳазиллашгиси келиб:

— Бир қадах чойга уч-тўрт томчи коньяк,— деди.

— Ҳа...— деди домла.— Бир томчи денг?..

«Бир томчи» деган сўзни ўзича тушунган домла уйга қайтгач, таъби тортган кезлар бир қадах коньякка уч-тўрт томчи чой кўшиб ичадиган бўлди.

Баъзан Ёркиной ая куйиниб шундай дерди:

— Билмасам, доктор йигит шунақа деганмиш. Фойдали-дир-да...

Хасталиги ўзгармаган Миртемир яна шифокорга рўбарў бўлди:

— Дору дармонларингн ичдим, айтганингдай бир қадах коньякка уч-тўрт томчи чой кўшиб ҳам ичдим, фойдаси бўлмади.

— Нима?!— деди шифокор эҳсонаси чиқиб.— ҳамма ичган дори-дармонларингиз ҳавога учиб кетибди-да. Ахир мен тескарисини айтувдим-ку...

У домланинг қулоғи огирлигини сезиб, энгашди-да, қаттиқроқ деди:

— Тескарисини айтувдим, тескарисини... ҳазиллашувдим-да.

— Ҳазилнинг ўрними,— деди Миртемир турар экан,— бир қадах чойга уч-тўрт томчилигини англасам, овора бўлиб юрмасдим. Ахир, оғизни таъмини кетгазиб нима қилдим.

Миртемир чиқиб кетар экан ўйлади:

— Хўп гўлман-да, қулоқ оғирлиги ҳам жуда ёмон, бир қадах чойга уч-тўрт томчи коньяк эмиш... Ҳм... анойингни топибсан...

Бир куни, яна топшириқ билан борсам, меҳмон ўтирибди. Домла хурсандлигидан ўзини қўярга жой тополмайди.

— Биласизми,— деди домла соддадиллик билан.— Қай куни тоғлик районларда айландик. Қайдан билай, хуш ёқиб, эчки қатигидан кўпроқ ичиб қўйибман. Мен-ку мен, тоғ кишиларига зўрлик қиларкан у. Ёирпасда денг касал бўлиб қолдим — кўпчилик овора, мана шу меҳмон — райком секретари, барака топкур, у ёқдан-бу ёққа чопган, кўрқиб кетган. Ҳаммасини сезиб турибман. Кейин, уйимга кузатиб қўйишди. Мана энди, ўзи кўнгил сўрагани келибди. Ҳамма ишни ташлаб-а!..

Аммо, домла ўзининг анов-манов кишилардан эмаслигини ўйлагиси ҳам келмасди.

— Менга қаранг,— деди бир оздан сўнг домла,— хайрлашаётганда мана шу ручкани ҳадя қилсам оғринмасмикин?..

Қарасам, домланинг ўзига ҳадя қилинган қимматбаҳо тилла ручка.

— Ахир, Сизни ҳурмат қилиб, кўнгил сўраб келибди. Аксинча ҳадядан оғриниб қолар...

— Йўқ,— деди домла.— Барибир меҳмоним ахир!..

Кейин, меҳмон хайрлашаётганда домла ҳалиги ноёб ручками қўярда-қаўймай ҳадя қилди:

— Олмасангиз хафа бўламан, мендан эсдалик. Хотира сифатида эслаб юарсиз...

...Шундай қилиб айтмоқчи бўлганларимга нуқта қўйсам бўлар. Лекин Миртемир ҳақидаги хотираларга, у ҳақдаги гапларга нуқта қўйиб бўлармиди? Асло! Унинг ардокли замондошлари, кириқлари қадар азиз, бесаноқ издошлари ҳали бу хотираларни давом эттирадилар, ўзларининг содиқ шогирд эканликларини кўз-кўзлайдилар. Ўқиган ўқиб ҳоримайди.

Мана кўрасиз, шундай бўлади...

— Миртемирнинг хотирамизда, халқимиз қалбида яшаб келаётгани, шуҳрати ва шукуҳи республика сарҳадларидан узоқларга чиқиб кетгани — унинг ижодий қудрати ҳамда фазилатидан шаҳодат,— дейди академик Воҳид Зоҳидов.—

Шоирнинг ёрқин сиймосининг, образининг шеърларда, хотира ва қалбларда, шуҳрат ва шукуҳларда яшаб келаётганлиги ҳам шундан — қалбининг гўзаллиги, ниятининг эзгулиги ва ижодининг қудратидан далолат. Шундай азиз ва улуғ зот билан халқимиз ҳам, адабиётимиз ҳам фахрланади!.. Мен ҳам ярим асрча вақт ичида дўст, узилмас дўст бўлиш бахтига муяссар бўлганларданман, — дейди.

Ҳа, худди шундай!

— Азиз китобхон! Умри Миртемирдек эзгуликка бахшида инсонларга сиз ҳам ҳавас қилинг, ўшандайларга эргашинг, адашмайсиз...

АРМОН

Оппоқ ва қийғоч гуллаган новдаларнинг тасвири ўта бошлайди. Баҳор кайфиятига уйғун куй фонида гуллаган новдаларнинг йирик тасвири олислана боради-да, аммо саранжом-сарийшта ҳовлидаги дарахтлар ва гулларнинг эрта кўкламги манзараси умумий кўринишда намоён бўлаверади: ҳовли тўридаги мўъжазгина айвонли уйнинг очиқ эшигидан Миртемир домла чиқиб кела бошлайди. Домла гулларга термилади, ҳовлига назар солади, баҳор сулувлигидан хушҳол кайфиятда яна қийғоч гуллаган новдаларга қарай-қарай яқинлашаверади. Гуллаган новдаларнинг йирик манзараси, сўнг умумий кўринишдаги тасвири яна қайтарилади. Яна устоз Миртемир айвондаги очиқ эшикдан чиқиб кела бошлади...

Шоирнинг шеърларини тинглаймиз...

...Устоз чехрасининг йирик тасвири олислаб, яна ҳаракатдаги ҳолати давом этади. Домла гуллару новдалар билан ортда қолади-да, кўз ўнгимизда ижодхона намоён бўлади. Аввалига шоир ижодхонасининг умумий кўриниши оҳиста тасвирланади, сўнг китоб жавонларидаги шоирнинг ўз китоблари сафи бир-бир назаримиздан ўтади. Кейин, китоб жавонлари устида турган шоирнинг рассом Абдулҳақ Абдуллаев томонидан чизилган сурати кўринади.

Булар — Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида 1980 йили ишланган «Миртемир» ҳужжатли фильмининг бошланиши. Ўшанда устоз таваллудининг етмиш йиллиги муносабати билан фильм ишланадиган бўлди. Фильм сценарийсини менга топширишди. Режиссёр Ғайрат Шодмонов, оператор Элдор Мамедов, Маннон Ғани муҳаррир эди.

Дастлаб устоз ҳақида хотиралар йиғдик. Ижодхонаси,

архиви билан яқиндан танишдик. Туркистонда, умуман, домла қадами теккан жойларда бўлди.

Студияда домла иштирок этган фильмлар йўқ ҳисоб экан. Хайрият, кинооператор Азиз Рихсиев суратга олган айрим кадрлар ҳамда Ўзбекистон телевидениесига домланинг ўзи шеър ўқиган эшиттириш ленталари асқотди. Фильмда устознинг тўлароқ қатнашувига эришилди.

Фильм финали шундай эди: устоз яна ижодхонасидан чиқиб келяпти. Баҳор барқ урган новдаларга қараб жилмайиб кўяди. Миртемир домла шеър ўқияпти. Домла — анҳор бўйи — тўғон бошида. Домла боғбон билан суҳбатда. Миртемир домла кекса отахон билан суҳбатда. Устоз Миртемир гул ҳидлаяпти. Домла яна шеър ўқияпти. Устоз кенг, сўнгсиз бир хиёбонда кезаяпти.

Шу аснода, гўё чексизлик қўйнидан Гафур Ғулومнинг ўша ҳазил мисралари жаранглайди:

Сулув шеъриятнинг туғин кўтариб

Жиндай газалхон, танти шоир Миртемир келаётир...

Бундай кезларда биз учун азиз бўлиб қолган шоир ижодхонаси хаёлдан ўтади, китоб тўла жавонлар. Оддийгина стол-стул. Кираверишда тахта каравот, илиғлик кийимлар... Буюк Ленин ва доҳийларнинг, Тагор, Толстой, Махтумқули, Пушкин, Абай, Авезов, Руставелиларнинг бюстлари. Рассом Абдулҳақ Абдуллаев чизган Миртемир сурати. Бири-биридан кичрайиб борувчи, оқ мрамрдан ишланган филлар ҳамда қаёққадир шошаётган кийиклар ҳайкали. Қарағанда металл заводидан эсдалик. Ноёб луғатлар. Ҳар хил қаламдонлар. Дастхатли китоблар. Қўлёзмалар. Қораламалар. Ҳовлига қараган кенг, очиқ деразалар. Газета-журналлардан қирқиб олинган табиатнинг гўзал манзаралари, дуркун қизлар суратлари...

Тагин байрам — Янги йил арафаси — ёшлик ва яшариш, улғайиш ва қутлуғ дамларда қутлуғ Янги йил байрами етиб келди. Аслида бизнинг ҳар кунимиз байрам. Ахир, ҳар кунимизнинг ўзи бир қутлуғ сана, ошилган қутлуғ доvon сурури эмасми? Ҳа, шундоқ!

Манглайда толе қуёши балққан халқимиз ҳар галгидай тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган муборак саналарни, ҳаёти ва ишлари билан абадий ибрат бўлиб қолган фарзандлари таваллудларини, Улуғ Ватан уруши галабаси ва бу галаба Алпомишлари қаҳрамонлиги хотираларини, дўстлик ва биродарликнинг абадийлиги учун ҳисса бўлиб қўшилган са-

наларни, баҳор ва санъат байрамлари. яна жуда кўп қўшалок шодиёналарни хурсандчилик билан нишонлади.

— Шундоқ!— дейди домла.— Бундай олиб қараганда ҳар кунимизнинг ўзи бир байрам! Ахир, қолдираётган аниқ қадамимиз, ўтаётган ҳар бир кунимиз, фан ва техникамизнинг ҳар дақиқада яратаётган мўъжизалари, меҳнатимиз, ўйлаган ўйимиз, эрта ва индинларга бўлган ишончимиз— ҳамма-ҳаммаси қувонч-ку! Ва бу қувончларнинг барчаси— эзгу байрам, байрам кайфияти, дегани эмасми ахир!

Шу боисдан кўкларга тенгми,
Ҳар кунимиз тарих саналур.
Кутлуғ эрур ҳар бир кунимиз,
Ҳар кунимиз байрам аталур!

Домла гўзалликни ардоқларди. Гўзалликни ардоқлай билишни ҳам санъат даражасида кўрарди. Бонси — гўзалликни кўра билиш бахти ўз-ўзидан келмаслигини яхши тушунарди. Ўз бошидан ўтган эди-да!..

Нотанти ажални асло ёқтирмасди. Шеърларида: «Ўлимнинг ногаҳон босқини ёмон!», «Ўлимни ўлдирсак эди энди биз» сингари мисралар учраши шундан эди.

Шайхзода ҳаёт билан видолашганда устоз олисда эди. Аммо бемаврид ажалдан фарёд солиб телеграмма йўллаганди: «Жаҳон тинчини, замон тинчини ва инсон тинчини бузаётганларга чанг солсанг бўлмасмиди! Бировлар бахтини ўғирлаб, бировлар омадига ишини тўғрилаб ҳаёт кечираётганларга чанг солсанг бўлмасмиди!..

— Нотанти ўлимнинг бемаврид келгани ёмон,— дерди домла.

Яхшиларга умр тиларди, яхшиларга омад тиларди.

Лекин...

Яна фильмдаги тасвирларни эслайлик.

...Бирдан мотам куйи инграб, 1978 йил календарининг 24 январь варағи дилларга жудолик қайғусини солиб, асабий титрай бошлайди.

...Тагин баҳор. Яна Миртемир ҳовлиси. Новдалар қийғоч гуллаган. Энди кинокамера назарига эргашиб, шоир ижодхонасига эмас, балки ҳовли эшикдан тишқарига чиқамиз. Кўчада мактабга кетаётган бир тўп жажжи қизалоқлар, ўғилчалар шоир уйига кираверишдаги ёдгорлик лавҳаларини ўқишяпти:

Бу уйда Ўзбекистон халқ шоири Миртемир яшаган ва ижод қилган (1940—1978).

Ўқувчи қиз ва болалар кўча бўйлаб кета бошлайди. Кино-

камера бир уларни, бир кўчанинг икки тарафидаги уйларни кўрсатади. Яна ўқиймиз. Миртемир номидаги кўча. Бу лавҳа бир неча уйларни ўта бориб кўрсатилиб туради. Сўнг Миртемир номидаги мактаб, Туркистондаги Миртемир номидаги кўча ва мактаб, Миртемир номи билан боглиқ масканлар намоён бўлаверади...


Ўша армонли, аянчли дақиқалардаёқ турли ташкилотлардан, қардош ёзувчилардан, турли ёшдаги, турли касбдаги кишилардан таъзияномалар оқиб кела бошлайди.

Ҳа, ҳаммамизнинг қадрдонимиз устоз Миртемир мангу уйқуда. Аммо фильмда иштирок этган шогирди Барот Бойқобилов айтганидек, устоз: «Шуълали овоз билан келиб, қуёшли садо билан кетди». Устоз доимо халқ билан бирга эди, халқни севарди. Шундан-да, унинг мисралари доим жаранглайверади:

Халқим етагида етдим вояга,
Халқ билан кулдим.
Бардошим сўз бермас, дейман қояга...
Розиман, ўлгунча халқим деб ўлдим.

ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

КЎНГИЛ ОЛАМИ



Ой ёритса-ёритмаса — ойдир.

Инглиз мақоли

ТУГАНМАС ХАЗИНА

Утаётган ҳар бир дақиқа, ҳар бир кеча-кундуз гўё тушга ўхшайди. Ҳазимиздан бошқа бахтли одам йўқдай. Минг тўққиз юз олтимиш бешинчи йилнинг кузи эди-да!..

Унингчини тугатиб, ўлка пойтахтига келган биз ёшлар улуг Ленин асос солган Тошкент Давлат университетига эндигина таҳсил ола бошлаганмиз, денг. Ўша лаҳзаларни бетакрору беқиёслигини ифодалаб бўлмас дейман. Қутлуг даргоҳ сабоқларию талабаликнинг таъриф-тавсифи беадок файзли кеча-кундузлари, муҳаббатнинг инжиқ синоқларию илм уммонидан келмиш ҳаяжонли дамлар, шоиру шоиралар, олиму адиблар иштирок этган давралар ҳарорати хотирадан ўчармиди! Уч қаватли муқаддас бино — ТошДУ Ин-

килоб хиёбонида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси эса унга шундоққина туташ — Хадича Сулаймонова кўчасида — Алишер Навоий номидаги асосий кутубхона қаршисида эди. Уюшма йигиними, мушоира ё ижодий мунозара бўлармиш, деган хабарни эшитсак бўлди: дарҳол шамолдек елиб борардик. Чунки, албатта адабиётга, ижодга алоқадор бирор бахс бўлар, Ойбек ё Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом ё Шайхзода, Миртемир ё Собир Абдулла, Ғайратий ё Саида Зуннунова, Комил Яшин ё Зулфия, Уйғун ё Асқад Мухтор, Саид Аҳмад ё Назир Сафаров ёки бугунги кунда катта адабиётимизнинг катта устозлари қаторида турган талай ижодкорлардан ибратли сабоқлар олардик-да!

Шундай хаяжонли мулоқотлардан биринчиси асло ёдимдан чиқмайди.

...Кунлардан бир кун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида қандайдир ижодий йигин бўлди. Чамамда, ёш ижодкорлар билан боғлиқ эди. Танаффус пайти фойега чиқдик ва устоз ёзувчиларимизнинг (ўша куни китоб дўкони келтирилган эди) китобларини олиб, дастхатлар ёзириб олдик. Ғафур Ғуломнинг беш томлик асарларининг биринчи томи чиққан эди. Бирини олиб, мен ҳам фойеда салобат билан қўр тўкиб юрган Ғафур Ғуломга рўпара бўлдим:

— Домла?..

— Хўш, мулла?..

Домланинг кўзларимга қатъий тикилганча фавқулодда берган сўроғидан довдираб қолдим. «Шу... шу...» дея қўлимдаги китобни узатдим...

— Ҳа... Автограф дегин? Қани, ручкангни ол-чи.

Қизариб нима қиларимни, ўзимни қаерга қўяримни билмай қолдим. Келиб-келиб, шу куни ручкасиз чиққан эканман.

Ғафур Ғулом:

— Сени қара-ю, тагин ёзувчи бўлармиш, — деди гулдираган овоз билан ва ён чўнтагидан ўзининг тилларанг ручкасини олиб, тагин гулдираган овозда деди:

— Отинг нима?

— Отаёр...

— Дуруст, дуруст... фақат отанга эмас, дўстларингга, шеърятга, эагуликка ҳам ёр бўлгин, маъқулми?

Шундай дер экан, домла Ғафур Ғулом ўз китобига қуйидаги сўзларни ёзди:

«Укам Отаёрга. Бундан буён сенга классиклар ёр бўлсин, катта ёзувчи бўл.

8.IX.65».

Ғафур.

Бу ўринда, ҳали дастлабки машқлари билан терисига сигмай юрган мендек бир ҳаваскорга, Ғафур Ғуломнинг дастхат ёзиб берганини кўз-кўз қилмоқчи эмасман. Балки, устознинг шу икки калима ишонч тўла дастхатининг ҳамиша сабоқ бўлиб келаётгани, ҳамиша нимагадир интилиш лозимлигини эслатиб турганлигини айтмоқчиман.

Аслида, қаламкашларнинг китоб жавонларидаги китобларнинг тўқсон фоизида муаллифларнинг ўз автографлари ёзилган, улар ё устоз ёзувчиларнинг, ё бир-икки одим олдинда бораётган ижодкорларнинг, ё тенгдош қаламкашларнинг, ё издошларнинг дастхатлари бўлади...

Хулласи, академик шоир Ғафур Ғулом билан ўша бир дақиқалик мулоқот ёдимга тушди дегунча, унинг мана бу мисралари дарҳол тилу дилимга кўчади:

Туганмас хазинангни
Тинмай қозиганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин,
Шеър ёзганим бўлсин.

Кейинчалик улугворлиги баланд қояларга менгзагулик бу устозлар билан редакция топшириқлари туфайли учрашишимга, баъзилари билан кўп бор сафарларда бўлишимга, улар ишончига дарз едирмаслик учун ҳаракат қилишга тўғри келди.

Аммо...

Аммо, ўша пайтлар бир неча буюклар билан дастлабки учрашувларимиз, мулоқотларимиз биринчиси ва сўнггиси бўлиб қолганлиги армон-да ҳануз!..

Орадан кўп ўтмай зилзила рўй берди. Ташвишлар, Тошкентни қайта қуриш... Сал фурсатдан сўнг эса... Домла Ғафур Ғулом вафоти ўзбек халқининг, наинки ўзбек халқи, жуда кўп қардош элларнинг, шеърят оламининг, эзгуликка ташна, умри боқий тонгларга мушфиқ жуда кўп элларнинг қалбини ларзага солди.

Сўнг... ўзбек совет адабиёти учун яна оғир жудолик кунлар бошланди: бирин-бирин Ойбек домла, Шайхзода домла, Абдулла Қаҳҳор домлалар ҳам мангуликка бош қўйдилар. Бу — ана шу улкан сиймоларнинг сабоқларидан эндигина ташналаб симираётган, эндигина бир-икки бор қисқа, аммо бир умрга татирли суҳбатларидан баҳраманд бўлаётган биз ёшлар қалбида ҳам оғир жароҳат қолдирди!

Бу армонли сатрларни мен гапимнинг индаллосини айтиш учун битдим. Чунки Миртемир домла билан илк та-

нишувимиз худди ўша йилларга тўғри келган. Талабаликнинг иккинчи йилини охирлаётувдик шекилли. Тошкентда Пушкин номли ва бошқа истироҳат боғларида, маданият саройларида, аксарият пайт Ёзувчилар уюшмасида, билим даргоҳларида тез-тез адабиёт байрамлари бўлиб турар: ижодий мунозаралар, мушоиралар давом этар, китоб бозорлари ташкил қилинар, кўшиқчи-шоирлар иштирокида шеърят ва санъат кечалари бўлар, атоқли адиблар билан учрашувлар, адабий кечалар ўтказилар эди. Бир куни бегараз, самимий, аниқроғи биз ёшлар учун сабоғи бир дунё шундай тадбирларнинг бири Ёзувчилар уюшмасида жуда қизғин, ҳаяжонли давом этар, белгиланган муддат эса тугаб борар, аммо ҳеч кимнинг қимирлагиси келмас эди. Ахийри ўн дақиқа танаффус эълон қилинди. Уюшма фойесида эса китоб дўкони очик, шу йиғинда иштирок этаётган қаламкашларнинг аксариятининг китоблари ҳам келтирилган, бизлар эса, боя айтганимдай, улкан адиб ва шоирлар китобига дастхат ёздириб олишним бир бахт деб билардик-да!..

Шундай қилиб, китобни кўтариб, минг истиҳола билан домлага яқинлашдим.

— Дастхатдир-да, бўтам,— деди домла яқинлашганимда, мен томон сал энгашиб.

Биринчи кўришиш, сўрашиш... салобати босди. Боз устига, домланинг қулоғи оғирроқ эканлигини у пайт невай, янаям тортиниб қайтардим:

— Ҳа... домла.

Миртемир домла фойега қўйилган ўриндиққа оҳиста чўқар экан, сўради:

— Исми шарифингизни нима дейин?

— Отаёр Наҳанов...

Домла чаш қулоғи ортига кафтини тўсиқ қилганча, гавдаси билан эгилиб яна сўради:

— Нима дедингиз?

Мен яна дадилроқ овозда қайтардим.

— Ҳа!..— деди домла, «Ҳа!..» Сўзини жуда ёқимли бир оҳангда чўзиб.— Ота Эрнаҳанг ўғлиман денг... Яхши, яхши. Наҳанг деган сўзнинг маънисидан бохабардирсиз албатта. Катта балиқ дегани-да! Уммондаги анов-манов ҳайвонларни нари обориб-бери олиб кеб юради. Руслардаги «акула» сўзига менгзаса бўлар-ов.

Сўнг ўзига хос хуснихатда, дона-дона, йирик ҳарфларда ёзди: «Ота Эрнаҳанг ўғлига! Исми шарифини оқлаб юрсин. Чин кўнгилдан».

Шу-шу домланинг фавқулодда жуда оддий, гўё болалигимдан буён танийдигандай илиқ бир оҳангда, улугворлиги

ва салобатига тамоман зид — камтар бир хатти-ҳаракатдаги ушбу лаҳзалик мулоқот қалбимда бир умрга муҳрланиб қолди!

ОҲАНРАБО

Орадан бир неча йиллар ўтиб, дорилфунунни тугатиб, газеталарда ишлаб, қаламни оз-моз қайраб олгач, тўнғич тўпламимни кўтариб, иймана-иймана домлага йўлиқдим.

— Айбга буюрмассиз, домла, шу... тўнғич тўпламча гайёрловдим.

Бу пайтларда домла билан бир неча бор суҳбатлашишга газета топшириқлари туфайлидан хонадониди ҳам тез-тез бўлишимга тўғри келар эди. Аммо, домладаги самимийлик ва камтарлик қанчалик бетакрор, таърифлаб бўлмас даражада оддий бўлмасин, устознинг чеҳрасиди қандайдир сирли донишмандлик, пок бир туйғу ифодаси балқиб турарди. Оқибатда у билан ҳамсуҳбат бўлган ҳар қандай киши бу сиймо олдида сипо тортиб қолар, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришга тиришар, «қовун тушириб» қўймасликдан албатта ўзини тияр эди.

Алқисса, ўшанда мен ҳам тўнғич тўпламимни домланинг назаридан ўтказиб олиш илинжида берар эканман, елкамдан зил юк босиб турарди. Минг хил хаёлларга борар эдим.

— Қолдиринг-чи, вақт топиб қараб чиқарман.

Вазият ўзгардию бирон ҳафта ўтмай, домлага қўнғироқ қилдим.

— Домла, минг бор узр, сизни безовта қиялман. Союзда, ёшлар семинарида негадир қўлёзмам навбатдан ташқари муҳокамага қўйилибди. Индинга, тушлиқдан кейинга...

Домлани сўроқлаб ёзув столидан бемаврид турғизганимга қарамай, ранжиганнамо эмас, мутлақо енгил, одатича вазмин овозда деди:

— Бўтам, мен рози. Малол келмаса индинга, муҳокамадан олдинроқ яна бир ёдимга соларсиз.

— Раҳмат, домла!

Бир куннинг ўтиши наздимда бир йилча чўзилди-ёв!..

Эртаси белгиланган муддат яқинлашган, Ёзувчилар уюшмасининг кичик зали тирбанд — ёшлар устозни кутар, унинг ўгити беадоқ сабоқларини тинглашга илҳақ туришар эди. Бу пайтлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқа бинода — Пушкин кўчасидаги 1-уй, тарихий воқеалар кечган уч қаватли масканда эди.

Вақт ўтиб борар, Миртемир домла, гарчи ҳаётида ҳеч

кимни куттирмаган ё бирон-бир ранжитмаган бўлишига қарамай, негадир кечикмоқда эди. Биз хавотир-ҳадикка тушиб қолдик. «Гинчмикин ишқилиб, тоби қочиб қолган бўлмасин...» Қўнғироқ қилишга истиҳола қилиб, йўловчи бир машинада уйига етиб бордим. Ерқин ая мени кўриши билан: «Ярим соатча бўлди, безовта қилманглар, сал туриб чиқаман, союзга боришим керак, деб, хонасига кириб кетувдилар», дедилар. Шу пайт эшикдан домланинг ўзи кўринди.

— Э, бўтам, роса қийнадимми ёшларни! Бир оз кутишди-да, жуда ёмон бўлди-да. Ёдимга солинглар, дегандим-ку, қани кетдик.

Дарвозада ҳалиги йўловчи машина кутиб турган эди.

Шофёр билан ҳол-аҳвол сўрашиб, орқа ўриндикда хаёлга берилиб кетаётган домла бир пайт мурожаат қилиб қолди:

— Мунча имиллайсиз-а, шофёр бўтам! Сал шошилсангиз бўлармиди...

— Кечирасиз, кўряпсиз, йўл тайгоқ, қиш бўлса...

— Шундай бўлсаям иложини қилиб, сал жадалласангиз, дейман-да. Ахир, шунча одам бир кишини кутиб ўтирса, хунук иш бўлди-да...

Билсам, бугун ёшлар суҳбатига тайёрланиш домланинг ёдидан кўтарилган экану (ижодий ишлари кўпайиб), оз муддат қолганига қарамай, қўлёмани охиригача кўздан кечирган экан.

Шундай қилиб, тезлигини оширган машина, уюшмага яқин қолганда, «Зарафшон» ресторанининг шундоқ биқинидаги светофор ёнидан ўтиб бораётган пайти қизил чирок ёниб қолди-ку. Шофёр тормоз берди.

Машина юпқа муз тортган асфальт йўлдан тайрилиб бориб, орқа ғилдираги йўл четидаги савлат тўкиб турган дарахтларнинг бирига тақ этиб урилди-ю, ўчди-қолди. Оғир мен учун совуқ ва ўта хижолатли жимлик чўкди. Биз нима дейишни, нима қилишни билмай турардик. Бизларни бу ноқулай вазиятдан чиқариш учун домла ярим ҳазил, ярим чин оҳангда деди:

— Ана, мулла Отаёр, ҳали шоир йўлидаги довларнинг тоғларни йиқитгулик инжиқликларига бардошингиз етади-ми, йўқми, манови тўнғич китобчангиз чиқадими-йўқми, билмайману, аммо Миртемирнинг ўлиб кетишига сал қолди.

Миртемир домла ҳазил қилган бўлса ҳам, чамаси, вужудим музлаб кетгандек эди ўшанда. Машинани ариқчадан чиқариб, союзга етиб келганимизда ҳам хаёлим ўзимда эмас эди. Ҳадикда кутиб турган ёшлар Миртемир домлани дурсаб, иккинчи қаватга кўтарилишди.

Менинг тўпلامим баҳона, ёшлар домланинг бу гал ҳам бетакрор, залварли йиллар сабоғига тенг сўзларини тинглашини билган эдилар. Шундай бўлди. Ўша куни кечки олтиларда бошланган суҳбат қарийб тун яримлаганда тугади.

Бу суҳбат, айниқса, мен учун қимматли ва ардоқли бўлиб қолди. Чунки домла ўша куни айтмоқчи бўлган ўғитларини менинг шеърый машқларим мисолида келтирган, тошширган шеърларимдан атиги ўндан зиёдрогинигина маъқул деб кўрсатган эди.

Бу — ҳаётимда кечган энг бахтли кунлардан бири — 1972 йилнинг 28 декабри эди.

Орадан бир йилча ўтиб, домланинг ўшандаги ўғитлари асосида сайқал бериб, булбулнинг тилидайгина китобча тайёрладим. Домла икки оғиз сўз ёзиб берди. 1975 йили у домланинг фотиҳаси билан босилиб чиқди. Бошим осмонда эди. Аммо, домла бир куни деди:

— Китобчангизни варақлаб чиқдим тагин. Айрим машқларингизни киритишга бекор шошибсиз. Китоб номи учун ҳам тортишишингиз керак эди. «Ишқим баёни» — анча чучмал гап. «Ишқим» деб қўяверса бўларди...

Шу-шу, нимаики ёзсам, нимаики иш қилсам қониқмасликка, ўз-ўзимга савол беришга кўникдим. Домланинг (ўшанда тан олишим анча оғир бўлган) дастлабки сўзлари, энди бир умрга татирлик фазилату жилолари билан қалбга муҳрланиб қолган сабоқ мактабига айланди. Устоз Миртемир мактабидан баҳраманд бўлмоқни истаган ҳар бир ижодкорни у худди оҳанрабодай эрта-индинларга чорлаб туради.

ҚУТЛУҒ ДАРГОҲ

Мана, бугун ўша мактабни яратган миқти, аммо салобати улуг ва тоғбардош Миртемир домла ижодхонасида ўтирибман. Сиз ўқиётган ушбу мисраларни ёзишга ундаган асарлар, мактуб ва ҳужжатлар, қораламалар ва архив напқаларни варақлашдан бош кўтаргим йўқ.

Мана, ўша марҳум Шерали Тошматовнинг «Тонготар ривояти» асарининг домла ўқиган варианты. «Манзара чизишга, образли гапиришга жуда устайди-да», дея ўксиниб эсларди Миртемир домла у ҳақида доим. Мана бу сатрларни алоҳида белгилатди: Шу лаҳза олисда Олой тоғларининг елкаси оша офтоб мўралади. Эрталаб Марям хина қўйган қўллариини Мадёрга кўз-кўз қилгандай... Очлик ва юпунлик замонларни эса бундай тасвирлабди: кейин дастурхонда қол-

ган зогора бурдасини қайси ўғлига илинишини билмай, хиёл иккиланиб қолди.

«Ёзи билан Зебо» халқ достонига ҳам домла турфа белгилар қўйиб ташлаган. Уни нашрга тайёрловчи «Анов тоғлар берман қараб нураган» мисрадаги «берман» сўзига белги қўйиб «настга» деган изоҳ берибди. Домла бўлса қаламда «настга» сўзининг устидан чизик тортибди-да, «бу ёнга» деб тузатиш киритибди.

Манови мактуб эса икки буюк қалб дўстлигидан дoston айтиб тургандай:

«Хурматли Миртемир!

«Головокружение от успехов» деганларидек, ўзингга маълум, тўйларим билан бошим айланиб қолган бўлса керак. Бугун сенинг Янги йил билан қутлов телеграммангни олганимда ўзимнинг шундай телеграмма бермаганимга уялиб қолдим. Қозоқлар: «Хечдан кўра кеч ҳам яхши», дейишди. Кеч бўлса-да, қутловимни қабул эт: Янги йилда янги бахтлар ёр бўлсин! Бола-чақанг билан умрлик бахтли бўл!

Сендан бир катта илтимос: Олмаотада «Халқ овози» деган ном билан менинг юбилейимга бағишланган материалларнинг (китобнинг) «Ўланлар» деган бўлимида сенинг шеърларинг (Тошкентдаги йиғилишда ўқилган) ҳам берилса, деб ўйлаган эдим. Бу бўлимдан Иттифоқдаги бир талай шоирларнинг шеърлари ўрин олади.

Ўша шеърларни авиапочта орқали менинг уй адресимга тез жўнатишингни ўтиниб сўрайман.

Туғишганлик саломи билан Собит. (Муқонов — О.) — 1961. Олмаота».

Бундай мактубларни, уларга домланинг ёзган дил сўзларини ўқияшману, тўлиқиб, меҳру ҳавас туйғуларим ёш бўлиб кўзга қуйилади:

«Қадрли Миртемир!

Сени талантили шоир, тенгсиз таржимон сифатида қутлуғ эллик йиллигинг билан қутлайман! Қирғизистонлик қаламкаш дўстларинг ўзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб қирғиз халқининг буюк эпоси «Манас»ни, ҳозирги қирғиз шоирлари асарларини таржима қилганинг, таржима қилаётганлигинг, шунингдек, ўзингнинг кенг кўламли таржимонлик фаолиятинг билан кўп миллатли совет адабиёти-мизнинг катта дўстлигига сидқидилдан хизмат қилаётганинг учун беҳад миннатдордирлар.

Қадрли дўстим, ижодингда каттадан-катта муваффақиятлар, узоқ йиллар сиҳат-саломатлик, оилангга бахт-саодат тилаб қоламан!

20.VIII. 1961 йил».

Қувончбек Маликов

«Шу чоққача сўзламадим ножўя», деган эди Миртемир домла. Ҳа, домла ҳаётда фақат ножўя сўзламай ўтгани йўқ, балки ҳеч вақт дўстга ҳам, Ватанга ҳам, энг катта адабиёт ҳаққига ҳам ножўя қарамади, ножўя иш қилмади, ножўя хатти-ҳаракатдан, ножўя одамлардан ҳазар қилди. Ёш авлодни ножўяликдан олис бўлишга ундади.

Баланд ном баланд тоғдан улуғ, дейди халқимиз. Баланд номга эга ёш талантлар орасида кўпчилик. Шоирликнинг баланд, улуғ номига доғ туширмасликка бел боғлаган шоир келажagini яхши кўра олади. У нарвоннинг баланд поғонасини бир-бир босиб, машаққат чекиб, истеъдод азиятларига ён бериб забт этишни кўзлаган шоирларни ардоқлаб ўтди.

Миртемир домланинг ижодидан баҳраманд бўлиб келаетганлар қаторида мен бир нарсага аминман: адабиётимизда ўз мавқеини, ўз имконияти ва қадрияни, ижоднинг муқаддаслиги ва покизалигини яхши биладиган, энг муҳими, ҳавойи ғурурдан йироқ, камтарлик ва бардошни ошно билган ёшлар борки, кўп устозлар қатори Миртемирдан ҳам миннатдордирлар.

1982 йили «Миртемир замондошлари хотирасида» номли китоб нашр этилган эди. Унга хотиралар тўплашда Миртемир домланинг нақадар бағри кенг, анов-манов катта бир ижодкорнинг ўзида мужассамлаштириши қийин олий фазилатли ҷинсонлигига тағин бир бор имон келтирган эдим.

Мана, ҳозир ҳам ўша тўпламга кирган хотиралардан айримларининг сатрлари хаёлимда жонланиб турибди.

Комил Яшин:

— Миртемир айқин дарёдай ҳаётбахш шеърияти билан Совет Ўзбекистонининг поэтик солномасини яратган забардаст шоирларимиздан биридир. Атоқли сўз санъаткори кўп бадий юсак асарларини Ленин ва Шарқ, Октябрь инқилоби, халқлар дўстлиги мавзуларига бағишлади. Бир қанча бақувват шеърларида эса, бизнинг кунларимизда, бутун жаҳонда ленинча музаффар ҳақиқатнинг қудратли таъсири остида юз бераётган буюк ўзгаришлар манзарасини ўзига хос кенг тарихий назар билан теран идрок этиб, моҳирона тасвирлади.

Асқад Мухтор:

— Миртемир поэзиясининг энг кучли томони — унинг очик, тенденциоз гражданлик пафосидир. У гражданлик туйғусини шоир шахсини юксалтирувчи, камолотга элтув-

чи хусусият деб билар эди. Бу ҳам унинг ўз шахсидаги табиий, инсоний хусусиятларидан келиб чиқади.

Абдулла Тожибоев:

— Шарқ илмий самосининг ифтихори, буюк Улуғбек қанчалик хизмат қилган бўлса, Миртемир ҳам ўзбек шеърятини учун шунчалик хизмат қилди. Шунинг учун ҳам биз бугун Совет Ўзбекистони осмонида ёрқин нурларини сочаётган Миртемир юлдузи билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Тамарахоним:

— Миртемир асарлари нима ҳақда ёзилган бўлса, шу жиҳатлари билан, қалб садоси, оташин ватанпарварлик нидоси, ҳаёт ҳақиқатларининг етук поэтик ифодаси бўлганлиги билан менга, менинг қалбимга бениҳоя яқиндир.

Рувим Моран:

— Миртемир қиёфаси ўзини, даврини, халқини, юртини моҳирона тасвирлаган шеърятини билан шу қадар ўхшашки, унинг кундалик ҳаёти тафсилотлари, таржимаи ҳолининг зоҳирий мазмуни, учрашувларимизнинг барча тафсилотлари хотирадан ўчиб боради. Лекин бу унинг шеърини ҳаётининг асл моҳиятидир.

Туроб Тўла:

— Миртемир катта шоир эди. У ҳали ёш экан, Октябрни улуғлади! У ҳали маҳорат мактабини ўтар экан, Ленинни улуғлади! У ҳали маҳорат йўлида экан, партияни улуғлади!

Абдулла Орипов:

— Миртемир домла ҳақиқатан ҳам улкан инсон ва катта санъаткор. Домланинг асарларини кўздан кечириб, шунчалик «кўп ва хўб» ишлар қилиб қўйган одам бунчалик хоксор деб ажабланасиз ҳам...

Эркин Воҳидов:

— Миртемир домла камтарин инсон, ажойиб шоир — педагоглик салоҳиятига эга устоз эди.

Миртемир домланинг ижодий йўли шеърини юксакликларга олиб чиқадиган сермашаққат йўлнинг тимсолидир.

Хусниддин Шарипов:

— У эрмак учун ишламасди. Бу талабчан шоирнинг шеърхонга, халққа ҳурмати эди. Халқ нафасини сезувчи шоир ҳаёт тасвирида кам янглишади. Киши қанча кам янглишса, ҳақиқатга шунча яқин туради...

Ёдномалар, эъзоз ва эътирофлар... Биз жаҳоннинг атоқли ва буюк кишилари ҳақида қанчалик кўп хотиралар ўқиганимиз сайин уларнинг буюклиги ва атоқлиги ҳам шу қадар юксалиб бораверади!

МУҚАДДАС ЗАРРАЛАР

(Ёхуд муносиб ўғилнинг айтганлари)

Миртемир домла бугунги кунда ўзбек совет адабиётида юлдузлардай чарақлаб, кўплари эса жўжабирдай шогирдларига бош бўлиб турган шогирдлар қолдирибгина қолмади, ҳавас қилса ҳавас қилгулик фарзандлар ҳам тарбиялади, деган эдим. Кун деса кун, ой деса ой қизлар, ўғиллар, наваралар, чеваралар...

Айниқса Миржалоли, тўнғич ўғил...

У Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида катта редактор, таржимон, Миртемир асарларининг деярли ҳаммасини русчага сўзма-сўз ўгирган, отаси ижодини кўз қароғидек ардоқлаб келаётган куйинчак ўғил. Отасининг ўзи: Миртемир гўё жилмайиши ва хатти-ҳаракатларини, эркалигу мардликларини, одамохунлигу нозиккўнгиллигини, кўли ва кўнгли очиқлигини... шу фарзандига қолдириб кетгандек...

Тагин... Тагин бир гап. Ўзбек совет адабиётида яратилган, яратилаётган маъқул асарнинг (Москва нашрларида чиққан, чиқаётган) бир туя кўтаргулигини шу Миржалол сўзма-сўз русчага ўгириб бергандир-ов!..

Ҳай, булар майли. У билан ҳар гал кўришиб ё суҳбатлашиб қолгудай бўлсам, домланинг ўзи ёшариб қайтиб келиб, гўё мен билан суҳбатлашишни раво кўриб тургандай бўлаверади.

Фақат...

Фақат суҳбат мавзуи ардоқли отаси, атоқли устози ҳақида камтаргина сўзлаб бераётган ўғил — Миржалол эканлигини эслатиб туради. Унга ҳавас билан термиламан. Мана, ҳозир уни тинглаб ўтирибману теран ва титратма хаёлларга толаман.

Миржалолнинг одати шу: ҳар замон-ҳар замонда ўнг кафтини лабига босиб, сўнг пешонасига теккизиб қўяди. Сўнг давом этади.

— Сўнги кезларда ношир дўстларим ва ҳамкасбларим мендан отам ҳақида ёзишни, унинг порлоқ хотираси олдидаги фарзандлик бурчимни шу йўл билан ҳам ўташни илтимос қилишади. Уйлаб қарасам, дилдаги гапни қоғозга тушириш анча мушкул экан. Мен нима ҳам ёзар эдим? Оиладан бешта фарзанд бўлсак ҳам биронтамиз қаламкашликни отадан мерос қилиб қолмаган эканмиз, биримиз тупроқшунос, иккинчимиз врач, қолганларимиз эса шарқшунос. Аммо,

барибир отамни, биз — фарзандларидан бўлак, ҳеч кимнинг яхши билмаслиги аён. Шунинг учун ҳам мен эндиликда муқаддас бир ёғду бўлиб қолган хотираларимни қурбим етганича қаламга олишга аҳд қилдим.

Назаримда, отамнинг ҳеч кимдан ортиқ жойлари йўқдай. Ҳамма оталардек меҳрибон, фарзандларига гамхўр, ўрни билан қаттиққўл ҳам эдилар. Мен ҳеч қачон отамни ўзим тасаввур этган шоирларга ўхшатолмас эдим. Зотан, менинг тасаввуримда шоир деган одамнинг қават-қават иморатлик ҳовли-жойлари, киши кўзини қамаштирувчи боғроғлари бўлиб, башанг кийинган болалари ярақлаган енгил машиналарни шамолдай елдириб юрарди. Бизлар ўртамиёна яшар эдик. Даргоҳимизда дабдабаю асҳасадан ном-нишон йўқ эди. Бироқ, отам ниҳоятда бағри кенг одам — танти, қалби дарё, меҳмоннавоз эдилар. Яқин-йироқдан келувчиларнинг оёқ изи узилмасди.

Отам ўз дўстларини нақадар улкан муҳаббат билан севишларини, нақадар эъозлашларини жуда кўп кузатганман. Шу муносабат билан бир воқеани сўзлаб бермоқчиман. Бир куни эрталаб нонушта чоғи гангир-гунгур гаплашиб ўтирганимизда, ҳовлига чўпоннамо кийинган, юзлари офтобда қорайган, барвастагина бир қозоқ чол кириб келди-да, «Миртемирдин уйи шуми?!» — деб сўради. Меҳмон билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, уни дастурхонга таклиф қилдик. Биз, Қозоғистон, Қорақалпоғистон, Қирғизистон, буёғи бутун Ўзбекистон областларидан, хуллас, турли-туман жойлардан отамнинг турли касб-кордаги дўст-биродарлари, таниш-билишларининг кечая хоҳ кундуз «Ассалому алайкум», деб тўғри уйга кириб келаверишига кўникиб қолган эдик. Отам бояғи чол билан қозоқчалаб бир-икки оғиз гаплашдилару, бирдан иккалалари қучоқлашиб, бошқатдан кўришиб кетишди. Бу одам отамнинг болалик вақтларда Туркистоннинг қайноқ тупроқларини яланг оёқ бирга тўзитиб ўсган дўстларидан экан. Нақ ярим асрдан мўлроқ вақтдан кейин икки дўстнинг дийдор кўришуви!

Чол бола-чақалик, невра-эваралик, пири бадавлат экан. Мен уларнинг суҳбатига жим қулоқ солиб, чой қуйиб ўтирардим. Маълум бўлишича, чолнинг кенжа ўғли Олмаотага ўқишга боргану икки-уч йил ўқиб, уёғига эпломмай, ўқишни ташлаб кетибди. Юриб-юриб, уйга қайтиб келибди-да, домлаларим мени ёмон кўриб қолди, деб нолибди. Ўғилларининг бари колхозчию ишчи бўлиб, чол мана шу кенжа ўғлининг ўқимишли, зиёли бўлиб етишувини орзу қилар экан. «Айнана-ёв, чирағим, — деди чол отамга қараб, — шу боламга кўмаклашиб жубар». Чолни обдан меҳмон қилиб, кузатиб

қўйгач, отам менга аэропортга бориб, Олмаотага шу бугунга иккита билет олиб келишни тайинладилар.

Сўнгги пайтларда отам тез-тез бетоб бўлиб, хийла қувватсизланиб қолган эдилар, бирон ерга бормоқчи ё сафарга чиқмоқчи бўлсалар, мени ўзларига ҳамроҳ қилиб олиб юрадилар.

Биз ўша куни Олмаотага етиб бордик. Отам ҳалиги йигитнинг домласи билан учрашиб, боланинг ахволи билан обдан танишдилар, маслаҳатлашдилар ва бу йигит ўзини ўнглаб, тўғри изга тушиб олиши учун унга ўқув отпускиси беришни сўрадилар. Отамнинг илтимослари ерда қолмади. Икки кун меҳмонхонада туриб, яна Тошкентга қайтдик. Касал бўлсалар ҳам, бир оз чиқимдор бўлиб, ёшликдаги дўстларининг ҳожатини чиқариб келганларидан хурсанд эдилар ўшанда отам.

Модомики, отам тўғрисида ёзар эканман, қўлимдан келганича кўкларга кўтариб ёзишим керак-да, деган хаёлга борганимни яширмайман. Бироқ, отам гоятда камтарин одам эдилар, ҳеч қачон бировга шоирликларини пеш қилмас, ўз номларини сотмас, бизларни ҳам муштдайлигимиздан шундай тарбиялаган эдилар. Мен дўстларнинг маслаҳати билан ушбу қалб хотираларини қоғозга туширар эканман, отамнинг ортиқча мақтовга, бежама таърифларга муҳтож эмасликларини тушундим. Шунинг учун ҳам, ҳурматли ўқувчи, сизнинг ижозатингиз билан, мен учун хамиша азиз бўлган хотира саҳифаларига биргаликда назар солсак...

* * *

Бешинчи синфдан бошлаб, ҳар йили ёзги таътил пайтларида бирон-бир ҳунар ўрган, деб отам мени она қишлоққа, қариндошларимиз ҳузурига юборардилар.

Отажон деган бир тоғам бор, ўзи комбайнчи, бутун умри техника билан боғлиқ. Отам ўша тоғамни айниқса ҳурмат қилар эдилар. Бир йили бугдой ўрими мавсумида тоғам мени ёнида олиб юриб, комбайн ҳайдашни ўргатган эдилар. Ўша йили қишлоқдан қайтиб келгандан кейин отам мени сўроққа тутдилар: ҳамма тинч-омонми, амакиларинг яхши юрибдими ва ҳ. к. Мен отамнинг таъсирчан кўнглига огир ботмасин, деб уларнинг ҳаётидаги баъзи бир қийинчиликларни ялпизлаб гапирмоқчи бўлдим. Шунда отам менинг тайсаллаётганимни сезиб, «Бошингга қилич келса ҳам тўғри гапир», деб мени койидилар.

Укам Мирзатой эса бор гапни дангал айтадиган хилидан. Отам доим укамнинг шу феълени яхши кўрар, уйда бирорта

маслаҳатли иш чиқиб қолса, укамнинг гапига қулоқ солар эдилар. Менга қолганда қаттиққўл эдилар.

Бир воқеа учун ўзимни ҳалигача кечира олмайман. Армияга чақириқ қоғози келганда, баъзи бир таниш-билишлар: «Нима қиласан армияга бориб, уч йилинг бекор ўтиб кетади. Военком — отангинг қадрдон дўсти — отанг бир огиз айтса, сени хизматдан олиб қолади», деб маслаҳат беришди. Мен ҳам уларнинг гапига кириб, отамга: «Военком ўртоғингиз экан, армияга боргим келмаяпти, айтинг, мени қолдирсин», дедим. Отам ётиғи билан: «Ҳа, у киши дўстим, лекин одамлар фалончи ўғлини армиядан олиб қолди, демайдим, бошимни қандоқ кўтариб юраман. Борганинг яхши, қайтанга чиниқиб келасан», дедилар. Дарҳақиқат, ҳарбий хизматга бориб, хато қилмаган эканман. Қайтиб келганда, бўйим бир қарич чўзилган, совуқдан ҳам, иссиқдан ҳам кўрқмайдиган, ҳар қандай огир ишларни писанд қилмайдиган бўлиб қайтган эдим.

Отам бизларни ортиқча эркалатмаганлар. Лекин тунлари, улар одатда азонгача ишлар эдилар, ухлаганимизга ишонч ҳосил қилгандан сўнг хонамизга кириб, устимиздаги кўрпаларни тўғрилаб, «Туф, туф, ёмонларим», деб чиқиб кетар эдилару, кундузлари негадир ҳеч қовоқлари очилмай, бизларга хўмрайиброқ қарар эдилар.

Ешим йигирма олти-йигирма еттиларга борганда, бир куни юрак ютиб отамдан: «Нега бизга жуда қаттиққўл бўлгансиз?» — деб сўрадим. Отам чиройли кулиб: «Не-не профессору академикларнинг болалари эрка ўсиб, ёмон йўлга кириб кетган, одам ўлдириб, қимор ўйнаб, қамалган. Мен сизларни шундай бўлманглар деган эдим-да», деб жавоб қилган эдилар.

Отам ҳар уч-тўрт ойда ўзларига янги пойабзал олар ва бир оз кийгач, уни бизларга ёки қишлоқдан ўқишга келган бирорта жиянларига берар эдилар. Бир куни мен, нега кўп оёқ кийими олмасиз, деб бунинг сабабини сўрадим.

Отам бир оз сукут қилгач: «Ешлигимда қиш кунлари сандал ёки йиртиқ кавуш кийиб, қорда ҳам, жалада ҳам юрар эдим. Ҳа, детдомда бир бурда қора нону ярим коса бўтқа беришарди. Кўзларимга суриб-суриб ер эдим. Ўша кунлардаги армонимнинг чеки йўқ эди. Ҳозир қандоқ яхши, у кунлар унут бўлиб кетди, ҳар уч-тўрт ойда эмас, уч-тўрт кунда ҳам оёқ кийими олса арзийди бу замонда», — дедилар. Чамамда, отамнинг тез-тез пойабзал олишларидан улар ҳам, биз ҳам хуморсиз яшаб ўсдик.

Қайси бир йили ёзувчиларнинг Бутуниттифоқ съезидига

отамни ҳам вакил қилиб сайлашди. Докторлар, сизга узоқ йўл юриш мумкин эмас, дейишларига қарамасдан, «Хамма дўстларим бир ерга йигилишар экан, бормасам бўлмайди, кейин қачон кўраман», деб мени ўзларига ҳамроҳ қилдилар. Москвага етгунча самолётда бир неча марта дори ичиб, анча лоҳас бўлдилар. Пойтахтга етиб боргач, «Россия» меҳмонхонасига жойлашдик. Мен отамни суяб, битта-битта юриб, вестибюлга олиб кирдим. Шунда ёш ёзувчи ва шоирлардан бир нечтаси машҳурроқ ёзувчиларнинг жомадонларини кўтариб, меҳмонхона хоналарига кириб кетишди. Зулфия она бир ўзлари қолганларини кўриб, отам хаста овоз билан менга: «Бор, болам. Зулфия онанинг қўлидан юкни о. мен шу ерда ўтира тураман», дедилар. Мен ўшанда отамни янаям яхши кўрганимданми, негадир янаям юрагим жимирлаб кетган.

Отамни кўргани касалхонага бордим. «Газеталарни уйга олиб кет», дедилар столда қалашиб ётган бир гала газетага ишора қилиб. (Отам қардош республика ва маҳаллий матбуот нашрларидан жуда кўнчилигига обуна эдилар, ҳар куни почтальон бир сумка газетани уйга ташлаб кетар эди.) Шунда кўзим столдаги бир откриткага тушди. Унда Тама-рахонимнинг ёшлик пайтидаги сурати акс эттирилганди. Орқа томонида отамнинг бир шеърдан олинган тўртлик ва қўйроқда: «Миртемир ака, не болейте! Я Вас люблю», деган сўзлар ёзилган эди. Ҳадемай, операция столига ётадиган одамга Тама-рахонимнинг шу бир оғиз илиқ сўзи қанчалар далда гаплигини ўйласам, кўнглим алланечук ифтихор туйғуларига гарқоб бўлиб кетади.

Бир куни отам Москвадаги дўстларидан бирига хат ёзмоқчи бўлдилар. Кел, сал русчага чечанроқсан, деб ўз мақсадларини қисқача баён қилдилар-да, хатни менга ёздирдилар. Хатнинг ярмига келганда, ручка қоғоз тагида ётган аллақандай қаттиқ нарсага келиб тақалди ва «чирт» этиб, қоғозни тешиб юборди. Менинг, отамнинг ҳам диққатимиз бўлиниб, фикримиз чувалда. Хатимни кўзойнак тақиб, кузатиб ўтирган отам, нима экан у, дея қоғозни кўтариб қарадилар. Қарасак, қум зарраси. Отам хаёлга чўмиб, узоқ тикилиб қолдилар. Балки, ўшанда арзимас бир одам кўпгина фозилларнинг бошига оғир кулфатлар солган йилларни эслагандирлар. Ниҳоят: «Тавба, бутун бир одамни шу биргина қум зарраси ағдар-тўнтар қилиб ташласа-я!..» дедилар.

Мен шунда отамнинг шоирона табиатини ҳам, назик ва таъсирчан дилини ҳам аён кўргандек бўлдим.

Менинг бу нотўқис ҳангомам ҳам ўша қум зарраси каби отам ҳақидаги хотираларнинг — бутун умримни ёгдуга, қувончга, бахтга тўлдирган муқаддас хотиралар менинг кичик бир оламимни баъзан ағдар-тўнтар қилиб юбораётгандек туюлади менга...

Миржалол гапиряпти-ю, ёрқин бир фикрдан кўнглим ёришиб кетади. Адабиётимиз учун шунчалар куйиб-куйманиб, отамерос ижодий мактаб ҳақида шунчалар дил сўзларини айтиб-ёзиб келаётган. бир кунмас-бир кун албатта Миртемир мактаби — отамерос дорилфунун ҳақида ажойиб бир рисола ёзиши турган гап. Кўрасиз, шундай бўлади.

ЭЪТИРОФ

Шоир Азиз Абдураззоқ ҳикоя қилади:

— Миртемир домла — буюк шоир. Мен бу фикримни тор доирадаги бир суҳбатда айтганимда бир мунаққид эътироз билдирган эди: «Йўқ, Миртемир катта шоир, лекин буюк эмас», деган эди у.

Мен тортишиб ўтирмадим. Вақт доно ҳакам экан, устознинг буюклигини тасдиқлади. Биз севган шоирнинг буюклиги ҳам шундаки, бутун бир авлод унга эргашиди, этагидан тутди. ўзининг шогирдлиги билан фахрланиб Ҳусниддин Шарипов юрибди. Булар — Жуманиёз Ҳабборов, Эркин Воҳидов, Хайриддин Салоҳ, Абдулла Оринов, Барот Бойқобилов, Саъдулла Сиеев, Носир Фозилов, Тўра Сулаймон. Олимжон Холдор, Абдулхай Носиров, Барот Исроил ва ҳоказо... Ҳатто Миртемирга тенгқур, ундан сал кичикроқ ижодкорларнинг кўпчилиги ҳам уни устоз дейди. Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Миртемирнинг шогирднарварлиги ҳақида устознинг 50 йиллик юбилей кечасида устоз Абдулла Қаҳҳор айтган эди:

— Миртемирнинг атрофида ёш шоирлар жўжадай чийиллаб юради. Ешлар Миртемирни узоқдан кўриши билан қалдирғочнинг болаларидай чигиллаб оғзини очиб туради. Миртемир ҳам уларни ноумид қилмайди. Оғзига нимадир ташлайди. Миртемирнинг меҳнатида заррача ҳам гирромлик бўлмаган ва бўлмас эди ҳам. Миртемир умр бўйи захмат чекиб ҳалол ишлаган заргар шоир...

Азиз Абдураззоқ Миртемирнинг бир шеърни қандай ёзганини шундай эслайди:

— 1962 йилнинг февралда Миртемир домла, Саид Аҳ-

мад ва камина Езувчилар союзининг топшириғи билан Фаргона водийси бўйлаб сафарга чиқдик. Сафаримизни Намангандан бошлаб Қўқонда тугатдик. Наманганда ҳам, Андижонда ҳам қувнаб, хушчақчақ юрган домла Марғилонга келганимизда паришон бўлиб қолдилар. У ерга кечаси етиб келиб, эски меҳмонхонанинг каттароқ номерига жойлашдик. Эртаси азонлаб Жалол Машрабий келиб, биз билан ҳол-аҳвол сўрашганида домла рўйхуш бермагандай сокин эдилар. Нонушта пайтида ҳам хаёл суриб ўтирдилар. Биз нонушта қиляпмиз, домла деярли ҳеч нарса емадилар. Узатилган чойни ҳам столга қўйганча, совуб қолганидан беҳабар ўтирибдилар. Биз ҳам ҳайронмиз, ҳам хижолат чекапмиз. Бир маҳал уч-тўрт варақ қоғоз олиб олдиларига қўйдилар-да, ниманидир ёза бошладилар. Нонушта тугаб ўрнимиздан турдик. Биз Фарғонага боришимиз керак эди. У ердан ўша вақтда область «Коммуна» газетасининг мухарири бўлиб турган Адҳам Ҳамдам бизга машина юбориб, редакцияда кутиб ўтирган экан. Йўлда биз суҳбатлашиб кетдик, домла жим. Қўлларида қоғоз, қалам. Нималарнидир пичирлаб, аҳён-аҳёнда бир-икки сатр ёзиб қўядилар. Фарғонада Адҳам Ҳамдамдан илтимос қилдилар:

— Адҳамжон, айбга буюрмайсиз, редакциянгизда бир хона топиладими?

— Нима, биронта жонон билан махфий суҳбатингиз борми?— деб сўради Адҳам ака одатдаги ҳазилкашлик билан.

Домланинг қовоқлари уюлди. Адҳам Ҳамдам домланинг кайфиятини сезиб, дарров кабинетига олиб кирди.

— Мана шу хона Сизнинг ихтиёрингизда.

Биз бошқа хонада суҳбатлашиб ўтирдик.

— Сизлар бир из қолдириб кетинглар,— деди Адҳам Ҳамдам.— Саид Аҳмад, сен бир ҳикоя бер, домла билан Азиз биттадан шеър беришин. Газетамизда подборка қилиб чиқарайлик.

Биз рози бўлдик. Саид Аҳмадда «Юк» деган тайёр ҳикоя бор экан, берди. Мен ҳам ўша вақтда ўзим яхши кўрган, аммо ҳозирда бемаъни кўринган «Кекса чинор дейдики...» деган шеъримни бердим. Кейин домла ўтирган хонага секин бош суқдим. Домла: «Хўш, хизмат?» дегандай менга ўгирилиб қарадилар. Мен битта шеър беришлари кераклигини айтдим:

— Мени тинч қўйинг!— дедилар домла.— Ўзларинг машхур бўлаверинглар, мен шеър бермайман.

Эшикни секин ёпиб қочдим. Роса мулзам бўлдим. Ростини айтсам, домлани бу даражада ғазабкор кўрмаганман. Фарғонадан Қўқонга ўтдик. Домла ўша-ўша хаёлчан ва

паришон. Эртаси эрталаб чехралари ёришиб, саломимизга тузуккина алик олдилар.

— Болам, юр, редакцияга борамиз,— дедилар менга.

Бу орада Саид Аҳмад қаергадир, театргами кетган эди.

Шаҳар газетасининг редакциясида машинистка қизга диктовка қилдилар. Шеър машинкадан чиқди. Кейин уни ўқиб Саид Аҳмад домлани тўлқинланиб табриклади. Кейин менга:

— Домлангнинг дардини билмаган эканмиз, зўр шеър туғибди,— деди.

Бу — Миртемир домланинг энг сара шеърларидан — «Пардалик» эди.

БОВУРДОШЛИК

Улуг Ватан урушида қозонилган муқаддас Ғалабадан кейин, орадан бир йилча ўтиб, «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Совет Ўзбекистони») газетаси ходими, шоир Султон Акбарий шу газетанинг редактор ўринбосари Рихси Сахибоев қабулига кирди.

— Эшитаман,— деди Сахибоев корректурадан бош кўтариб.

Уша пайтлар урушдан кейинги беш йилликнинг йирик жабҳаларидан бири — Чоржу-Қўнғирот темир йўли қурилиши бошланган эди. Урушдан қайтгандан буён эгнидан гимнастёркаси тушмаган, тиниб-тинчимас ёш шоир бир қимтиниб олди-да, мақсадини айтди:

— Мени шу Чоржу-Қўнғирот темир йўли қурилишига сафарбар қилсангизлар. Икки йилча шу қурилишда газета мухбири бўлиб турсам...

Бу фидойилик газета маъмуриятига жуда маъқул келди.

Шундай қилиб, 1947 йилнинг баҳор ойларида, от қора тил бўлганда, яъни отнинг оғзи кўкка етганда Султон Акбарий Қорақум қайдасан деб йўл тортди. Лойиҳачиларга ҳамроҳ бўлди, Қорақумнинг кундузи саратонида, тунги салқинида тобланди, Туямўйинда, овулу ўтовларда кезди, «Хоразм ҳақиқати» газетасида ишлади. Ёзган очерк ва мақолалари «Қизил Ўзбекистон» да босилиб, совринлар олиб турди. Кейин Нукуста ўтди. Турли лавозимларда 1948 йил охиригача шу ерда қолиб кетди. Қорақалпоқ урф-одатларини, дoston ва эпосларини ўрганди. Қорақалпоқлар билан апоқ-чапоқ бўлиб, ҳатто қорақалпоқ тилида ёзган мақолалари ҳам чиқадиган бўлиб қолди.

Ушанда Султон Акбарий бир нарсага жуда ҳайратланди: қай бир қорақалпоқ билан суҳбатлашмасин, қайда бўлма-

син бир саволга дуч келди: «Миртемир ога омонми? Ишлари яхшими? Борганда бизлардан албатта катта салом айтиб кўясиз!..»

Уша сафарга боргунча Султон Акбарий Миртемир домла билан бор-йўги бир-икки бор кўришган, ammo қорақалпоққа ҳам ўз фарзандидай бўлиб қолган Миртемир домлага тагин минг чандон меҳри ортиб бормоқда эди.

— Биласизми?— дейди халқ ижодига яқин турувчи шоирлардан бири Султон Акбарий надомат билан.— Биз ўз вақтида Миртемир домланинг қадрига етмадик. Домла мусичадай ҳалим одам эди. Аччиқ алам, нотантилик ва гирромликни ҳам сабр, ҳам босиқлик билан енгар эди... Шундай қилиб десангиз ўшанда, 1948 йилнинг охирларида Қорақалпоқдан қайтдим. Қайтдиму Миртемир домла хонадонига йўл олдим.

Миртемир домлага қорақалпоқларнинг саломи — меҳрини топширдим. Жуда хурсанд бўлдилар. Қорақалпоқда ёзган машқларимни кўриб, қалам уриб, сайқал бердилар. Ота-болалигимиз, устоз-шоғирдлигимиз шундай бошланиб кетди.

Шундан анча йиллар ўтиб, домла Миртемирдан «Манас»нинг иккинчи китобини ҳам таржима қилиб беришни ўтиниб сўрадилар.

— Ижодий ишларим анча тигиз келиб қолди-да, — деди Миртемир домла.— Султон Акбарий ҳам ёрдамлашса, дегандим. Қорақалпоқчани билади. Қозоққа ҳам аралашиб юрибди. Қирғизчага ҳам тили келиб қолган.

Алқисса, Миртемир домла ва Султон Акбарий оилалари билан икки ойлик ижодий сафар — Иссиқкўлга, Чўлпонотага йўл олишди. Хордиқ баҳона «Манас»ни ўгириш асосий ният эди. Аввалига бир-икки кун ўзни ижодга чоғлаш, хордиқ олиш билан ўтиб кетди: Кейин...

— Кейин домла ишга тушиб кетди. Мен ҳам, — дейди Султон Акбарий.— Домланинг шу қадар сабот, илҳом билан, ҳузур қилиб, таъбир жоиз бўлса, филчалик куч билан ишлашига ўшанда биринчи бор гувоҳ бўлдим. Иккинчи томондан Чингиз Айтматов таъбири билан айтганда, унинг нақадар «туркий тиллар билимдони» эканлигини ҳам кўриб ҳайратландим. Домла «Манас»нинг иккинчи китобини биринчи бўлими — «Кўкалтой маъракаси»ни, мен иккинчи қисми — «Улуг сафар»ни ўгирар эдим. Бир куни «Жез тумшуқ», деган сўзга дуч келиб қолдим. Қуш бўлса керак десам, хатти-ҳаракатлари, унга берилган таърифлар сира ўхшамайди. Ҳайрон бўлиб, домланинг фикрини бўлишдан

истихола қилиб, кириб бордим. «Ҳез тумшук» деган сўз маънисини тақолмаётганимни айтдим.

У ишдан бошини кўтарди-да, одатича дўпписини бир айлантириб қўйди. Сўнг тезгина, вазминдор қилиб деди:

— Ҳез тумшук, дегани биздаги мастон кампир бўлади, бўтам. Не-не Фарҳоду Ширинларни тузоғига илинтирган. эртақ ва дostonларимизда не яхшиларнинг ошига оғу солган шум кампир-да, Чўндан от, болдир тикандан қанот ясаб, бир нуфлаб еттинчи осмонга учуриб юборадиган жодугар кампир, дегани, бўтам.

— Нега қирғизда «Ҳез тумшук» дейилади?

— Чунки бундай шум, мастон кампирнинг тирноғи ва бурни жездан бўлади, шундай деб тасвирланади энос ва дostonларда.

Шундан сўнг мен кун ора тушунмаган сўзларимни сўраб, домла ҳузурига кириб турадиган бўлдим.

— Қирғиз тили жуда бой тил,— дедилар бир гал қирганимда.— Қай кун «Ҳез тумшук»нинг маъносини сўраганингизда айтиш эсимдан чиқибди. Қирғизларда «Қизил тумшук» деган сўз ҳам бор. Бу — пиямиста дегани. Искартопар — ийри тумшук. Тумшуги ялшоқ қушни — болта тумшук дейишади. Қаранг, тагин, қора тумшук, кам тумшук, қайри тумшук, қув тумшук деган иборалар бор. Буларнинг барчаси — бахти қора, шўрпешона, толеи паст маъносида — бир маънода келади...

— Шундай қилиб десангиз, домланинг ҳузуридан хар гал олам-олам сабоқ, катта бир ижодий мактаб зиёсидан кўнглим ёришиб қайтардим,— дейди Султон Акбарий.— Ишлар охирлаб, Тошкентга қайтдик. Бир куни, анча вақт ўтиб, домлага дедим:

— Наприёт қисталанг қиянти, домла, таржимани топширсак бўлармиди.

— Йўқ, хали бир оз ишлови бор,— деди Миртемир домла.— Шошмай турасиз-да...

Султон Акбарий маънос бош чайқади:

— Минг афсуски, кейин ўша таржима на домланинг ижодхонасидан, на бошқа жойдан топилди. Қанийди, қайдандир чиқиб қолса...

Мен эсам Султон Акбарийни тинглар эканман, унинг Миртемир домлага бағишлаган шеърларидан бири хаёлимдан кечар эди:

Ана у, сукротча ияк тутамлаб.

Мўйсафид дунёни болам-бўтамлаб.

Эловсиз хаёлни каллада жамлаб,
Қошлари пирираб турар доводда.

Эҳа, жўн бўлдим шунча йўл босиш,
Тарихнинг чархига калава осииш,
Ҳар нафас бир яшаб олишга шошиш,
Не чақир тиканлар заҳар товонда.

Қўшиққа тушгунча юракнинг сели,
Бошдан сув ўгириб ичгунча эли,
Сочлари кўнирди, қайишди бели,
Хом ўйлар чувалиб қолди ёбонда.

Феъли кенг, кўнгли оқ, Амудай ёйиқ,
Топгани ҳаммаси ўзбаки, лойиқ,
Бедилхон меҳнатчи, гулёрга ошиқ,
Оқсоқол дейдилар бизнинг томонда.

Бозингар дунёда не сирлар кўрмиш,
Не ифор сочларни майдалаб ўрмиш,
Ўрдулар таги бўш, муҳаббат зўрмиш,
Боботил ранг берган ҳислар дostonда.

Ана, у суқротча ияк тутамлаб,
Мўйсафид дунёни болам-бўтамлаб,
Ардоқли халқини азиз отамлаб,
Парнираб турибди. Умри давомда!

САККИЗИНЧИ БУЛИМ

БАШАР ҚУЕШИ



Дунёдан хабар ол, оловли кўнгил!

Миртемир

СЕМУРҒ

Семурғ — кишиларга яхшилик ва бахт уругини улашувчи қуш. Узи йўқ-у, лекин кўнгилларга сўнмас нур сочиб тургувчи қуёш у. Оғиздан-оғизга ўтиб, асрий орзу-умидларнинг рамзий тимсоли бўлиб, эзгуликка интилувчиларни «етти зулмат»дан омон олиб ўтгувчи, халқларнинг мушкулени осон айловчи мўъжиза! У неча замонларки, кишиларни юксак ва олис манзиллар, нурафшон орзулар сари етаклайди. Инсонпарвар кишилар қай ерда яшаб, қай тилда гаплашмасинлар бу — афсонавий куч қалбларни баҳамжиҳатлик ва ҳалоллик, вафо ва диёнат, эркинлик ва муҳаббат қўналғаларида маёқдай чорлаб туради. Шу боис ҳам халқ Семурғни — Ҳумо қуши, Анқо қуши, Бахт қуши, Булбули-

гўё ё Давлат куши деб ҳам атайди. Барча инсоний фази-латларни ўзида мужассам этолган кишиларни «Бошига дав-лат куши қўнган» деб ҳам айтадилар. Дунё пайдо бўлиб-дики, завол мангу умри билмас, қаноти қайрилмас афсо-навий, бу назари хайрли, замонларни замонларга боғлаб келаётган бу қудратли қушнинг мангу парвози йўлида не-не халқ паҳлавонлари довуғ солиб ўтмади дейсиз. Мана-ман деган марду майдонларнинг наъраси етти иқлимни титратди. Неча даврлар нари бориб, бери келди. Қанчадан-қанча умри куёшга тенг доҳийлар унга ҳаётини бахшида этдилар. Тагин: шу донгил йўл бахти учун жаҳон меҳва-рида не-не кашфиётлар пайдо бўлди-ю, қанча умрлар тонг бўлиб оқарди. Неча мўъжизалар Чўлпон юлдузидек порла-ди-ю, қанчадан-қанча буюклар теран излар қолдирдилар...

Навоий «Хамса»сини варақлаб ўтирган Миртемир дом-ланинг ҳаёлидан Семургнинг ҳаёлий хислатлари ўтаётган-лиги бежиз эмасди. Бойси — бу асар ҳам халқлар орзу-умидларининг ёрқин ва сўнмас рамзи бўлган ана шу алп қуш ташимиш фазилатларни улуглаганда: Фарҳод ва Ширин бўлиб, Искандар ва Сухайл бўлиб, Лайли ва Қайс бўлиб, Дилором ва Хотам бўлиб, Моҳинбону ва Навҳал бўлиб кишилар қалбига яхшилик уруғларини сочди. Яхши фази-патлар чаманидан кўзлар қувонди, уларнинг товусдай тов-панмиш жилолари дилларга ҳаяжон солди. Яхши кишилар-нинг ҳайратига ҳайрат қўшди. Ҳатто «Хамса» гулруларидан бири Ширин айтди:

Менга не ёру не ошиқ ҳавасдур,
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

Шундан-да Навоий «Хамса»си дунёга келган даврдаёқ-нинг қудрати ва фазилатлари шоир замондошлари: Аб-дурахмон Жомий, Ардашер ва Хондамир, хаттот Султон Али ва рассом Беҳзод каби не-не фозиллар суханидан туш-ади. Шундан-да бу асар ўша замондаёқ фақат Хуросон-дагина эмас, Ҳиндистон ва Эронда, Озарбайжон ва Турки-сонда, Миср тарафларга ёйилиб кетди. Бора-бора Амриқо а Овруро кутубхоналаридан ўрин олди.

Бирдан домланинг ҳаёлидан истеъдоди чарақлаган шоир-ардан бири Абдулла Орипов мисраси кечди:

Қилич тиғи етмаган жойни
Қалам билан олди Алишер...

«Эҳ-ҳей... дунё халқларидаги бундай буюк асарларнинг фазилатларини санаб бўлармиди!..» дея кўнглидан кечирди домла, пешонасини силаркан. Ва тагин «Хамса»ни ўйлай кетди. Бу асар фақат яхши фазилатларни куйлаш билан кишиларни эзгуликка чақириб қолмади. Балки, ёмон ва ёмонликни кўрсатиш билан одамларни инсофга чақирди. Хисрав ва Доронинг, Жобир ва Ибн Саломнинг ва яна қанча ёмонлар қилмишини кўрсатиб, яхшиликка ўч юракларда зулм ва жаҳлга, тама ва бахилликка нафрат уйғотди-да!

«Хамса» — беш дoston беш асрим, ана шу зайл ахлоқий ва фалсафий ақидаларни, оқибат ва садоқат, дўстлик ва меҳнатсеварлик, ватанга ва гўзалликка муҳаббат, қаҳрамонлик ва заиф иллатларга нафрат туйғуларини сочганча жаҳон кезиб юрибди! Буюк кишиларнинг, буюк асарларнинг бахтли тақдири ҳам шу-да!..

Дунё саёҳатига чиққан ўзбек жаҳоннинг ҳар буржида «Хамса» нашрларини учратса, «Сиз Навоий юртиданмисиз?» деган саволдан боши кўкка етса ёки қай бир биродар мамлакат фарзанди «Хамса»дан ёд айтиб турса — бахт эмасми! Олакий бахт бу!..

«Хамса» пайдо бўлибдики, турли халқлар дostonчилигининг тараққиётига катта ҳисса қўшди. Иттифоқимиз ва жаҳон навоийшунослари ва илм аҳли учун битмас-туганмас манба бўлиб қолди. «Хамса»нинг нусхалари ва «Хамса»га чизилган миниатюралар Ватанимиз ва диёримиздан ташқари жаҳоннинг Оксфорд ва Манчестер, Жон Рилонд ҳамда Истамбулдаги Тўпқону саройи вт Париждаги Миллий кутубхоналарнинг олтин фондидан муносиб ўрин олиб турибди.

Миртемир домла хаёлида ажиб, фараҳли, улугвор ва ғурурли туйғулар тўфони чайқалар эди: кечагина Навоий номли мактабни битирган ўқувчи бугун Навоий номли до-рилфунун талабаси. Ё Деҳли, ё Париждан Тошкентга ташриф буюрган меҳмон донгил Навоий кўчасидаги меҳмонхонанинг юқори қаватида туриб, Тошкентни томоша қиляпти. Навоий шахрининг илғор ишчиси Москва минбаридан жаҳон аҳлига мурожаат қиляпти. Алишер Навоийнинг ўз исми ва «Хамса»си қаҳрамонлари номи билан аталган юрт фарзандлари, шахру қишлоқлар, чойхона ва оромгоҳлар, билим даргоҳлари бугун тилу дилимизда! Ё эса «Шири» кафеси, ё «Лайли» атри бағишлаган хуш кайфият, Фарҳод Г'Эсида тўлиб оққан зиё, Навоий стишендияси олиб ўқиётган ўғил билан ғурурланган ота-она қувончи, «Навоий» метросини томоша қиляётган деҳқон ҳайрати... Буларнинг бари қалби-

гизга бир олам фахру ифтихор туйгуларини олиб кирмайдими!..

Ҳа, мана, Жаҳон Тинчлик кенгашининг Алишер Навоий ва унинг асарларига берган баҳосини ҳам қачонлардир кўчириб китоб қатига солиб қўйган экан: «Жаҳон маданиятининг энг яхши дурдоналарига мансуб бўлган Алишер Навоийнинг қудратли, ҳаётбахш шеърояти бутун совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиб қолди... Алишер Навоийнинг олижаноб идеаллари ва илҳомбахш асарлари тинчлик ва инсоният тараққиёти учун курашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда».

Миртемир домла сурурбахш бир кайфият билан ўрнидан тураркан, кўнглидан кечди: «Семург деганлари шундай гўзал, буюк нарсаларга менгзалса керак-да!..»

АЗИЗДАН-АЗИЗ

Қон-танзимиз оташи, жонимиздир, дейди Синомиз.

Демак, қонимиз-жонимиз!

Жонимиз-қонимиздан азизроқ азизлик бормикин? Бор.
У — Ватан!

Ватан харитасига қонимиз тусини берганлигимиз, уни жонимиз рангида тасвирлаб жаҳонга кўз-кўзлаётганимиз шундан!

Ватаннинг музаффар байроғи ҳам қонимиз рангида ҳил-пиллаб турганлиги шундан!

Ҳар гал дамжол ва қаттол ғанимнинг ажал назар даҳанига жонимизни рўбарў қилиб Ватанни сақлаб қолганлигимиз шундан! Шундан-да, ленинчи раҳнамо коммунистларимиз партбилети, ленинчи комсомолларимиз дафтарчаси, ленинчи пионерларимиз бўйинбоғи, ленинчи октябрларимиз нишони — қизил — қонимиз рангида, жонимиз рангида!

Шу боисдан ҳам даъваткор шиорларимиз, байрамли кунларимиз, шанбаликларимиз, истиқболли Програмамиз чўғдек ёниб, кўзларни қувонтиради, мазлум элларни алвон тонглар сари отлантиради!..

Демак, қонимиз — шонимиз!

Шонимиз — қонимиз қадар яқин жон бормикин?

Бор: у — Она! У — Ота!

Шундан-да, жонимизни қўшиб: «Онажон!» деймиз, «Отажон!» деймиз!

Жонимиз-қонимиз янглиғ тагин аёвли жон бормикин?

Бор-да: у — муҳаббат! У — фарзандларимиз — Ватан истиқболи, иқболи — келажагимиз!

Шундан-да, жонимизни қўшиб ёрни: «Йоним», фарзандларимизни: «Болажоним!» деймиз.

Шундай! Бизда: Ватан, Ота, Ота, Фарзат, Муҳаббат тушунчалари — муқаддас имонимизга, кўзу қарогимизга, номус ва оримизга, шавкату шонимизга айланган, қону жонимизга сингиб кетган муштарақ тушунчалардир!

«Бу ардоқлидан-ардоқли тушунча ва туйғуларнинг умри боқий бўлганлиги ҳам Октябрь шарофатидан-да! — деб ўйлади Миртемир домла. — Ленин бахш этган шу замон улугворлиги ва устиворлигининг жаҳонда ягоналиги ҳам шундан!

Ҳа, дарвоқе, бундан минг йиллар илгари қомусий аллома Ибн Сино: «Эй биродарлар, ҳақиқатга қанот беринглар, баҳамжиҳат бўлинглар!» деганида башар истиқболи устиворлигидан башорат қилгани кундай равшан. Бу умуминсоний симфонияни — эзгу-дунёдош туйғуни ҳам ҳар бир халқ тарихидан тинглаш мумкин. Бу туйғулар келиб, Карл Маркснинг «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган оламий шиорида ўзининг мужассам қўналғасини топди ва ўшандан буён давримизнинг кундалиқ даъватига айланди-да...»

Отаётган тонг шафақдан бўйинбоғ боғлаб Ер куррасига салют бераётганга ўхшайди. Ҳов, ана, Қуёш Чимён тоғи чўққисига байроқ қадади. Сўнг... сўнг кўз очиб юмгунча бўлмай Тошкент шахри узра ҳилпираб, ёйилиб кетди...

Ҳар тонгда оламга от қўйиб кўз қувнатадиган Қуёшнинг бу ҳолатини кузатиб турган домла фазилатлари бетимсол Ленин Октябрини ҳам Қуёшнинг шу ҳолатига ўхшатди: «Олдин ягона ва алап юртимга тонгдай ёйилди. Сўнг — биродар элларга, сўнг эркесевар юртларга... Халқим, бир майиз қирқ кишига татийди, деганидай, энди Инқилоб ҳам дунёга татияпти, дунёни ёруғликка бошлаяпти. Мана энди у бутун башарнинг қуёши бўлиб, эртаси ва истиқболи бўлиб дунё бошида балқиб боряпти...» Шунинг учун ҳам у бир шеърда ёзган эди-да: «О, инқилоб! Ёвузлик, ҳақсизликка Тоғ тўсиқсан. Шу дунёнинг армонисан, ёруғ бахтсан, Зўр тўсиқсан». Шунинг учун ҳам, юртимнинг улуглиги — Лениннинг улуглиги, дея олган Миртемир домла айтди: «Лениндан кўп миннатдор Уйгоқ заҳматкаш жаҳон!

Домла беихтиёр ўз китобларини варақлаб, тагин Ленин ва Инқилоб ҳақидаги шеърларига кўз югуртди. Мана, шу инқилоб туфайли: «Қулаб тушди Зевс ҳам, Лоту мамот ҳам, Иблисдан тап тортмас бўлди одамзот», «Огир кунлар

туртигида Йўғрилиб пишган» Инқилоб, «Ленин ўйлаган ўйи,
Ленин асри ва ёруғ бир даврон бахт этган» Инқилоб...

Бир шеърда эса ёзибди:

Бахт ўзинг, давр ўзинг, даврон ҳам ўзинг...

Ўлмас гоёларнинг олмосдек тиги,
Бесомон ҳам ўзинг, омон ҳам ўзинг,
Эй тинчлик жарчиси, эрк суянчиги,
Улуғ инқилоб!

Еруғлигинг бирдай яқин, йироққа,
Эй улус Лениннинг порлоқ закоси...

Сени тилга олсак, турар оёққа —
Бутун Ер курраси, меҳнат дунёси,
Улуғ инқилоб!

ҒУРУР

Башар қуёши — буюк Октябрнинг боқий баҳорини ҳар
йили шарафлаймиз. Шу табарруқ қуёш туфайли энди ҳар
кунимиз байрам. Ахир, ҳар кунимизнинг ўзи бир қутлуг
сана, ошилган қутлуг доvon сурури, келажак истиқболига
қўйилган янги қадам сурури эмасми? Ҳа, шундай! Энди
ана шу сурур, дунё минтақаларини чулғаб олаётгани ана
шу нур боқийлиги — Октябрь шарофати эканлиги башар
дилида қуёшдек аён.

Миртемир домлани хаёлнинг сарҳад билмас чавандози
олисларга елдириб кетди. Манглайда толе қуёши балққан
халқимиз! Ҳар йили ўзининг тарих саҳифаларида ўчмас
из қолдирган муборақ саналарини, ҳаёти ва ишлари билан
абадий иборат бўлиб қолган фарзандлари таваллудларини,
Улуғ Ватан уруши Ғалабаси ва бу Ғалаба Алпомишларининг
қаҳрамонликлари хотираларини, дўстлик ва биродарликнинг
боқийлиги учун ҳисса бўлиб қўшилган лаҳзаларни, халқаро
анжуманларни, баҳору санъат байрамлари ва яна не-не
қўшалоқ шодиёналарни тенгсиз қувонч, тенгсиз меҳнат,
ижод зафарлари билан нишонлайди...

Шундай! Октябрь шарофатидан боқий ҳар бир кунимизнинг ўзи бир байрам! Бизга бахту тахт берган, эртаю
индинларимиз ҳақида ширин орзулар суриб, истиқбол ҳақида
пурафшон режалар тузиш ҳуқуқини берган Ленин ҳақида,
башар қуёши — буюк Октябрь ҳақида, Октябрнинг таржи-
маи ҳоли хусусида Миртемир домла кўнглидан мадҳ эт-
гинг келиб кетади:

Бир юртким бўлди қизил
Дунё харитасида,
Жумла-жаҳон халқларин
Чорлагувчи бир армон...

Миртемир наздида Ленин ва Октябр, Ленин ва Туркистон деганда бирдан машҳур озар шоири Расул Ризонинг гани ёдга тушади:

— Мен Миртемир шеъриятидан озми-кўпми воқиф бўлган бир одам сифатида айта оламанки, дўстим Миртемир билан шахсан таниш бўлмаган пайтимда, унинг асарларини ўқирканман, бу истеъдодли қариядаги адоқсиз тароват сири нимада экан, деб ўйлардим. Бу «қария» сўзи унинг поэзиясида қамровли ҳаёт тажрибасидан тугилган мушоҳадалар, ундаги фалсафий тераклик, нозик идрок, ақл, маънавий закийликнинг таъсири ила яратилган бир образ эди.

Миртемир менинг «Ленин» дostonимни таржима этаётган чоғида, у билан яқиндан танишдим. У дўстлик, қардошлик, шоирлик бурчини, «Ленин» поэмасини таржима этишда сарф айлаган юрак ҳарорати, кўнгил навоси, санъаткорлик маҳорати билан ифодалади.

Шу кўйи хаёлимда яна устоз Миртемирнинг бири-бирига омихта гражданлик ва шоирлик хислатлари, айниқса, Ленин замонаси, Лениннинг устивор, башарий башоратлари, Ленин ва Туркистон, Ленин Октябри ва Ўрта Осиё мавзуида яратган ўлмас асарлари хусусидаги суҳбатлар жонланаверади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор:

— Миртемир шеъриятининг ижтимоий садосини оширишда ҳам энг яхши традицияларимизга содиқ эди. Унинг «Шеърларимда жилва қилсин замона» каби сатрлари улуғ Навоийнинг «Даврон элининг жисмида жон бўлгил», деган васиятига бориб уланади... Инсон — кураш — гўзаллик! Миртемир ака Ленин ҳақидаги циклни яратганда поэзиянинг мана шу формуласига амал қилади, бу циклнинг диапозони — оддий турмуш лавҳаларидан то романтик умумлашмаларгача. Миннатдор халқимизнинг буюк муҳаббати билан суғорилган бу асарлар поэтик ЛЕНИННОМамизнинг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолади.

Таниқли рус шоири ва таржимони Рувим Моран:

— Азал-азалдан мусиқадек жарангловчи сўзлар бор: улар қулогинга қуйилиб келади, беихтиёр ва аниқ хотирада муҳрланиб қоладики, бу сўзлар сенга ақлингни таниганингдан буён қадрондек туюлади. Миртемир — ана шундай сўз, ана шундай исм. Ўзбек тилида бу сўз ҳокимлик

ва темир маъносини билдиради. Рус тилида эса тинчлик рамзи, тинчликнинг ўзи ҳақида сўзлайди... Миртемир шеърларидаги соддалик, аниқлик ва манзаралилик таржимада алоҳида қийинлик туғдиради. Чунки Миртемир шеърларининг гўзаллиги, оҳанрабои унинг бетакрор тилида. Миртемир энг содда фикрларни ифодалаш учун она тили хазинасидан ягона, оҳорли сўзлар топа олади.

Менга ҳикоя қилишларича, у ўз асарларида «революция» сўзини беихтиёр такрорлайверадиган ижодкорлардан фарқли ўлароқ (зеро, «революция» сўзи барча тилларга қонуний қабул қилинган), Миртемир бу сўзнинг моҳиятини ифодаловчи, она тилининг бетакрор имкониятларини кўрсатадиган сўз топиб ишлатган.

Миртемир Ўзбекистон халқ шоири унвонига эмас, унинг инсоний ва шоирона табиатининг асл моҳияти эди. У ўз қўллари ҳақида «ҳар қандай хунарга ярайдиган» деб ёзган устоз эди. У ёшлигида неча хуна, неча машғулот билан шуғулланди. Лекин унинг ҳақиқий истеъдоди шеъриятда эди. Унинг Гомерни, Руставелини, Лермонтов, Некрасов, «Манас»ни ва жуда кўп замонавий шоирларни таржима қилишдаги улкан ишларининг ўзи бир жаҳон...

Атоқли қозоқ оқини Собит Муқонов:

«Миртемир яратган ғоявий юксак, бадиий баркамол асарлар беҳисоб. Бу асарлар, Иттифоқ миқёсига, жумладан, Қозоғистонга ҳам таралиб, машҳур бўлиб кетди».

Яна нигоҳим Миртемир ижодхонасидаги архив материалларига қадалади. Ҳар бир папка алоҳида бир мавзу ё бир тақдир, қайбир бадиий асар ёзилиши учун тўпланган материал ва қораламалар.

Мана бу папкаларда Ленин, Ленин Октябри бахш этган замона, унинг бетимсол фазилатлари, Октябрдан олдинги ҳаёт манзаралари ҳақидаги ёзувлар...

Аҳа, домла мана бу ерда ўзи меҳр билан тилга олувчи қаламкашлардан яна марҳум Шерали Тошматовнинг асаридан бир парчани алоҳида белгилабди. Қўқоннинг Октябрь революциясидан олдинги ҳолати акс этган экан-да: «Қўқон! Бой ва гадо Қўқон. Маъдалихон даврида Қоратегин чўққиларидан Сибирь ўрмонларигача, Жиззах чўлларида Ёркент бўйларигача — ҳаммаёқни талаган хонлик. Қонранг олтинлар, кўз ёшдай ёқутлар уюб, қасрларда ишрат сурган пойтахт. Қулларнинг қон хиди аңқиган ўн бир банкли шаҳар. Меҳнатда қомати букилган, ялангоёқ, оч Қўқон. Шоирлари бўғилган, таннозлари сўлган, садақага мохов ко-са тутган қашшоқ шаҳар.

Мана, унинг кўчаларида шамол бўкиради, дайдиб ўки-

ради. Мухториятчиларнинг нафасидай совуқ. Қора лашкарларнинг юришидай суқ, ўпирувчан».

Домланинг Қўқон ҳақидаги ёзган туркум шеърларидан бирида айтганлари ёдимга тушади. «Арк» деб аталган бу шеърда ҳам Миртемир домла ўзининг муқим ақидасига содиқ қолди. Ўтмиш билан бугунни муқоясалаш орқали Октябрь бахш этган замонани алқади. Қаранг, шу шеърдан бир парча:

Дейдилар: бир осийни аввал дорга осдилар,
Нурсиз кўзларини ўйиб, кейин буқадай сўйиб,
Бекафан, бежаноза девор тагига қўйиб,
Устига тош босдилар.

...Нақшлармас, шудринглардек ёнар наққош тўккан ёш,
Бебош тождор айш қурмиш манов хос хоналарда.
Бетийиқ базм қурбони не олмос доналар-да!
Шундоғам бағри тошки... Ҳа, у замон бағри тош!

Заҳматкаш одамларда — ҳалол ёвгон, ҳалол нон...
Йўқ, ём-ём эмасдилар. Йўқ, бар-бар эмасдилар.
Қайрағочдек қаттиг-у, лек ар-ар эмасдилар.
Ким билур, қолурди юрт тоқай шундоқ нотавон...

Инқилоб бўлмасайди ўша-ўша шум қисмат,
Суюгимиз гажирди сиртлондек тўп зўравон...
Арк бугун боболардан бизга ёлғор. дўст-ёрон!
Мангу эрк ва бахт учун Ленинга қуллуг юз қат.

Ҳа-да, устоз Миртемир Ленин замонасини, бахти бут, боқий совет даври фазилатларини кўп ва хўп алқай олди: Ленин ўйлаганлари ерлар ҳақида: «Ёругликнинг чўққи ошган» шу кунлари ҳақида, «Яратмоқ, қурмоқ учун» жаҳонга келган, бахтдан боши осмонга етган одамлар ҳақида кишиларимизнинг ташвишлари ҳам ширинлиги ҳақида, бугунларимиз эрталаримизда, эрталаримиз индинларимизда яшаётганлиги ҳақида тўлиб, катта қалб билан, бетакрор ва катта илҳом билан куйлади. Чунки, у 1927 йилларда ёзган «Тонг таронаси» номли сочмасидаёқ аниқ бир маслакка содиқлигини айтиб қўйган эди:

— Борлиқ тонг кучогида —
эрк қўйида...
Маълумлар кўкида маскан қурган қуюқ
булутлар йўқ...

Заҳар тирноқли ваҳший булутлар учмайди!
Қуёш кулимсирайди, эркалайди бизни...
Мунгли сазимдан олқиш сочаман...
Оқ юрагимдан нағма-қўшиқ бағишлайман —
Тонг шарафига!
Гуллар ётади —
Нурлар ёнади оқ йўлимда.
Порлаган гавҳар шамлар, машъаллар қўлимда! Тошқин севги,
жўшқин мухаббат сақлайман у учун кўнглимда!..
Севаман уни...
Мақтайман гўзаллигини!..
Ҳақиқат курашининг битмас, туганмас чучук меваси —
Қуллар саодати, маълумлар бахти — эрк тонги...

Аммо, Миртемир домла йилма-йил, кунма-кун, ойма-
ой ижодда юксалиб, тобора қуйилиб борибгина қолмади,
балки ўз туйғуларини, қувонч ва ташвишларини, ёзган ҳар
сатрини жаҳоний туйғулар, жаҳон қувончи ва ташвишлари
билан боғлай билди:

Оламдан хабар ол, хушвақт дил,
Диллар бор — ранжийда ва чил-чил,
Диллар бор — эрк кутар йилма-йил,
Йилма-йил қисмати зилдан-зил...
Жаҳонга бергусиз эрк — бу эрк,
Евузлик — зўрликка йўллар берк.

ТУҶҚИЗИНЧИ БУЛИМ

ДУНЁ СУВРАТИ



Иш устида жон беришни хоҳлайман.

Овидий

БАХШИДАЛИК

Қўққисдан қишлоқ узра жала қуйиб ўтади. Яшил майсалар денгиздек мавжланиб чайқалади. Чучмома, равоч териб чопқиллаган болакайлар овози кенгликларга ёйилиб кетади. Димоқни нон, сут, қаймоқ, пишлоқ ҳиди қитиқлайди. Хаёлда азамат халқимизнинг ҳар йили етиштиражак ҳосили тоғдек бўй беради...

Ана шундай кунларнинг бирида борсам, домла одатдагидай аввал дастурхонга таклиф қилди. Устозни ижод «хуружда» безовта қилганимни дарҳол тушундим. Безовталаниб, кетишга изн сўрадим.

Устоз дўпписини қўлига олиб, ҳар галгидай бир айлантирди-да, яна дол қўндирди. Ерқиной ая чойни янгилаб

чиқиб кетаётганида, беозоргина «Раҳмат...», деди-да, одатича тишларини гичирлатиб, менга шошмай тулинг, қабилда ишора қилиб ҳовлига йўналди. Менга тагин: «Чойдан ичиб тулинг. Мен ҳозир...», деган маънода имо қилишни ҳам унутмади. Ҳовлига чиқиб, йўлакка учиб тушган уч-тўрт япроқни (1976 йилнинг кузи эди) оҳиста олиб, гулзорнинг майда ағдарилган жойига ташлади. Новдаларга, айвонга, кўм-кўк осмонга қарай-қарай, бир-бир босиб, кеза бошлади.

«Нималарни ўйлаяпти экан?...» Сухбатимиз босиб ўтган манзиллар, манзараларини яна бир бор ёдига олиб қўйгани аниқ эди. Йўқ, у ўтган йиллар мобайнида халқ шоири деган унвонга мушарраф бўлганини, неча элу юртлардан мақтовлар олиб қайтганини, Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» орденлари, қатор медаллар билан тақдирланганини эслаётгани йўқ, албатта. Асло! Домланинг бундай ҳисларга берилмаслиги уни билган ҳар бир кишига аён. Шу аснода домланинг ёдига ўтган муҳаббат савдолари ё устози ўғитлари тушгандир эҳтимол? Ё бўлган муҳаббат, сафарлар таассуротлари исканжага олаётгандир... Лекин, менинг назаримда, шу аснода домла ёшлиги, Тошкентдаги Алмай номлидаги мактабда, Ўзбек эрлар билим юртида, Самарқанддаги Педакадемияда (ҳозирги СамДУ) ўтган талаблик йилларини ширин хотиралари, Йўлдош Охунбобоевнинг котиби бўлиб ишлаган пайтларидаги масъулиятли дамлар, интернатда ўтган педагоглик фаолияти, республика газета ва журналлари редакцияларида, нашриётларда тўкилган манглай тер, ҳалол ва узлуксиз ижод машаққатларининг сурури, сон-саноксиз ёшларни ижоднинг катта йўлига бошлаб киргани, семинарларга раҳбарлик қилгани, у бошқарган семинар машгулотларидан бирида Усмон Юсупов сўзлагани, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шайхзода каби устоз ва сафдош ижодкорлар, атоқли дostonчилар билан кечирган дамлар хотираларига берилгандир. Бу унинг ҳаракатларидан, аҳён-аҳёнда тўхтаб мийигида жилмайиб қўйишларидан аёндек эди.

...Россиянинг тошқин сойи пишқиради, тўлқинлар қирғoқларни ялайди, кенгликларга, олис-олисларга ошиқади. Она юртнинг биттагина сойи шоир хаёлида тимсол бўлиб юксалади, ўлкасининг Аму ва Сирини эслатади. Шохимардонда ё Катта Фаргона канали ёқасида юргандай сезади ўзини. Бепоен юртининг ҳар бир сойи, тўқайзори, толзори, ботқоғи, ўнғир ва горлари... — ҳамма-ҳаммаси азиз кўринади, қўшмағиз кўринади, ўзиникидай кўринади. Дарвоқе, шу тенгсиз Ватан, қардошпарвар, дунёпарвар шу буюк юрт

ҳақида озмунча мисралар тиздим?! Шу юртнинг ҳар бир қарич ерида унинг дўстлари, ҳамфикр ва маслақдошлари кўп бўлди. Уни эъзозлагани минг бор эъзозлади. Хат-хабарларнинг бирортасини ҳам бежавоб қолдирмасликка ҳаракат қилди. Бир мисол.

Домла вафотидан сўнг эса Рувим Моран шундай хотирлади:

— Биринчи марта мен у ҳақда 1957 йили, Дўрмонда Асқад Мухторнинг «Қуёш парчаси» шеърини тўплами таржимасини тугатаётганда эшитгандим.

Москва билан телефон орқали гаплашаётганимда, менга шундай дейишди:

— Ажойиб шоир Миртемирнинг «Қорақалпоқ дафтари» билан қизиқиб кўринг...

Қарийб йигирма йилдан ортиқ вақт давомида мен уздуксиз мактубларнинг сатрида ё телефон орқали салобатли, вазмин овоздами, ҳамниша бирдек самимий сўзларни ўқидим ёки эшитдим:

— Соғлиқларингиз қалай? Хонимнинг соғлиқлари қалай? Менинг юрак саломимни қабул қилинглар...

Бу фақат Шарқ одати, ҳар қандай ишчан суҳбат олди-дан бўладиган шунчаки қизиқувчанлик бўлиб қолмай, дўстнинг ҳақиқий гамхўрлиги ифодаси эди.

У доимо ўзи таржима қилаётган ё таржимонлари билан хат ёзишиб туришни қанда қилмасди, эринмасдан вақт тошарди. Ана шундай мактубларнинг бирида ёзди:

«Қадрли Степан Петрович!

Салом алайкум!

Авваламбор «Павлик Морозов»нинг ўзбек тилидаги таржимасини ўз вақтида юборолмаганим учун узрлиман.

Шу ёзда поэманинг таржимаси «Ленин учқуни» («Ленинская искра») газетасида босилди. Кетма-кет китоб ҳолида ҳам ўзбек мухлисларингиз кўлига тегди. Китоб безакларига кўп қайғурмаслигингизни истардим, бизда бу соҳада ишлар ҳали унча кўнгилдагидек эмас.

Ўзбекистон Давлат нашриётида ўзбек тилида китоб ҳолида «Сайланма» асарларингиз чиқарилиши планлаштирилган. Шеърларингиздан бўлак таржимамда «Павлик Морозов», «Шушинскдаги уй» поэмаларингиз ҳам бор. Бу ҳақда Асқад Мухторнинг ўзи батафсил гапириб берар.

Ҳозирча хайр.. Степан Петрович, барча ишларингизда омадингизни берсин!

Миртемир.

11.XII.54

Тошкент шаҳри».

Орадан анча йиллар ўтиб, йўллаган яна бир хатини кўринг:

«Кўп ҳурматли Николай Платонович!

Салом.

Ўзингизга маълумки, урушнинг оғир кунларида украин академик театри ҳам Тошкентда фаолият кўрсатган эди. Ёдингизда бўлса, ўша театрдан кимдир ё бўлмаса украин ёзувчиларидан бири Иван Котляровскийнинг «Полтавалик Наталка» асарини рус тилига сўзма-сўз (подстрочник) ҳолида таржима қилган эди. Мен ҳам шу таржима асосида уни ўзбек тилига ўгирдим. Муқимий номидаги ўзбек музыкали комедия театрида қўйилган «Полтавалик Наталка»нинг саҳналаштирилишида қадрли Юра Гнатнинг шахсан ўзи бош бўлди.

Асар кўп вақт театр саҳнасида тушмади.

Унгача ҳам улуг Т. Г. Шевченконинг «Чўри» достонини таржима қилганман ва ўзбек тилида бир неча қайта нашр этилган. Мен бу билан украин ва ўзбек ёзувчилари ва саҳна усталарининг ҳамкорлиги, учрашувлари хусусида фикрлар билдирмоқчи эмасман. Шундоғам ҳаммаси табиий ва тушунарли.

Ўзбек тилида чиққан «Полтавалик Наталка»нинг бу жажжи нухасини Иван Котляровский музейига йўллар эканман, унинг музейда ўрнини топишини, халқларимизнинг метин дўстлигидан, ёрқин ҳамкорлигидан бир ифода бўлиб қолишини истайман.

Сизга ҳурмати баланд

Миртемир.

1976».

Домла яна дохий Ленин ҳақида ўйлаб кетди. «Ҳаммасига қандай улгурдийкин!.. — Хаёлидан кечди домланинг. — Унга жиндай ўхшай олсайдиқ...»

Устоз Миртемир неники амалга оширса, не бир мўъжиза кўрса хаёлида Ленин сиймоси аён бўлди. Неки ёзса, нимаики ҳақда куйласа хаёлида Ленин сиймоси, у амалга оширган буюк ишлар турди, Ленин билан Москвани, Москва билан қадрдон республикани эгизак кўрди.

Мана, ҳозир ҳам хаёли ҳар гал гурур ва ўта чуқур меҳр билан ёндошгучи мавзуга, Ленин мавзуига оғди.

Ленин... Ленин ва юрт юраги Москва! Ленин ва партия! Нақадар қўшмағиз сўзалар... Бу мавзуга у кўпдан мурожаат қилади, тўлқинланади, фахрланади. 1927 йилдаёқ ёзган бир шеърида: «Кураш тўлқинларида оқиб кетган, бахт эшикларини очиб кетган, улугларни эслаб, бир оз йўқлаган» эди.

Ахир, устоз бир умр Лениндан миннатдор ва ўзини қарздор билганлиги боисини тушунтириб, деди:

Чунки мен тугилмай туриб, мен учун
Бахтиёр бир дунё этдинг тугал бахш.

— Фақат Мирзачўлнигина олинг,— дерди домла бу мавзуда гап кетса.— Энди у улуг Ленин башорат қилганидек, улуг Ленин аниқ кўролганидек, улуг Ленин ўйлаганидек янги ва ардоқли жаҳон-ку. Жаҳон учун жаҳон даштлари йўл-йўсин даражасидаги жаҳон! Тўғрироғи ва дангалроғи бу улкан мактаб. Мирзачўл мактабидан сабоқ олгувчи эллар оз дейсизми ҳозир!..

Кейин яна қайси бир асарида ифодаланган, ақида тусини олган гапларни таъкидлайди:

— Ленин шундай сиймоки, одамзод ундан ҳали асрама-аср миннатдор бўлади...

Бирдан шеърларидаги Ленинга бахшида мисралардан айримлари лоп этиб хаёлига кўчади: «Унинг партбилети биринчи сонлик!» Шунинг учун ҳам шоир наздида «Ленин чизмиш йўл яқину йироқ», шунинг учун ҳар бир киши «Энг аввало Ленинга бош эгади». Шунинг учун ҳам шоир таъкидлайди: «Яхшиямки, бу оламда Ильич бор ва барҳаёт...»

У хаёллар исканжасида толиқди шекилли, хонани бир-икки айланди-да, сўнг келган хатлар билан таниша бошлади. Улардан бири Львов областининг Старий шаҳар халқ музейидан экан. Бундан сал аввал ҳам ўша ёқдан хат олганди.

Конвертни авайлаб очди-да, кўз югуртирди. Музей директори В. Баттосский имзоси билан келган мактубда шундай сатрлар бор эди: «Ҳурматли ўртоқ Миртемир! Биз учун қимматли бўлган «Ленин ва Ражаб бобо» китобингизни олдик. Сўровимизни ерда қолдирмабсиз, мингдан-минг ташаккур! Ундаги Ленин ва Ленин замонаси мавзуидаги асарларингиз бизни мамнун этди». Хат сўнггида омад ва соғлиқ тилашибди.

Хат унинг хасталигини ёдига солиб қўйганди. Ҳали ҳеч иш қилмагандай ҳис этди ўзини. «Соғлиқ...— деди домла ўзига-ўзи.— Ҳамишаги соғлиқ-да. Ишлаш керак, ишлаш!..»

У ҳамиша айтгувчи эди:

— Ҳали Ленин мавзуида ўйлаб юрганларим талай. Ҳали ҳеч иш қилмадим ҳисоб. Ўлмасак, кўрамиз...

Сиз озроқ ёзмадингиз, устоз, кам ёзмадингиз! Йўқ! Ленин ва у яратган даврон ҳақида кўп ва хўб ёзиб, кўплар ўрганса арзигулик ижодий мактаб яратдингиз. Ундан кўплар баҳраманд бўляпти. Чунки ўзингиз айтганингиздай:

Бу эл яшар экан, яшайди Ленин,
Ленин яшар экан, эл яшар омон.
Лениндай илгари етаклар элни
Ленин партияси ҳамону ҳамон.

САРҲАДЛАР

Кўл узра чағалайдек юзган қайиқлардаги ошиқларнинг кўланкалари титрайди. Фируза сув тагида олтинранг балиқлар ой шуъласини синдириб ўтишади. Севгилисини кутаётган йигит хиёбонда бетоқат кезади. Чойхонадан учган аския қаҳқаҳаси боғ-роғларга, йўл-йўлкаларга ёйилади-да, атрофга янада файз бағишлайди. Неон чироқлар бири-бирин порлаб, истироҳат боги кундуз рангида товлана бошлайди...

...Ана, бахтиёр она ўғилчаси кулгичларига қўлини теккизиб нималарнидир деди-да, қўлига даст кўтариб эркалатди. Сўнг музқаймоқ томган ёқаларини артди. Қийқириб кулган ўғилчасига яна нимадир деди...

Хиёбон торлик қилаётгандай, нимадир юрагини сиқиб, шоир хўрсинади. Болалигини, қишлогини яна ёдга олди дегунча онаси ёдига тушарди. Шунинг учун ҳам дастлабки қораламаларида она сиймоси гавдаланавергани шундан: «Мен кетдим, Култепа ва қолди онам. Қишлоқ десам, хаёлимдан онам ўтар мунглиг ночор, Умри огу, толеи шўр». Дастлабки сочмаларидаёқ шоир сўзлади: «Эй менинг йиғлайвериб кўз ёшлари қуриган, лекин ноумид бўлмаган онам!» У яна дедики: «Йиғлаки, онасини йиғлатмас бўлсин одам».

У ёзди:

— Кўз ёшимдан не тош эриб бўлди мум.

Боси «ёрилгудай гашга тўлган», ўзи ва ўзгалар қадрига етолмаган, ёмонлик қилмаса тутқаноги тутиб қоладиган баъзи бировлар феълидан тарс ёрилгудек кунлари ҳам бўлди. Шуларни деб онасининг қабрини ҳам тополмай ўтаётибдида...

Домла истироҳат боги манзараларини кузатар экан, онасини, қадрдон қишлогини, болалик йилларини қўмсаб кетди. Юраги орзикди. Хотиротлар силсиласи босиб келаверади-келаверади...

Бирдан унинг ёдига амакисининг ўгли бешга тўлганида берилган тўй ёдига тушади. Тўйхона — карнай-сурнай садо-си. ўтда буруқсиган исириқ ҳиди, қизиқчи ва машшоқлар, кетма-кет сўйилаётган кўй-кўзичоқлар, давра айланаётган бўза, болалар севинчи. Кейин кўпқари суронлари қулоқни батангга келтиради. Бир ёнда чавандозлик авжда. Ҳатто чолу неварга бир-бирини таинмайди. Талотўп. Вадаванг чилдир-

ма. Довруғи достон тўй гашти. Мисралар хаёлдаёқ сайқал топаверади-топаверади...

...Она ҳақида ўйладими, бас, юрагида минг армон ва ўкси-ниш билан, қалби тўла дарду алам билан қўлга қалам олади: «Бобошвоқ болалиги, она қадрига етиб-етмай ўтказган кунла-ри» ёдга тушаверади-тушаверади...

Домла беихтиёр ички бир оғриқ билан овоз чиқариб бўз-лайди:

— Сени сўнгсиз йўлга ўзим кузатолмаганим — Тоғдай зил...

Шунинг учун ҳам у ҳамиша шундай дер эди ва ёзганди:

— Йиғлайман онамни қачон эсласам...

Ҳа, домла унсиз ва сўнгсиз изтироб билан йиғларди. Унсиз йиғлаб, унсиз ва улкан истеъдод билан ёзарди. У нимаики ҳақда ёзмасин, мисралари эл корига ярашини кўз олдига кел-тириб ёзди. Шунинг учун ҳам умр бўйи «Сўзим бўлса элнинг кўшиқ ё тиги», деб ўтди.

Домла ижодхонасига етди-да, ўйга толди. «Ҳаётда нимаи-ки бўлса мени ёз! — дейди-я. Қаён қарама ўзини билган шоирга тугал шеър...» Мундай ўйлаб қараса ҳали ёзилмаган режалари талай... Аммо, холисанлилло айтганида, озмунча ёзмади-ёв!.. Бир замонлар фарзанди доғида куйиб адо бўлган оналар; бий моллари кетидан юриб, куйиб кул бўлган жабр-дийдалар; Кегайлида офомини ўғирлаган қаламқош, Нукус-нинг қултум шароли ва дунёнинг пасту баландини ўтган, аччиқ-чучугини татиган саҳройи чоллар суҳбати, эндиги кун-да олим саналган чўпон болалари, тил эмас дил бирлигига таянган, Ленин назари тушган эллар; урушдан сўнг ёр қучо-ғига бахт мисол тўлган сулувлар; тўрт йиллик ҳажрга тоб беролмаган бебурд дилбарлар («Сурат» достони ана шулар ҳақида эди), замон ва келажак, бугунги кунда меҳнат — ҳар бир совет кишисининг зийнатига айлангани... Хуллас, ҳам-ма-ҳамма нарса ҳақида...

Домла ўйлаганларини доимгидай яна ёш ижодкорларга, адабиётимиз келажакига олиб бориб тақайди. Улар қўлга киритаётган муваффақиятларидан қувониб сўзлайди, изла-нишлар самарасидан қувонаётганини айтади.

— Тўғри тушунинг, — дейди домла, — мен уларнинг асар-ларини ўқиганимда, севинтиргувчиларидан суюнаман. Ле-кин ҳали ҳам ўхшатмачилик гирдобидан чиқолмаётганлари ҳам оз эмас... Мен номма-ном айтишни истамайман. Адабиётни севгувчи ва кузатувчиларга бари аён. Фақат ўшанақа осон йўлга, яъни оригиналликка бегона ёшларгина: «Ҳеч ким билмайди» деб ўйлашади шекилли. Шуниси аянчлики, баъзан уч-тўрт китоби нашр этилганларда ҳам шу иллат давом этмоқ-

да. Ёзгани кимнингдир қайтариғи, кимнингдир акси садоси холос. Бу ёмон албатта. Бу фақат китобхон қадрига етмаслик эмас, бу аввало ўзини ерга уриш, ўзининг ғариб ва қалбап қашшоқлигини оламга эълон қилишдир, бу шармисорликдир. Ёш ёзувчи бу мантиқ мағзини чақиб, теран тушуниб олишини жуда-жуда истардим.

— ...Воқеалар само гумбазининг ҳаракатига қараб эмас, одамларнинг интилиши билан рўй беради, дебди Улугбек бува,— дейди домла.— Қаранг, қандай яхши гап. Бу халқимизнинг «Интилганга толе ёр» деган мақолининг нақадар топиб айтилгани-да, бўтам. Эҳ-хе, гапирса гап кўп!..

Бундай кезлар домла бир ривоятни келтиришни хуш кўрарди. Айтганимдай бўлди.

— Эсингиздадир,— деди домла кўтаринки кайфият билан.— Бир киши Ибн Синодан сўрабди:

— Эй табиблар табиби, минг бир дардга даво топяпсиэ. Айтинг-чи, ўлимнинг олдини олса бўладими?

— Бўлади,— дебди аллома.

— Қандай қилиб? Илтимос, ўргатсанги!..

— Ўргатсам, ўргата қолай,— дебди Сино.— Қани, юр.

Шундай деб, у ҳалиги кишини ўз боғига бошлабди. Унга бир туп чинор ва бир туп нок кўчати тутқазибди-да, дебди:

— Чинор ниҳолини вояга етказиб, ўзингга уй соласан. Манови нок ниҳолини ҳосилга киритиб, мени нокхўрликка чақирасан. Кейин умр дорисини берганим бўлсин.

Ҳалиги киши чинор ниҳолини парвариш қилиб уй солишга, нок ниҳолини ҳосилга киритиб, улуг табибни нокхўрликка чакириш учун меҳнат қилаверибди-қилаверибди. Ҳаёт меҳнат завқу шавқи, турмуш лаззати билан ўтаверибди. Ва... юз ёшдан ҳам ошиб кетганини сезмай ҳам қолибди...

— Кўрдингизми, Сино айтган ўша дори — яхши ният ва баракали меҳнат шарофати экан... Ёш ижодкор ҳам ана шу дорини топиш истагига қанчалик эрта уринса, шунчалик яхши демоқчийдим. Мен бу гапларни жиндак адабиёт заҳматкаши, жавобгар ижодкори туйғуси билан айтдим-қўйдим-да... Минг тўққиз юз олтимиш бешинчи йил баҳорида,— дейди домла яна,— ардоқли Шайхзоданинг ўша машҳур «Хиёбон» шеъри дунёга келган эди. Шайхзода бу асарини менга бағишлаганини ҳам биласиз. Шу шеърда бундай мисралар ҳам бор: «Мен Бокуда, Доғистонда, Дарбанд томонда, Москвада, Самарқандда ва Андижонда, Неча ларзон сояларда излар қолдирдим...» Шайхзода чиндан ҳам кўп кезган, қадами етган жойда бирон мақбул из қолдирган шоирлардан бўлди...

Домла бу билан нима демоқчи эканлигини сезиб тураман:

ёш қаламкаш қанча кезса. қанча кўп йўл юрса, ранг-баранг характерларга ошно бўлса, шунчалик дуруст, демоқчи.

— Чунки,— дейди домла,— кўрдингиз, элларнинг ҳам, мавзуларнинг ҳам сарҳадлари жуда кенг ва моҳият жиҳатидан жуда бой. Демоқчиманки, ёш ижодкор қанчалик кўп кезса, фикрлаш доираси ҳам шунча кенгайди, туман-туман қалб сарҳадлари билан ошно бўлади. Қалб сарҳадларини тушуниш эса энди ижодкорнинг ўзига боғлиқ... Бир шеъримдан бир банд ўқиб берай:

Ох, менинг боёқиш юрагим,
Қанча бўлиндинг, қанчага?
Бир кунми, бир ой ё анчага?
Осонми шу зайл юрмагим?
Ўзимга не қолди?

Ижодкор юраги ана шундай фидойиликка, жон фидоликка ургандагина жуда кўп нарсага эришади, демоқчиман. Ўзини аяй билмайдиган қаламкашгина ижод чўққиларини эгаллагувсидир!

БОҚИЙЛИК

Миртемир домланинг халқимиз қалбига нақадар яқин бўлиб қолгани борасида гап кетгудай бўлса, воқеалар ёдга тушаверади... 1987 йилги бир воқеа жуда қизиқ кечган эди.

Янги ўқув йилининг бошланиши — 1 сентябрга уч-тўрт кун қолган эди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасида иш қизғин: қайта қуриш, бир-бирларини тушуниш, ёзувчи бурчи, янги асарлар муҳокамаси, қардош республикалар ва чет эллар билан адабий ҳамкорлик масалалари, Октябрнинг 70 йиллигига тайёргарлик, ёзувчилар юбилейлари... хуллас, иш кўн эди.

Кутилмаганда Андижондан телеграмма келди: «Янги ўқув йилида Бўздаги энг катта мактаблардан бири, 14-ўрта мактабнинг янги қурилган, 810 ўринли замонавий биносини очмоқчимиз. Хўжалигимиз меҳнаткашлари бу янги билим даргоҳини районимизнинг фахрий аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири, халқимизнинг суюкли фарзандларидан бири Миртемир номи билан аташга қарор қилдилар. Шу муносабат билан Миртемир оила аъзолари, шогирдлари, сеvimли ижодкорлардан иборат ижодий вакиллар юборишларингизни сўраймиз.

Мактаб директори: *Мунаввархон
Аҳмаджонова».*

Бундай бўлиши табиий эди. Негаки, устоз Миртемир Андижон аҳлининг муваффақиятларидан қувонар, машаққатларини эъзозлар, айниқса андижонлик чоллар билан жуда чиқишар эди. Ҳатто умрининг охирида талайгина манаман деган шеърларига улар туртки бўлган эди. Бўз меҳнаткашлари эса Миртемирни ўзларининг фахрий аъзоси қилиб олишган. Ўз оқсоқолларидан бири деб билишарди.

Шундай қилиб, ўша йили устоз Миртемирнинг пойқадами неча бор теккан, бугунги кунда шу районнинг шоирлар хиёбинини, педагогика билим юрти ҳовлисини кўп ижодкорлар қатори Миртемир домланинг ҳам ҳайкал ва бюстлари безаб турган Бўзга йўл олдик. Кетаётиб, йўл-йўлакай бошланаётган куз кўринишларини кузатаман. Ўзбекистоннинг пиру бадавлатлиги, юртнинг омонликдаги тўкин-сочинлигини ўйлайману бирдан Миртемир домланинг ушбу мисраларини эслайман:

Хумор-хумор тонг уфқига ташланг кўз,
Тонг қолгулик тенгсиз карвон келаяпти.
Карвон боши ўша қайсар — битта сўз,
Алп Андижон келаяпти.

Тепадан (самолётдан) воҳага назар ташлайман. Домланинг ўзи «Андижон адирларида» номли шеърда худди мана шу ерларнинг ҳали чорак асрча ўтиб улгурмаган кечаги кунини шундай тасвирлаган эди: «Адир ўмровидан қарайман узоқ, Сойнинг у ёни ҳам, бу ёни адир. Кўкламда кўк яйлов, ёз боши яйдоқ, Бузёқ ҳам ўтламас, ташландиқ, беқадр. Адир ўмровларидан қарайман узоқ. Баланд-паст, ўр-ўйиқ ётар тизилиб, Ётар — қатлам-қатлам бўз, кулранг тўзғоқ, яралишдан бери бағри эзилиб...»

Устоз кейинроқ ёзган шеърларида эса Андижоннинг бугунини аниқ, ёрқин ифодалайди:

Адир ўмровидан қарайман пастга,
Кўринур алп қудрат, уринчоқ деҳқон,
Мен олқиш ўқийман шу бахтпарастга,
Адирда яратмиш яшил бир жаҳон.
...Яшил, янги, ёрқин бир жаҳон кўрдим —
Бу ўша — Андижон адирларида.
Ҳамма ишга қодир, чўнг деҳқон кўрдим —
Бу ўша — Андижон адирларида.

...Алқисса, Бўзга етиб бордик. Кўрдик. Уч қаватли, замонавий мактабга устоз Миртемир номи берилди. Ўша тантанана

ларда домланинг ўгли, ажойиб инсон ва таржимон Миржалол. Миртемирнинг жияни, химия фанлари кандидати Муҳаббат Мирзаева, унинг турмуш ўртоғи, фидойи олимлардан Наим Каримов, ҳамда талай иқтидорли олим ва ижодкорлар иштирок этди-да...

Кейин бу табаррук тантана андижонлик ҳажвчи Тўхташ Ашуровнинг 50 йиллик юбилейига, жойларда билимлар куни шодиёналарига уланиб кетди. Саид Аҳмаднинг ичак узди ҳангомалари, Рустам Раҳмон, Тўлан Низом, Исмоил Тўлак, Турсунбой Адашбоев, Олимжон Холдор, Қамчибек Кешжа, Одил Абдурахмонов каби жуда кўп қаламкашларнинг чиқишлари ёдда қолди.

Бўздаги суҳбатларда эса устоз Миртемирнинг ўзи иштирок этаётгандай, унинг Андижон ҳақидаги шеърларига жўр бўлаётгандай жаранглади.

Мана, ўша суҳбатда бор бўлган қариялар гапидан:

— Биласизми? Куни кечагина мана шу жаннатмакон ерлар тўрт томони қизил қум, қамишзор, ботқоқ, шўр, худо қаргаган ерлар эди, десам, ишонмасиз, албатта.

— Мен-чи, мен. Бўз ўзлаштирила бошлаган йиллар тупроқ суриб, ер текислаётган экскаваторнинг бўғзигача ботиб кетганини ўз кўзим билан кўрганман.

— Қўқон шамоли кўз очиргани қўймасди...

— Қўқон шамоли ҳозир ҳам хуруж қилиб туради-ю, аммо энди унинг ҳукмронлиги барҳам топган-да. Аскарлардек қад кўтарган манови тераклар, дов-дарахт, боғ-роғлар киприклардай ўз қорачиғлари — Бўзни асраб туради.

— Аммо, меҳмон, ёзувчи экансиз, маслаҳатим бор эди: гуллаб-яшнаб бораётган Бўзимизда ҳалиям ўзлаштирилмаган Қаламуштепа деган жойлар бор. Бир кўринг. Олдинги Бўз ҳақида жичча бўлсаям тасаввур оласиз.

— Жа оширвординг-да, — дейди бошқа бир суҳбатдош. — Ахир, ёзувчи дегани сенинг олдинги Бўзингдан ҳам баттарроқ ерларни кўргандир...

Даврадагилар сўзини қониқиб тинглайман. Одамларининг одамохунлигидан, Миртемирдай атоқли шоирнинг неча қуйма шеърларига «хамиртуруш» берган меҳнат кишиларининг соддадиллигидан, меҳри дунёлигидан тўлқинланаман. Янги, замонавий турар жойлар, маданий ва маиший муассасалар, 23 та ўрта мактаб, 3 та ҳунар-техника билим юрти...

Бошқа бир нарсадан кўнглим тоғдай ўсди: Бўзда шоирлар хиёбони ҳам бор. Унда адабиётимиз равнақи йўлида ҳаётини багишлаган буюклар бюстлари гўё суҳбат қуриб турган каби... Шоир устоз Миртемир шогирдларидан бири Тўлан Низом директорлик қилаётган педагогика билим юртида эса Бо-

бур, Горький, Фурқат, Ҳамза, Саида Зуннуова сингари бир қатор буюқларнинг ҳайкал ва бюстлари. Улар орасида Миртемирнинг ўйчан сиймоси...

Бирдан Миртемир домланинг овози эшитилгандай бўлиб кетади:

— Биласизми, бўтам, асалари асал безини тўлдириши учун 1500 дан зиёд йўнғичқа гулга, бир қошиқ асал ҳосил қилиши учун эса 4000 гулга қўниши керак экан... Қаранг, уларнинг шеър ёзиши лозим бўлса, ҳай-ҳай... ҳар мисра устида ҳам шунчалик меҳнат қилармиди-ё!..

Устоз саволига дилда ўзим жавоб топгандай бўламан: «Йўқ, сизнинг ўзингиз ўзбек шеърини кўтариш учун шундай меҳнат қилдингиз, Миртемир домла!..»

Хаёлимни яна суҳбат бўлади. Домла ҳақида бири қўйиб-бири сўзлаётган ширинсухан шоғирдлар гурунғидан кўнглим тоғдай кўтарилади. Улуғликни улуғлик даражасида улуғлаётган домланинг азиз юртдошлари, дўст ва шоғирдлари камолидан кўзим севишч ёнлари билан тўлади. Ҳа, яхшиларнинг, яхшилиқнинг кўп бўлгани қандай яхши!

КУБАДАН МАКТУБ

Тошкентга қайтгач, одатдагидай бир куни Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига юмуш билан борсам, шоир ва драматург Машраб Ғобоев шундай деб қолди:

— Миртемир домланинг ўгли Миржалол сизга ҳеч нима демаган кўринади-я? Анча бўлди, Фидель Кастро илтимоси билан ёзилган ташаккурнома келган. Ўз китоби ҳам. Домла ҳақида ёзаётганларингизга асқотиб қолар...

Миржалол ака хонасига бурилдим. Акаҳонимиз ҳам шу нашриётда ишлайди. Сўрашиб, дарров муддаога ўта қолдим:

-- Фидель Кастродай одамдан хат келса-ю, сиз бўлсангиз...

-- Жиндай нокамтарлик бўлармикин, дегандим-да. Сизга қолса-ку, довруги дoston қилиб юборасиз бирпасда...

«Миржалол ака ҳам бор бўлсин-да! Отасининг ўзгинаси-я!..» У билан ҳар гал учрашганимда шу фикр хаёлимдан ўтади: туриши, бўй-басти, кулиши, бегубор хатти-ҳаракати, миқти ва тантилиги, меҳнаткашлиги Миртемир домланинг ўзи...

Қўярда-қўймай Кубадан келган хат ҳамда китобни олдим. Мактубда қуйидаги сатрлар битилган эди:

«Ҳурматли ўртоқ Миржалол ТУРСУНОВ!

Мен сизга мактубни шахсан Фидель Кастронинг илтимосига биноан йўллайман. У сиз юборган шоир Миртемир ки-

тоблари ҳамда илтифотли мактубингизни олгани учун самий миннатдорлик изҳор этади.

Ўзбек халқининг буюк шоири ўзининг энг яхши иккала шеърӣ асарини йўлбошчимиз Фидель Кастрога бағишлагани ва бизнинг Кубани «ёнаётган Орол» деб таърифлагани Куба халқининг қувонч ва миннатдорлик туйғуларини тошириб юборди.

Дўстлигимиз ва ташаккуримиз рамзи сифатида Сизга Фиделнинг рус тилига таржима қилинган, унинг ўз имзоси билан тақдим этган «Тарих мени ёқлайди» номли китобини юборяман.

Сизга қардошлик саломи билан:

Хоссе М. Мияр Барруэко, Куба республикаси Давлат кенгашининг масъул котиби.

Гавана шаҳри, 25 март, 1988 йил».

Мактубни ўқийману Миртемир домланинг сўзи ёдимга тушади: «Шу Фидель Кастро Рус дегани зап инсон чиқди-да. Ленин йўли жаҳоннинг ҳамма бурчагига борсин, дейдиган арбоблардан! Йўли ойдин бўлсин, ўзи ҳам Ленин йўлидан тойрилмай, жаҳон лол қолгулик жасоратлар кўрсатяпти».

Миртемир домланинг атоқлилиги ҳам шунда эдики, ёзганлари содда, миллий либосга ўранган, айни пайтда умумбашарийлик касб этарди. Айниқса, жаҳондаги эркпарвар элларда бирор янгилик рўй бергудай бўлса, дарҳол қулинг ўргулсин бирор нарса ёзиб берарди. Шунингдек, Фидель Кастро ва Куба ҳақида ҳам кўп ва хўб ёзди.

Фидель Кастрони мамнун этган Миртемир домла шеърларидан бири «Фидель Тошкент денгизида» деб номланади. Унда Фидель Кастро шундай тасвирланади:

Оловли оролнинг оловли ўғли,

Оловли оролнинг ақли ва хуши,

Олови оролдек оловли, чўгли,

Ўртага қушли...

Каттагина бу шеър ҳақида ҳам кенг тўхталиш мумкин. «Ленин ҳузурида икки дақиқа» шеъриси эса бу дарға сиймоси чизила боради ва шеър мақсади англашилади, ойдинлашади: «Оловли оролнинг оловли ўғли Фидель сиймосида бир элни кўрдим».

Бундан бўлак, Миртемир домла Тошкентда таҳсил олаётган кубалик ёшлар ҳақида ҳам «Куба оролидан...» номли шеър ҳам битган эди. Унда ҳам Ленин йўлидан бораётган, жаҳонни лол этган, истиқболи нечоғлик чароғон Куба ўл-

касига хайрихоҳлик туйғулари билан тўлиб-тошди. Не машаққатли билим йўлларида сир очмоққа бел боғлаган кубалик ёшларнинг Тошкентдаги ҳаётини тасвирлади.

Миртемир домла биродар ва эркпарвар эллар ҳақида жуда кўп ва хўб ёзган ижодкорлардан деган эдим. Жаҳон классикларидан, қардош ўлкаларнинг машҳур сиймоларидан, айниқса, Ўрта Осиё адабиётларидан ўз ижодидан ўн баробар кўп ҳажмга тенг келгулик гўзал намуналарни таржима қилди. Шундай қилиб, устоз Миртемир ўзининг бу заҳматли меҳнати билан халқлар орасидаги адабий ҳамкорлик наҳрига, байналминал деб аталмиш халқпарварлик наҳрига олтин кўприк сол олганларнинг бири бўлиб қолди.

Баланд-баланд тоғлар бунча виқорлидир,
Ҳам виқорлик, ҳам баҳорлик, ҳам қорлидир,
Ҳам бодомлик, ўт-ўланлик, олқорлидир,
Чўнг бағрида булоқлари бедорлидир,
Устоз, сизни шу тоғлардек баланд кўрдик,
Сиздан неки мадад кўрсак — бепанд кўрдик.

От чопганда гумбурлар-ку тоғ дараси,
Сиз бўлдингиз шеъриятнинг тоғ даргаси,
Дарга гапми, шеър кўзининг оқ-қораси,
Буколмади замонларнинг дағдагаси,
Собит қадам, собит қадам нор бўлдингиз,
Устозларнинг қаторида бор бўлдингиз.

Теран қалбдан кўчган шеърнинг умри узун,
Замон тўсмас умри фузун сўзининг кўзин.
Кел эй, соқий, шеър базмининг нафасин сун,
Келаётир олам бўлиб меҳр ва шеър —
Тоғ ўмровли миқти устоз, али Миртемир...

УНИНЧИ БУЛИМ СЎНГСИЗ ЙЎЛ



Ижод қилиш ўлимни маҳв этиндир.

ЭЗОП

Ижод дарди — йўл азобидир,
Майли, бўлсин туманлар қуюқ.
Рухим билан йўлда эканман,
Умримнинг ҳам ниҳояси йўқ.

Асқад Мухтор

«ОТАСИГА РАҲМАТ!...»

Тонг бўзариб кела бошлади. Домла кексайганида тунда сал мизгиб олиб, сўнг сахаргача ишлашга одатланган. Бугун ҳам ёзаётганига кўнгилдагидай нуқта қўйди. Аммо, домла ҳар гал ниҳоясига етказганини «қоралама» деб атайди. Кейин уни бир-икки кун оралатиб, сўнг унга неча бор сайқал беради.

Домла дераза ёнига ўтди. Ҳар куни тонгни қузатишни яхши кўради. Айниқса баҳор тонгини. Тонг бўзаради-да,

ёришиб кела бошлайди. Уфқ тиниқлашади — шафақ ёйилади. Домла бундай пайтда гул дудоғидаги жилмайишни ҳам илғаб олгандай бўлади. Елкасига тўнини ташлаб ҳовлисига чиқади. Ўзи эккан, қийғос гуллаб ётган мева дарахтларига қарайди. Гулзор оралаб, кўнгли очилиб, турфа хаёлларга берилади. Ошхонага ўтиб, тонгла куйманаётган умр йўлдоши Ёркиной аяга ниманидир айтиб чиққан бўлади. Бу билан домла муштипарига бўлган чексиз ҳурматини изҳор этади-да чоғи... Мирзаси ўзи билан яшайди. Катта ўғли, ўз йўлини тутиб кетган Миржалол алоҳида туради. Қуни кўп бўлсин, кеча хотини ва бола-чақалари билан келган. Улар тез-тез келиб туришмаса ўзи ҳам нимасинидир йўқотиб қўйгандай бўлади. Бунини қизлари ҳам билади. Шундан, улар ҳам турмуш ўртоқлари, болалари билан соғинтирмай келишиб тургани қандай яхши!..

Ана, Сарвари уйғонибди. Эшикка чиқди-ю, чопиб бориб ўзини буваси қучоғига отди. Миртемир домла уни дунёни ачомлагандай қучиб, пешонасидан ўпди. Миржалолининг ўғли. Ўшанда—у туғилганида, Миржалоли отасига айтиб суюнтирди-да, меҳр билан деди:

— Ўзингиз исм қўйиб берсангиз, дада...

Домла тўлиқиб кетди. Энди ота бўлган ўғли камолидан терисига сигмай қолгандай бўлди, негадир ўзини ҳам улғайиб кетгандай сездим... Ҳаяжонданми, гурурданми, бирпас сукут сақлаб турди-да, деди:

— Сарвар бўла қолсин...

Ўшанда домла кўнглида не эзгу туйғулар кечмадийкин... Улғайиб, униб-ўссин... Ўзидан кўпайсин, не касб сарвари бўлса ҳам одам бўлсин, ҳалол ишу, дўсту душманлари орасида етакчи бўлсин, эл сарвари бўлиб юрсин, дегандир кўнглида. Домла ўзи севган эл фарзандларини кўп тилга оларди, уларнинг фазилату оламий ишларидан сўзлаб гурурланарди. Қим билсин, балки шундай улуглар умри-ю, камолини тиллагандир неварасига. Сарвар Азимовдай ҳалол бўлсин, элим дейдиган бўлсин, дегандир-да ё!.. Ишқилиб, домла Сарвар Азимов хусусида гап кетганда ҳам: «Ҳа... ўзбек шаъни учун кўп буюк иш қилганлардан-да Сарвар, олам танийди уни энди, жаҳоншумул юмушлари мақтагулик, умридан барака топсин, отасига раҳмат!..» деб алқағувчи эди. Улуғ ишлар ҳақида, улуглар ҳақида сўзлаганида, ёшлар камолини кўрганида домла ҳар доим: «Отасига раҳмат!» дейишни жуда хуш кўрарди. Икки оғиз сўзида улугламоқчи бўлган алломасига хос улуг хусусиятлардан бир жиҳатини ифодаларди-қўярди. Мана бир гапи, кейинчалик китобларида чиққан бўлса ҳам айтай, ардоқли Юнус Ражабий ҳақида, бир йиғинда айтганди:

— Эсимда бор. Классик музыка эшитиш қатагон йиллар ҳам бўлди. Эмиш бу сарой музыкаси... Бу билан галамислар халқни ўз мулки, ўз диди, ўз тарихи, ўз гўзаллигидан бездирмоқчи, маҳрум этмоқчи бўлдилар-да. Бездиришга ҳўп уриндилар-ку, бўлмади. Бўлдиролмас эдилар ҳам. Юнусвой ога турткиларга чидаб, кўз нурины, вақтини, билимини аямай, битталаб, зарралаб эсдан чиқаёзган, ботқоқда қолган гавҳар доналарни йигиб, ювиб-тараб илга териб, тагин халқ хазинасига топшира олди. Отасига раҳмат!

...Мана, ҳозир ҳам домла невараси Сарварини суйиб, уйга йўллар экан, кўнглидан не эзгу тилаклар кечмади дейсиз? Негадир Сарвар Олимжоновични эслади. «Қаерда бўлмасин, қай ишда ишлаб турмасин адабиёт тақдири учун ҳам кўп қайгуради-да, умридан барака топсин...» Сўнг унинг сўзини эслади: «Адабиёт — бу — халқ қалби, унинг маънавий қудрати, унинг хотираси, юксак жўшқин руҳининг ифодасидир...»

Миртемир домла одатдагидай гулзор оралаб ижодхонаси томон одимлар экан, огир дард яна исканжага олди. Тўхтади. Юзи бужмайди, огриққа ён бергиси келмади, ўтиб кетди хайрият... Йўқ, оҳиста қайта ҳовли айлана бошлади. Гоҳ тўхтаб, гоҳ юриб, дов-дарахтларга, гулзорга боқди, эндигина уйғониб атрофга файзу ифор таратаётган баҳор висолидан чеҳраси ёришди. Негадир шу пайт ардоқли, буюк классиклардан деб билгани — Рабиндранат Тагор сўзлари кўнглидан кечди: «Ҳаёт ўлимни ҳеч қачон писанд қилмайди: ўлим рўпарасида қаҳқаҳа уради, қўшиқ айтиб, рақсга тушади, теради ва севади. Фақат ўлимнинг ўзини алоҳида ажратиб қарасак, унинг бўм-бўшлигини кўриб, хижолат тортамиз». Арасту-чи, Арасту! Ўлимнинг муқаррарлигини ҳамма билади, аммо яқин бўлмаганлиги туфайли ҳеч ким у ҳақда ўйламайди, дейди. Ажаб... Нега бундай гапларни эслаб қолаяпман ўзи?.. Умр шунча тез ўтиб кетдимикин ё?..

— Шайх, Шайх ҳазратларининг бир рубойисини эслайсизми?— дерди кўпинча шундай пайтларда Миртемир домла. — Мен унинг шу сатрларини мисол келтиришни хуш кўраман. Негаки, ким неча ёшда, қайси касбда бўлмасин, ана шу ўгитга амал қилса, ҳаётда ютқизмайди, қоқилмайди... Қаранг, Шайхзода нима дейди: «Ғайрат: мен тўхтамай жадал юрдим, дер, Меҳнат: экканимни барвақт тердим, дер, Билим: мушкулларни тез емирдим, дер. Уч дўстнинг кучидан ўлка баҳра ер». Қанийди, ўлка шу уч паҳлавоннинг симбату устиворлигидан доим юзи ёруғ бўлсайди!..

Баъзи пайтлар хасталик домла вужудини зирқиратиб,

қийноқ оловига солиб турган кезлари ҳам бориб қолганман, ўсал бўлганман, яна сайқал бермоқчи бўлган шеърини домладан кўнғироқ қилиб билсам ҳам бўларкан, деган истиҳолада ўз-ўзимдан ранжиганман.

Аmmo, домланинг бирон марта хасталиги хуружга олаётганидан, шифокорлар минг урингани билан бу дард «инсоф»га келмаётганидан нолиганини эшитмадим. Аксинча, ўзини бардамроқ кўрсатишга ҳаракат қилар, суҳбатимиз мавзудан чекиниб бўлса ҳам, ҳаёт зийнатига зийнат қўшган улуглардан ганирарди.

Бир куни қаттиқ бетоб бўлиб қолганида бориб, ҳали жуда яхши бўлиб кетасиз, домла, деганга ўхшаш нимадир десам, айтиб қолди:

— Бўтам, биласизми, тўғри сўзим шулким, ўлимдан кўрқмайман. Лекин дилдаги орзу-умидларимнинг лоақал юздан бир бўлагини амалга оширолмасдан ўлиб кетишдан кўрқаман...

Ҳол сўрашни эпломганимдан ўсал бўлиб кетдим. Буни сезган домла у ёқ-бу ёқдан сўзлашган бўлди. Ҳайратда эдим. Шунча кўп ажойиб меҳнат қилган, мактаб яратиб қўйган, оламий-одамий фазилатларини яхшиларга юктириб қўйган кишининг қилган буюк ишларини, ўз-ўзидан қониқмай, ҳали ҳеч нимага улгуролмадим, деб турганлигининг ўзи бир мактаб. Ўйлайман, демак, буюк кишиларнинг оддийлиги, камтарлиги ҳам шу қадар буюк бўлар экан-да...

Домла хасталик азобидан сал фориг бўлди шекилли, ёзув столи устидаги қоғозларни кўрган бўлди.

— Ҳа, айтгандай, «заказ» шеърингиз охириги нуқтасини топгандай бўлди чоғи. Яна бир қарай, сал кутасиз-да. Сиз мана шу китобни варақлаб тура қолинг. Унга чизилган суратлар ҳам мазмунига мос... Биласизми, бўтам, карело-финларнинг «Калевала» деган эпоси бор. Бу ҳам жаҳондаги энг йирик ва қадри бебаҳо эпослардан ҳисобланади. «Калевала»да ҳам эзгу маслаклар: омонлик ва дўстлик, яхшиликка меҳр ва ёвузликка нафрат куйланади. Тили содда, воқеалари аниқ ва тушунарли, одамзоднинг пайдо бўлишидан то унинг ёрқин келажак томон етаклагувчи йўллар калитини тошиб олғунига қадар бўлган даврни куйлаган «Калевала» қаҳрамонлари ҳақиқий ҳаёт руҳи билан йўғрилган оддий одамлар. Улар ҳаёт учун, ҳаётда тўғрилиқ ва ҳалоллик, яратувчанлик ва ҳақиқат тантанаси учун курашадилар, нурафшон истиқболга интиладилар. Бу умуминсоний фазилатлар инсоннинг мисли кўрилмаган меҳнати мўъжизалари, она замин инъоми — сув ва ҳаво, олов ва табиат саховатлари замирида кўринади. Ана шу жиҳати билан ҳам «Калевала» Алексей Максимович Горь-

кийнинг юксак баҳосига сазовор бўлган, билсангиз керак... Аммо, шу асарнинг адиба Александра Любарская томонидан болалар учун айтиб берилгани — эртак тарзига келтирган варианты ҳам бор. Қанийди, лоақал шу нусхаси ўзбек тилига ўтирилгандайди!..

Домланинг бу сўзи дилимга армон бўлиб кўчган эди. Қўлим ва қунтим тегиб, ниҳоят анча йилдан сўнг уни ўзбекчаштирдим, алоҳида китоб ҳолида чиқди. Бу ишни кўнглимга солгани учун ҳам домла руҳи олдида, устознинг ўғитлари олдида минг қарра қарздордирман-ов!..

...Ана, ҳу тонгда Сарварини суюб-ардоқлаб, кейин гулзорида кезиб юрган домла ижодхонасига кирди. Ёркинони келтириб қўйган сутдан симирди. Одатдагидай кафтларини кафтларига оҳиста ишқади, кўнглидан эса: «Хўш...» деган гап кечди. Қораланганларига сайқал беради шекилли...

ҚҰНГИЛ АМРИ

Миртемир домла билан ўтган қисқа, самарали мулоқотлар менга ажиб ва ёддан ўчмас учрашувлар, сабоқли суҳбатлар, тасодиф ва ташвишлар, қувонч ва мўъжизалар тухфа этди.

Бир кун и ёш қаламқашлар даврасида ижодга қандай ёндошиш, муҳаббат ва вафо, садоқат ва инсоф, кишиларнинг бир-бирига меҳри, уларнинг иттифоқлиги, яхшилик ва ёмонлик борасида гап қизиб кетди. Ҳамма домла Миртемир сўзларига илҳақ.

— Ёмонлик ҳақидами, нима дей? — деди домла. — Шу мавзуда ҳар гал савол беришади. Жавоб бергим йўқ доим. Лекин айтсам айта қолай. Аслида одамнинг ҳаммаси яхши. Ёмон хулқлилар бор, холос. Баднафс, бадфеъл, қилғилигини кўрсанг дунёга келганингга нафратланиб кетгулик бандалар борлигидан бирикам дунё дейишади-да. Қирқ киши ҳам бир, қинғир киши ҳам бир, дейди халқимиз. Бир замонлар шундай сўроқларимизга ота-оналаримиз, бобо-момоларимиздан эшитиб қолардик: «Худонинг қора рўйхатига тушган бандалар бор-да, болаларим. Ундайлар дастидан бўғзингга кўз ёшсиз йиғи тиқилса қаёққа борардинг? Болаңдан қайтсин, худодан қайтсин, деган қарғишдан бўлак қандай зўринг борида... Зоринг бор-да, холос, зоринг!..» Мен сизларга айтсам, бўталарим, дунё пайдо бўлибдики, офтоб чиққанда ёношиб, булут қоплаган лаҳзадан қочиб, ўзини панага уриб юрганлар бўлган ҳаммавақт, ҳозир ҳам... Ёмонлик ва ёмон дастидан қабиҳлик, ваҳшийлик, талон-тороғлик, тамағирлик, ўғирлик ва қиргинликлар бўлади. Улуғ Ватан урушини олинг. Тоғлар

ўрнида кўллар, кўллар ўрнида чўллар пайдо бўлди. Неча шахру қишлоқлардан ном-нишон қолмади. Неча-неча жувонлар тул, болалар етим, чолу кампирлар нуридийдаларидан айру тушди. Хайриятки, яхшиларнинг устиворлиги, матонат ва жасоратлиларнинг устиворлиги, эзгу ва музаффар туйғуларнинг музаффарлиги туфайли омон қолдик, устун бўлдик, дунёга кўз-кўз бўлдик, барча гам-андухларга, йўқотишларга барҳам бердик... Аммо, айтай: ижодкорлар ичида ҳам анча йўқотишлар, тилга олса арзимайдиган иллатлар, ғайирлик деган қусурлар бор-да. Биласизларми, узоқни кўра олмайдиган баъзи бир казо-казо ижодкорларга айниқса ичим ачийди. Улар ови бароридан келиб турган кезлари ўзларига ҳомийлар тўплашга, уларга яхшилик қилиб, эвазига бошига ташвиш тушиб, кексайганда улардан мадад келишини кутишади. Аммо, билмайдиларки, худди шундай кун келганда биринчи бўлиб юз ўгирадиганлар ҳам, биринчилардан бўлиб тош отадиганлар ҳам ўша «ҳомий»ларнинг ўзлари бўлиб чиқадилар...

Домла бир нафас жим қолди. Бу мавзуда гапиришни хоҳламагани гапидан, овозидан ҳам билиниб турар, ижод ҳақида саволлар берилган, балки шулар ҳақида яна айтишга чоғланар эди. Кейин чиройи очилди. Бу ҳақда сўзлаганида доимо қувонарди. Ижод сирини билишга, халқи адабиётига улуш қўшишга уринчоқ ёшлар иштиёқидан қувонарди.

— Ижод ҳақида нима дей тагин,— деди домла.— Бошловчи ижоднор бошдан бир хиллик — муқимлик, туриш-турмушида тартиб, саришта-саранжомлик, кўнгли ва ўйлаганида ғайирлигу қораликдан қанчалик йироқ бўлсагина ижодида шунчалик ёруғлик, шунчалик унум, шунчалик халқоналик устун бўлади... Тагин, худди шундай ижодкор шарафини орзу қилган ҳар бир талантли қаламкаш ҳар гал қўлига қалам олганида дунё китобхонини ўйлаб, дунё ўқувчиси олдидаги бурчини ҳаёлига келтириб ёза олишга кўникса, умумбашарий маслакларни деб ҳалол тер тўколса қандай яхши! Кейин,— деди домла, бир хўрсиниб,— киши ҳаётда оқ-қорани таний бошлаганидан то умрининг сўнггигача синовлар рўнарасида яшайди: бебошдоқ болалик суронларида, биринчи бор бирор юмушни мустақил уддалагандан-да, кашшофлик бўйинбоғини таққанида кўча-кўйда, дўстлари даврасида, нурунийлар гурунгларида, муҳаббатнинг телба туйғулари гангитганда, оилада, узоқ-яқин сафарларда, иш жойида, фавқулодда сафарбарлик талаб қилинганда, минбарларда, маросимларда, кексалик гаштини сураётганда... Бу синовли доvonларга ҳар ким

ҳар хил тайёргарлик, ҳар хил йўллар билан юзма-юз келишга ҳаракат қилади, уларнинг аксарияти мардона, чинакам манглай тери тўкиш билан келади. Ҳалол меҳнати, қобилияти билан обрў олиб яшаганга нима етсин! ...Шундай соҳалар борки, бу жабҳаларда жавлон урувчиларнинг ҳар қадами, муваффақияти, камчилиги, қобил-ноқобиллиги ойдин кўриниб туради. Улар ўз атрофидаги, оиласидаги, маҳалла ёки қишлоғидаги кишилар кўз олдидагина эмас, балки ҳар кун, ҳар дақиқа бутун бир халқ синовларида бўлади: ижод ё спорт соҳасини олайлик. Бу соҳаларда ўз ўрнини топиш учун бел боғлаганлар гирромлик ё нусхабозлик, ё енгилтаклик билан бир поғона ҳам силжишолмайди. Ахир, бу соҳаларнинг кишилари газета ва журналлар, манеж ва китоблар, сахна ва экранлар, эфир ва минбарлар, телеэкран ва стадионлар... орқали кўп миллионли, синчков, юксак дидли кишиларнинг кўз олдида юзма-юз имтиҳондан ўтадилар-да. Саралар сараланиб, мағлублар, ноқобиллар ўз-ўзидан сурилиб қолаверади. Ижодкор буларни яхши билиши керак.

Дарёлар теран ё саёз, ўйноқи ё сокин, умри узоқ ё ўткинчи бўлади. Аммо ҳаммасининг эзгулиги битта: довдарахтга, экин-тикинга, жонзотга ҳаёт элтиш. Шарқираб оқувчи баъзи дарёлар қишга етмай қуриб ҳам қолади. Шеърлар ҳам ўзининг теран ё саёзлиги, ўйчан ё сохталлиги, ё ўйноқи, ё фалсафийлиги, қуйма ё шунчалиги... билан баҳоланади. Бу ерда ҳам каттами-кичик, ҳаваскорми-бошловчи — ҳаммасининг мақсади битта: ўқувчини қойил қолдирадиган, қалбларда эзгу туйғулар уйғотадиган, кишиларни яратувчанликка, гўзал бўлишга ундайдиган шеърлар ёзиш... Аммо азалий ва фусункор шеърят дунёси фақат баланд савиями, таъсирчан, ўйлантирадиган, равон ва мусиқавий шеърларнигина тан олади. У шоирларни ёшига, маълақаси ёки ҳаваскорлигига қараб ўлтирмайди. Буни ҳаваскорлар, умуман шоирлар қанчалик барвақт вақтида англаб етолсалар шунча яхши.

Миртемир домла суҳбатни ниҳояламоқчи бўлдими ё йиғилганлар вақтини оляпман деб ўйладими, кўп саволларга қисқа ва маъноли жавоб берди. Сўнг деди:

— Яхши шеърларнинг қандай пайдо бўлишини сўраб-сизлар. Кўпчилигингиз шоир шекилли? Чинакам шеър — шеър-да! У ғойибдан тухфа этиладиган илоҳий бир неъмат эмас. У яратувчиси — шоир•томонидан шу заминда — биз билан бирга яшаб, бирга ҳаёл суриб, нимадандир нафратлансак нафратланиб, қувонсак қувониб, энг юксак — зуваласи минг қайта пишитилган меҳнат қайноғида тугилади.

Энг яхши ва жўн шоир шундай. Ҳа, заминда — шундай азоб-уқубатли, ҳузурли ва қувончбахш тўлғоқда пайдо бўлади-да, киши қалбини юлдузлар томон интиллтиради, суйганинг, она тупроғинг ва орзуларингга осмон қадар буюклигида кўксингга жойлаб қўяди. Сигинган не эзгу тушунча, туйгуларинг борки, уларга садоқатинг ва меҳринг-ни ўн чандон орттиради... Энди қўшиқ ҳақида. Қўп гапириб ўтирмай. Ардоқли Михаил Светлов гапини айта қолай: қўшиқ — ҳам она, ҳам сингил, ҳам ёр демакдир. Ана шу уч соҳибжамолсиз эса ёшлик бўстони тасаввур этиб бўлмайди... Хуллас, бўталарим, яхши бўлишни ният қилиб яшасангизлар, яхши ниятни орзу қилиб, ҳар соҳада ҳалол меҳнатга оғайни бўлиб яшасангизлар. Қаранг, Иброҳим Юсуфов яхшилар тилидан айтиб қўйибди: «Тошда унган бир гул кўрсанг йўлларида, Шу доланинг чин уруғи мен бўламан...» Одамларнинг бир-бирига қайишиб, бир-бирини суяб, бир-бирларининг қувончу ташвишларига шерик бўлиб яшаши ҳақида сўз кетса Мирзо Турсунзоданинг бир гапи ҳеч ҳаёлимдан кўтарилмайди: ҳеч қандай куч меҳнат қадар одамларни бирлаштиролмайди!.. Ҳа, шундай! Бу гап ижодга ҳам, ҳар бир соҳа ва ҳар бир касбга ҳам тегишли, унутманг... Бугунча етар. Бир гап айтмай. Ҳаётда ҳеч қачон норози бўлиб, ёмон ёзганингизни тан олмай, тўғрини нотўғри деб, ҳақиқатни инкор қилиб яшашга ўрганманг. Мавлоно Шайх Саъдий: «Инкор кўзи ила қарасанг кишига, Юсуфнинг юзи ҳам кўринур хунук. Муҳаббатла қарасанг девга, Дев ҳам кўринур фариштасифат, тупча-тузук...» дейди. Келинг, пири улуг сиз азиз ижодкорлар, ҳақиқий ижодкор бўлишга бел боғлаганлар бошдан билиши керак, инкор кўзи билан қараб катта адабиётимизга зиён етказиб қўймайлик. Ўта муҳаббат кўзи билан қараб эса ланж, ўртамиёна парсаларни ҳам Юсуфнинг юзидай бенуқсон қилиб тасвирлашга кўникиб қолмайлик. Ўқувчини ранжитиб қўймайлик. Халқ ҳар бир ижодкордан ибрат кутади. Ёмонлик ва тубанликни, яхшилик ва эзгуликни, ёниб курашишни қай даражада баланд беролсак, зукко китобхон ким ва нима қандай эканлигини сизу биздан яхшироқ ажратиб олади.

Мен ҳайрон бўламан. Миртемир домланинг ҳар бир суҳбати, ҳар бир ўғити, ҳар бир хатти-ҳаракатидан катта сабоқ олардик. Мана энди, шунча йиллар ўтиб, қайта қуриш деган замонлар келиб, олдин яхши яшашга кўниколмаганлар бақириб-чақириб, яхши яшаганлар ҳамон яхши яшаб, меҳнати ва ақли билан курашда қатнашиб турган ҳозирги кунда бир нарсага ҳайратим ошди. Миртемир домлага ўхшаганларнинг ёзгани ҳам, ҳаёти ҳам, айтганлари

хам, таржима ва ибратли ўғитлари ҳам, сабоқларининг қиммати, улуғворлиги ҳам минг чандон ошиб кетди. Нега? Мен буни биргина домла ижодида кўрмоқчи бўлдим. Неча қайта ўқиганману, билмадим, яна қайта ўқидим: элу юрт ҳақида ёзганида ҳам, Ленин ва партия ҳақида ёзганида ҳам, пахтакор ва севги ҳақида ёзганида ҳам, она тили ва она тупроқ ҳақида ёзганида ҳам, одамлар ва воқеалар ҳақида ёзганида ҳам — нима ҳақида ёзган бўлмасин, ҳеч бир ҳамду саного, ортиқча уйдирмаларга йўл қўймабди. Фақат ҳамма нарсани оддийлигича, одамнинг машаққатли меҳнати эвазига келаётган ишонарли меҳнатнинг ишонарли ифодаларини, халқ орзуларининг ҳаммавақт, албатта устивор бўлишини айта олган экан.

Демак, бундай кишилар оқу қорани танигандан бошлабоқ қайта қуришга эҳтиёжи қолмай яшар эканлар-да!

Бир нарса ҳаммавақт аён-ку, ҳаётда шундай кишилар бўладики, улар оқу қорани танигандан бошлабоқ ҳеч қандай ҳавойи гапларга бўйин бермай, курашиб яшайверишга уринаверадилар. Шундай кишилар бор бўлгани учун ҳаётда машаққат билан бўлса ҳам ҳаммиша ҳақиқат ўзлигини топаверади. Ахир, шундай кишилар ҳозирги чатнаган кунда илгари сурилаётган гоёларни, ёруғ ниётларни нурлантириб келдилар-ку!..

Ҳозир-чи? Тўғри, қайта қуриш яхши иш бўлди. Кўнгиллардаги армонларнинг ушалгани бўлди. Яхшилик яхшиликка-ю, ёмонлик ёмонликка: замон яна ҳам равшан ошкораликка эш тортадиган даврлар келди. Ҳар ким билганини айтадиган, дилидагини кўпчиликка аён этадиган лаҳзалар тигизлашди. Лекин шубҳа ҳам борки, қайта қуриш, бу — фақат яхшини яхшига-ю, ёмонни ёмонга ажратиш ё билиб-билмай ҳайқаришдан иборат эмас, балки ҳалол манглай тери тўкиш, амалга ошиши керак бўлган жуда кўп муаммолар чигилини ечиш, бугун ва индинлар учун курашиб яшай билиш, токи эрта бир кун бугуннинг ҳам хатолари учун жавоб бериб ўтирмайлик, деган улуғвор ва холис ниётдан иборат эканлиги кўп бор айтиляпти. Шиор ва нутқларда тингланяпти.

Аммо, баъзи ҳолда жуда кўп гаплар гаплигича қолиб, айримлар эса қайта қуришни ниқоб қилиб, билиб-билмаганча ҳайқариб, нарх-наво ошиб, халқимизнинг жуда ажойиб, оламга татирли фазилатларига эътибор камайиб, меҳру оқибатдан асар ҳам қолмай кетаётгани ёмон!

Тўғри, турғунлик йиллари барча соҳамизда турғунлик, йўқ, балки асорати биз учун жуда қимматга тушган кечмиш бўлиб қолди. Лекин, холисанилילו айтганда, ҳамми-

ша диёнатини пок сақлаганлар кўп бўлганлиги аён. Биргина адабиётнинг ўзини олганда Ҳамза Ҳакимзода ва Ҳамид Олимжонимиз, Ойбек ва Ғафур Ғуломимиз, Шайхзода ва Абдулла Қаҳҳоримиз, Мирзакалон Исмоилийимиз, Миркарим Осим ва Саида Зуннуновамиз, Ҳамид Сулаймон ва Тўхтасин Жалоловимиз... Э-ҳе, санайверса номи улуғлар беҳисоб. Айни кунда қайта қуришнинг олдинги сафида туриб ибрат бўлаётган ўнлаб ижодкорлар-чи? Миртемири-миз-чи?!

Ўз элу юртини кўз қорачигидек билган буюк Миртемирнинг мисралари яна ёдга тушади:

Кўлу тоғлик,
Боғу роғлик ўзбек элим.
Момо юрти,
Бобо юрти, Чамбил белим.
Зару гавхар — ялтироқ тош,
Недир олмос
Сен биз учун ҳам нон, ҳам ош,
Мангу мерос.


Шу мангу меросни, она тупроқ ва она тилни, эзгу туйғуларни, муҳаббат ва шеърни — барча муқаддас тушунчаларни асраб, улуғлаб келган устоз Миртемирнинг йиллар ўтгани сайин ўзининг ҳам қадду қадри буюклашиб бораверишига имон келтирдим.

Устоз Миртемирнинг эли ишончини оқлаётган шогирдлари сон-саноқсиз. Уларнинг ҳар бири даврлардан даврларга ўтиб, устоз Миртемирга ўхшаш буюкларга ҳайкал қўйверадилар. Шогирдлардан бири Саъдулла Аҳмад домлани шундай таърифлайди:

Амир Темурдандир муборак исми...
Туғи — юрт туғғени;
Лашкари ҳасрат.
Дунёда жаҳонгир туймаган ҳисни
Миртемир
Бир умр
ёт кўздан асраб,
Кўнглида ўстирди шеър деган Қизни!

УН БИРИНЧИ БУЛИМ

ОЛИС МАНЗИЛ



Ўйламангки, тагин завол излайман,
Йўқ, жаҳон кезаман, висол излайман.

Миртемир

ХУРСИНИҚ

У одатича неварасини суйган бўлди-да, ижодхонасига йўналди. Оиладаги биронтаси ҳам бундай кезларда юрак ютиб домлага гап қотолмас, мушфиқ Ерқиной аягина оҳиста кириб чой қўйиб чиқарди. Бу гал она ўгли Мирзадан чой киритди.

— Ке, Мирзатой...

Ўгли чойнак-пиёлани столга қўйди-да, газета-журналлар, хат-хабарларни отасига узатди.

— Утир-чи, ўғлим. Қани, нима янгиликлар келтирганикин булар?

Хатлардан бири Москвадан, СССР Ёзувчилар уюшмаси

правлениесидан экан. Минг тўққиз юз етмиш еттинчи йилнинг 17 март куни Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси правлениеси қошида қирғиз адабиёти бўйича жамоатчилик Совети тузилибди. Хатда ана шу Советнинг 38 кишидан иборат аъзоларининг ҳамда раис раис, раис ўринбосари, котибининг исму шарифи рўйхати келтирилибди. Улар орасида Миртемир номи ҳам бор эди.

Ота хаёлга берилгани учун, халақит бермай деб, Мирза чиқиб кетди.

Хат баҳона домла ўтмишини эслаганча «Хўш...» дея, бир пайтлар тўплаган материалларини назардан кечира бошлади. «Қилинадиган ишлар бунча кўп бўлмаса?» — хаёлидан кечди домланинг. Ҳа, манави ёзганлари жуда қизиқ. Бу нега керак экан?

«Шарқ юлдузи» журналидан Асқад Мухтор, Ваҳоб Рўзиматов, Шухрат, Жуманиёз Жабборов, Юсуф Шомансурлар имзоси билан йўлланган ҳазил қутловда эса шундай сатрлар бор эди:

Ғайратингиз бўлмас адо ҳали-ҳали
Еш эллигу кўзда зиё ҳали-ҳали,
Гоҳи қизлар боқса қиё ҳали-ҳали,
Дилда жўшар шеъри зебо ҳали-ҳали,
Шўхлигингиз мисли дарё ҳали-ҳали.

Некрасову кекса Манас ошнангиз,
Пайти ахир алп дoston ҳам бошлангиз,
Шеър битишда таржимондай шошмангиз,
Гоҳо журнал қилса имо ҳали-ҳали,

Бўлсаю соя, унга қиров инмасин,
Ёрқинийнинг кўнгли асло синмасин.
Ўтиб етти пушт ҳам сизни тингласин,
Юнга кириб бахтли садо ҳали-ҳали.

Ўшанда, улар хаста дилга далда бермоқчи бўлгандирлар-да...

Автографлар... Асқад Мухтор дастхатини ўқиб, гурурланиб қўйди. Унда ёзилган эди: «Шеърятимизнинг бободеҳқони Миртемир акага!

18.9.62».

Асқад Мухтор.

Мана буниси... Ҳа, бўлди. Шерали Тошматовнинг «Тонг-отар ривояти» асари. Мириқиб ўқиганини эслади. Муаллиф асарини «Очерк» деб қўйганига оғрингани ҳам ёдига туш-

ди. Ҳажми ҳам бир қисса дегулик бу асар унга жуда маъқул бўлудди. Ҳатто Шералининг ўзига қўнгироқ қилиб: «Камтарликнинг ҳам мавриди, меъёри бўлади-да, нима дедингиз. Унча-бунча қаламкашларимиз ҳақиқий бадий асарни ҳам шунчалик ёзмайдилару... Реал қаҳрамонларингизнинг номларини ўзгартириб, бадий асар сифатида ҳам эълон қилсангиз бўларкан. Аммо, ўқувчи раҳматига лойиқ иш қилибсиз, кам бўлманг...» деганга ўхшаш гап ҳам қилудди чоғи...

— Нима бўпти, очерк деган бўлса очеркдир-да... — Домла ўз овозидан ўзи чўчиб, сергак тортиди. Сўнг бу асарни ҳам ўша пайт ўқиганида белгилаб қўйган жойларига кўз югуртира бошлади: «Баттаринлиги билан Холдорбўри деб ном чиқарган қайтмас аскар», «Ойболтани ҳар урганда ўрик гўлалари парча-парча бўлиб кетаверади», «Юз йигирма қуролли дашноқлар мухториятчиларга қарши кураш ниқоби остида кўнинча талончилик билан шуғулланарди», «Ўзини амиралмуслимин деб эълон қилган», «Эшитди-ю, чилим сархонасидай тутоқиб кетди», «Қўғға, янтоқ шохларида булдуруқ», «Юзидаги табассум эриб кетди», «Ўрик, бодомлар эса бошқоронғидай секин куртаклари бўртаяпти...», «Яна денг қовунлар тарсиллаб, бедананинг хониши-чи? Тузоққа илиниб, жувонларнинг кўкрагидай парпиллаб туриши-чи?..»

Домла оҳиста елкасидан сирғалаётган тўнини тўғрилади. Яна варақлашда давом этди. Асардаги: чираниб, қистириғлик, гужур, шоп, бўштоброқ, кўмоч, лўкидон, косиб нусха, понурги осилган ҳожи, чақмоқ телшак, шиқилдоқ, чирсиллама, қонталаш нур, қора совуқ, аззак сувқоғоз, чарс сингари сўзларнинг тагига алоҳида чизиқ тортиб белгилаган экан. «Яхши ёзувчи эди-я, — кўнглидан кечди домланинг. — Ҳар жабҳада ҳозиржавоб, фидойи журналистларнинг олдида эди. «Эрк қуши», «Майна» асарлариям маромига етказилиб ёзилганди. Сўзни чертиб ишлатгувчи эди. Ёш кетди-я!..»

Домла деразадан ҳовлига узоқ тикилиб қолди, ўйга толди. Сўнг ўз китобини олиб, «Хўрсиниқ» шеърини тонди. Ҳар гал шу шеърини ўқиганда ўтган йўли, ўз қиёфасини кўргандай бўлади. Негадир ҳозир шу шеърни ўқигиси келди:

Қўлимдан ҳар нима келади, юртдош,
Ғариблик, юпуслик — барин кўрганман,
Қўш ҳам хайдаганман, ўроқ ўрганман.
Айрилиқда кўздан тўкканман не ёш...

Ғўза ҳам экканман, жувари, кунжут,
Қўлимда рақс этур тешаю ранда,
Йўл ҳам, қўланга ҳам мўл бу Ватанда,
Камчил ҳам бўлганман, тўқ, қувноқ ва бут...
Чувак ҳам тикканман, мол ҳам боққанман,
Қудуқ ҳам қазганман нақ ўн беш қулоч.
Зилол сувларида ювишарди соч,
Не-не қиз сочига лола таққанман.
Тақдиримга ҳеч ҳам ўпка қилмайман,
Қўлимдан келмайди деган пеша кам.
Баъзан кўзларимда томчи-томчи нам...
Ҳануз шеър ёзишни билмайман.

Ҳар галгидай ўта камтарлигингизга бу бир ишорат,
устоз. Сиздан ризо халқингиз ўтнафас, умрбоқий шеърларингиздан
баҳра оляпти, устоз!..

Демак, ўзингиз айтганингиздай, ҳамон:

Армонли йўлчисиз,
Армонли куйчисиз,
Жаҳонга ёруглик сўрайсиз тонгдан...

ОЛТИН ИЗЛАР

Оғриқ гадини келтириб уйқу бермаса ҳам, кўнглига
ҳеч нарса сиғмаса ҳам, одатдагидек қуёш чиқишини
кузатарди домла. Ҳамшира бир неча бор огоҳлантириб
кетди, индамай қўя қолди. Домла борлиқни унутди. Дўр-
монни қўмсади. Бу ижод боғида Ҳамид Олимжон, Ойбек,
Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода ва кўп
қалам эгалари билан кечирган дамлари ёдига тушди. Не-не
асарлари дунёга келмади дейсиз бу ерда. Қанча ижодкор-
ларни учратмади. Алп бахшиларнинг нечаси билан ҳам шу
боғда юзма-юз келган. Соғайдим дегунча, бўш қолдим де-
гунча Дўрмонга йўл оларди.

Боққа киргандан сўнг, сўлим хиёбонда, азим чинорлар
тагида Миртемир домла ёқтирган бир ўриндиқ бўларди.
Шунда ўтириб хаёл суришни хуш кўрарди домла. Ўйлаб
юрганларини шу ерда хаёлан қоралаб оларди. Сўнг хонасига
кириб кетарди-ю, узоқ вақт кўринмасди. Ҳамма биларди --
демак, домла ишлаяпти. Шу вайданми, дўсти Шайхзода
бу ўриндиқни хаёлот маскани деб атаган эди. Ҳозир ўша
ўриндиқ ҳам йўқ. Лозим бўлгандир-да, олиб ташлашибди...

Энди эса боши дарддан чиқмай қолди. Касалхонада
ҳам тинч ўтирармиди, шифокорлар қайта-қайта уқтиришига

қарамай, ҳар тонгда ҳамма ухлаб ётганда ўйлаб юрганларини қоралаб қўяди. Газета-журналларнинг илтимосларини ба-жаришга ҳаракат қилади.

— ...Ҳа, айтгандай, илтимос!..— деб ўйлади устоз.— Радионинг сўрови ҳам кечикиб кетяпти...

Домла доим ана шу «Ватандошлар» редакцияси топшириқларини жон-жон деб бажарар, аламдийда ватандошлар дардига малҳам бўларди.

Зиё сочиб қуёш кўтарилиб келар, устоз ёқтирган баҳор фасли атир таратар, дилни сўнгсиз хаёллар босқини эгаллар эди. Домла айвондан оғир кўчаркан, «Хўш...» дейишини ҳам унутмади. Демак, ишламоқчи: хонасига кирди-да, аввал дафтарларни варақлаб чиқди. «Шеър дейишга ҳам ор қилади, киши. Бандаси умидвор бўлиб йўллабди-да...» — деб ўйлади устоз. Аммо, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмаган домла мактуб ёза бошлади: «Бир туяга юк бўлар-ов бу хил хатлар...» дея кўнглидан кечди устознинг. Гарчи, лозим бўлмаса-да, бу гал ҳам эринмади:

«Ардоқли редакция!

Саломдан кейин гап шуки, мен топшириққа кўра сиз юборган дафтарларни кўриб чиқдим. Иккитасини бошдан-оёқ (бири кичик дафтар, ўзгаси катта дафтар) ўқидим, қолганларини варақлаб (ҳар қаердан-ҳар қаердан), кейин тубандаги хулосага келдим:

А — Ўта ибтидоий машқлар. Биронтаси ҳам ҳали ғазал (шеър) даражасига кўтарилмаган гаплар. Мазмунан ва шаклан гоят қашшоқ, ғариб, қолоқ, пойма-пой. (Мен бу дафтарлар эгасини жиндай бўлсин қоралаш хаёлида эмасман. Қораловчи ҳам эмасман. Бор гап — бор таъсирот шу!)

Б — Бу чизма-чизиқлардан дафтар эгасининг 1911 йилда Қаршида туғилганлиги, совет мактабида таҳсил кўрганлиги, 21—22 ёшларида, не сабабдандир, чегарадан нари ўтганлиги, 43 йилдан бери саргардонлиги ва афсус-надоматларни пайқаб олиш қийин эмас.

В — Бу чизма-чизиқлардан Ватанни ўлиб соғинганлигини, қайтиб келишга бутун борлиги билан шай эканлигини, куйиб кул бўлаётганини ҳам пайқаш қийин эмас. Тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганлигига иқрорлиги ҳам такрор-такрор айтилади.

Г — Дафтарлар қарийб бир-бирининг кўчирмаси, бир-бирининг такроридан иборат араб алифбосининг ҳали ислоҳ этилмаган давридаги савод эгаси эканлиги очиқ-ойдин. Умуман, мутолааси ҳам йўқ, бўлса ҳам чегаралик, тор. Ҳазрати Навоийни ё ўқиган, ё радио тўлқинларида қулогига чалинган бўлиши керак. Бир машқда Навоий қаламига

хос, машхур «Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдим сенга» сатрини «Кўргали хуснингни зору мубтало бўлдим Ватан», деб ўтибди.

Д— Ғазал шаклидан тамом беҳабар, қофия тарзи ҳам, туроқ ҳам аруз қоидаларидан узоқ, бу масалада ҳам чегарадан чиқиб кетган — ҳамма битикларида! Бир сатр фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун ўлчагида бўлса, иккинчиси фоилун, фоилотун, фоилотун, фоилотун бўлиб кетади. Қофияда пала-партишлик, изсизлик деярли ҳамма бандларида ҳукмрон. Демак, ғазал учун зарур мусиқийлик йўқ. Фикр (айтилмоқчи бўлган гап) шу важдан тутуриқсиз, айнима, нуқтаси йўқ.

Е— Бу битикларда Ўзбекистон, Тошкент, коммунизм, партия, Ленин иборалари учраб туради, мадҳияларга ҳам ўхшаб кетади. Лекин Тошкент ва Ўзбекистон ҳақидаги тасаввур ўта туманли, кўпроқ юрт тасвирига, юрт ҳақидаги тушунчага «майхона» аралашиб кетади — ўта хунук, бадҳазм.

Бу ҳол, албатта, дафтар эгасининг ҳозирги Ўзбекистонни ўз кўзи билан кўрмаганлигидан, замондан беҳабарлигидан. (Ёши ўтганлигидан ҳам бўлиши мумкин.)

Ж— Форс тилидаги машқлари ҳам деярли ўзбекчасидан ортиқ эмас, такрорий.

И— Умуман, бу машқларни ўқиганда кўзга чалинадиган мотив — афсус ва пушаймон, соғинч ва ўз қилмишига, ўз хатосига иқроор, тавба ва маънавий юпунлик. Лекин бу дилданми ё фақат валдирашми, худо билади.

К— Мен баъзи саҳифаларни (учидан) қайириб қўйдим. Ўшаларга эътибор беринг. Лекин таҳрир билан ҳам (сидирга таҳрир ҳам кор этмайди) энақасига келиши, ғазал бўлиши қийин.

Менинг маслаҳатим: бу одамга домла Ҳабибий, Собир Абдулло, домла Чархий, тагин Эркин Воҳидов китобларидан юборилса (мумкинми шундоқ!) ёмон бўлмасди. Албатта, араб алифбосида бўлсайди шу девонлар, ўша одамнинг кўзи (агар очилмоқчи бўлса) анча очилиб кетарди.

Менда бошқа маслаҳат йўқ.

Хурмат билан: *МИРТЕМИР*.

20.V.1976. Шифохона».

Сўнг ёзганларини қайта кўриб чиқди. Руҳи тетиклашди. «Армон бўлиб қолмайдиган иш бўлди», деб ўйлади сўнг.

Эрталабки егулик келтирган ҳамшира, ҳеч ким бўлмаса ҳам гапираётган Миртемир хижолат чекмаслиги учун, ўзини орқага олди.

Домла тагин тупроқ ҳақида, ватан ҳақида ўйлаб кетди.
«Ватандан олисда яшаш қандай аянч!

Хатто ўз тилингдан узоқлашиб кетасан. Ўлсанг ўлигинг ҳам бор...» Ҳе... Ҳа, шу тупроқ ҳақида, шу ватан ҳақида қанча шеърлар ёзмади. Туроб Тўланинг эллик йиллигида ҳам бир шеър қораловди. Ўшанда ҳам шу тупроқ мавзу бўлганди. «Тупроқ ҳақида» деб қўювди сарлавҳасини ҳам. Кейин сарлавҳа тагига «Туробжонга» деб қўйганди-да, биринчи варақ сўнгидан тушунтириш ҳам келтирганди: «Туроб — тупроқ дегани». Ҳозир шу шеър мисралари хаёлидан кечди:

Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!
Не-не одам шу тупроқда ётибди беном,
Навоний ҳам шу тупроқда олмоқда ором...

Яна эслади:

Шу тупроқ-ку Эрйигитнинг энг сўнги жойи,
Ленин сағанасидаги қора мрамар ҳам,
Ё айтайлик забаржад, ёқут ҳам, зар ҳам
Шу тупроқдан-да.

Негадир шу шеърнинг мисралари яна ёдга тушаверди,
тушаверди:

Ойбек ўланларида дарё теранлик,
Дарё теранлигу мардлик, эранлик,
Ўктам эранлигу расо мерганлик
Шу тупроқ илҳомидан.
Буюк Британиянинг ўн йиллик божига тенг.
Ва яна ўн салтанат хирожига тенг —
Бобур шоҳ тожидаги ўша гавҳар ҳам,
(Ўгирланган ўша гавҳар-да!)
Аслида тупроқдан.
У ёгини сўрасанг Одам Ато ҳам,
Ўзинг ардоқлагувчи Момо Ҳаво ҳам,
Қайдадир, шу тупроқда.
Даштлардан ўтгансан-ку саратон пайти,
Бу даштлар асрори жаҳондай тубсиз.
Шу тупроқ деб ўн уч аср Қутайба билан
Узлуксиз жанг қилмоқда бизнинг боболар.
Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!
Отим ҳам, ётогим ҳам тупроқ эмасди,
Аммо ким эринмаса янчиб ўтарди,
Ўкчасининг синиқ миҳин санчиб ўтарди.
Бироқ яралишдаги қаттиқлигимдан,

Қилич каби ўша бурро тигимдан —
Соғ қолдим,
Соғ қолдим
Ва асримдан бахтим улушин олдим.
Аслида темир ҳам тупроқдан-да,
Темирдаги шу жўн сир ҳам тупроқдан-да,
Тупроқда ҳикмат кўп, жигаргинам, ҳей!

Ҳа, бир кун келиб, кўз юмгудек бўлсам, мени ҳам шу тупроққа қўйишади. Ўзим ардоқлаган тупроққа сингиб кетаман...

— Йўқ, сиз тупроққа сингиб кетмадингиз, устоз. Шу тупроқдай мангу ардоқли бўлиб қолдингиз! «Юлдуз» деган шеърингизда Ернинг биринчи сунъий йўлдоши парвозига ҳавас қилиб ёздингиз: «Олтин излаб мовий кенгликларда...» Сиз эса шу азиз тупроқда олтин излар қолдирдингиз. У — оловда ёнмайди, сувда чўкмайди, мангу ўчмайди!

БОШДА БЕРГАН КЎНГИЛ

Домла ижодхонасида хаёлга толган, дераза оша ҳовлига тикилиб қолган эди. Ҳавода ёз нафаси эсади. Баланд ишқомлар тагида гулдан-гулга кўниб асалари гўнгиллади...

Хаёлини асаларилар олиб қочди. «Ўзгалар учун ишлаётганини билармикин?... — деб ўйлади устоз. — Билганда бунча ўлиб-тирилмасди. Бошда берган кўнгил-да — гулдан-гулга кўниб бол йиғаверади-йиғаверади. Инсон-чи? Инсон билатуриб бошдан яхшилик қилишга ўргандими — бас! Сўнгги нафасигача шу. Ёмонлик қилдими — гоҳ ўзи билиб, гоҳ ўзи билмай ҳамиша шу касалга мубтало. Кўндоқда теккан, бошдан ўрганган кўнгил... деган гаплар шундан қолган. Халқ бало. Халқ кўрганини айтади!..»

Шу кез минг тўққиз юз йигирма еттинчи йилларда ёзилган «Бахт» сочмаси ёдига тушди: «Меҳнат енгди, меҳнат тугатди — уни. Ўзи учун ишламади-да!..» Бундай фидойи инсонларни яна «темир мускуллар» деб атаган экан.

Устоз ўрнидан туриб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Яна столи ёнига борди, сўнг китобларини варақлай бошлади. Одати шу: ишлагиси келдими, олдин шундай қилади. Бу гал назарига илинган мисралар шу бўлди: «Қуюқ қоронғида ётган бир давр», «Кўнглига тош боғлаган одам», «Муҳтожга ким қўл бергай», «Тепаларни нари силжитган менман», «Бугунги хаёлим эрта бўлар ҳақ», «Табиат-

нинг тили бир зум дудуқ», «Яшин тегса агар — юз йиллик чинорга ларза тушади...», «Бўғзимда асрий бир дод!».

Устоз овоз чиқариб ўқиркан, китобини яна варақлади: ха... Мана қардош дўстларидан Мухтор Авезов вафоти куни «Мухтор оға мотамида» шеърида оҳ урибди: «Йиғла, қозоқ юрти, кўз ёшингни тўк...»

— Бу энди кексайганда берган кўнгил...— деди устоз ўзига-ўзи. Кейин шеърларидаги: «Қузғуннинг севгани фақат вайрона», «Гугуртлик чўпоннинг юраги бургут», «Ёв ёқадан олди, ит-чи, этакдан», «Янтоқнинг ёғи йўқ — душманнинг соғи», «Олтин — ўтда билинар, йигит эса — меҳнатда», «Игна ҳам урушни билсанг яроқ-да...», «Оғажон, оқсам — дарё, тинсам — кўлман», «Меҳнат — ҳаётга зийнат», «Ит қўрққанни талармиш...», «Биров тўйиб сакрайди, Биров — совуқда тўнгиб», «Игна ютган ит каби бетоқат боён» сингари сўзларни кўнглидан ўтказди. «Ўзимни-ўзим қайтариб ўтирмай тагин», деб ўйлади дилида.

Ана энди шоир ёзишга чоғланди, дунёсини унутди. Анча вақт қоралаб ўтиргач, «Хўш...» деб қўйди-да, бир гувраниб олди, шеърнинг сўнгги бандини овоз чиқариб ўқиди:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.
Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Мен учун йиғласин, мен йиглаб бўлдим...

...Етмиш тўртинчи йилнинг баҳори эди. Устоз одатдагидай уйига қайтди-да, асабий ишхонасига кирди. Яна ижодга парвозланмоқчи шекилли. Устоз нимадир қораламоқчи ё хасталиги озор берган кезларда шу аҳволга тушадиган бўлиб қолган эди.

Бу гал ҳам аввал у-бу варақлаган бўлди. Кейин ёнғоқни жуда хўш кўрганидан ушатгич билан чакди. Ва беихтиёр доим ерёнғоқ турадиган ликопчага қўл узатди. Сўнг китобчага яна кўз югуртирди: «Ўзиям миқти, мағзиям тўқ бўлибди», деб ўйлади.

Бир майдон у ёқ-бу ёққа юргач, ўзига-ўзи деди:

— Ёшлиқда қайдайдинг пистаю майиз!..

«Хўш!..» — деди-да, жавондан қўлига илинган бошқа бир китобни олиб варақлай бошлади. Аммо негадир фикри тўзгин эди. Хаёлан шеър қоралар, ҳавода нималарнидир чизиб-ўчираб эди.

Ана ундан кейин ўтириб, қай бир куни қоралаган шеърини эпақага келтира бошлади. Ўзгартишлардан сўнг ном қўйди: «Излаганим». Охири яна қайта ўқиб чиқди: Қир

ошиб, тоғлар ошиб, Неча-неча адашиб, Етдим излаганимга, Йиллар кўзлаганимга. Бу висол, тенгсиз висол, Жилмаяди бахт мисол, Излаганим бариси — Ўша илҳом париси».

Устоз муштипари Ерқинойи киритган кечки таомдан тамадди қилган бўлди. Кейин, анча вақт босиб кела бошлаган тунни кузатиб турди. Ўзини ҳам унутган устоз пичирлади-да, неча бор у ёқ-бу ёққа бориб-келди. Сўнг яна ўтирди. Ёзди. Сарлавҳа қўйди. «Тун». Кейин охирги икки қатор тугалланмаган олдинги бандни биринчи банднинг давомига олиб чиқди, овоз чиқариб ўқиди:

Тун чексиз оламга очади оғуш,
Жимиб куйлагандай қўшиғи на хуш,
Гўёки фусункор алла айтгандай:
«Яхши туш кўринг, — дер, — яхши, ёруғ туш».

Орадан анча вақт ўтиб, ишдан паришон қайтмоқда эдим. «Олдин туғуруқхонага бориш керак...» Мана, неча кундирки, фарзанд кутаман. Тўртинчиси. Икки ўғил, бир қиз... «Ўғилми-қизми, омон бўлишса бас», деб ўйлайман, яна хаёлга бериламан.

Сарғайган барғлар бирин-сирин тўкилар, пойимда хазонлар эриниб шитирлар, тўкин куз фасли охирлаб қолмоқда эди.

Хамшира кўриниши билан ҳовлиқиб сўрадим:

— Тинчликми?

— Тинчликмас-да! Қани, суюнчини чўзинг, ўғил!

Кўрманга қўшиб ўзимни ҳам тутқизгудай қиздан қайта суриштираман:

— Она-бола тинч-омонми?

— Жуда!.. Эртага келинг, кўрасиз.

...Ҳазин куз фасли кўзимга олтиндай инади. Юриб чарчамайман. Хазонлар ҳам аввалгидан ўзгача шитирлаётгандек хиёбон кезаман. Учинчи ўғил...

Кечаси билан исм ахтараман кенжатоимга. Уйқум келмайди. «Учинчи ўғил...» ўйлайман яна. Фикрда сатрлар тугилади... Тонготарда бир тўхтамага келиб, бир оз мизғиб оламан.

Эрталаб Биби Саҳро бувининг, Ерқиной аянинг олдига чошаман.

— Учинчи ўғил!.. — дейман севинчим ичимга сиғмай. — Агар ризолик берсангизлар, номини устозимнинг порлоқ хотираси учун домланинг номи билан атасам?..

Иккови ҳам кўзга ёш олади. Сўнг, оқ фотиҳа тортишиб, дейишади:

— Умри узоқ бўлсин!..

ХОТИМА

Эзгулик дарчасин чертмади бекор,
Сокин кечиб ўтди ўту сувидан.
Умри ўтди оддий, бетинч, камсухан,
Аянч ҳар дахмаза — ортиқча ва ор...

Шундай: оддий бўлди, миқти ва девтарз,
Куйлади ёндириб, ёниб бир овоз —
Дунёни ғубордан бўлсин деб халос,
Жаҳонга ногаҳон тушмасин деб дарз...

Бу зилол уммонда қатра ичалмоқ
Беғараз кўнгиллар армони бўлди,
Чанқоқ йўлчиларнинг дармони бўлди,
Осонмас оддийлик зангини чалмоқ.

Олисларга етди, овози, сози,
Халқининг кўнглидан айтди не деса.
Бир силтаб қайирди не доvon келса,
Беминнат умридан эл-юрти рози.

Сокин ҳайқириқ у, сокин садо у,
Она тупрогини суйган энг буюк.
Ленин даҳосини билган энг буюк,
Мангу ватаним, деб куйган адо у.

Тошкент,
1978—1988 йиллар.

УСТОЗ МИРТЕМИР ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

- 1910 йил
10 июнь — Жанубий Қозогистон областининг Туркистон районидаги Эски Иқон қишлоғида, ўзига тўқ чорвадору деҳқон оиласида тугилди.
- 1917 йил — Миртемир она томондан бобоси бўлмиш Исомиддин домла қўлида, эски мактабда ўқий бошлади.
- 1919 йил — Қишлоқда очилган Нўғай домла (асли исми Асфандиёр) мактабига ўтди.
- 1923 йил — Амакиваччаси Баҳром билан Тошкентга келиб «Алмаи» номидаги меҳнат мактаби (интернат, Бешёғочдаги ҳозирги музика билим юрти) га жойлашди.
- 1924 йил — Янги шаҳардаги «Ўзбек эрлар билим юрти»га ўтди.
- 1925 йил — Билим юртида ўша йили очилган Охунбобоев номидаги пионерлар уюшмасининг фаол аъзоси бўлди. Дарслардан сўнг кушхона хизматчиларига дарс берди, «Еш ленинчи» газетасининг штатсиз бўлим мудирини бўлиб ишлади.
- 1926 йил — «Сўнгги хат» номи илк сочмасини ёзди.
- 1928 йил — Биринчи китоби «Шуълалар қўйнида» (Сочмалар) араб алифбосида босилиб чиқди.
- 1929 йил — Билим юртини тугатди. Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети йўлланмаси билан Самарқандга борди: Педакадемия (ҳозирги СамДУ)да ўқиди, ўзбек халқининг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг шахсий котиби бўлиб ишлади. Машхур рус комсомол шоирларини таржима қила бошлади. «Зафар» номи шеърлар китоби чиқди.
- 1931 йил — «Ҳайнашлар» номи шеърлар китоби чиқди.
- 1932 йил — Онаси Мохирўй Исомиддин домла қизи вафот этди. 15 апрель кун Охунбобоев номидаги Давлат агро-колхозни институтининг пахтачилик бўлимини экстернат тарзида (ўзи мустақил тайёрланиб) тугатди. «Коммуна», «Бонг» номи шеърини китоблари босилди.
- 1934 йил — «Номус» достонини ёзди.
- 1935 йил — Ерқиной ая билан турмуш қурди.
- 1936 йил — Максим Горький вафоти муносабати билан «Айрилиқ» шеърини ёзди. «Пойтахт», «Очлар ўлкасида» шеърини тўпламлари чиқди.
- 1937 йил — «Дялқушо» достони ҳамда «Сув қизи» эртагини ёзди.
- 1938 йил — Тўнғич фарзанди Дорожон тугилди. Ўша йили «Янги ҳаёт» газетасида адабий ходим бўлиб ишлай бошлади. 25 апрелдан Ўзбекистон Давлат филармониясида адабий ходимлик ва таржимонлик фаолияти бошланди. СССР Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт фонди аъзоси бўлди. «Ойсанамнинг тўйида» достонини ёзди. Машхур «Ленин ва Ражаб бобо» (1965 йил тугатган) достони устида иш бошлади.

- 1939 йил — Катта Фаргона канали қурилишига бағишланган «Фаргона» достони, шунингдек, «Қўзи», «Бахшнинг айтганлари» достонлари яратилди. Украин халқининг буюк шоири Тарас Шевченко таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан Шевченко юбилей медали билан мукофотланди.
- 1940 йил — Миртемир СССР Езувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. «Владимир Ильич Ленин» номли сара шеърларидан бири ёзилди.
- 1941 йил — Қизи Юлдузхон туғилди. 18 апрелда болаларни бадий тарбиялаш Марказий уйининг адабиёт секторига инспектор-методист лавозимига ўтди. «Давр қўшиқлари» китоби нашр қилинди. 5 июлдан Ўзбек опера ва балет театрида адабий ходим бўлиб ишлаб бoшлади.
- 1942 йил — Сталинград қаҳрамонларига Ўзбекистон зиёлилари номидан йирик шеърый «Салом хат»и ёзилди. Бу асар алоҳида «Сталинград ҳимоячиларига» номли китобча ҳолида ўзбек ва рус тилларида босилиб, совга ортилган эшелонда жангчиларга юборилди.
- 1944 йил,
август — Ёғли Миржалол туғилди. «Ўч» «Ватан учун» ашулалар тўплами, «Ватан учун» тўпламлари босилиб чиқди.
- 1945 йил,
9 Май — Эрталаб Ўзбекистон радиосидан Миртемирнинг Галабага бағишланган «Қасида»си ўқиб эшиттирилди. Республика ташкил топганлигининг йигирма йиллигида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий Ерлиги билан тақдирланди.
- 1946 йил — «Қорақалпоқ дафтари» номли туркум шеърларини ёзишга киришди. (Бу туркум 1957 йил нихоясига етган.) Улуғ Ватан уруши (1941—1945) давридаги «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланди.
- 1947 йил — «Танланган шеърлар» китоби чиқди. Йўлдош Охунбоев ҳақидаги «Биринчи президент» драматик қиссасини ёзишга киришди.
- 1948 йил
17 декабрь — Ёғли Мирза туғилди. «Танланган асарлар»и босилди. «Дарё бўйида» достони ёзилди. «Ўзбек шеърояти антологияси»нинг нашр этилишида редактор сифатида фаоллик кўрсатди.
- 1951 йил — Бердақнинг «Танланган асарлар»ини ўзбек тилида чиқарди.
- 1952 йил — Гоголь таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг («Дилижон») «Коляска» повестини таржима қилди.
- 1953 йил — Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди» асари таржимасини бошлади.
- 1954 йил
16 ноябрь — Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси лавозимига ўтди. Степан Шчипачевнинг «Павлик Морозов» поэмасини таржима қилиб, нашр эттирди.
- 1956 йил —
3 декабрь — Ўзбекистон ССР Давлат нашриётига редактор бўлиб ишга ўтди. «Сурат» достонини бошлади. «Қирқ қиз» (қирғиз эпоси)ни Уйғун билан ҳамкорликда таржима қилди. Бердақнинг «Танланган асарлар»ини қайта ишлаб, тўлдириб нашр эттирди.
- 1957 йил
2 февраль — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиги билан тақдирланди. Ҷша йили ижодининг шoҳ асар-

- ларидан «Сурат» дostonи ёзиб бўлинди. «Қорақалпоқ дафтари» шеърлар туркуми ниҳоясига етди.
- 1958 йил — «Тапланган асарлар»и чиқди. Тошкентда рус тилида «Шеърлар» тўплами нашр этилди.
- 1959 йил
- 19 август — Кенжа фарзанди Гулнор тугилди. Уша йилнинг 18 мартида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонида биноан «Хурмат белгиси» ордени билан тақдирланди. Машҳур «Қорақалпоқ дафтари» туркуми қорақалпоқ тилида босилди.
- 1960 йил
- 2 декабрь — Эллик ёшга тўлиши муносабати билан шоирга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиги берилди. Москвада «Такое же время» номли китоби чиқди. 9 сентябрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси секретариатининг навбатдаги йиғилишида Миртемир таваллудининг 50 йиллиги юбилейини ўтказиш бўйича комиссия тuzилди.
- 1961 йил — «Шеърлар», «Жилга бўйида» номли китоблари чиқди.
- 1962 йил — Отаси Турсунмухаммад Умрбек ҳожи ўгли вафот этди. Шу йил Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасида қайтадан адабий маслаҳатчи вазифасини бошлади.
- 1964 йил — «Шеърлар» китоби чиқди. Қирғиз эноси «Манас», Ершовнинг «Букри тойчoқ» номли эпик дostonи унинг таржимасида chop этилди.
- 1965 йил — Ўзбекистон ССР Давлат нашриётида катта редактор бўлиб ишлади. «Ленин ва Ражаб бобо» дostonини ниҳоясига етказди.
- 1966 йил — Шота Густавелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари Миртемир ва Шайхзода таржимасида босилиб чиқди.
- 1967 йил — «Ленин ва Ражаб бобо», «Янги шеърлар» номли китоблари чиқди. Йўлдош Охунбобоев ҳақидаги «Биринчи президент» драматик қиссасини ниҳоясига етказди ва «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилди.
- 1968 йил — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига қабул қилинди. «Ленин шунчалар буюкки...» номли энг сара публицистик мақолаларидан бирини ёзди. Ойбек вафоти муносабати билан «Йўқлов» номли марсияси эълон қилинди. Қирғиз тилида «Шеърый гулдаста» номли китоби нашр этилди.
- 1969 йил — Ленин ва Ленин замони ҳақидаги шеърлари жамланган «Ленин жилмайиши», шунингдек, қозoқ тилида «Сахро гули» номли китоби чиқди.
- 1970 йил
- 26 март — «Шавкатли меҳнати учун» медали ҳамда В. И. Ленин тугилган кунининг 100 йиллиги Юбилей медали билан тақдирланди. Уч жилдлик «Асарлар»и китобининг биринчи жилди чиқди.
- 1971 йил
- 17 июнь — «Ўзбекистон ССР Халқ шоири» деган юксак унвонга мушарраф бўлди. Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва тиклашида фаол иштирок этгани учун «Тошкент қурувчисига» нишони билан мукофотланди, кўп ўтмай Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Уч жилдлик «Асарлари»ининг иккинчи жилди ҳамда «Қуш тили» китоби чиқди. И. Котляровскийнинг уч пардали «Наталка» номли музыкали драма-

сини таржима қилиб, китоб ҳолида нашр эттирди.

1972 йил — Уч жилдлик «Асарлар»нинг охириги жилди ҳамда «Қиприқларим» номи китоби чиқди. Корней Чуковскийнинг «Мойдодир» номи шеърлар китобини таржима қилиб, нашр эттирди.

1973 йил — Рус тилида (Тошкентда) «Шеърлар» номи, қирғиз тилида «Гултожи» номи китоблари чиқди.

1974 йил — «Тингла, ҳаёт» (сочмалар, қайдлар, эсдаликлар, тўйхатлар, садолар) китоби, Москвада «Ленин ва Ражаб бобо» (рус тилида) тўплами нашр этилди.

1975 йил

20 сентябрь — Қирғиз элида ўтган Совет адабиёти кунларида Қирғизистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ерлиги билан мукофотланди. Ҷша йили «Изолаганим» номи китоби чоп этилди. Пушкиннинг «Лирика» китоби Миртемир таржимасида нашр қилинди.

1976 йил — Москвада «Библиотека советской поэзии» сериясида «Шеърлар» китоби чиқди.

1977 йил — Ленин ва партия ҳақидаги энг сара шеърларидан иборат «Тоғдай таянчим» китоби чиқди. Насимийнинг коллектив томонидан таржима қилинган «Асарлар» китобига ўғирмалари киритилди.

1978 йил

18 январь — Шоир вафот этди. Ҷзи ҳаётлигида тайёрланган «Едгорлик» китоби, рус тилида (Тошкентда) «За перевалом перевал» тўплами нашрдан чиқди. Бердақнинг «Сайланма» асарлар китоби унинг таржимасида чоп этилди. Лермонтовнинг нашр этилган икки жилддан иборат китобида таржималари қайта нашр қилинди.

1979 йил

9 ноябрь — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига биноан «Тоғдай таянчим», «Едгорлик» китоблари учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Озарбайжон тилида «Улфат» номи китоби нашр этилди.

1980 йил

28 ноябрь — Етмиш йиллиги нишонланди. «Миртемир» номи хужжатли фильм яратилди.

1980—1983—Тўрт томлик «Сайланма» асарлари чоп этилди.

МУНДАРИЖА

Муқаддима

Биринчи бўлим

Қуёшни куйлайман

Суюнчи

Зайнаб момо ўғитлари

Мен — севгувчи эдим

Иқон ҳақида

Яна Иқон ҳақида

Жўра бўза

Биби Сахро бувининг билганлари

Шеър жони ёхуд тўрт дарвиш сабоғи

Иккинчи бўлим

Мен туғилган тупроқ

Машаққатли довоңлар

Одам фаришта эмас

Едгорлик

Учинчи бўлим

«Сулув шеърятнинг туғин кўтариб...»

Юракка ўт тушса

Шукрона

Олтин белбоғ

Тўртинчи бўлим

Киприklar

Фидойи

Ишонч

Йўқлов

Киприklarдай нечоғлик азия

Бешинчи бўлим

Муҳаббат!.. Мен ёнаман шекиллик

Исбот нораво ҳақиқат

Онадай ошиқ йўқ она-Ватанга

Ҳарорат

Жанггоҳли жабҳалар

Бир парча қуёш

Муҳаббат

Олтинчи бўлим

Кўёшли садо	110
Қанийди, ҳамма Ҳамидга ўхшаса	110
Ҳавасларингиз келсин	121
Армон	132

Еттинчи бўлим

Кўнгил олами	136
Туганмас хазина	136
Оҳанрабо	140
Қутлуг даргоҳ	142
Муқаддас зарралар	151
Эътироф	151
Бовурдошлик

Саккизинчи бўлим

Башар кўёши	157
Семурғ	157
Азиздан-азиз	160
Фурур	162

Тўққизинчи бўлим

Дунё суврати	167
Бахшийдалик	167
Сарҳадлар	172
Боқийлик	175
Кубадан мактуб	178

Унинчи бўлим

Сўнгсиз йўл	181
«Отасига раҳмат!..»	181
Кўнгил амри	185

Ун биринчи бўлим

Олис манзил	191
Хўрсиниқ	191
Олтин излар	194
Бошда берган кўнгил	198
Хотима	201
Ҳаёти ва ижодининг муҳим саналари	202

Литературно-художественное издание

Атаяр

Я ПОЯВЛЮСЬ С СОЛНЦЕМ

Эссе

Художник *А. Бобров*

Ташкент, Издательство литературы и искусства
им. Гафура Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадий нашр

Отаёр

ҚУЕШНИ ҚЎРГАЛИ КЕЛДИМ

Эссе

Муҳаррир *Н. Қиличев*

Расмлар муҳаррири *А. Кива*

Техник муҳаррир *Н. Сейдуллоева*

Мусахҳих *Ш. Назарова*

ИБ 4283

Босмақонага берилди 24.01.90. Босишга рухсат этилди 16.01.91. Формати 84×108/32. Босмақона қотили № 2. Янги оддий гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 10,92+0,945 вкл. Шартли кр.-отт. 11,81. Нашр. л. 11,61+0,75 вкл. Тиражи 60000. Заказ № 1328. Ўаҳоси 2с. 20т. Шартнома № 167–89. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Матбуот Давлат комитети. Тошкент полиграфия комбинатида терялиб 1-босмақонада босилди. Тошкент, Зарқайнар кўчаси, 21.